

323

Т 83

ГУЛЬМИРА ТУЛЕНОВА

**ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА
МИЛЛИЙ МАНФААТЛАР ВА
МИЛЛИЙ МУНОСАБАТЛАР
ДИАЛЕКТИКАСИ**



**ЎЗБЕКИСТОН АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВА
КОММУНИКАЦИЯЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ
ВАЗИРЛИГИ**

**МУҲАММАД АЛ-ХОРАЗМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ
АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ**

ГУЛЬМИРА ТУЛЕНОВА

**ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА
МИЛЛИЙ МАНФААТЛАР ВА МИЛЛИЙ МУНОСАБАТЛАР
ДИАЛЕКТИКАСИ**

“ALOQACHI”- 2022

УЎК: 070:355(075.8)

КБК: 699.3

С 21

Туленова Г.Ж.

Янги Ўзбекистонда миллий манфаатлар ва миллий муносабатлар диалектикаси. – Т.: «Muhr-press», 2022. – 256 б.

Мазкур рисолада миллий ва миллатлараро муносабатларнинг моҳияти ва жамиятда тутган ўрни, истиқлол туфайли миллий онгимиз, кадриятлар, маданиятимизнинг тикланиши, ҳозирги кунда миллий муносабатлар соҳасидаги муаммолар, уларни бартараф этиш йўллари, миллатлараро тотувлик, ҳамжиҳатлик, байналмилал тарбиянинг жамият тараққиётидаги аҳамияти сингари долзарб муаммолар ҳақида баён этилади.

Рисола талаба, магистрант, тадқиқотчиларга ҳамда мазкур масалалар билан қизиқувчи кенг жамоатчилик китобхонларига мўлжалланган.

Мухаррир: фалсафа фанлари доктори,
профессор **М.Кахҳорова**

Такризчи: фалсафа фанлари доктори,
профессор **Ж.С.Раматов**

Тошкент Ахборот Технологиялари Университети илмий Кенгашининг 2021 йил 30 ноябрдаги (8-21сон баённома) қарорига асосан нашрга тавсия этилган.

ISBN 978-9943-7616-1-2

© “MUHR-PRESS”, Т., 2022.

© Г.Ж.ТУЛЕНОВА, Т., 2022.

Г.Ж.Туленова. Янги Ўзбекистонда миллий манфаатлар ва миллий муносабатлар диалектикаси. –Т.: «Aloqachi», 2022. – 212 б.

Мазкур рисолада миллий ва миллатлараро муносабатларнинг моҳияти ва жамиятда тутган ўрни, истиқлол туфайли миллий онгимиз, кадриятлар, маданиятимизнинг тикланиши, ҳозирги кунда миллий муносабатлар соҳасидаги муаммолар, уларни бартараф этиш йўллари, миллатлараро тотувлик, ҳамжиҳатлик, байналмилал тарбиянинг жамият тараққиётидаги аҳамияти сингари долзарб муаммолар ҳақида баён этилади.

Рисола талаба, магистрант, тадқиқотчиларга ҳамда мазкур масалалар билан қизиқувчи кенг жамоатчилик китобхонларига мўлжалланган.

Мухаррир: **фалсафа фанлари доктори,
профессор М.Кахҳорова**

Тақризчи: **фалсафа фанлари доктори,
профессор Ж.С.Раматов**

Тошкент Ахборот Технологиялари Университети илмий Кенгашининг 2021 йил 30 ноябрдаги (8-21сон баённома) қарорига асосан нашрга тавсия этилган.

МУҚАДДИМА

Миллий ва миллатлараро муносабатларга таалуқли бўлган масалалар жамиятимиз тараққиётида ҳамма вақт муҳим ўрин эгаллаб келган ва ҳозир ҳам шундай бўлиб қолмоқда. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки, мустақил давлатимизнинг собитқадамлик билан ривожланиши, унинг истиқболи кўп жиҳатдан миллий ва миллатлараро муносабатларнинг уйғунлиги билан бевосита боғлиқдир. Собик Иттифоқ даврида рўй берган қийинчиликлар, бир талай чигалликлар, ўта кескинлашиб кетган зиддиятлар мамлакатимиздаги аҳволни беҳад мураккаблаштирди, халқнинг турмуш даражасини мушкуллаштирди, ошкоралик ва демократияни, иқтисодий ривожланишимизни танг аҳволга солиб қўйди.

Ҳозирги пайтда жамиятимизнинг барча соҳаларида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг тақдири, мамлакатимизнинг келажаги кўп жиҳатдан миллатлараро муносабатлар қандай таркиб топишига, узоқ вақт давомида йиғилиб қолган муаммоларни зудлик ҳал этилишига боғлиқ. “Бизнинг қадимий ва қутлуғ заминимиз, - дейди Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев, - кўп асрлар давомида Буюк ипак йўли чорраҳасида жойлашиб, турли цивилизация ва маданиятлар ўзаро муносабатга киришган, нафақат савдо, балки гуманитар алоқалар амалга оширилган марказ бўлиб келган. Бу ерда ёнма-ён яшаган турли халқлар, маданият ва динлар вакилларининг айнан дўстлик, яхши қўшничилик муносабатлари минтақамизнинг маданий ривожини учун қудратли омил бўлган”.¹

Мустақиллик нафақат сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, маданий-маънавий, балки миллатлараро муносабатларни ҳозирги замон талабига мос ривожлантиришни талаб этади. Мустақиллик, кенг камровли ислоҳотлар, демократия ва ошкораликни ривожлантириш, миллий масалага, миллий тиллар ва маданиятлар, миллий урф-одатлар, миллий кадриятларга, ўтмиш тарихимиз, маданий меросга, диний кадриятларга, хуллас, миллий ва миллатлараро муносабатларга бевосита таалуқли бўлган мураккаб муаммоларни ҳал қилиш учун кенг йўл ва истиқбол очиб берди.

¹ ЎзР Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Ўзбекистон халқига Халқлар дўстлиги куни муносабати билан байрам табриги (30.07.2021)// <https://president.uz/uz/lists/view/>

Мустақиллик шарофати билан миллий масалага янгича ёндашилди, сийқаси чиқиб кетган усуллардан қатъиян воз кечиш кун тартибига қўйилди. Миллий ва миллатлараро муносабатлар масаласи бўйича мавжуд бўлган муаммоларни ҳал қилиш омили – уларни келтириб чиқарган, чигаллашган зиддиятларнинг сабабаларини аниқлаш ва бартараф этиш йўлларини белгилашдан, янгича сиёсий ва фалсафий тафаккур асосида назарий ва амалий жиҳатдан идрок этишдан иборатдир.

Миллий масаланинг мустақиллик талабларига мос ҳолда ишлаб чиқилган, ижобий бойитилган энг муҳим назарий қоида ва хулосаларни ҳаётга қандай татбиқ этилаётганлигини ўрганиш, уларни илмий таҳлил этиш катта сиёсий ва тарбиявий аҳамиятга молик.

Бундай ишлар бугунги кунда ҳам давом этмоқда. Сўнгги йилларда давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири — жамиятда миллатлараро тотувлик ва бағрикенгликни таъминлаш, дўстлик муҳитини ва кўп миллатли катта ягона оила туйғусини мустаҳкамлаш, ёшларни Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат билан қараш руҳида тарбиялаш, хорижий мамлакатлар билан маданий-маърифий алоқаларни кенгайтиришга йўналтирилган кенг миқёсдаги ишлар амалга оширилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев асарларида, нутқларида миллий ва миллатлараро муносабатлар соҳасида мустақиллик йилларида эришилган ютуқларимиз, ечимини кутиб турган муаммолар, вазифалар кенг ва атрофлича кўрсатиб берилган. Шунга асосланиб, мазкур рисолада миллий ва миллатлараро муносабатларнинг моҳияти ва жамиятда тутган ўрни, мустақиллик туфайли миллий онгимиз, қадриятлар, маданиятимизнинг тикланиши, янги Ўзбекистон шароитида миллий муносабатларни янада уйғунлаштириш масалалари, шунингдек, миллатлараро тотувлик, байналмилал тарбиянинг жамият тараққиётидаги аҳамияти аҳамияти сингари долзарб муаммолар ҳақида баён қилинган.

МИЛЛАТ ВА УНИНГ ЖАМИЯТ ЭТНИК ТАРКИБИДАГИ ЎРНИ

Жамият ижтимоий-этник бирликлар таркибида миллат ва оила асосий ўринни эгаллайди. Мавжуд маълумотларга кўра, ҳозирги кунда сайёрамизда иккиюз давлат, уч минга яқин миллат мавжуд. Жаҳондаги давлатлар асосан ики турдан: кўп элатли ва бир элатли давлатлардан таркиб топган. Масалан, Россия Федерациясида юздан ортиқ миллат ва элатлар яшайди. Хитой, Ҳиндистон, АҚШ, Канада, Бразилия ва бошқа давлатларда ҳам турли ижтимоий-этник бирликларнинг вакиллари яшайди. Ер юзида 100 миллиондан ортиқ кишидан ташкил топган миллатлар ҳам, шунингдек, минг ва хатто юз кишидан иборат бўлган қабилалар ва этник гуруҳлар ҳам истиқомат қилади. Мавжуд миллат ва элатларнинг 1600таси Осиё ва Африка мамлакатларида, 250таси эса собиқ социалистик мамлакатларда яшайди. Кўп миллатли давлатлар туркумига Хитой, Ҳиндистон, АҚШ, Канада, Бразилия, Россия ва бошқалар киради. Жаҳондаги энг йирик 27 миллат Ер юзи аҳолисининг қарийб 75 фоизини ташкил қилади.

Ижтимоий тараққиётнинг маҳсули бўлган ижтимоий-этник бирликлар бир-биридан ўзининг турмуш тарзи, тили, тарихи, маданияти, урф-одатлари, иқтисодий ривожланиш даражасига кўра фарқ қилади.

Маълумки, ижтимоий этник бирликларнинг туркумига уруғ, қабила, элат, миллатлар киради. Уруғ-қон-қардошлик замирида бирлашган ижтимоий-этник бирликнинг шакли бўлиб ҳисобланади. У ибтидоий жамоа тузумининг бошланғич даврида вужудга келган. Қабила-ибтидоий жамоа тузумининг сўнги даврида қон-қардош бўлган тил ва ҳудудий жиҳатдан бир-бирига яқин уруғларининг ижтимоий-этник бирлигидир. Элат – жамият тараққиётининг кейинги босқичида тил, маданият, ҳудудий бирлик асосида бир неча қабилалар бирлигида юзага келган ижтимоий-этник шакли ҳисобланади.

Миллат - ижтимоий-этник бирликнинг жамият тараққиётининг юқори босқичларига хос бўлган шакли ҳисобланади. Ҳар бир миллатнинг қиёфаси, унинг катта ва кичиклигидан қатъи назар, энг аввало, ўзининг миллий онг ва психологиясида ифодаланади. Муайян жамиятда истиқомат

қилувчи ҳар бир миллатнинг маънавий қиёфаси ўша жамият моддий, ижтимоий-тарихий шароитларига қараб ўзгариб боради.

Миллатнинг руҳий, маънавий қиёфаси мавжуд ижтимоий онш шаклларида ўз ифодасини топади. Ижтимоий борлиқнинг ўзгариши туфайли ҳар бир миллат кишиларнинг руҳий, маънавий қиёфаси аста-секинлик билан ўзгариб боришга олиб келади. Мана шу ўзгариш жараёнлари тарихий босқичда ҳам прогрессив, ҳам регрессив бўлиши мумкин. Бундай тарзда ижтимоий онш шаклларида ўзгаришлари ўз навбатида кўп миллатли давлатлар негизида турган халқларнинг миллий ўзлиги англаш жараёнига ҳам июбий, ҳам салбий таъсир кўрсатиши муқаррардир.

Миллий психология – ҳар бир миллат вакилининг миллий хис-туйғулари, хатти-ҳаракатлари, руҳий кечинмалари ва феъл-атворлари каби муносабатларни намоён этади. Маълумки, миллий туйғу - бу табиий туйғудир. Айни пайтда миллий туйғу маънавий ҳаётнинг жуда ҳам нозик элементидир. Миллий туйғулар эса, миллий ифтихор, миллий характер, яъни миллий психологиянинг белгиларидан бири, унинг ажралмас қисмидир.

Миллий хис-туйғу миллий ифтихор билан боғлиқдир. У ўз миллатининг тарихини, ҳозирги аҳволи, миллий психологияси ва характерини руҳий тушуниш, эмоционал шаклда мужассамлашишидир. Бироқ, хис-туйғулар, эмоцияларгина миллатларнинг туб манфаатларини бевосита ифода қилмайди. Шунинг учун ҳам, миллий туйғу миллий онгдаг фарқланади. Миллий ифтихор ҳам миллий ўз-ўзининг англашнинг кўринишидир. Миллий ўз-ўзининг англашнинг ривожланиши билан миллий ифтихор, миллий хис-туйғулар намоён бўлади.

Миллий туйғулар эмоциялар сифатида фуқароларнинг туб манфаатларини бевосита ифода қилмайди. Миллий туйғуларнинг миллий ондан фарқи ҳам шундадир. Шунинг учун, миллий туйғуларга асир бўлиб қолиш қанчалик хавfli бўлса, айни замонда уларни эътибордан четда қолдириш ҳам жуда катта хатодир.

Миллий ижтимоий-этник бирликнинг муҳим томонини маданият ташкил этади. Маданият тарихи жамият тарихининг ажралмас бир қисмидир. Маданият тушунчаси инсон фаолияти туфайли яратилган барча моддий ва маънавий бойликлар мажмуасини ифодалаш учун ишлатиладиган атамадир. Маданият тушунчаси ниҳоятда кенг ва кўп қирралидир. У одамзот ақл-идрокининг энг юксак чўққиларигача бўлган нарсаларнинг

ҳаммасини қамраб олади. Барча моддий ва маънавий маданият дурдоналари инсон ақл-мроқи, истеъдоди ва меҳнати маҳсулидир. Ҳар бир ижтимоий тузум тараққиётида маданият ўзига хос белги ва хусусиятларга эга. Кишилиқ жамиятининг ҳар бир тарихий босқичи ўз маданий бойликларини яратади ва шу тариқа бошқасидан фарқланиб туради.

Ҳар бир халқнинг маданий бойлиги, ақл-идроқи ва тафаккури, тарихи унинг тилида, ёзма оғзаки адабиётда ўз ифодасини топади. Тил бирлиги миллатнинг миллат бўлишаклланишида энг муҳим шартларидан биридир. Тил бўлсама эл ҳам, миллат ҳам йўқ бўлади. Тил миллат тириклигининг, унинг яшаб турганлиги ва фаолият кўрсатаётганлигининг асосидир. Тил одамлар ўртасидаги энг муҳим алоқа, мулоқот воситасигина бўлиб қолмай, балки у ёки бу миллий маданиятнинг улкан ютуғи, халқнинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-маънавий ҳаёти, кўп асрлик ривожининг кузгуси ҳамдир. Тил шу тил эгаси бўлган халққа куч-қувват, руҳий баркамоллик беради, унда миллий ифтихорни шакллантиради ва ривожлантиради.

Миллатларнинг шаклланишида моддий омиллар, муштарак иқтисодий ҳаёт кечириши муҳим аҳамият касб этади. Иқтисодий тараққиёт кишиларнинг миллат каби тарихан барқарор бирлигининг вужудга келиши учун асос бўлади. Миллатнинг яна бир хусусияти шундан иборатки, муштарак иқтисодий ҳаёт кечираётган ижтимоий-этник бирликлари ўзаро қариндош-уруғчилик белгилари билан эмас, балки ҳудудий белгилари бўйича ажралиб туради. Яхлит ҳудудда истиқомат қилиш - ишлаб чиқаришнинг ривожланиши, меҳнатнинг тобора тақсимланиб бориши, савдонинг, товар алмашувининг ўсиши натижасидир. Шундай қилиб, миллат – кишиларнинг ягона тилда сўзлашиши, яхлит ҳудудда истиқомат қилиши, муштарак иқтисодий ҳаёт кечириши, умумий маданият ва руҳиятга эга бўлиши асосида тарихан ташкил топган барқарор ижтимоий-этник бирлигидир.

Кишиларнинг миллий бирлигини давлат ёки ирқий бирликлари билан тенглаштириб бўлмайди. Давлатлар бир ирқдан ёки турли ирқлардан ташкил топиши мумкин. Миллатлар эса, юқорида эслатиб ўтилган ижтимоий-этник белгилар билан тавсифланади.

Минтақамизда қадим-қадимлардан истиқомат этиб келаётган, ўзбек, тожик, қозоқ, туркман миллатлар ўзининг бир неча минг

йиллик тарихи, маданияти, ижтимоий-сиёсий, иқтисодий заминларига эга.

Туркистон азал-азалдан илм-фан ва маданиятнинг, адабиат ва санъатнинг энг қадимий марказларидан бири бўлиб келган. Айниқса IX-XV асрларда Туркистон халқлари сафидан Шарқ ва Ғарбда Ўрта аср математика илми ва мактабининг асосчиси Мусо Ал-Хоразмий “Устоди соний”- “Иккинчи муаллим”, ёки Шарқ Аристотели унвонига сазовор бўлган Абу Наср Форобий, тиббиёт илмининг етакчиси, юқори чўққиси “Шайх Ур-Раис” - “Олимлар подшоси” Абу Али Ибн Сино, Шарқнинггина эмас, балки бутун инсониятнинг фахри-ифтихори, қомусий ақл эгаси Абу Райхон Беруний, ўрта аср астрономиясининг ёрқин юлдузлари Ал-Фарғоний, Мирзо Улуғбек, Хадиси шариф ва фикхнинг буюк алломалари имом Исмоил Бухорий, Абу Исо Термизий, Хўжа Аҳмад Яссавий, ўз даври поэзияси ва прозасининг ёрқин юлдузлари ҳисобланган. Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур сингари юзлаб ва минглаб улуғ зотлар ва уламолар киромлар етишиб чиққанлар. Улар жаҳон илм-фани ва маданияти ўз кашфиётлари ва ўлмас илмий асарлари билан ижодий бойитдилар, юқори чўққига кўтардилар, унинг бир неча асрлик тараққиётига самарали таъсир қилдилар.

Бутун маданий оламга таниқли олимлар ва мутафаккирлар Самарқанд, Бухоро, Шахрисабз, Хива сингари давлатлар ва шаҳарлар яратувчилари бўлиши улуғ аجدодларимизнинг ижодиёти ўзининг улуғворлиги ва гўзаллиги билан ҳозиргача ҳаммани лол қолдирмоқда.

Илм-фан ва маданиятнинг онг ривожланган марказларидадан бўлган Туркистонни зўравонлик йўли билан босиб олган чор ҳукумати ерли аҳолини қарамлик ва қуллик, сиёсий қарахтлик ва руҳий қашшоқлик ҳолатида ушлаб туришга интилди.

Миллатни, халқни йўқ қилишнинг таназулига юз тутдириш, махв этишнинг мустамлакачилар манфаатига мос келадиган энг ёвуз ва вахшиёна йўлларидадан бири, уни фикрлашдан, муҳокама юритишдан тўхтатиш миллий тили, тарихи, маданияти, миллий қадриятлари ривожланишига йўл бермаслик. Бунинг учун эса, энг аввало, уни бой ўтмишдан ажратиш, маърифатсиз қолдириш лозим.

Рус зобити, чоризм мустамлакачилик сиёсатини шарқда қон ва қилич билан жорий қилган дахшатли генералларидан бири М.Д.Скобелев “Миллатни йўқ қилиш учун уни қириш шарт эмас,

маданиятини, тилини йўқ қилсанг бас, тез орада одойи тамом бўлади”, - деган эди. Унинг ана ўша кўрсатмаси Туркистонда қилинган жамики хунрезликлар маданиятимиз ва маънавиятимизга нисбатан амалга оширилган жаҳолат ва ёвузликлар учун асосий қўлланма бўлиб хизмат қилади.

Миллийликни, миллий ўзлигини англаб олишни йўқотиш, унинг илдизига болта уриш ниятида Россиянинг бир қанча вилоятларидан жуда кўплаб деҳқонлар Туркистонга кўчирилиб келтирилиб ўлкамизнинг Ёттисув, Сирдарё, Фарғона вилоятлари шаҳар ва қишлоқларда жойлаштирилди, натижада русларга нисбатан маҳаллий аҳолининг салмоғи камайиб кетди. Давлатни идора этиш чор амалдорларининг қўлида эди.

Шундай қилиб, чоризмнинг Туркистон халқларига нисбатан тутган сиёсати – бу халқлар ўртасидаги ҳар қандай давлат куртакларини йўқ қилиш, уларнинг ижтимоий-иқтисодий, маданий-сиёсий тараққиётини бўғиш, уларга эркинлик бермаслик, миллий қадриятларни ерга уриш ва камситиш, миллий ғурурларни, маънавиятини поймол этиш, кўрқув ва кам тараққий этганлиги, сиёсий жиҳатдан орқадалиги чор мустамлакачилиги сиёсатининг натижасидир.

Подшо ҳукумати кейинчалик Собиқ Иттифоқ империяси қарийб бир ярим аср давомида минтақамиз республикаларига нисбатан сийсий, мафкуравий ва иқтисодий ҳукумронлик қилишга қаратилган сиёсатни амалга ошириб келди.

Маълумки, республикамиз ноёб табиий, иқтисодий бойликларга эга. Сохий заминимизда ер усти ва ер ости бойликларининг деярли ҳаммаси бор, унда жуда улкан ва ноёб, ҳали ижтимоий ишлаб чиқишга жалб этилмаган минерал хом-ашё ресурслари кўп миқдорда тўпланган. Ҳозиргача диёримизда минерал хом-ашёларининг 95 тури борлиги аниқланган. Бу минерал хом-ашёларнинг 700тадан ортиқ қонлари топилган.

Ўзбекистон ўзининг пахтаси, пилласи, чорвачилик маҳсулотлари, қорақўли, мевалари, хундардманчилиги, наққошлик санъати билан бутун дунёга машҳур. Шу қадар катта бойликларга эга бўлган Ўзбекистон давлат мустақиллигига эришганига қадар ўзида мавжуд бўлган бой имкониятларидан фойдаланиш ҳуқуқидан маҳрум эди. Жамики бойликларимиз мустамлакачиларнинг бошига бориб тушаверарди. Ўлкамиз бойликларини очкўзларга марказга ташиб кетиш айниқса Шўро салтанати даврида авж олиб кетди.

Пахтадан ва ундан тайёрланган турли-туман махсулотлардан олинадиган даромадларнинг деярли ҳаммаси марказнинг чунтагига тушди. 1998 йилдаги ҳисоб-китобларга қараганда Ўзбекистондан олиб кетилаётган бир йиллик пахта толасидан 25 миллиард сўм даромад олинган. Бу республикамизга берилган датация пулидан 10 баравар кўп эди.

Республикамизнинг ер ости ва усти бойликлари бошқа республикаларга олиб кетилган. XX асрнинг 80-йилларидаги марказий матбуот саҳифаларида Ўзбекистоннинг “давлатдан қарздорлиги”, “боқиманда” бўлиб қолганлиги, “ўзбек мафияси”, “ўзбеклар иши”, “ўзбеклар порахурлиги”, “пахта иши”, “Бухоро иши” ҳақида ҳақораттомуз атамалар тез-тез пайдо бўлиб турарди. Бундай ноўрин ҳақоратлар, тухматлар, ўта кетган андишасизлик ва беҳаёликлар кечани-кеча, кундузи-кундуз демай меҳнат қилган пахтакорларимиз, қадоқ қўлли ишчи-деҳконларимиз, умуман ўзбек халқининг жамиятига тегмасдан қолмасди.

Сиёсий ва маданий соҳаларида ҳам аҳвол шундай эди. Ўзбекистон гарчи миллий давлат, мустақил республика ҳисобланса-да, амалда мустамлака холида яшарди. Марказий ҳокимият унга ваъда қилган ҳуқуқларни, тенглик, озодлик, мустақиллик бермади. Республикамизнинг иқтисодий, сиёсий, миллий, маданий ҳаётининг барча жабҳаларини бошфариш унинг ихтиёридан четда эди.

Миллий ўзлгимизни англаб олишимизга йўл бермаслик мақсадида мустамлакачилар томонидан олиб борилган зўравонлик сиёсати натижасида миллий ғуруримиз, урф-одатларимиз, инсоний қадриятларимиз ерга урилди. Сохта байналмилалчилик ғоялари остида халқимизнинг ҳақ-ҳуқуқи, эрки, тили, тарихи, маданияти, дини тазйиқ остига олинди, миллийлик ва миллий мансубликка, миллий хис-туйғу ва миллий ғурурга зимдан зарба берила бошланди.

Туркистон истибдодга солинган дастлабки кезлардан бошлаб мустақилликка эришганимизга қадар ўзбек халқининг миллатпарвар зиёлилари, атоқли давлат арбобларини, етук миллий қадриятларни қатағон қилиш – мустамлакачилик тартибларини мустаҳкам сақлаб туришнинг энг махкоруна тарих синовидан ўтган йўлларида бири сифатида фойдаланилди.

Ижтимоий адолатнинг бузилиши 1937-1939 йилларда кучайди. Ўзбекистонда ҳам даҳшатли тус олган умумий қирғин

натижасида халқимизга халол хизмат қилган қанчадан қанча давлат арбоблари, олимлари, маданият ходимлари, зиёлилар адолатсизлик, қонунбузарликнинг қурбони бўлдилар. Қатағончилик сиёсати дахшатли довулдек кўзга кўринган давлат арбоблари Файзуллар Хўжаев, Акмал Икромов, халқимизнинг севимли шоир ва ёзувчилари Абдулла Қодирий, Фитрат, Чўлпон, Усмон Носир, Элбек, Шокир Сулаймонов, Ғудлом Зафарий, Санжар Сиддик, Аъзам Аюб, Муҳаммад Хасан ва бошқаларни бирма-бир супуриб кетди. 1937-1939 йилларнинг ўзидагига Ўзбекистонда 41 минг нафардан кўпроқ киши қамалди. Шулардан 37 минг нафардан кўпроғи судланди, 6 минг 920 киши отиб ташланди. Умуман 1939-1953 йилларда, 61 минг 799 киши қамалди. Шулардан 56 минг 112 киши турли муддатда озодликдан маҳрум қилинди. 7 минг 100 киши эса, отиб ташланди.

Мустақилликка эришганимизга қадар қатағончиликнинг манфур тўлқини тўхтамасдан доимо қалқиб турди. Таъкибу тазйиқлар, ҳамма-ҳаммалар доимий равишда давом этди, етук сиёсий раҳбарларни, жаҳонга номи маълум бўлган илм-фан ва маданият арбобларини бадном қилиш, миллатчилик, маҳаллийчиликда айбланиш, жисмонан йўқ қилиш олдинги даврлардан ҳам дахшатлироқ шаклда олиб борилди. Бунга 1980-1990 йиллардаги “пахта иши” бўйича қатағон қилинганлар яққол мисол бўла олади.

Хуллас, 1991 йилнинг августигача, Ўзбекистон мустақил давлат деб эълон қилингунича қадар, аҳвол шундай эди. Мустақиллик буларнинг ҳаммасига чек қўйди. Мустақиллик туфайли Ўзбекистон Республикасининг янги тарихи бошланди.

Мустақиллик жаҳон тарихий тараққиётига ўзининг қадимий илм-фани, адабиёти, санъати ва маданияти билан ўлкан ҳисса қўшган ўзбек халқи ҳаётида республикамизда истиқомат қилаётган барча халқлар, элатлар, миллатлар тарихий тақдирида рўй берган буюк воқеадир. Бу аслини олганда, қадимий Ўзбекистоннинг янги тарихини – мустамлакачилик азоб-уқубатларидан тоабат қутулиб, озодликка чиқиш, эркин ҳаёт кечиртиш, ўз тақдирини ўзи хал этиш ҳуқуқига эга бўлиш даври бошлаб берди.

Аммо, шуни ҳам тан олиш керакки, буюк давлатчилик шовинизм ва агрессив миллатчилик кайфиятлари ҳар хил шаклда бугунги кунда ҳам намоён бўлмоқда. Ўз давлат мустақиллигига эришган ёш давлатларнинг ўз манфаатларини кўзлаб амалга

ошираётган сиёсатига асабийлик билан хатто алам билан қараш аломатлари хали ҳам учраб турибди.

Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти И.А.Каримов таъкидлаганидек, буюк давлатчилик шовинизми ва агрессив миллатчилик таҳдиди қуйидагиларда намоён бўлмоқда:

1) халқлараро, давлатлараро ва элатлараро қарама-қаршиликни келтириб чиқариш;

2) халқаро ҳуқуқий ва ички давлат суверенитетимизни рўёбга чиқаришга қаршилик кўрсатиш;

3) Ўзбекистоннинг ташқи иқтисодий алоқаларини чегаралашга, уларни тенг ҳуқуқили бўлмаган шароитга солиб қўйишга уриниш;

4) мамлакатимиз аҳолисига ахборот орқали ва мафкуравий йўл билан тазйиқ ўтказиш, жаҳон афкор оммасида Ўзбекистон ҳақида нотўғри тасаввур туғдиришга интилиш;

5) миллатлар ўртасида ўзаро ишончисизликни келтириб чиқариш, миллатлараро муносабатларни кескинлаштириш; б) янги мустамлакачилик ва янги империячилик ёндашувларини зўрлаб қабул қилдириш, ҳамма соҳалардаги ўзаро манфаатли ва тенг ҳуқуқли ҳамкорликни секинлаштириш.

Бугунги кунда Ўзбекистон дунёдаги турли давлатлар орасида мустақил сиёсат юритиб тенглар орасида тенг бўлди. Ҳар бир мустақил мамлакатнинг ўз тарихи, ўз хусусиятлари, ўз ривожланиш йўли борлигини ва келажакда уларнинг ҳар бири жаҳон ҳамжамиятидан ўзига муносиб ўрин эгаллашини тушуниб олиш вақти етди.

Мамлакатимизнинг оддий меҳнаткашларига миллий манманлик мутлақо ётдир. Улар билан миллатни кўкларга кўтаришга ҳам, одамларни миллати ёки диний эътиқодига кўра қарама-қарши қўйилишига ҳам ҳеч қанджай эҳтиёж сезмайдилар. Уларнинг асосий ишлари – ҳалол яшаш ва меҳнат қилиш, атрофдагилар билан чинакам инсоний муносабат ўрнатишдан иборатдир. Оддий инсонлар онгини миллий маҳдудлик, миллий худбинлик каби салбий тушунчалар билан захарлашни, уларни беҳуда безовта қилишни асло оқлаб бўлмайди. Миллатчилик, шовинизм, миллий маҳдудлик, миллий қалондимоғлик шахсни маънавий ва ахлоқий жиҳатдан емирилади, жамиятни иқтисодий ва ижтимоий қашшоқликка олиб келади.

Мустақиллик буларнинг ҳаммасига чек қўйди. Мустақиллик халқларимизнинг озодлик, хуррият, эркинлик шабадасидан тўйиб-

тўйиб нафас олиш, ўзининг хақиқий инсоний бахти ва истиқболини яратиш имкониятини берди.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ШАРОИТИДА МИЛЛИЙ ОНГ ВА МИЛЛИЙ ЎЗЛИКНИ АНГЛАШНИНГ ЯНАДА РИВОЖЛАНИШИ

Инсоннинг бахт-саодати, келажак ҳаётининг яхши ёки ёмон бўлиши давлат мустақиллигини мустаҳкамлаш билан бир қаторда турли миллатлар, элатлар, синфлар, ижтимоий гуруҳлар ўртасидаги ҳамкорлик, ҳамжиҳатлик муносабатларининг такомиллашиши билан ҳам узвий боғлиқдир. Бу, айниқса, кўпмиллатли давлатлар, жумладан, Ўзбекистон Республикаси учун ҳам жуда катта аҳамият касб этади.

Ҳозирги кунда мамлакатимизда юздан зиёд миллатлар ва элатлар яшайди. Ўттизинчи йилларда бизнинг диёримизда олтмишга яқин миллат ва элат вакиллари яшаган бўлса, ҳозир бу кўрсаткич қарийб икки баравар кўтарилган. Бу эса, ўз навбатида, миллий ва миллатлараро муносабатларга оид бўлган барча масалаларни фалсафий жиҳатдан чуқур ва атрофлича илмий таҳлил этишни талаб қилмоқда.

Маълумки, миллат ижтимоий этник бирликнинг мураккаб шакллари жумласига киради. Миллат, асосан кишиларнинг тарихан таркиб топган бирлиги бўлиб, иқтисодий ҳаёт, тил, ҳудуд ва маданиятнинг, миллий ўзлигини англаш ва миллий психологик хусусиятларнинг бирлиги билан ажралиб туради. Ибтидоий жамоа тузумида одамлар миллат ва элатларга эмас, балки уруғ ва қабилаларга бўлиниб яшаганлар ва уларнинг хўжалик ҳаёти қабилла ва уруғ доирасидан чиқа олмаган. Уруғнинг аъзосини бошқа кишилардан ажратиб турадиган асосий белги уларнинг келиб чиқишидаги бирлик, қон-қардошлик эди.

Кишилар бирлигининг уруғ ва қабиллага нисбатан анча йирик, юқори, барқарорроқ шакли бўлган элатлар синфий жамиятлар маҳсули бўлиб, ибтидоий жамоа муносабатларининг емирилиши, жамиятнинг синфларга бўлиниши, давлатнинг пайдо бўлиши билан келиб чиқди. Элатлар ҳам қон-қардошлиги, тили ва маданияти бир хил бўлган бир ҳудудда яшайдиган кишилар жамоасидан ташкил топгандир. Элат – кишилар бирлигининг ўзидан олдинги

шаклларига нисбатан юксакроқ тури бўлса-да, лекин унинг ҳам иқтисодий замини мустаҳкам эмас эди. Феодал маҳдудлик, ўзаро урушлар натижасида мамлакатлар ва халқлар ўртасидаги савдо алоқалари издан чиқар, иқтисодий муносабатларга путур етар, маданий алоқалар, ўзаро борди-келдиларга раҳна солинарди.

Иқтисодий тараққиёт кишиларнинг миллат каби тарихан барқарор бирлигининг вужудга келиши учун асос бўлди. Гарчи ўрта асрларда турли халқлар, элатларда миллатнинг ташкил топиши учун тил ва ҳудудий бирлик каби шарт-шароитлар вужудга келган, маданий бирлик унсурлари бирмунча ривожланган бўлса-да, лекин иқтисодий ҳаёт бирлиги ҳали пайдо бўлган эмас эди. Мамлакатнинг ҳар хил туманлари, вилоятлари, ўлкалари ўртасидаги иқтисодий алоқалар мустаҳкамланмасдан туриб кишиларнинг миллатга уюшуви мумкин эмас.

Тарих сахнасида пайдо бўлган буржуа тузуми феодалларга хос бўлган тарқоқлик ва бикикликка хотима берди, иқтисодий алоқаларни кенгайтди, миллий давлатнинг вужудга келишига сабаб бўлди, майда маҳаллий бозорларни қўшиб, йириклаштириб, ўлкан миллий бозорларга, кейинчалик эса жаҳон бозорига айлантди, улар атрофида аҳолини яшайдиган қилди, ишлаб чиқариш воситаларини марказлаштирди. Шу тариқа зарур бўлган иқтисодий шарт-шароит ва имкониятларни юзага келтирди.

Миллатни кишилар бирлигининг бошқа шаклларидан фарқлайдиган асосий хусусият нимадан иборат? Миллат – кишиларнинг тарихан ташкил топган бирлиги бўлиб, у, хўжалик, тил, ҳудуд, маданиятининг, миллий ўзлигини англаш ва миллий руҳият хусусиятларининг ягоналиги билан ажралиб туради. Тил, ҳудуд, иқтисодий турмуш, маданиятдаги умумийлик, булар миллатнинг энг муҳим белгиларидир.

Шундай қилиб, ишлаб чиқариш усуллариининг ўзгариши натижасида ижтимоий тузумнинг ижтимоий ғоялар, сиёсий ва ҳуқуқий муассасаларнинг оила, турмуш тарзининг, уруғ, қабила ва синфларнинг шаклланиб ва ривожланиб туриши жамиятнинг тараққиёт қонунидир.

Миллатнинг тил, ҳудуд, иқтисодий турмуш ва маданият бирлиги улардан олдин вужудга келган уруғ, қабила ва элатнинг бирлигидан тубдан фарқ қилади. Миллатнинг иқтисодий ва сиёсий бирлашиши, элатларнинг ёзма адабий тили ва оғзаки ижодининг ривожланиши асосида ягона миллий тилнинг пайдо бўлишига олиб

келди. Миллатнинг тарихий тараққиёти ёки хусусиятлари, унинг иқтисодий тузуми, одат ва анъаналари, яшаш муҳити унинг маънавий қиёфасига таъсир этади. У ёки бу миллатга мансуб кишиларнинг ўзига хос миллий хусусияти ва психологияси, миллий тили ва маданияти бўлади. Тил - миллатнинг энг муҳим белгиларидан биридир.

Кишиларнинг миллий бирлигини давлат ёки ирқий бирликлар билан тенглаштириб бўлмайди. Миллатлар бир ирқдан ёки турли ирқлардан ташкил топиши ва, аксинча, миллатлар бир ирққа мансуб бўлиши, баъзи миллатлар турли динга, ёки бир неча миллатлар бир динга эътиқод қилишлари мумкин. Ирқларга бўлиниш – кишиларнинг гавда тузилиши, қиёфаси, ранг рўйи ва бошқа аломатларига қараб бўлинишдир.

Миллатлар эса, юқорида эслаб ўтилган ижтимоий этник белгилар билан характерланади. Шунинг учун бир томондан, ирқий, қабилавий, диний, давлат бирлиги миллатни таърифлашда зарур белги бўлмайди. Иккинчи томондан, миллий белги билан синфий белги ўртасида умумийлик ва фарқлар борлигини эътиборга олишга тўғри келади. Уларнинг ҳар иккаласига хос бўлган умумийлик шундаки, миллатлар ҳам, синфлар ҳам тарихий тараққиётнинг маълум бир босқичида юзага келган, ҳамда ижтимоий-иқтисодий муносабатларга бевосита боғлиқ бўлган ижтимоий ҳодисалардир.

Миллат билан синф ўртасида баъзи фарқлар ҳам мавжуд. “Миллат” тушунчаси ўз мазмунига кўра “синф” тушунчасидан анча кенг. Муайян синфдан ташкил топган миллат йўқ. Ҳар қандай миллат синфлардан иборат бўлади. Миллат ижтимоий тараққиётнинг синфдан кейинги махсулидир. Демак, синфларнинг мавжудлиги ҳақида гапирилиганда, миллатларнинг мавжудлигини, миллатларнинг мавжудлиги ҳақида гапирилганда синфларнинг мавжудлигини тушуниш ярамайди.

Ҳозирги кунда дунёнинг турли мамлакатларида ўзининг турмуш тарзи, тили, тарихи, маданияти, урф-одатлари, ривожланиш даражасига кўра бир-биридан фарқ қиладиган қарийб икки минг ҳар хил халқлар ва миллатлар яшамоқда. Уларнинг қарийб 160 таси Осиё ва Африка мамлакатларида, қарийб 100 таси ривожланган хорижий мамлакатларда, қарийб 250 таси собиқ иттифоқ мамлакатларда яшайди. Мустақил давлатлар сони ҳозирги кунда қарийб 170 тадан ортган. Ер юзиде 100 миллиондан ортиқ кишидан

ташкил топган миллатлар ҳам, шунингдек, минг ва ҳатто юз кишидан иборат бўлган қабилалар ва этник гуруҳлар борлигини ҳам айтмасдан ўтиб бўлмайди. Расмий маълумотига қараганда, собиқ Иттифоқ ҳудудида катта-кичик 150 миллат ва элат яшаган. Ҳар бир миллатнинг қиёфаси унинг катта-кичиклигидан қатъи назар, энг аввало, ўзининг миллий онги ва психологиясида ифодаланади.

Ижтимоий онгнинг барча шакллари, сиёсий мафкура, фалсафий, ҳуқуқий қарашлар, санъат, фан, ахлоқий меъёрлар, шу жумладан, миллий кадр-қиммат меъёрлари ҳам ижтимоий борлик негизида вужудга келиб унинг айрим шакллари ижтимоий воқеликнинг муайян босқичларида нисбий мустақилликка эга бўлган ҳолда олдинги қаторга чиқиб ривож топади ва кишиларруҳий, маънавий ҳаётида чуқур ўрин эгаллайди. Муайян жамиятда истиқомат қилувчи ҳар бир миллатнинг маънавий қиёфаси ўша жамиятнинг моддий, ижтимоий тарихий шароитларига кўра ўзгариб боради. Миллатнинг маънавий қиёфаси мавжуд ижтимоий онг шаклларида ўз ифодасини топади.

Ижтимоий онгнинг прогрессив шакллари ҳар бир миллат кишиларининг руҳий, маънавий қиёфаси аста-секинлик билан ўзгариб боришга олиб келади. Ана шу ўзгариш жараёнлари тарихий босқичда ҳам прогрессив, ҳам регрессив бўлиши мумкин. Бундай тарзда ижтимоий онг шакллариининг ўзгаришлари ўз навбатида кўп миллатли давлатлар негизида турган халқларнинг миллий узлигини англаш жараёнига ҳам ижобий, ҳам салбий таъсир кўрсатиши муқаррардир.

Миллий онг ижтимоий онг шакллари сингари маълум даврларда ўзининг нисбий мустақиллиги туфайли жамият асосини ташкил этувчи моддий ишлаб чиқариш муносабатлар ва маънавий-сиёсий ҳаётининг моҳиятини тубдан ўзгартириб боришга фаол таъсир кўрсатиши мумкин. Бунга мисол тариқасида ҳозирги кунда собиқ Иттифоқдош республикалар ҳудудида амалга оширилаётган ўзгаришлар жараёнини кўрсатиб ўтиш мумкин. Уларнинг ҳаётида рўй бераётган ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва ҳуқуқий ўзгаришлар қанчалик инқирозли тус олмасин, халқ оммаси онгининг, айниқса миллий онгнинг, янгича шаклланиши анчагина ижобий ўтмоқда.

Миллий онг ва унинг шаклланиши, энг аввало, миллат замирида бошланиши табиийдир.¹ Ҳозирда миллий уйғониш, давр тақозосига кўра, тараққиётнинг объектив ижтимоий воқелигига айланмоқда. Чунки кишиларнинг дунёқараши ҳаётий хулосалар, бир-бирларига муносабатлар, ирода ва хоҳишлар, миллий турмуш тарзлари, миллий расм-русумлар, одат ва анъаналар туфайли шаклланади ва ривожланади. Шундай экан, миллий турмуш тарзи ва маданияти ижтимоий воқеликнинг табиий ифодаланиш шаклидир.

Миллий онг ва уни англаш ҳар бир кишидан ўзининг қайси миллатга мансублиги, миллий тарихи, маданияти ва мероси, урф-одатлари, миллий тилининг моҳиятини тўғри, ҳар томонлама чуқур билишни талаб этади.

Миллий онг миллатларнинг ижтимоий ишлаб чиқариш фаолияти, меҳнати, бошқа миллатлар билан мулоқот ва мувоҳассаси жараёнида пайдо бўлади ва миллий тил билан узвий боғлиқдир. Миллий тилда ифода этилган воқеа, ҳодиса ва рақамлар миллий онгида ўз ифодасини топади ва субъектив образлар тариқасида унинг билимига айланади. Шунинг учун миллат шаклланиши жараёнидан бошлаб, ўтмиш аجدодлар ва катта авлодлар яратган тушунчалар оламини она тили орқали ўзлаштириб бориб, ўз онгини қарор топтиради.

Миллий онг алоҳида миллий муҳитда содир бўлади. Унинг шаклланишига тарих тўплаган билимлар, сиёсий ва ҳуқуқий ғоялар, санъат эришган ютуқлар, ахлоқ, дин ва ижтимоий руҳият, умуман, жамият онги таъсир кўрсатади.

Миллий онгнинг тарихидаги ижобий аҳамияти шундан иборатки, у жамият тараққиётида муҳим омил бўлиб хизмат қилади. Миллий онг тарихий тажрибани, олдин ўтган аждодлар ишлаб чиққан билимларни ва тафаккур – мантиқ усулларини ўзига сингдириб олгач, воқеликни ғоявий тарзда ўзлаштиради, вазифаларни ўртага кўяди, келажакдаги фаразий лойихаларини тузади, инсоннинг бутун амалий фаолиятини белгилайди.

¹ Қаранг: Хоназаров Қ. Миллий онг масаласининг назарий муаммолари//Мустақил Ўзбекистон: фалсафа ва ҳуқуқ фанларнинг долзарб муаммолари.-Т.: “Фан”,1996; Онг, миллий онг ва миллий ўз-ўзини англаш//Мустақил Ўзбекистон: Фалсафа фанларининг долзарб муаммолари.-Т.,1998.

Миллийликни тан олиш – миллатга мансублик кишиларнинг ижтимоий-этник барқарорлигини тан олиш демакдир. Миллийликда инсоний ва умуминсоний қадриятлар муайян қиёфа ва шакл касб этган бўлади. Миллийликда миллий мансублик и мавжуд. Миллий бадиий қиёс тушунчаси эмас, балки табиий-тарихий воқеликимиздаги ҳиссий инъикос, идрок, тушунча, ҳукм, хулосаларимиз ифодасидир. Миллий онгимиздаги миллий туйғуларимиз мажмуи миллий тасаввурларимиз, кайфиятимизда оддий онг сифатида ифодаланади. Агар миллий мансублик ва унинг барча томонлари кишилар тасаввурида илмий асосланган бўлса, уни биз миллий ўз-ўзини англаш деб тушунамиз.

Миллий ўзлигини англаш илмий-сиёсий тус олса ва ижтимоий ҳаракат учун қўлланма даражасига кўтарилса, биз уни миллий мафкура деб атаймиз. Шу билан биргаликда, миллий мафкура миллий қадриятлар манфаатларини ҳимоя қилувчи асосий қурол бўлиб намоён бўлади.

Мустақил давлатнинг асосий ишлаб чиқарувчи кучи бўлган халқда етук миллий онг бўлмаса, озодлик, эркинлик ҳақида гап бўлиши мумкин эмас. Агар халқимизнинг миллий онги тўхтовсиз ўсиб бормаса, мустақиллигимизнинг маънавий заминлари мустаҳкамланмайди. Чунки миллий онг мустақилликка йўналтириш беради, халқни яқдил қилади.

Муайян жамиятдаги ҳар бир миллатнинг онги, маънавий қиёфаси ўша жамиятнинг табиий, ижтимоий, тарихий шароитларга қараб ўзгариб боради. Миллатнинг руҳий, маънавий қиёфаси мавжуд ижтимоий онг шаклларида ўз ифодасини топади.

Сиёсий маданияти ўсган, миллий ўзлигини англаган халқ ва миллатнинг ҳаёти мазмунан бойийди, гўзаллашади. Ўз-ўзини, миллий ўзлигини англаш – бу миллий бирликнинг, миллий аҳилликнинг ва миллий тотувликнинг асосларидан биридир.

Миллий ўз-ўзини англаш, миллий онгнинг ривожланишидаги янги юксак даражадир. Миллий онгга эга инсон ҳар қадамда ўзининг бошқа миллатлардан фарқини кўриб-сезиб туради, бошқа миллат тасаввурлари, анъаналари ва бошқа жиҳатларини ҳимоя қилади, ўз миллатига шу йўлда хизмат қилади, бошқа миллатларнинг маълум томонларини қабул қилиб олиб, ўз миллатининг имкониятларини бойитади, уни ривожлантиради.

Миллий ўз-ўзини англашнинг миллий онгдан фарқи шундан иборатки, миллий онг орқали инсон ўзининг бошқа миллатлар

вакилларидан тафовутлаб, ўзини улардан ажрата олса, миллий ўз-ўзини англаш бундай фарқланишни билиш, сезиш, идрок этиш билан чекланмайди, балки шу тафовут ва фарқланишдан янада юқорироқ кўтарилиб, ўз миллатининг жаҳон миллатлари сафидаги ўрнини, ўз миллатининг жаҳон цивилизациясини тараққий эттиришдаги ўтмишдаги ва ҳозирги даврдаги ролини, ўз миллатининг бошқа миллатлар билан қиёсий олганда, қандай имтиёзлар ёки камчиликларга эга эканлигини ва шу муносабат билан ўз миллатини жаҳон илғор миллатлари қаторига кутариш учун нималар қилиш кераклигини билишни англатади.

Халқни миллий жиҳатдан ўз-ўзини англашига эришмасдан туриб, умумий мақсадлар йўлида бирлаштириб, ғоявий-иқтисодий жиҳатдан уюштириб, ҳар қандай мураккаб вазифаларни ҳал қиладиган буюк ижтимоий кучга айлантириб бўлмайди.

Миллий ўз-ўзини англаш миллат шаклланишининг нисбий юқори босқичининг мезонидир. Миллат ўзига хос бўлган урф-одатлар, анъаналар, қадриятларни шакллантириши ва ягона давлат асосида бирлашиши мумкин. Аммо, унинг миллат сифатида ўз-ўзини англаши янада мураккаброқ жараён ҳисобланади. Чунки миллатнинг аксарият кўпчиллигининг ягона моддий ва маънавий бойликларга эгаллиги ҳиссиётининг шаклланиши, ўзининг жузъий манфаатларидан умуммиллий манфаатларини устувор кўя билиш ҳисси жуда секинлик билан намоён бўлади.¹

Ўзини-ўзи англаш – бу халқнинг, миллатнинг ўтмиш, тарихий тараққиёт йўлини, ота-боболарнинг, насл-насабининг, авлоду аجدодларининг ким бўлганлиги ва уларнинг жаҳон илм-фани ва маданияти тараққиетига қўшган буюк ҳиссаларини билиб олишдир. Миллий ўзлигини англаш – унинг жамияти ва Ватанининг порлоқ истиқболлини таъминлаш учун қандай имкониятлар ва қулайликларга эга эканлигини чуқур англаб етиши, улар билан чексиз фахрланиши, мавжуд имкониятларни юзага чиқариш учун ўзини сафарбар этиши демакдир.

Ўзини-ўзи чуқур англаб етган, кўзи очилган, ақли етилган, ғоявий-сиесий жиҳатдан уйғонган ва жипслашаган халқ ва

¹ Бу ҳақда қаранг: Дробужева Л. Социальные проблемы межнациональных отношений в постсоветской России.-М.: Центр общечеловеческих ценностей, 2003; Нации и национализм (под.ред. Б.Андерсон, О.Бауэр и др.).-М.: “Праксис”, 2002; Суверенитет и этническое самосознание.-М.:Наука,1995; Национальное самосознание и национализм в Российской Федерации 90-ых годов.-М.: СПб.,1995

миллатни, ўтмишда бўлганидек, мустамлакачилик усулда ушлаб туриш, тили, маданияти, кадриятларини оёқ ости қилиш, бойликларини талон-тарож қилиш, ҳуқуқларини поймол этиш, давлат мустақиллигидан жудо қилиш мумкин эмас.

Сиёсий, ҳуқуқий, иқтисодий, маънавий нуқтаи назардан, ҳар томонлама етук шахсни шакллантириш бугунги куннинг бош мезонларидан биридир. Чунки, фақат сиёсий маданияти, миллий онги ривожланган, ўзини-ўзи миллий жиҳатдан англаган халқгина мустақилликнинг буюк кучига айланади. Халқнинг куч қудрати унинг сони билан эмас, балки сиёсий етуклиги, миллий онгининг ўсганлиги, ўзини-ўзи англаб етганлиги, миллий уюшганлиги билан белгиланади.

Миллий онг ва ўзлигини англаш у ёки бу миллатга мансублигини ҳис қилиш унинг ўтмишдаги тарихи, маданияти, урф-одат ва анъаналарини ҳар тарафлама чуқур билиш билангина чегараланмайди.¹ Миллий ўз-ўзини англаш миллатнинг ҳозирги аҳволи, унинг олдида ечимини кутиб турган муаммоларни билиш ва уларни ҳал қилишда фаол ҳаракат этишни талаб қилади. Бунинг учун юксак маданият, узоқни кўра билиш ва донолик, ғоявий-маънавий етуклик ва поклик, янгича фикрлаш имкониятларидан жамият тараққиётини жадаллаштириб, аҳолининг фаровон ҳаёт кечириши учун замин яратиш йўлида фойдалана билиш керак.²

Миллий ўз-ўзини англаш – бу этник гуруҳ, элат ва миллат вакилларининг ўзаро муносабатларда ўз ўрни, ижтимоий ҳаётда ўз ҳақ-ҳуқуқи, миллий эрки, маънавий ва сиёсий кадр-қимматига эришиш ҳамда уни амалда таъминлаш жараёнидир. Бундан ташқари, шахс ёки гуруҳнинг ўз миллий кадриятини тиклаши, бойитиш ҳамда ўзга миллатлар орасида тарғиб қилиши ҳам миллий ўз-ўзини англашнинг ўзига хос кўринишидир.

Миллий онгнинг моҳиятини тўғри тушунмаслик оқибатида, баъзи ҳолларда бундай муносабатлар миллатчилик иллатларига мубтало этмоқда. Миллатчилик – ғайриинсоний иллат бўлиб, аввало ўзга миллатларга, қолаверса ўз миллатига ҳам худбинларча қараш фожиасидир. Бу ўз миллатини ва унинг манфаатларини худбинлик заминида мутлоқлаштириш йўлида бошқа

¹ Қаранг: Атамуратов С. Ўзбекистон миллатлараро ҳамжиҳатдик йўлида.-Т.: “Университет”, 1996

² Қаранг: Раҳмонов Р., Ғофуров З. Мустақиллик ва миллий ўзликни англашнинг тикланиши.-Т.: “Ўзбекистон”, 1999

миллатларнинг манфаатлари билан ҳисоблашмайдиган, уларни камситиб, ижтимоий адолатсизликлар туғдирадиган иллатдир.¹

Миллий ғурурни миллатчилик билан айнийлаштириб бўлмайди. Миллий ғурур, аслида, бир миллатга хос бўлган хусусиятларни ҳимоя қилиб, уларнинг келажак ҳаётини юксалтиришга қаратилган табиий интилишдир. Миллатчилик эса, биттагина миллатнинг муддаосини ҳимоя этиб, бошқа миллатларнинг эҳтиёжларини писанд қилмасдан, уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини чегаралаб қўйишга қаратилган ҳаракатдир.

Миллий ғурур миллийруҳни уйғотади. Миллий и уйғонган инсон, ватанпарвар бўлади. Ватанпарварлик туйғусини ўзида мужассамлаштирган инсон жасорат кўрсатишга қодир бўлади. Жасоратли кишиларга аждодлар и мададкор бўлади. Тарихий заминдан озик олган халқда ижтимоий идеаллар туғилади. Бу идеаллар замирида Ватанга бўлган беқиёс меҳр-муҳаббат ётади. Шунинг учун ҳам ўзбек халқининг мутафаккирлари ўзларининг тақдирларини Ватан тақдири билан боғлаганлар, ўзларини ундан ажратган ҳолда қарамаганлар.

Ватан ўтмиши билан фахрланиш ҳисси келажакда буюк давлат қуришга умидворлик туғдиради, ана шу мақсадга эришишга руҳлантиради, унга маънавий куч-қувват бағишлайди. Бу куч-қувват инсонни жасорат қилишга ундайди. Ҳар қандай жасорат эса, ватанпарварлик натижасидир.

Миллий ғурурнинг шакллана бориши ўзини-ўзи англаши орқали намоён бўлар экан, ўзини-ўзи англамаган халқ ўзлигини ҳам биллолмайди. Ўзлигини билиш эса, маънавий-ахлоқий масъулиятининг зарур шартидир. Миллий ғурур, ватанпарварлик туйғуси кишини фаоллаштиради, меҳнат қилишга даъват қилади, лекин бундай фаолиятни қандай йўналтирилиши, унинг қандай маънавий-ахлоқий тамойилларини ўзи учун дастурамал қилиб олганига боғлиқдир. Муайян тамойилларга амал қилиш эса, инсонда юксак ва қатъи масъулиятни ҳам талаб этади. Ватан, халқ олдидаги бурчни англаш ҳам юксак маънавият белгиси ҳисобланади.

Миллий ғурури юксак инсон, ўз элига, миллатига жонкуяр бўлади, унинг муваффақиятларидан ич-ичидан фахрланади,

¹ Юсупов Э., Туленов Ж., Ғофуров З. Миллий масала бўйича фалсафий суҳбатлар.-Т.: “Фан”,1990

кувонади. Миллий ғурур ҳар бир кишида ўз миллатининг моддий, маънавий меросларини ўзлаштириш, урф-одатлари, анъаналари, қадриятларини ва тарихини мукаммал билиш ҳамда уни ўзга миллатларники билан қиёслаш натижасида шаклланади. Бунинг натижасида, унда ўз миллатига меҳр-муҳаббати ошиб боради.

Миллий ғурури мустаҳкам бўлган миллат вакилларининг бирлиги ҳам мустаҳкам бўлади, бундай миллатни қурол кучи билан енгиш мумкин эмас, уни маънавий-маърифий жиҳатдан ҳам енгиб бўлмайди. Унинг ички руҳий қудрати миллат қаддини кўтаришнинг энгилмас салоҳияти сифатида сақланиб қолади ва миллатни ривожлантиришнинг мустаҳкам заминига айланади.

Миллий ғурур миллий ҳис-туйғулар билан чамбарчас боғлиқ. Миллий туйғу инсон учун табиийдир, чунки у ота-оналардан мерос қилиб олинган ва бола ота-онасига, бутун дунёга айтган биринчи сўзида ифодаланади.

Миллий туйғу табиий туйғулардан биридир. Ҳозирги пайтда у миллий, маданий-маънавий ҳаётимизнинг нозик унсурларидан биридир. Миллий туйғулар миллий ифтихор, миллий характернинг, демакки миллий психологиянинг белгиларидан бири, унинг муайян, ажралмас қисмидир.

Миллий ҳис-туйғу, миллий ифтихор ва халқпарварлик билан боғлиқдир. У, ўз миллатнинг тарихини, ҳозирги аҳволи, миллий психологиясининг белгиларидан бири, унинг ажралмас қисмидир. Миллий психология – ҳар бир миллат вакилининг миллий ҳис-туйғулари, ҳатти-ҳаракатлари, руҳий кечинмалари, психик темперамент ва хулқ-атворлари каби муносабатларда намоён бўлади.

Ўз халқининг кўп асрлик бой тарихи, ажойиб маънавий мероси билан ҳақли равишда фахрланиш туйғуси ўтмишни қумсаш эмас, балки қадимий тарихни, халқ яратган моддий ва маънавий бойликларни кенгроқ ўрганиш ва очиб бериш, уларни янги авлодлар томонидан аждодлар мероси сифатида ўзлаштиришни таъминлашдан иборатдир.

Миллий туйғуларнинг қанчалик қарама - қарши бўлиб қолишига қараб миллий кадр-қимматга бўлган эътиборсизлик шунчалик хавфли тус олиб боради. Демак, миллий ҳис-туйғуларни ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ва ахлоқий омилларга суяниб, миллий мафкура асосида ривожлантириш мақсадга мувофиқдир.

Маълумки, миллий қадр-қиммат миллатлараро муносабатларнинг энг муҳим томонларидан бири бўлиб ҳисобланади. Шунинг учун ҳам, айрим миллатнинг қадр-қиммати, тарихи, маданияти, урф-одатлари, тили, ҳис-туйғуларини камситиш оҳир-оқибат албатта миллатлараро муаммоларга олиб келади.

Шовинистик қарашларнинг асоси ҳам миллий туйғуларни камситилишидан келиб чиқади. Шовинистик кайфиятнинг шаклланиши асосан миллий тубанлик, ўз миллат манфаатларини биринчи ўринга қўйишда, бошқа миллатлар ва республикаларнинг манфаатларини ҳисобга олмаслик, ўз миллатини кўкларга кўтариш ва бошқаларда намоён бўлади. Миллий психологиядаги шовинистик ҳислар оддий инсонлар онгини миллий маҳдудлик, миллий худбинлик каби салбий тушунчалар билан заҳарлашга, уларнинг беҳуда безовта бўлишига ҳам сабаб бўлади.

Миллий ҳис-туйғу миллий ифтихор ва ватанпарварлик билан боғлиқдир. Унда ўз миллатининг тарихини, ҳозирги аҳволини, миллий психология ва характерини тушуниш эмоционал шаклда мужассамлашгандир. Миллий туйғулар эмоциялар сифатида менаткашларнинг туб манфаатларини бевосита ифода қилмайди. Миллий туйғуларнинг миллий онгдан фарқи ҳам шундадир. Шунинг учун миллий туйғуларга асир бўлиб қолиш қанчалик хавfli бўлса, айти замонда уларни эътиборлардан четда қолдириш ҳам катта хатодир.

Миллий туйғуларни ижтимоий-иқтисодий сиёсат ва ахлоқий омилларга суяниб, умуминсоний манфаатлар асосида ривожлантириш мақсадга мувофиқдир. Ғоявий-тарбиявий ишлар кенг қўламда амалга оширилаётган ҳозирги шароитда миллий ҳис-туйғулар ўзаро ҳамфикрликка, халқлар ва миллатларнинг айрим намоёндалари ўртасида дўстликни мустаҳкамланишига ёрдам беради.

Миллий ифтихор туйғуси – ўз миллий мансублигидан фахрланиш имконияти. Миллий ифтихор туйғуси ўз миллатининг бой тарихи, маданий ва маънавий меросидан, унинг жаҳон цивилизациясига қўшган хиссасидан ғурурланиш имконияти. Миллий ифтихор туйғуси ўзлигини англаш ва ўзгалар тушунишга даъват этувчи қудратли кучдир.

Миллий ифтихор туйғусининг яна бир жиҳати шундаки, у шахснинг энг аввало қайсидир миллатга мансублиги, унинг кенг имкониятларидан қувона олиш фазилатигина эмас, балки яшаб

турган заминга, фуқаролиги даҳлдор бўлган мамлакатга муносабат белгиси ҳамдир. Миллий ифтихори кучли бўлган халқ ўз мамлакати билан фахрлана олади ва унинг тақдирига бефарқ қараб тура олмайди. Миллий ифтихори кучли бўлган халқ истиқболни чуқурроқ англайди. Унинг эртаси бугунидан кўра мукамалроқ бўлишига интилади.

Миллий ифтихор туйғуси, миллий мансубликни чуқур англаш ва уни эъзозлашга интилиш - маънавий эҳтиёж маҳсулидир. Миллий ифтихор, энг аввало, ўзлигини англаш, миллий раванқни таъминлаш йўлидаги ҳатти-ҳаракат, ўз миллати истиқболи олдида масъулликнинг беқиёс намунасидир. Миллий ифтихор соҳиби бўлган киши, энг аввало, ўз миллати ўтмишини яхши билган, уни қадрлай оладиган ва айна пайтда уни янгича шароитлар ва ҳолатларда бойитиб борадиган комил инсондир. У бошқа миллат тарихи, маданияти, тили, динига ҳам ҳурмат билан қарайди. Аммо ўз миллати билан ҳаддан ортиқ ғурурланиш, уни бошқа халқлар ва миллатлардан устун қўйиш миллатчиликка олиб келади. Бу эса, ўз навбатида, турли соҳалардаги кескин можароларга айланиши мумкин.

Юқоридагиларга асосланиб, шундай хулоса қилиш мумкин. Миллий ва миллатлараро муносабатлар масаласида бўлиб турган кескинликлар ва зиддиятлар оддий бир англашмовчилик натижаси эмас. Балки уларнинг аниқ сабаблари мавжуд. Миллий ва миллатлараро муносабатлар масаласи соҳасида мавжуд бўлган муаммоларни ҳал қилиш омили – уларни келтириб чиқарган, чуқурлаштириб юборган сабабларни аниқлаш ва бартараф этиш йўллари белгилашдан, уларни янгича сиёсий ва фалсафий тафаккур асосида назарий жиҳатдан идрок этишдан иборатдир.

Миллий ва миллатлараро муносабатларга оид шундай муаммолар ва вазифалар борки, уларни илгари қўлланилган эски воситалар, усуллар билан ҳал этиб бўлмайди. Ҳаёт миллий масалага янгича ёндашишни, мажбурий усуллардан қатъиян воз кечишни кун тартибига қўймоқда.

Миллий масаланинг ҳозирги давр талабларига мувофиқ равишда ишлаб чиқилган, ижодий бойитилган энг муҳим назарий қоида ва хулосалар ҳаётга қандай татбиқ этилаётганлигини ўрганиш, уларни илмий таҳлил этиш, катта амалий-сиёсий ва маърифий - тарбиявий аҳамиятга моликдир.

МИЛЛИЙ МАДАНИЯТНИНГ ТИКЛАНИШИ ВА МИЛЛАТЛАРАРО МУНОСАБАТЛАР ТАРАҚҚИЁТИДАГИ ЎРНИ

Мустақиллик туфайли маданий-маънавий ҳаётимизда уйғониш юз берди, халқимиз эзгу-ниятлари рўёбга чиқа бошлади, авлод-аждодларимиз босиб ўтган тарихий тараққиёт йўлини, фаолиятини чуқур ўрганишга муваффақ бўлди. Миллий кадриятларимизга эътибор ва қизиқиш кучайди. Эндиликда, ўзбек халқининг бир неча минг йиллик тарихига оид кўпгина китоблар чоп этилмоқда, миллий тилда илмий асарлар ёзилмоқда. Муқанна, Темур Малик, Мангуберди сингари миллий қаҳрамонларимиз ҳаёти билан танишиш имкониятига эга бўлди.

Шак-шубҳасиз, биз яшаб турган давр келажак тарихимиз учун муҳим аҳамиятга эга. Шунинг учун ҳам, истиқболимизга катта қизиқиш билан қараб, миллатимиз тақдирини ўйлаб, тарих олдидаги масъулиятимизни чуқур ҳис қилиб, ўтмишимизга диққат ва эътибор билан назар ташлаб, маънавий-маданий меросимизни, асрлар мобайнида яратилган ва наслдан-наслга ўтган ажойиб кадриятларимизни қайтадан тиклашимиз лозим.

Халқимиз маданий-маънавий бойликлари ва миллий кадриятларини тиклаш ва ривожлантириш ҳозирги авлоднинг вазифасидир. Гап ўтмиш маданий-маънавий бойликларига эга бўлишдагина эмас, балки уни чуқур эгаллаб, янги юксак босқичга кўтара билишдадир.

Шунинг учун ҳам, аждодларимиз томонидан кўп асрлар мобайнида яратиб келинган ғоят улкан, бебаҳо маънавий ва маданий меросни тиклаш халқнинг маънавий руҳини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш Ўзбекистон давлат мустақиллигини барқарорлаштириш учун энг муҳим вазифадир.

Миллий кадриятларимизни аслига келтириш ва ривожлантиришда халқимизнинг кўп асрлик анъаналари, маданияти, урф-одатлари, байрамлари, бой қадимий мероси ўзининг алоҳида ўрни ва аҳамиятига эга. Халқимизнинг асрлардан асрларга мерос бўлиб келаётган миллий кадриятлари узоқ тарихий жараёнда шаклланган. Уларнинг ўтмиши уч минг йилдан ортиқ даврни ўзида мужассамлаштирган Марказий Осиё цивилизациясини яратди. Бизнинг миллий кадриятларимиз ана шу цивилизацияга хос жиҳатлар: туғилган макон ва она юртга эҳтиром, авлодлар

хотирасига садоқат, катталарга ҳурмат, муомалада мулозамат, ҳаё, андиша кабиларнинг устуворлиги билан ҳам тавсифланади.

Ўтмишга, маданий меросга ҳурмат, бу - биринчидан, унинг яратувчиси, ривожлантирувчиси булган, халқ оммасига кўрсатилган иззат-икром, меҳр-оқибатдир. Ўзининг ўтмиш тарихига, маданиятига, тарихий меросига, миллий анъаналарига катта эътибор ва ҳурмат билан қарайдиган халқнинг истиқболи порлоқ бўлади. Ўтмишимизни қанчалик яхши билсак ва эъзозласак, ҳозирги даврни, мустақиллигимиз истиқболи ва аҳамиятини шунчалик, чуқур ва мукамал тушунамиз.

Ўзбекистоннинг келажакда ривожланган ҳуқуқий демократик давлатга айланиши, тўртта маънавий негизга асосланади. Бу негизлар - умуминсоний қадриятларга содиқлик, халқимизнинг маънавий меросини мустақамлаш ва ривожлантириш, инсоннинг ўз имкониятларини эркин намоён қилиши ҳамда ватанпарварликдан иборат.

Мамлакатимизнинг мустақиллик бошлаб берган ўзига хос ва мос тараққиёти йўлидан буюк келажак сари тезкорлик билан илгарилаб бориши учун халқ маданияти, маънавияти, маърифатини доимий равишда юксалтириб бормоқ, маънавий ривожланишга алоҳида эътибор бермоқ мақсадга мувофиқдир, чунки тараққиёт тақдирини маънавий жиҳатдан етук одамлар одамлар ҳал қилади.

Маънавият фақат инсонга хос хусусиятдир. Инсоннинг инсонлиги маънавият соҳиби эканлигидадир. Инсон маънавият билан тирик. Маънавият инсонга инсоний мазмун ва моҳият баҳш этади. Одам фарзанди маънавият соҳиби бўлганлиги, яъни онга, ақл-идрок ва тафаккурга, иймон ва эътиқодга, одоб-ахлоққа, шарм-ҳаё ва ор-номус сингари фазилатларга эга бўлгани учун ҳам инсон деган шарафли номга сазовордир. Дарҳақиқат, маънавият ва маърифат инсон фаолиятига мақсад ва йўналиш берувчи, жамият аъзолари ўртасидаги муносабатларни мувофиқлаштириб, ижтимоий тараққиётни таъминлаб турувчи қудратли омил ҳисобланади.

“Менининг назаримда,- деб ёзади Ўзбекистон Президенти Ш.Мирзиёев, - инсоният дунёсининг буюк бир ёритқичи - маънавият чироғи бор. Бу чироқнинг бошқалардан фарқи шуки, у инсоннинг онги ва тафаккурини ёритади, қалби, виждонини уйғотади, одамийлик ҳиссини кучайтиради. Ўзбекистоннинг янги уйғониш дааврини яратишга киришган эканмиз, ҳар бир юортдошимизнинг қалби ва онгида на шундай маънавият шъуласи

порлаши ва у бизни эзга ишларга ундаб, юксак масъулит туйғуси билан яшашга даъват этиб туриши зарур.”¹

Маънавият ҳар қандай жамиятнинг муҳим унсури бўлиб, у инсон онги, ақли ва тафаккури, қобилияти ва имкониятларини, ҳаётда эгаллаган даражасини уйғунлаштириб, мазмун ва мантиқ билан бойитиб, унинг ички руҳий ҳолатини ифодалайди.

Маънавият аниқ шаклларда намоён бўладиган ижтимоий ходисадир. Буни қуйидагиларда яққол кўриш мумкин:

1) инсоннинг ички руҳий дунёси унинг дунёқарашида намоён бўлади. Дунёқараш – бу кишиларнинг олам ҳақидаги, жамиятда юз берадиган ижтимоий-сиёсий, иқтисодий воқеалар, ҳодисалар, жараёнлар ҳақидаги ғоялар, қарашлар мажмуидир. Инсоннинг дунёқарашига қараб, унинг ички руҳий дунёсини билиб олиш мумкин;

2) кишиларнинг ички руҳий дунёси, ҳар бир инсоннинг кундалик ҳатти-ҳаракати, юриш-туриши, одоб-ахлоқи, муомаласи, оила аъзолари, бошқаларга, давлат ва унинг сиёсатига муносабатларида намоён бўлади;

3) одамларнинг ички руҳий дунёси уларнинг ақлий ва жисмоний фаолиятининг натижаларида, жамият тараққиётида ўзининг ҳалол меҳнати билан кўшган хиссасида намоён бўлади;

4) инсоннинг ички маънавий дунёси уларнинг психологиясида, ҳиссиётлари, кечинмаларида, завқланиш, изтироб чекиш каби кўплаб бошқа психик ҳолатларда намоён бўлади;

5) инсоннинг ички маънавий дунёси уларнинг ўз-ўзини англашда ҳам намоён бўлади. Ўз-ўзини англаш кишиларгагина хос хусусият бўлиб, у ўзининг ички ҳолати, аҳволини билиш, ўз-ўзини тушуниб етиш ва назорат қилишда, шунингдек, ўз ҳатти-ҳаракатларини бошқаришда намоён бўлади.

Инсоннинг ички, маънавий, руҳий дунёси бир қатор кўзга кўринадиган, жамият томонидан баҳоланадиган кўпгина хислатларда ўз аксини топади ва ташқарида намоён бўлади. Агарда кишиларнинг ички маънавий дунёсини билиб бўлмайдиган бўлса, унда маънавий етук баркамол инсонларни тарбиялаш вазифаси жамиятимизда долзарб муаммо бўлиб турмаган бўлар эди.

Инсоннинг ички руҳий, маънавий дунёсининг намоён бўлиш шакллари билиш катта илмий ва амалий аҳамиятга эга.

¹ Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон стратегияси.-Т.: “Ўзбекистон”, 2022, 261-бет.

Кишиларнинг ички дунёсини билмай туриб, уларга таъсир кўрсатиш жуда қийин. Аксинча, уларнинг ички маънавий дунёсини билиб олиш кишиларнинг дунёқараши, одоб-ахлоқи, юриш-турушига, меҳнат қилишига, психологик ҳолатларини эътиборга олган ҳолда, тани-соғлиғига ижобий таъсир кўрсатиб, элга, Ватанга садоқатли, фидоий инсонларни тарбиялаш имкониятини туғдиради.

Маънавият ўз-ўзидан пайдо бўлмайди, ривожланмайди ҳам. У инсоннинг ҳаётий тажрибаси асосида шаклланиб боради. Ҳаёти ва фаолиятини йўналтиради, халқнинг тарихи ва маданиятини, чуқур англашга ёрдам беради. Маънавият алоҳида бир инсон учунгина эмас, барча инсонлар, халқлар ва миллатлар учун ҳам, жамият, давлат учун ҳам зурур ва аҳамиятлидир. Маънавиятсиз инсон, миллат, ёки халқ етуклиги ҳам бўлмайди.

Маънавий соҳа, жамият ва инсон ҳаётининг энг муҳим жиҳатларидан бўлиб ҳисобланади. У жамият ҳаётининг барча жабҳаларида содир бўлаётган жараёнлар билан узвий алоқадорликдадир. Жамият ҳаётининг ундан ҳоли бўлган бирон-бир соҳаси йўқ ва бўлиши ҳам мумкин эмас.

Жамиятнинг маънавий ҳаёти қамрови ниҳоятда кенг, мазмунан чуқур ва шаклан хилма-хилдир. Маънавий ҳаёт инсон ақл-идроки ва тафаккурининг барча маҳсулларини жамият томонидан тўпланган маданий бойликларда ифодаланган ютуқларни, ижтимоий онг шакллари, кишиларнинг ғоялари, қарашлари, тасаввурлари, дунёқараши, одоб-ахлоқи, бутун маънавий оламини қамраб олади.

Инсонлар томонидан узоқ тарихий тараққиёт жараёнида яратилган ва ривожлантирилган маънавий бойликлар, ижтимоий онгнинг илмий, бадиий, ҳуқуқий, диний, ахлоқий, фалсафий ва бошқа шакллари, дунёқарашнинг бутун соҳасини ҳам, бадиий асарлар, эстетик қарашларни ҳам жамият маънавий ҳаётига киритиш мумкин.

Жамият маънавий ҳаёти, бошқача айтганда, умуман маънавий ишлаб чиқаришни ўз ичига олади. Маънавий ишлаб чиқариш жараёнида инсон тафаккури мевалари - ғоялар, қарашлар, назариялар, таълимотлар, концепциялар, таълим-тарбия тизимлари, диний ва бадиий образлар, ижтимоий меъёр ва қонун – қоидалар, тузуклар ва панду насиҳатлар, йўл-йўриқлар, режалар, дастурлар, тамойиллар, декларация ва конституциялар яратилади. Маънавий ишлаб чиқариш маҳсуллари қулёзмалар, китоблар, тошлардаги

битиклар, ёзувлар, расмлар, чизмалар сингарларда ва бошқа шаклларда намоён бўлади.

“...Маънавият, - деб таъкидлайди Ўзбекистон Президенти Ш.Мирзиёев, - инсонлар ўртасидаги ўзаро ишонч, ҳурмат ва эътибор, халқ ва давлат келажагини биргаликда қуриш йўлидаги эзгу интилишлар, ибратли фазилатлар мажмуасидир.

Бошқача айтганда, маънавият – жамиятдаги барча сиёсий-ижтимоий муносабатларнинг мазмуни ва сифатини белгилайдиган пойдевордир”.¹

Дарҳақиқат, маънавият ҳар қандай жамиятнинг муҳим унсуридир, юксак маънавиятсиз, мафқурасиз ҳеч қандай жамият ҳам, давлат ҳам тараққий эта олмайди. Маънавияти юксак даражада ривожланган миллат, халқгина келажакка томон изчиллик билан қадам босади. Ва аксинча, маънавий жиҳатдан қолоқ бўлган мамлакатларда ҳеч қандай ижобий ўзгаришлар, тараққиёт ҳам бўлмайди.

Ҳар қандай давлат ўз жамиятининг тарихий, маданий, маънавий, ахлоқий мероси негизлари асосида ривожланади. Бундай уйғунлик халқни ривожланишнинг янги босқичларига кўтаради, унинг истиқболи омилларини кенгайтиради. Дунёдаги ҳар бир халқ жаҳон маданиятининг бебаҳо хазинасига ўз улушини қўшган. Ана шу хазинада Шарқ мамлакатлари, жумладан, Марказий Осиё халқларининг хиссаси алоҳидадир. Аждодларимиз томонидан яратилган маънавий мерос инсоният тарихи ривожига улкан ҳисса қўшган.

Барча давлатларда, жамики ижтимоий тузумларда инсон энг олий кадрият деб ҳисобланади. Дарҳақиқат, тарих ҳам, тарихий тараққиёт ҳам инсон фаолиятдан, бошқа нарса эмас. Ислом таълимотида инсоннинг таълим-тарбияси, одоб-ахлоқи ҳақида жуда кўп қимматли маслаҳатлар, фикр-мулоҳазалар мавжуд. Муқаддас Қуръони Карим ва Хадиси шариф инсоннинг маънавий камолоти учун беқиёс манба эканлиги ҳаммамизга маълум. Шарқ мутафаккирлари, олиму-уламолари томонидан асрлар давомида одоб-ахлоққа оид минглаб китоблар, ҳикматлар яратилган.

Инсон камолотида тарбиянинг аҳамияти беқиёс. Абдулло Авлоний бу ҳақда: “...тарбия бизлар учун ё ҳаёт, ё мамот, ё нажот ё ҳалокат, ё саодат, фалокат масаласидир”, - деб ёзган эди.

¹ Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон стратегияси.-Т.: “Ўзбекистон”, 2022, 261-бет.

Инсонни улуғлаш, ундаги юксак фазилатларни куйлаш, рухий, маънавий поклиги ҳақида қайғуриш ҳар бир тарихий босқичга хос бўлган интилишдир. Жамият тараққиётида турли ўзгаришлар рўй бериб туради. Одамларнинг дунёқараши, фикри, тафаккури, диний - ғоялари ўзгариб, янгиланиб туради. Лекин, ҳамма вақтда ҳам, инсон моҳиятини англаш, унинг одоби ва ахлоқи, иймони ва эътиқоди, қобилияти ва истеъдодини чуқур ўрганиш масаласи эскирмайди.

Инсоннинг ички гўзаллиги, кадр-қиммати қадимданок Шарқ файласуф ва олимларини қизиқтириб келган. Уни “коинотнинг гултожи”, “бутун мавжудоднинг сардори, дуру гавҳари”, “тенги йўқ”, деб аташган асосий сабаб ҳам ана шунда. Машҳур алломалар Ал-Хоразмий, Ал-Фарғоний, Абу Наср Форобий, Абу Али Ибн Сино, Хожа Аҳмад Яссавий, Хожа Баҳовуддин Нақшбанд, Имом Бухорий, Имом ат-Термизий, Мирзо Улуғбек, Амир Темур, Алишер Навоий, Бобур Мирзолар инсон каби буюк зотнинг қобилияти ва имконияти, ақл-заковати ва тафаккури ҳақида бебаҳо фикрларини ўзларининг асарларида баён қилишган.

Улар фикрича, инсонда бебаҳо марварид - ақл-заковат мавжуд. Ана шу ақл ва тафаккур табиат сирлари ва қонуниятларини очишда, ўзини-ўзи англашда ва бошқаришда, жамият куриб юксак ютуқларга эришишда унга ёрдам беради. Инсон қобилияти кенг, имкониятлари баланд. У бунёдкорлик қобилиятига эга. Бу қобилият давлатлар куришда, илм-фан ривожлантиришда, бебаҳо санъат асарларини яратишда намоён бўлади.

Дарҳақиқат, халқимиз маънавияти бой, қадимий, илмий, бадий, диний, фалсафий меросга таянади. Маданий-маънавий мерос авлод аждодларимиздан қолган буюк хазинадир. Шарқ халқларининг тарихи ва маданияти, илк сиёсий, ҳуқуқий, диний, бадий, фалсафий қараш ва тасаввурлари ҳақидаги, уларнинг мазмун ва моҳияти ҳақидаги қимматли маълумотлар антиқ давр мутафаккирларининг асарларида, археологик манбаларда, халқ оғзаки ижодиётида кенг кўламда ўз ифодасини топган.

Халқ оғзаки ижодиётининг намуналари бўлган эртаклар, ривоятлар ва дostonлар билан танишар эканмиз, халқда воқеаларни олдиндан кўра билувчи қобилият ва истеъдод бор эканлиги, у ҳеч қачон орзу-умидсиз яшамаганлигини англаб оламиз. Ҳар қандай миф, эртак, ривоят ва афсонанинг замирида халқнинг муайян мақсад ва интилишлари, мавжуд ижтимоий-иқтисодий вазиятга

бўлган муносабатлари, меҳнат машаққатларини енгиллаштириш, меҳнат унумдорлигини ошириш ва турмуш шароитларини яхшилашга бўлган интилишлари ётганининг гувоҳи бўламиз. Улар халқ оммасининг даҳоси, унинг талаб ва эҳтиёжлари асосида вужудга келиши билан бир қаторда, ўз навбатида, уларнинг ўзи кишиларнинг маънавий, ақлий, ахлоқий тараққиётига туртки вазифасини ҳам ўтаган, меҳнатни севишга ўргатган, табиатнинг хатарли кучларига қарши курашиш ва уларни олдини олишда кишиларга ёрдам берган, оламда рўй бериб турадиган мураккаб ҳодиса ва жараёнлар сир-асрорларини билиб олишга даъват этган, инсон фикри, тафаккури ва ҳаёлини ўтмишдан келажакка томон тортган, ҳаётни севишга чорлаган.

Аждодларимиз томонидан яратилган бебаҳо маънавий-маданий мерос орқали биз ўтмишимизда яшаб, ижод қилган кишилар, халқлар ҳаёти, уларни безовта қилган ва қизиқтирган илмий ва фалсафий, сиёсий ва маънавий ғоялар, одамлар ўртасида шаклланган турли кўринишдаги муносабатлар, халқимизнинг ўтмиш ҳаёти билан яқиндан танишишга муваффақ бўлдик. Ҳозирги кунда ана шу бой меросни авайлаб-асраш ва янада бойитиш, ёш авлодимизни у билан таништириш, аждодларимиз томонидан яратилган бойликларни ўзида жо этишга ундаш каби кўпгина вазифалар турибди. Ана шу вазифаларни амалга оширишда энг аввало, ёш авлодда, халқимиз тарихига, ўтмишига бўлган ҳурмат ҳиссини уйғотиш ва мустаҳкамлаш зарур. Бу борада миллий маданият, миллий кадриятларимизни тиклаш ва янада ривожлантириш масаласи алоҳида аҳамият касб этади.

Кадриятлар сермазмун ва кўп қиррали тушунча бўлиб, ўз ичига табиий, ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий, моддий, маънавий, ахлоқий, эстетик ва ҳ.к. кабиларни оладилар. Кадрият дейилганда, инсон ва инсоният учун аҳамиятли бўлган, айрим халқ, миллат, элат ёки ижтимоий гуруҳларнинг ўзларининг тарихий тараққиёт жараёнида яратган, ўз манфаатлари ва мақсадлари йўлида хизмат қиладиган барча қимматдорликлар мажмуини тушунмоқ лозим.

Ҳар қандай кадрият инсон фаолиятининг маҳсули, унинг атроф муҳитга нисбатан бўлган муносабатининг ифодасидир. Кадрият жамият ижтимоий ва маънавий тараққиётининг зарурий маҳсулидир. Ҳар бир кадрият муайян бир давр шароит ва эҳтиёжининг маҳсули бўлиши билан бирга, унинг кузгуси ҳамдир.

Кадриятлар ижтимоий хусусиятга эга бўлиб, кишиларнинг

амалий фаолияти жараёнида пайдо бўладилар ва ривожланадилар. Инсон йўқ жойда бирон нарсанинг кадр-қиммати ҳам бўлмайди. Қадриятлар инсоннинг турли соҳадаги, аввало, ишлаб чиқариш, меҳнат соҳасидаги фаолияти учун зарур бўлган ва фойда келтирадиган нарсалар, ҳодисалар мажмуи билан боғлиқ равишда юзага келади.

Маънавий қадриятлар, шу жумладан, юксак маънавият, одоб-ахлоқ, иймон, эътиқод, инсофу диёнат, яхши ҳулқ-атвор, инсонда ўз-ўзидан пайдо бўлмайди. Маънавиятнинг ўзи эса, инсонга хос хусусият бўлиб унинг жамиятдаги ҳаёти, тарбия, меҳнат, ҳаёт тажрибаси жараёнида шаклланиб, сайқал топиб, руҳий моҳиятга айланади. Ёшларга бериладиган тарбия, ахлоқ, юксак маънавият ҳақидаги тушунчалар қанчалик эртароқ бошланса ва тарбияланса, унинг сараси шунчалик кучли бўлади.

Қадриятлар ижтимоий хусусиятга эга бўлиб, кишиларнинг амалий фаолияти жараёнида шаклланади ва ривожланади. Қадриятлар кишиларнинг турли соҳадаги, аввало ишлаб чиқариш, меҳнат соҳасидаги фаолияти учун фойда келтирадиган нарса ва ҳодисалар мажмуи билан боғлиқ равишда юзага келади. Сўнгра аста-секин субъект фаоллигининг орта бориши оқибатида нисбий мустақил соҳа тарзида амал қила бошлайди. Табиат ва жамият ҳодисалари инсон фаолияти туфайли, унинг эҳтиёжларини қондириш натижасида қадрият сирасига киритилади. Инсоннинг манфаатлари, эҳтиёжларини қондира олмаган, орзу-истаклари, идеалларига мос келмайдиган табиат ва жамият ҳодисаларини қадрият деб ҳисоблаш ноўринлидир.¹

Миллий қадриятлар мураккаб ижтимоий-руҳий ҳодиса бўлиб, миллатнинг тили, маданияти, тарихи, урф-одатлари, анъаналарини, жамики моддий ва маънавий бойликларини, иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ҳаётининг барча томонларини қамраб олади.

Инсоннинг қайси миллатга мансуб эканлиги ҳақидаги тасаввурлари фақат ғоягина эмас, балки туйғу ҳамдир. Бу туйғу кишида миллатнинг тарихи, руҳияти, ҳозирги ҳолати ва хусусиятини тушуниш, ҳис қилиш шаклида мужассамлашган бўлади. Инсонда миллий онг ва ғурур бўлмаса, у ўзининг қайси миллатга мансублигини ҳис этмаса, унинг миллий қадриятларини англашини тасаввур қилиш қийин. Токи миллатлар, миллий

¹ Туленов Ж.Т. Қадриятлар фалсафаси.- Т.: “Ўзбекистон”, 1998

мафкуралар мавжуд экан, миллий муносабатлар ҳам, миллий ҳис-туйғулар ҳам, миллий қадриятлар ҳам сақланиб қолаверади. Миллатни миллий қадриятлардан маҳрум қилишга уриниш тарих ва инсоният олдидаги энг катта жиноятдир.

Ҳар бир руҳан соғлом кишида ўз қадр-қимматини сақлаш, ўзини ҳурмат қилиш туйғуси мавжуд. Ҳар бир миллатда ҳам худди шу ҳолатни кузатиш мумкин. Миллатларнинг ўзлигини англаш жараёни такомиллашган сари миллий манфаатлар ҳам, миллий қадриятлар ҳам кучайиб, мустаҳкамланиб бораверади.

Миллий қадриятлар кенг маънода барча мамлакатлардаги халқларни ташкил этувчи синфлар, миллатлар ва элатларнинг манфаат ва қизиқишларини ифодалайди. Яна ҳам аниқроқ қилиб айтганда, муайян миллатларга хос бўлган тор маъноли миллий қадриятлар йиғиндисидан ташкил топган, умумийлашган умуммиллий қадриятлар мажмуасидир.

Мустақилликка эришганимиздан кейин ёшлар тарбиясининг мазмуни ва моҳиятида, усул ва шаклларида жиддий ўзгаришлар рўй бера бошлади. Таълим-тарбияга миллий қадриятларни жорий этиш асосий ўрин тутадиган бўлди. Тарихимиз, маданиятимиз, урф-одатларимизга эътибор кучайди. Ёшларда миллий ғурурни шакллантириш ва мустаҳкамлашга алоҳида аҳамият бериладиган бўлди. Мактабларни миллийлаштириш бошланди.

Бугунги кунда биз миллий тиллар тенг ҳуқуқлигига амалда эришдик. Маълумки, тил - халқнинг қалбидир. Ҳар бир тил ўз халқи учун буюк ва бебаҳодир. Тил - миллатнинг тарихи ва маданиятини ўрганиш калити ҳамдир. Кимки ана шу калитдан фойдаланишни ўрганса, шу тил эгаси бўлган халқнинг юрагига йўл топади. Миллат тилини билган инсонгина унинг руҳини, кайфиятлари, маданияти, тарихи, миллий туйғу ва хусусиятларини баҳолаши мумкин.

Мустабид тузум даврида миллий тилларга нисбатан ошкора зўравонлик, менсинмаслик каби ҳаракатларга йўл қўйилди. Ижтимоий фаолиятда, корхоналарда, илмий муассаса ва ташкилотларда, илм-фан ва маданиятда миллий тиллардан фойдаланиш чекланган эди. Бундай ҳаракатлар туфайли ўзбек тили ҳам анча заифлашди, луғат бойлиги кескин ғариблашди.

Истиқлол туфайли ўзбек тилимизга давлат тили мақоми берилди. Бу тарихимиздаги ниҳоятда катта воқеа бўлди. “Ўзбекистонда, - дейди Л.Левитин, - тил соҳасида сиёсатда

демократия даражаси чиндан ҳам юқори. Бу эса, кўп этносли давлатларда миллатлараро тутовуликнинг асосий шартларидан биридир.

Ўзбекистон Республикаси “Давлат тили тўғрисида”ги қонуннинг 1995 йил 21 декабрдаги таҳрири фуқаролар миллатлараро мулоқот тилини ўз хоҳишларига қараб танлашга ҳақли эканлигини назарда тутади. У ишловчиларнинг кўпчилиги ўзбек тилини билмайдиган корхоналар ва муассасаларда давлат тилидан бошқа тилда иш юритишга руҳсат беради. Қонун муайян лавозимларни эгаллашнинг шарти сифатида давлат тилини билиш мажбурийлигини, яъни тил цензини истисно этади. Унда давлат камсонли этносларнинг тиллари эркин ривжланиши ва амал қилишга ёрдам бериши эълон қилинади. Бундан ташқари, қонундан ўзбек тилини билмайдиган одамлар учун таълим олишдаги чекловлар йўқотилибгина қолмасдан, шу билан бирга, билим олишнинг ҳамма босқичларида таълим тилини эркин танлаш ҳуқуқи мустаҳкамлаб қўйилди”.¹

Мамлакатимизда ўзбек тилига давлат мақомини тўла рўёбга чиқариш билан бир қаторда республикамиз ҳудудида яшовчи барча миллат ва элат тилларининг ҳурмат қилинишини таъминлаш ва ривожлантириш учун барча шароитлар яратилган.

Мустақиллик нафақат ўзбек, балки, қорақолпоқ, қирғиз, қозоқ, тожик, корейс, рус ва ҳ.қ. каби кўплаб миллат вакилларининг тенг ҳуқуқлигини таъминлаш билан бир қаторда миллий тилларда газета ва ойномалар, илмий, бадиий асарларни ва ўқув адабиётларни чоп этиш билан бирга, бу тилларда таълим-тарбия соҳаларида ўқув жараёнларни ташкил қилиш имкониятини яратиб берди.

Расмий маълумотларга таянсақ, ҳозирги пайтда республика мактабларида аҳолининг камсонли этник гуруҳлар миллий тилларида ўқитишнинг 2000 йилдаги умумий манзараси қуйидагилардан иборат: рус тилида - 39 %, қозоқ тилида - 26 %, қорақолпоқ тилида - 15 %, тожик тилида - 14 %, қирғиз тилида - 3 %, туркман тилида - 3 %. Республикаимизнинг 2.333 умумтаълим мактабида таълим миллий тилларда олиб борилмоқда. Буларда 990 мингдан ортиқ болалар ва ўсмирлар тахсил олмоқда, бу эса

¹ Левитин Л. Ўзбекистон тарихий бурилиш палласида.-Т.:“Ўзбекистон”,2001.- 353-354-бетлар

республика мактаблари ўқувчилари умумий сонининг 17 фоизини ташкил қилади.¹

Республикада чет эл тилларини чуқур ўзлаштиришга ҳам катта эътибор қаратилмоқда. Ҳозирги кунда ёшлар орасида инглиз, немис, француз, хитой, араб, форс, турк тилларини чуқур биладиган, улардан амалда фойдалана оладиган кишиларнинг кўпайиб бораётганлиги истиқлолимиз, маданий-маърифий тараққиётимиз учун жуда муҳимдир.

Юқорида биз, миллий қадриятлар мураккаб ижтимоий-руҳий ҳодиса эканлигини, ҳамда улар жамият ҳаётининг барча томонларини қамраб олишини таъкилдаган эдик. Чунки, қадриятларнинг барчаси инсоннинг фаровон ҳаёт кечириши, эркин яшаши, маънавий-ахлоқий камол топиши учун хизмат қиладиган воситалар бўлиб ҳисобланади. Шунинг учун ҳам қадриятларни авайлаб-асраш, уларни тиклаш ва янада юксалтириш ҳар бир шахс ҳаётида ҳам, жамият тараққиётида ҳам катта аҳамият касб этади.

Қадриятлар ҳар бир элат, миллат, балки бутун халқ, умуман жамият ҳаётидаги роли ва ижтимоий-сиёсий, фалсафий, тарбиявий аҳамиятга ниҳоятда катта. Улар ўтмиш билан ҳозирги кун ўртасидаги ворисийликни ифодалайди, шу туфайли миллатнинг тарихи, унинг ўтмиш ҳаёти, маданияти гавдаланади.

Шунинг учун ҳам ҳар бир сиёсий тизим, ҳар бир давлат қадриятлардан ўз мақсади, манфаати йўлида фойдаланиб келган ва ҳозир ҳам шундай бўлмоқда. Қадриятлар ўз-ўзидан бевосита инсоннинг маънавий қиёфаси, турмуш тарзи, умуман жамият тараққиётини белгилай олмайди. Қадриятларнинг ҳолати, аҳамияти, инсонга кўрсатадиган таъсири, унинг истиқболи у ёки бу жамиятдаги мавжуд ижтимоий тузум томонидан олиб борилаётган сиёсат, унинг манфаатлари билан уўвий боғлангандир. Буни ўзбек халқи миллий қадриятларининг ўтмишдаги ва ҳозирги ҳолатидан ҳам яққол кўришимиз мумкин.

Демак, 1) қадриятлар жамиятимизнинг бойлиги, пойдевори. Уларни авайлаб-асраш ва оқилона ривожлантириш ҳар бир инсоннинг муқаддас бурчидир; 2) қадриятлар ўтмиш билан бугунги кун ва келажакни боғлайдиган восита; 3) қадриятлар маънавий етук, баркамол инсонни тарбиялайдиган қудратли кучдир; 4)

¹ Қаранг: Туленов Ж., Қодиров Б., Ғофуров З. Маънавий юксалиш сари.-Т.: “Меҳнат”, 2000

қадриятлар кўпмиллатли халқни бирлаштирувчи ва ягона мақсад йўлида сафарбар этувчи кучдир; 5) қадриятлар жамиятимизни жаҳон ҳамжамиятига қўшувчи ишончли восита.²

Маълум бўлдики, қадриятлар ўз моҳиятига кура хилма хилдир. Улар орасида табиий, моддий, маънавий, ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий, диний, ахлоқий, эстетик қадриятлар алоҳида ажралиб туради. Бирок, шундай бўлсада, қадриятларнинг энг олийси инсоннинг ўзи, унинг ҳаёти, ҳақ-ҳуқуқи ва эрки, соғлом ва фаровон турмуши ҳисобланади. Инсон кадр-қиммати, шарафини улуғлаш жамиятимиз покланиши ва равнақининг муҳим омилидир. Буни биз кундалик ҳаётимизда кўриб, билиб турибмиз.

Мамлакатимизда яшовчи ҳар бир миллат ва элат сингари ўзбек халқининг узок тарихий тараққиёт жараёнида яратилган ва ўзига хос бўлган, ажойиб моддий, маънавий, тарихий қадриятлари шаклланган. Уларни оқилона ва холисона урганиш маънавий юксалишнинг омилидир. Тажриба шуни кўрсатадики, инсоний ва миллий қадриятларга ёндашишда илмий асосланмаган ва объектив бўлмаган йўлдан бориш фалокатли салбий оқибатларга олиб келиши мумкин. Миллий маданият ва анъаналарга, миллий қадриятларга ҳурмат билан қараш эса миллатнинг ўзига нисбатан бўлган ахлоҳидаги муносабатнинг, Ватанга садоқатнинг мустаҳкам гаровидир.

Миллий қадриятларни юксалтириш борасида барча соғлом кучлар билан ҳамкорликни йўлга қўйиш ва ривожлантриш катта аҳамият касб этади. Халқимизнинг урф-одат, анъаналарини тиклашда диний арбоблар, руҳонийлар, маҳалла аҳлининг, нурувий оқсоқолларининг хизматлари катта. Уларнинг ташаббуси ва фаол иштироки билан вайрона, ҳаробаларга айланган масжидлар қайта тикланди, янгилари қурилиб, ишга туширилди. Наврўз, Қурбон Хайит каби кўп асрлик байрамларнинг тикланиши ва бошқа хайрли ишларда ҳам уларнинг салмоқли улуши бор. Бундай ҳамкорликни бундан кейин ҳам давом муғим аҳамият касб этади.

Миллий қадриятларнинг тикланиши истиқлол берган энг катта бойликлардан бири эди, аслида. Эндиликда халқимизнинг онгида кескин ўзгаришлар рўй бермокда, улар ўз кадр-қиммати теранроқ англаяпти, бунинг натижасида Ватан, ватандошлар, ватанпарварлик

² Туленов Ж.Т. Қадриятлар фалсафаси.- Т.: “Ўзбекистон”, 1998

туйғулари, эски мафкуравий қобиклардан халос бўлиб, ўзининг асл қиёфасини топмоқда.

Халқимизнинг бой тарихий маданияти, урф-одат ва анъаналарини чуқур билиб олишга бўлган қизиқиш, республиканинг қудрати ва ютуқларидан фахрланиш, уларни муттасил ошириб боришга интилиш мамлакатимиздаги барча элат ва миллатларнинг келажаги буюк давлатни барпо этишдек муаззам мақсад йўлида жипслашишига мустаҳкам асос бўлиб хизмат қилади.

Миллий қадриятларни такомиллаштириш кишиларни умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялашда ҳам катта аҳамият касб этади. Жаҳон тажрибаси шундан далолат берадики, мустақилликка эришган ҳар бир мамлакат, ўз доирасида чегараланиб қолмасдан, балки бошқа халқлар томонидан тўпланган қадриятлардан оқилона фойдаланган тақдирдагина тараққиёт йўлидан собидқадамлик билан ҳаракат қила олади. Буни биз Ўзбекистоннинг ҳозирги ҳаётидан ҳам яққол кўришимиз мумкин.

Турон замин халқлари қадим замонлардан ўзоқ ва яқин мамлакатлар билан савдо-иқтисодий, маданий алоқа боғлаб яшаганлар. Бунга Осиёнинг қаъридан Яқин Шарққа, Европага ва Африкага олиб борадиган буюк Ипак йўли мисол бўла олади. Бутун маданий оламга таниқли олим ва мутафаккирларни, Самарканд, Бухоро, Шахрисабз, Хива сингари шаҳарларнинг яратувчиларини, буюк империяларни кўра олган саркардаларни етиштирган она заминимизнинг доврўғи асрлар давомида жаҳон халқларининг эътиборини тортиб келган. Бизнинг халқимиз азалдан ота юртига чуқур меҳр қўйиб, уни яшнатиш, пайида бўлишган. Шунинг учун ҳам улар томонидан яратилган осори-атиқалар ўзининг улуғворлиги ва гўзаллиги билан ҳамон инсониятнинг ақлини лол қолдириб келмоқда.

Бугунги кунда ҳам ҳур ва озод халқимиз барча халқлар ва давлатлар томонидан яратилган маърифатда, фан ва техникада, маданият ва санъатдаги янги ва илғор жиҳатларини ўрганади ва улардан баҳраманд бўлишга интилади. Бунда айниқса мусулмон халқлар томонидан тўпланган тажрибалар ва қадриятлар қўл келмоқда.

Миллий қадриятлар умуминсоний қадриятлар билан ўзвий боғланган бўлиб, улар бир бирига таъсир этади, бири иккинчисини тулдиради, мазмунан бойитади. Миллий ва умуминсоний

қадриятлар қотиб қолган, ҳеч қачон ўзгармайдиган тушунчалар эмас. Аксинча, жамиятдаги иқтисодий, сиёсий, маданий ва бошқа соҳаларда рўй бераётган ўзгаришлар, таъсирида миллий ва умуминсоний қадриятлар ҳам доимо ривожланиб, ўзгариб, янгиланиб туради. Натижада муайян бир вақтда сунъий ва мажбурий равишда халқимиз қасрига киритилган айрим қадриятлар аста секин аҳамиятини йуқотиб, барҳам топиб кетиши мумкин. Шу билан бир қаторда халқимизнинг минг йилликлар давомида қадрланиб келинган, аммо ғайриинсоний мафкура туфайли унутилиб кетган байрамлари, анъаналари қайтадан ўз қаддини ростлади. Шунингдек, турли халқлар ўртасида ўзаро иқтисодий, сиёсий, маданий жиҳатдан муносабатларининг тикланиши ва ривожланиши туфайли ҳар хил миллат ва элатларнинг қадриятлари бир бирига таъсир кўрсатиб, бойиб бориши ҳам табиийдир. Айрим ҳолларда эса, янги қадриятлар шаклланиб, турмушга сингиб кетиши жараёнлари ҳам кузатилмоқда.

Умуман олганда, ҳар бир инсоннинг келажак ҳаёти, унинг бахту саодати қадриятлар билан ўзвий боғлиқдир. Шунинг учун ҳам, ҳозирги кунда миллий ва умуминсоний қадриятларни янада ривожлантириш масаласи кун сайин ошиб бормоқда. Бунда мамлакатлар, халқлар ўртасида савдо-иқтисодий, маданий алоқаларни янада мустаҳкамлаш муҳим.

Миллий ва умуминсоний қадриятларни уйғунлаштиришда тинчлик, осойишталик, барқарорлик каби ижтимоий-сиёсий қадриятларнинг аҳамияти беқиёсдир. Бу соҳада ҳам республикамизда кўпгина хайрли ишлар амалга ошириляпти ва бунинг натижасида Ўзбекистоннинг халқаро нуфузи ҳам тобора ошиб бормоқда.

Ўзбекистон раҳбариятининг ички ва ташқи сиёсати, Республикада ва минтақада тинчлик ва осойишталикни сақлаш, ҳар бир хонадоннинг тотувлигини таъминлаш, иқтисодий барқарорликни бир меъёрда ушлаб туриш ва халқ хўжалиги мураккаб вазиятга тушиб қолмаслигини таъминлаш мақсадида кучли ижтимоий сиёсатни олиб бориши жаҳон ҳамжамияти томонидан ҳам юқори баҳоланмоқда.

Қадриятлар жамиятимизнинг чексиз ва туганмас бойлигидир. Уларни авайлаб сақлаш ва оқилона ривожлантириш ҳар бир инсоннинг муқаддас бурчидир. Шунинг учун ҳам, қадриятларга

ниҳоятда эҳтиёткорлик билан ёндашиб, уларни мазмунан бойитиб, ижодий ривожлантириш муҳимдир.

МИЛЛИЙ МАНФААТЛАР ВА МИЛЛИЙ МУНОСАБАТЛАР ТАКОМИЛЛАШУВИНИНГ ДИАЛЕКТИКАСИ

Мамлакатимизда барқарорлик, тинчликни сақлаб, ижтимоий-иқтисодий тараққиётни жадаллаштиришда миллат ва элатлар ўртасидаги дўстликни кучайтириш, уларнинг ҳамкорлигини мустаҳкамлаш катта аҳамият касб этади.

Жамиятимизда кундан-кунга мустаҳкамланиб бораётган миллий ҳамжиҳатлик, миллий бирдамлик нафақат республикамиз туб аҳолиси – ўзбеклар, қорақолпоқлар билан бошқа миллатлар ўртасида, балки Ўзбекистонда яшаётган бошқа миллатларнинг вакиллари орасида ҳам этник-маданий асосларда жипслашиш жараёнлари фаол юз бермоқда.

Тарих сабоқлари шундан далолат берадики, агар мавжуд ижтимоий-этник гуруҳлар ўртасида ҳамжиҳатлик, ҳамкорлик, анъанавий уйғунлик вужудга келган бўлса ижтимоий-иқтисодий тараққиёт жадаллашади. Аксинча, кўп элатли давлатлардаги миллатлараро муносабатларда ҳамжиҳатлик, уйғунлик мавжуд бўлмаса, ижтимоий тараққиётнинг ривожланишига катта путур етказилиши табиийдир.

Мазкур жараёнларнинг қоилмақом қилиб амалга оширишда ёшларимизнинг алоҳида ўрни бор. Ёшларда янгича тафаккур маданиятини, миллий ҳамкорлик онгини шакллантириш, улар орасида миллий ҳамжиҳатликни таъминлаш ва такомиллаштириш мазкур масалани оқилона ҳал қилишнинг энг самарали йўлидир.

Бизнинг фикримизча, тафаккур маданияти инсонни жамиятда мавжуд бўлган, аждодлар ва авлодлар томонидан яратилган, қадриятларни ўзлаштириш даражасини, инсоннинг онги билан фаолияти орасидаги ўзаро алоқадорликнинг мустаҳкамлигини, маънавий интеллектуал фаолиятининг ўзига хос шакли, кўринишини ифодалайди.

Тафаккур маданияти инсон ижтимоий қиёфасининг муҳим таърифи бўлиб, унинг цивилизациялашган ҳолати, миллий ва умуминсоний қадриятларни ўзлаштириш даражасини ифодалайди. Инсоннинг онглилиги, билимдонлиги, маданиятлигидан далолат беради.

Ҳар қандай жамият ўз тараққиётида одам ақли ва тафаккури кудратига таянада ва улардан самарали фойдаланишга интилади. Ҳар бир шахснинг тафаккур маданияти ижтимоий муҳит, унинг шароитлари, меҳнати ва турмуш тарзи, бошқалар билан муносабатда бўлиши заминида шаклланади, мустаҳкамланади. Ирқидан, миллатидан, яшаётган аниқ жугрофик шароитидан қатъи назар, инсон фарзандининг барчасида тафаккур қобилиятининг субъектив имкониятлари бир хилдир. Лекин шахс яшаётган давр, иқтисодий, сиёсий, маданий шароитлар билан тақазо қилинаётган объектив имкониятлар турлича бўлиши мумкин. Бу ҳам тафаккур маданиятининг сифати ва имкониятларига таъсир этади. Жамият тараққиёти жараёнида турли мамлакатлар ва халқларнинг тафаккур маданияти даражаси турлича бўлиши ҳам шу объектив имкониятлар, шароитлар, эҳтиёжлар билан белгиланади.

Инсон воқеликни ҳис қилибгина қолмайди, балки ўз манфаатлари йўлида унга фаол таъсир кўрсатади, ўзлаштиради ва ўзгартиради. Миллатлар ва миллий манфаатлар, миллий ҳис-туйғулар мавжуд экан, миллий муносабатлар ҳам кун сайин эътиборга молик масалалар, умумийлик муносабатларни ҳисобга олган ҳолда ўз вақтида ва ижобий ҳал этиб боришни талаб этади. Миллатларнинг манфаатларига бирдан-бир тўғри муносабатда бўлиш, уларни энг юқори даражада каноатлантириш ва ана шу заминда ихтилофлар юзага келтириш мумкин бўлган ҳар қандай ҳолатларнинг олдини олиш ниҳоятда муҳим аҳамиятга эга.

Миллий манфаат теран ижтимоий, психологик ҳодиса бўлиб, миллатларнинг ижтимоий-сиёсий, маънавий ҳаётини ҳар томонлама қамраб олади. Миллий манфаатлар – миллатга, миллий давлатга моддий, маънавий, руҳий ва жисмоний фойда, наф келтирувчи омиллар.

Манфаат тушунчаси, моҳиятан мураккаб бўлиб, шахсий, гуруҳий, қавм-қариндошчилик, маҳаллий, минтақавий, миллий ва умуминсоний шаклларда намоён бўлади. Бошқача айтганда, ҳаққоний миллий манфаатлар бу муайян миллат вакилининг қўллаб-қувватлаётган талаб ва эҳтиёжлари йиғиндисидан иборатдир. Мана шундай қарашдаги миллий манфаатлар ва эҳтиёжлар бошқа вакиллари манфаатларига зид бўлмаслиги керак. Асл манфаатларни бирор бир миллатчилик, буюк давлатчилик шовинизми ғоялари таъсиридаги кишилар эмас, балки бутун халқ оммаси ифода этади.

Тажриба бизда ана шундай қатъи ишонч ҳосил қилдики, турли миллатларнинг манфаатларига жуда катта эътибор берилгандагина ихтилофларга сабаб бўладиган замин, ўзаро ишончсизлик йўқолади, бундай шароит, айниқса турли тилларда сўзловчи кишиларда ишонч туғдирадики, бу сиз халқлар орасида тинч муносабатлар бўлиши ҳам, ҳозирги замон цивилизацияси эришган барча қимматли ютуқларни ривожлантириш ҳам асло мумкин эмас.

Баъзи ҳолларда миллий манфаатлар ғоявий-сиёсий мазмунига кўра бир-биридан фарқ қилиши мумкин. Шунинг учун ҳам, кўп миллатли давлатимиз халқлари манфаатлари тўла-тўқис акс эттирган орзуларни, соғлом миллий манфаатларини доимий равишда топиб, ўрганиб, уларни қондириш йўллариини изламоғимиз лозим. Лекин, “бир ёқламалик” характердаги, мамлакат бирлигини мустаҳкамлашга хизмат қилмайдиган, ўта “шахсий” тор миллий манфаатлар атрофида ўралиб қолиш ҳам тўғри эмас. Бир миллатнинг манфаатлари бошқа миллат ва элатларнинг манфаатларидан, талаб ва эҳтиёжларидан ажратилмаган ҳолда ўрганилиши лозим.

Жамият ҳаётини демократиялаштириш, ошкоралик ва шарфликни янада таъминлаш шароитида, барча миллатлар ва элатларнинг ўзига хослигини, манфаат, кизиқишларини камситмасдан, доимо халқлар дўстлигини мустаҳкамлаш, ёшларни байналмилаллик ва ватанпарварлик руҳида тарбиялаш йўллариини кидирмоқ керак.

Маълумки, дунёда яшаётган этносларнинг кўпчилиги ўз миллий давлатчилигига эга эмас. “Шу сабабли кўп миллатли ва кўп тилли мамлакатларда ўз давлатларига ном берган асосий миллат билан бу мамлакатларда истиқомат қилувчи этник озчилик ўртасидаги ўзаро муносабатлар ички сиёсий барқарорлик ва миллий хавфсизликнинг ҳал қилувчи шартларидан бири бўлиб қолмоқда”.¹

Тарих сабоқлари шундан далолат берадики, агар мавжуд ижтимоий-этник гуруҳлар ўртасида ҳамжиҳатлик, анъанавий уйғунлик, ҳамкорлик вужудга келаган бўлса ижтимоий-иқтисодий тараққиёт жадаллашади. Миллатларнинг ва маданиятларнинг бир-бирига таъсир кўрсатиши бу давлатларда яшаётган халқларнинг

¹ Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида.,6-Жилд.-Т.: “Ўзбекистон”, 1998,77-бет

маънавий-ақлий бойиши учун яхши манба бўлиб хизмат қилади. Аксинча, кўп элатли давлатлардаги миллатлараро муносабатларда ҳамжиҳатлик, уйғунлик мавжуд бўлмаса ижтимоий тараққиётнинг ривожланишига катта путур етказилиши табиийдир. Шунинг учун ҳам, кўп миллатли давлатларда истиқомат қилувчи ижтимоий-этник бирликлар ўртасидаги муносабатларга жуда эҳтиёткорлик ва зийраклик билан ёндашиш муҳим аҳамият касб этади.

Ижтимоий тараққиёт жараёнида миллий ўзликни англашнинг ўсиши туфайли ўз давлатчилигига эга бўлмаган этник гуруҳлар томонидан миллий озодлик ҳаракатларини келтириб чиқариши табиий ҳолдир. Миллий-озодлик ҳаракатларининг асосий мақсади – мустамлакачилик зулмини йўқ қилиш, мустақил миллий давлат тузиш, миллатларнинг ўз тақдирини ўзи ҳал қилишига эришиш, чет эл мустамлакачилари ҳукмронлигини тугатиш, миллий кадриятларни, одамларнинг ўзига хос хусусиятлари ва анъаналарини сақлаб қолишга қаратил объектив эҳтиёждир.

“Ҳар қандай миллат, у нақадар кичик бўлмасин – инсониятнинг бойлигидир ва ҳар қандай миллий бирликнинг, унинг тил, маданий ва бошқа хусусиятларининг йўқ бўлиб кетиши, ер юзидаги маданий ва генетик фонднинг, шахс имкониятларининг қашшоқлашувига олиб келади. Шу боис, ҳар бир этник бирликни сақлаб қолиш унга мансуб одамларнинг энг муҳим мақсади бўлмоғи керак. Ва бу мақсад, биринчи навбатда, ушбу этник гуруҳларни ўз ичига олувчи ҳар бир алоҳида давлатнинг вазифасидир”.¹

Ўрта Осиё халқларининг мустамлакачиларга қарши XIX асрнинг иккинчи ва XX асрнинг биринчи ярмида олиб борган курашлари, хусусан, Ичкерия-Чеченистон, Грузия, Абхазия, Озарбайжон, Тоғли Қорабоғ ва бошқа жойларда юзага келаётган вазиятлар миллий-озодлик ҳаракатларининг нақадар авж олиб кетганидан далолат беради.

Миллатлараро муносабатлар, айти вақтда, давлатлараро муносабатлар эканлигини ҳам ҳеч қачон эсдан чиқармаслик керак. Бунга Югославия, Исроил ва Фаластин халқлари ўртасидаги кескинликлар яққол мисол бўла олади. Этник тозалаш сиёсати туфайли сайёрамизнинг у ёки бу мамлакатларида содир бўлаётган

¹ Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида., 6-Жилд.-Т.:“Ўзбекистон”, 1998, 80-бет.

миграция жараёнлари мазкур давлатларнинг ижтимоий-этник таркибининг хилма-хил бўлишига олиб келмоқда. Бу эса, ўз навбатида, бир қатор муаммоларни келтириб чиқармоқда. Мисол тариқасида шуни кўрсатиб ўтиш жоизки, ҳозирги даврда Олмония Федератив Республикасида икки миллиондан ортиқ турк муҳожирлари истиқомат қилишмоқда. Францияга кўчиб келган мигрантларнинг сони бундан кам эмас. Англия ва АҚШ маъмуриятлари кўчиб келаётганлар сонини чеклаш йўлларини излаб, турли қонунлар ишлаб чиқмоқдалар.

Собиқ Иттифоқ пароканда бўлиб, унинг ўрнида мустақил давлатларнинг барпо этилиши туфайли миллий ўзликни англаш жараёни янада ривожланиб кетди. Мустабид тузум ҳукмронлик қилиб турган йиллари Ўрта Осиё Республикалари ва Қозоғистонга қатағон қилинган чеченлар, турклар, қорачойлар ва бошқалар ўзларининг ота маконига қайтиб кетишди, бу эса ўз навбатида, қатор сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, маданий-маънавий муаммоларни юзага келтирди. Мана шундай вазиятни собиқ Иттифоқда кўп йиллар яшаб, эндиликда Олмония Федератив Республикасига кўчиб кетиш истагини билдирган немислар мисолида ҳам кўришимиз мумкин.

Янги мустақил давлатларга эски тузумдан мерос бўлиб қолган мазкур муаммолар миллатлараро муносабатларни йўлга қўйишда алоҳида эътибор беришни талаб қилмоқда. Кўп миллатли давлатлардаги ижтимоий-этник муносабатлардаги уйғунликни таъминлашда барча этник гуруҳларнинг манфаатларини эътиборга олиш катта аҳамият касб этади.

Миллий манфаатларни назар-писанд қилмаслик, чеклаб қўйиш хунук ижтимоий-сиёсий оқибатларга олиб келиши мумкин. Бунга Тоғли Корабоғ, Кавказ орти республикаларда, Тожикистонда ва бошқа минтақаларда рўй бераётган кўнгилсиз воқеалар мисол бўла олади. Бу воқеалар миллий кадриятлар негизида турган муаммоларни оқилона ҳал этиш лозимлигини яна бир бор тасдиқлади, миллатчилик ва буюк давлатчилик шовинизми кайфиятлари кўзғалишига асло йўл қўйиб бўлмаслигини кўрсатди.

Миллий ўз-ўзини англаш этник гуруҳ, элат ва миллатнинг ўзлигини маънавий, иқтисодий ҳам сиёсий жиҳатдан таъминлаш ва танитишга интилиш билан бир қатор этник манфаатларни, умумбашарий даражада ўзаро мувофиқлаштиради.

Манфаат тушунчаси серкирра категория бўлиб, шахсий, уруғчилик, маҳаллийчилик, регионал, этник, миллий ҳамда умуминсоний манфаат шаклларида намоён бўлади. Миллий ва этник манфаатлар муайян этник гуруҳга хос бўлиб, ижтимоий-тарихий тараққиёт жараёнида шаклланган миллий урф-одат, анъана, маданият ва маънавиятнинг, шу билан бир қаторда иқтисодий-сиёсий жиҳатларнинг муҳим қирраларини ҳам ўзида мужассамлаштиради.

Миллий манфаатлар серкирра кўринишларда намоён бўлиб, у миллатнинг ўтмиши ва келажак истиқболи учун қуйидагиларда ўз ифодасини топади:

-ҳар бир миллат мустақил ижтимоий бирлик сифатида ўз мақомини сақлаб қолиш ва мустаҳкамлашда; ўз миллий тилини асраш ва ривожлантириш;

-урф-одат, анъана ва қадриятларини асраш ва келгуси авлодларига етказиш; миллий-маънавий меросини асраб-авайлаш ҳамда тарғиб этиш; миллий интеллектуал салоҳиятини ривожлантириш; иқтисодий фаровонлигини таъминлаш; миллий ривожланиш ва барқарорликни таъминлаш;

-давлат ва жамият бошқарувида иштирок этиш; миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш;

-бошқа миллатлар билан ўзаро ҳурмат ва дўстлик муносабатларини қарор топтириш ва ҳ.к.

Жамият демократлашуви миллатлараро муносабатларни такомиллаштиришда миллий манфаатларга нисбатан давлат ва жамиятда бағрикенглик нуқтаи назари шаклланган бўлсагина, тараққиётнинг муҳим омили бўлган ижтимоий ҳамкорлик юзага келади. ижтимоий жиҳатдан пайдо бўладиган муайян муаммоларни ҳал этиш, муайян эҳтиёж ва қизиқишларни қондиришга умумий зарурат юзага келганда ижтимоий ҳамкорлик юзага келади.

Миллий ўзликни англаш шароитида этник манфаатларни ўрганиш ҳамда назарий жиҳатдан тадқиқ этиш муҳим аҳамиятга эга бўлиб, бизнинг фикримизча, қуйидагиларни тақозо этади:

- фикрлар плюралиزمи нуқтаи назаридан мустақиллик шароитида этник манфаатлар бўйича мавжуд концепцияларни таҳлил этиб, замонавий шароитларга хос ва мос қарашларни илгари суриш;

- этник манфаатларнинг ижтимоий тараққиётдаги ўрни, аҳамияти ҳамда замонавий сиёсий жараёнларда сиёсий ва иқтисодий манфаатларнинг этник қирраларини ўрганиш;

- этник манфаатлар моҳияти, мазмуни ҳамда жамият ривожигаги ўрни масалаларини сиёсий-фалсафий жиҳатдан таҳлил этиш;

- жамиятда этно-сиёсий жараёнларни таҳлил этиб, уларнинг миллатлараро муносабатларга таъсирини ҳамда миллий манфаатлардаги ўрнини кўрсатиш;

- этник манфаатларнинг ижтимоий тараққиёт ва жамият ривожигаги воқеа-ҳодисаларга ўзаро алоқадорлик диалектикасини ўрганиб, ушбу жараённинг жамият тараққиёти билан боғлиқ хусусиятларини таҳлил этиш;

- жамиятда ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маънавий омилларнинг этник манфаатларга таъсирини ўрганиш;

- ҳозирги даврда ижтимоий тараққиётга хос этник жараёнлар ривожига этник манфаатларнинг ўсиб, миллий ва умуминсоний мазмун касб этиш хусусиятларини назарий тадқиқ этиш;

- ўзбек миллати таркибидаги этник гуруҳлар орасидаги алоқа, ўзаро диалектик боғлиқлик, уйғунлик ҳамда мавжуд фарқларнинг қонуниятларини ўрганиш ва жамият тараққиётидаги этник манфаатларнинг миллий ҳамда умуминсоний қирраларини кўрсатиш;

- ижтимоий тараққиётда этник манфаатларни ўрганиш жараёнида бир авлод вакиллари билан иккинчи авлод вакиллари орасида этник хусусиятларнинг инкор ва ворислик диалектикасини таҳлил этиш;

- миллий жамоат ташкилотлари ҳамда миллий даврий нашрларнинг жамиятда миллалараро тинч-тотувликни ва этник манфаатларни таъминлашдаги роли ва ўрнини кўрсатиш;

- истиқлолга асосланган демократик жамиятда этник манфаатларнинг ижтимоий, сиёсий, иқтисодий, маданий ҳамда маънавий асосларини ўрганиш орқали ушбу жараённинг ижтимоий ҳаётнинг мақбул тараққиётини таъминлайдиган чора-тадбир ва усулларини аниқлашдан иборатдир.

Шу жиҳатдан ҳам бугунги Янги Ўзбекистон шароитида этник гуруҳлар фаолиятини жамиятда умумижтимоий манфаатлар раўнақига хизмат қилдириш йули ва усулларини ишлаб чиқиб, амалда жорий этиш ўзига хос зарурий аҳамият касб этади.

Марказий Осиёдаги миллатлар этногенези, этносоциал муносабатлар, миллий ва ижтимоий тараққиёт, ўлкамиз халқлари ўртасида дўстликни, ҳамкорликни ривожлантириш учун қардош мамлакатларда яшаётган миллат ва элатларнинг талаб ва эҳтиёжларини ҳар томонлама ўрганиш, уларни қондириш йўллари биргаликда излаш, ҳамда мамлакатимизнинг умуммиллий манфаатига мувофиқлаштириш ниҳоятда катта аҳамиятга эгадир.

“Бизнинг бош мақсадимиз – умумий саъй-ҳаракатларимиз билан Марказий Осиёни барқарор, иқтисодий ривожланган ва юксак тараққий этган минтақага айлантиришдан иборат,- деб таъкидлайди Ўзбекистон Президенти Ш.М.Мирзиёев, - бунинг учун биз турли низоларни қўзғайдиган ва унга кўмаклашадиган сабаб ва омилларга биргаликда барҳам бермоғимиз, умумминтақавий устувор манфаатларни инобатга олиш асосида миллий ривожланишни таъминламоғимиз зарур”.¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг бу нуқтаи назари, умуммиллий манфаатларимизни минтақавий даражадаги манфаатлар билан уйғунлаштиришнинг методологик асосини ва мақсадини белгилаб беради.

Фикримизча, умуммиллий манфаатлар ва уларни бир хилда қондириш барча мавжуд миллий давлат чегаралари доирасида чекланиб қолмаслиги керак. Қўшни давлатларда яшаб келаётган миллатдошларимизнинг миллий манфаатларини ҳимоя қилиш ҳам умуммиллий манфаатларни узвий қисми сифатида қаралиши ҳамда ташқи сиёсий механизмлар орқали уларнинг миллий манфаатларини одилона ҳимоя қилиш зарур.

Миллий қадриятлар кенг маънода барча мамлакатлардаги халқларни ташкил этувчи синфлар, миллатлар ва элатларнинг манфаат ва қизиқишларини ифодалайди. Яна ҳам аниқроқ қилиб айтганда, муайян миллатларга хос бўлган тор маъноли миллий қадриятлар йиғиндисидан ташкил топган, умумийлашган умуммиллий қадриятлар мажмуасидир.

¹ ЎзР Президенти Ш.Мирзиёевнинг Самарқанд шаҳрида ўтган “Марказий Осиё: ягона тарих ва умумий келажак, барқарор ривожланиш ва тараққиёт йўлидаги ҳамкорлик” мавзусидаги халқаро конференцияда сўзлаган нутқи. 10.11.2017 //http://www.president.uz

Демак, ҳар бир ўлка, мухтор ва мустақил давлат шаклларидаги республикалар таркибида бир неча миллатлар ва элатлар борки, уларнинг барчасига хос бўлган. Яхлит тарза амал қиладиган манфаат ва қизиқишлар юзага келади. Умумманфаат заминида юзага келган муносабатлар асосли равишда уларнинг барчасига хос бўлган умумқадриятларнинг шаклланишига асос бўлади.

Шу нуқтаи назардан қараганда, умуммиллий манфаатлар мазмун ва моҳияти жиҳатидан миллий қадриятларга қараганда кенг ва чуқурроқ тушунчадир. Кўриниб турибдики, умуммиллий манфаатлар миллий манфаатлардан фарқли ўлароқ алоҳида ёки бир гуруҳдаги кишиларни эмас, балки мамлакатимиздаги барча мавжуд миллат, элат ва халқларнинг мақсад ва интилишларининг яхлитлиги, умумийлигини ифодалайди.

Умуммиллий манфаатлар бутун ҳолда намоён бўлса, миллий манфаатлар ана шу бутуннинг бир бўлаги шаклида намоён бўлади. Умумийликни аълоҳидадан, аълоҳидаликни умумийликдан ажратиб бўлмаганидек, миллий манфаатларни ҳам умуммиллий манфаатлардан ажратиш мумкин эмас. Умуммиллий манфаатлар миллий манфаатларнинг асосий мазмунини ташкил этади.

Миллий ва умуммиллий манфаатлар бир-бирига қарама-қарши қўйиб бўлмайди. Ҳақиқий маънодаги тафаккури ўзгарган, миллий ҳамкорлик онги шаклланган, байналмилал инсон бўлмоқ учун фақат ўз миллатининг манфаатинигина уйлаш эмас, балки барча миллатларнинг манфаатларини, уларнинг умумий озодлиги ва тенг ҳуқуқлигини, ўз миллатидан юқорироқ қўймоқ керак. Шу билан бирга, инсон ҳамма ҳолларда кичик миллатнинг маҳдудлигига, бикиклигига, амалдорлигига қарши яккалик ва умумийликни ҳисобга олган ҳолда, умуминсоний манфаатларга буйсундириш учун курашмоғи керак бўлади.

Кўп миллатли мамлакатимиз тараққиётининг тарихий тажрибаси умуммиллий манфаатлар билан миллий манфаатларни бир-бирига уйғунлаштиришнинг бир қанча тамойилларини ажратиб кўрсатиш имкониятини беради. Ана шу тамойилларидан энг асосийси – умумдавлат, умуммиллий манфаатларининг миллий манфаатларидан устун турушидир. Умуммиллий манфаатларни юқори қўйиш миллий манфаатларни чеклаш, камситиш эмас, балки умумиятнинг манфаатига асосланиш, озчиликнинг манфаатини кўпчиликнинг манфаатларидан устун қўймаслик керак.

Ҳақиқий маънодаги байналмилаллик фақат миллий ёки худудий манфаатларини теран англашдангина иборат эмас, балки умуммиллий янгиланиш вазифаларини адо этиш йўлидан мамлакатимиздаги барча худудларнинг имкониятларидан тўла-тўқис фойдаланишини ҳам тақозо этади. Миллий ва умуммиллий манфаатларни якка-якка, аълоҳида-аълоҳида бўлган ҳолда эмас, балки ўзаро боғлиқ бўлган ҳолда амалга ошириш мақсадга мувофиқдир.

Умуммиллий манфаатлар ва уларни бир хилда қондириш собиқ Иттифоқ худудида, барча мавжуд миллий давлат чегаралари доирасида чекланиб қолмаслиги керак. Турли вилоятларда яшаб келаётган халқлар миллатидан қатъи назар, ҳамма жойларда ва ҳамма вақт ўзларининг ранг-баранг миллий эҳтиёжларини қондира олишлари лозим. Бу муносабат худудий мухториятга эга бўлмаган халқларга ҳам тегишлидир, уларнинг миллий манфаатларини одилона ҳимоя қилиш зарур.

Маълумки, Ўзбекистон халқининг этник таркибида туб аҳоли устун мавқеини эгаллайди. Шу билан бир вақтда республикамиз худудида ўз маданияти ва анъанасига эга бўлган 130дан зиёд миллат вакиллари истиқомат қиладилар. Ўрта Осиё туб халқлари табиатида бошқа миллатларнинг вакилларига нисбатан кенг феълликнинг мавжудлиги билан ажралиб туради. Халқимизга антисемитизм, иркчилик ва ўзга миллатга, ўзга халққа менсимасдан, ҳурматсизларча муносабатадбўлиш ҳолатлари мутлақо зиддир.

Миллатидан қатъи назар одамларга ҳайрихоҳлик билан муносабатда бўлиш, ўзгалар кулфатига ҳамдард бўлиш ва ўзаро ёрдам кўрсатиш Ўзбекистон халқига хос фазилатлардандир. Бу халқимиз бойлигининг асосий манбаидир. Бугунги кунда ёшларимизда миллий ҳамкорлик онгини шакллантириш орқали мазкур вазифаларни бажариш муҳим аҳамиятга эга.

Қардош мамлакатларда яшаётган миллат ва элатларнинг талаб ва эҳтиёжларини ҳар томонлама ўрганиш, уларни қондириш йўллариини излаш, ҳамда мамлакатимизнинг умумий манфаатига мувофиқлаштириш ниҳоятда катта аҳамиятга эгадир.

Юқорида кўрсатиб ўтилган муносабатларнинг барчаси, айнан ҳаётимиз мезонидан келиб чиқаётган ҳаққоний талабалардир. Буларга ўз вақтида эътибор бермаслик, ўз навбатида кўплаб салбий оқибатларга олиб келиши муқаррар. Бироқ, муаммоларни ҳал

қилиш жараёнида фақат муайян республикадаги бир миллат ва элатнинг талаб ва эҳтиёжларига зўр бериш, миллий махдудликка, худбин манфаатларга асир бўлиб қолиш ҳам мумкин эмас. Чунки бу ҳол, муайян жумҳуриятнинг ижтимоий-иқтисодий ва маданий-маънавий равнақига ҳисса қўшмайди, аксинча салбий таъсир этади, миллий туйғуларнинг кучайишига олиб келади. Миллий ва умуминсоний манфаатларнинг моҳиятини белгилаш, ҳимоя қилиш чоғида йўл қўйилган шошма-шошарлик, ўйламасдан ташланган ҳар бир қадам оғир калб жароҳатларига олиб келиши мумкинлигини ёддан чиқармаслик керак.

Ёшларда миллий ҳамкорлик онгини шакллантириш, миллий муносабатларни янада такомиллаштириш учун ижтимоий синфлар, миллат ва элатлар манфаатларининг муштараклиги, уларнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиш катта аҳамият касб этади.

Миллий ва умуммиллий манфаатлар бир-бирига қарама-қарши қўйиб бўлмайди. Ҳақиқий маънодаги тафаккури ўзгарган, миллий ҳамкорлик онги шаклланган, бағрикенг инсон бўлмоқ учун фақат ўз миллатининг манфаатинигина ўйлаш эмас, балки ёнма-ён яшаётган миллатларнинг манфаатларини, уларнинг озодлиги ва тенг ҳуқуқлигини тан олиш ва ҳамкорлик қилиш талаб этилади.

Фикримизча, миллий ва умуммиллий манфаатларни якка-якка, алоҳида-алоҳида бўлган ҳолда эмас, балки ўзаро боғлиқ, яхлит ҳолда аниқлаш ва амалда рўёбга чиқариш мақсадга мувофиқдир.

Миллатидан қатъи назар одамларга хайрихоҳлик билан муносабатда бўлиш, ўзгалар кулфатига ҳамдард бўлиш ва ўзаро ёрдам кўрсатиш Ўзбекистон халқига хос фазилатлардандир. Халқимизнинг эзгу фазилатларининг амалий жиҳатларини айниқсар фашизмга қарши курашда кўрсатган маънавий ва инсоний жасорати мисолида ҳам кўриш мумкин.

“Ўта оғир ва машаққатли йилларда халқимизнинг инсонпарварлик ва бағрикенглик фазилатлари яққол намоён бўлди, - деб таъкидлайди Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев, - эл-юртимиз мамлакатнинг уруш бўлаётган ғарбий ҳудудларидан эвакуация қилинган турли миллатга мансуб 1 миллионга яқин болалар, аёллар ва кексаларга бошпана бериб, бир урда нонини улар билан баҳам кўрди”.¹ Дарҳақиқат, бизнинг аждодларимиз оғир замонларда авваламбор кўпмиллатли

¹ ЎЗР Президенти Ш.Мирзиёевнинг 9 май – Хотира ва Қадрлаш кунига бағишланган қабул маросимидаги нутқи. 09.05.2017. // [http:// president.uz](http://president.uz)

халқимизнинг бирлиги ва жипслиги, фидойилиги, инсонпарварлиги ва бағрикенглигига таяниб, барча синов ва машаққатларни енгиб ўтган.¹

Миллий манфаатларга ўз вақтида эътибор бермаслик, ўз навбатида кўплаб салбий оқибатларга олиб келиши муқаррар. Жамият демократлашуви шароитида миллий манфаатлар билан боғлиқ муаммоларни ҳал қилиш жараёнида барча этник гуруҳларнинг манфаатига жавоб берадиган, муаммоларнинг оқилона ечимини топиш нафақат давлат, балки фуқаролик жамияти институтларининг ҳам вазифасига айланиб бормоқда.

Миллий манфаатларга бепарволик муайян республиканинг ижтимоий-иқтисодий ва маданий-маънавий равнақига ҳисса қўшмайди, аксинча салбий таъсир этади, миллий туйғуларнинг кучайишига олиб келади. Миллий ва умуминсоний манфаатларнинг моҳиятини белгилаш, ҳимоя қилиш чоғида йўл қўйилган шошма-шошарлик, пухта ўйламасдан қабул қилинган қарорлар оғир оқибатларга олиб келиши мумкинлигини ёддан чиқармаслик керак.

Кенг маъноли миллий қадриятлар асосида турувчи умуммиллий манфаатлар, юқорида таъкидлаганимиздек, шундай умумийлик муносабатларини намоён этадики, буларга қуйидаги талабларни киритиш мумкин:

- биринчидан, барча халқларнинг миллатидан ва яшаш жойидан қатъи назар тенг ҳуқуқлилиги ва эркин ривожланиши таъминлаш;

- иккинчидан, халқларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаши, миллий қадр-қимматини қарор топтириш;

- учинчидан, миллатларни она тили ва маданиятини, халқ урф-одатлари ва анъаналарини ривожлантириш ҳуқуқи билан таъминлаш;

- тўртинчидан, кам сонли халқларнинг, миллий гуруҳларнинг манфаатлари ва қизиқишларини ҳимоя қилиш, улар турмушининг анъанавий шакллариغا эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлиш, қатағонга учраган ва зўрлаб кўчирилган халқларнинг ҳуқуқларини тиклаш, мана шу зўравонлик ҳаракатлари оқибатларини бартараф этиш, уларга зарурий ёрдам кўрсатиш;

¹ ЎЗР Президенти Ш.Мирзиёевнинг Ўзбекистон халқига Халқлар дўстлиги куни муносабати билан байрам табриги (30.07.2021)// <https://president.uz/uz/lists/view/4522>

- бешинчидан, миллий экстремизм, шовинизм, иркчилик, фуқароларнинг миллатларига ёки тилига, турмуш ёки яшаш жойига қараб камситилишининг ҳар қандай кўринишига қарши курашиш;

- олтинчидан, ҳар қандай кўп миллатли давлатнинг миллий хавфсизлигини таъминлаш ва кўриқлаш.

-еттинчидан, Марказий Осиёда тинчлик ва барқарорликни сақлаш, миллатлараро тотувликни таъминлаш, минтақани барқарор хавфсизлик ҳудудига айлантириш мақсадида минтақавий интеграция жараёнларини янада жадаллаштириш;

-саккизинчидан, кўшни мамлакатларнинг миллий маданий марказлари ва дўстлик жамиятлари билан алоқаларни янги сифат босқичига кўтариш ҳамда ҳамкорлик муносабатларини кучайтириш.

Демак, ёшларда миллий ҳамкорлик онгининг такомиллашуви уларнинг миллий манфаатлар курашсига айланиб бориши тенденцияларини кучайтиради. Бунинг натижасида ёшлар бошқа халқ вакиллариининг турли манфаатларини тўлиқ рўёбга чиқаришга, ҳуқуқ ва эркинликларини амалга ошириш учун барча шарт-шароитларни яратишда ўзларининг ҳиссаларини қўшиб боришга интиладилар.

Ёшларда миллий ҳамкорлик онгини шакллантириш аниқ тарбиявий, маърифий ишлар тизими орқали амалга оширилади. Тарбиянинг, маърифий ишларнинг мақсади кишиларни мавжуд шароитлар ва вазиятларга мослаштириш эмас, балки истиқбол учун курашга, миллатлараро ҳамкорликни мустаҳкамлашга фаолликка сафарбар этишдир. Ҳар қандай тарбия кўзлаган мақсад кўлами жиҳатидан кенгрок, аҳамияти жиҳатдан муҳимроқ бўлади. Булар қаторида белгиланган вазифаларни бажариш, халқнинг, миллатларнинг маънавиятини юксалтириш, шу йўл билан уларни янги тарихий вазифаларни бажаришга сафарбар этишдир. Тараққиёт учун зарур бўлган маънавий омиллар маълум илғор ғоялар шаклланида эмас, балки улар омманинг, ҳар бир ёш йигит-қизнинг онгига сингиб, фаолиятига асос бўганидан кейин юзага келади.

МИЛЛАТЛАРАРО МУНОСАБАТЛАР МУСТАҲКАМЛАШДА МИЛЛИЙ ҒОЯНИНГ АҲАМИЯТИ

Инсоният тараққиёти шуни кўрсатадики, бирорта жамият, давлат, эл, миллат, халқ мафкурасиз яшай олмайди. Одамлар қайси даврда яшамасин улар ҳамиша нимагадир ишониши, эътиқод қилиш, қайндайдир бир ғоя, таълимотга, мафкурага асосланиб иш кўриши, фаолият олиб бориши керак. Бундай ғоялар жамият аъзоларини уюштириш, маълум мақсад йўлида жипслаштириш ва йўналтиришга хизмат қилади.

Мафкура – арабча “нуқтаи назарлар” ва “эътиқодлар тизими” маъносидан келиб чиққан бўлиб, у – жамиятдаги муайян сиёсий, ҳуқуқий, ахлоқий, диний, бадиий, фалсафий, илмий қарашлар, фикрлар ва ғоялар тизимини ифода этади.

Мафкура ижтимоий борлиқнинг, яъни кенг маънода жамият ҳаётининг маънавий-сиёсий инъикосидир, унинг инсон онгида акс этиши, инсон томонидан англашиб, бир бутун тизим ҳолига келтирилиши ва бу тизимнинг амалий фаолиятида назарий асос ҳамда руҳий таянч бўлиб хизмат қилишидир.

Одатда ҳар бир давлат, жамият ўзи бажараётган тарихий вазифани асословчи ва барча ижтимоий синфлар, табақалар, миллатлар, элатлар ва диний эътиқодлар вакилларини шу вазифа атрофида бирлаштирувчи, жипслаштирувчи мафкурага эга. Шу билан бир қаторда, мафкура талаблари ва қоидалари доирасида жамиятдаги, мамлакатдаги ижтимоий синфлар, табақалар, миллатлар ва элатлар, диний эътиқод вакиллари ўз мафкураларини ишлаб чиқишлари мумкин ва зарур. Чунки бундай иш миллий мафкурани янада янгилаштиришга, бойитишга хизмат қилади, унинг ҳар бир фуқарога етиб боришини таъминлайди.

Миллий мафкура жамият тараққиётининг объектив талаб ва эҳтиёжлариндан келиб чиқиб, мамлакатиздаги фаолият кўрсатаётган жамики элатлар, миллатлар, халқлар, ижтимоий гуруҳлар, ташкилот ва ҳаракатларининг иқтисодий, сиёсий, маданий ва бошқа эҳтиёж ва манфаатларини ўзида акс эттиради ва ҳимоя қилади. Шунингдек, унинг асосида жамият тараққиётининг туб, устувор муаммоларни ҳал этилишининг илмий асосларини белгиловчи ғоя ва фикрлар ишлаб чиқилади.

Мафкурамиз жамият ҳаётининг иқтисодий, ижтимоий-сиёсий, маданий-маънавий тараққиётига мақсад ва йўналиш беради.

Мафкурада уларни рўёбга чиқаришнинг йўллари, амалга оширувчи кучлари аниқланади ва белгиланади. Илмий жиҳатдан асосланган ва жамият аъзолари учун бирдек аҳамиятга эга бўлган мақсадга эришиш йўлида эса усул ва васиталарини тўғри танлаш муҳим. Бу эса, миллий мафкурамизнинг илмий жиҳатдан нақадар чуқур ишлаб чиқилганлиги, ҳаётдимизда рўй бераётган жамики ўзгаришларни, сдунёдаги барча илғор тажрибалар, фан-техника ютуқларини ўзида ҳар тарафлама акс эттира олганлигига бевосита боғлиқдир.

Ўзбекистон полиэтник давлат бўлиб, унинг таркибида турли миллат ва элат вакиллари истиқомат қиладилар. Уларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш, жамиятнинг ҳар бир аъзосини миллати, ирқи, диний қарашларидан қатъи назар бирлаштириш ва қудратли давлат қуришга йўналтириш учун барибир жипслаштирувчи ва фаоллаштирувчи бирон бир ғоя бўлиши керак. Мазкур ғоя жамиятнинг ўзагини ташкил қилиб, синфийлик ва партиявийликдан тўлиқ халос бўлиши лозим. Жамиятни, миллатни яқдил қилувчи, унинг узоқ келажагини, истиқболини аниқлаб берувчи, олдинга қараб ҳаракатлантирувчи, рағбатлантирувчи ва сафарбар этувчи куч - бу илғор миллий ғоя ва мафкурадир.¹

Бир ижтимоий-иқтисодий тузумдан бошқасига ўтиш даврида жамият ҳаётининг ҳамма соҳаларида, бинобарин, ғоявий соҳада ҳам бир қатор муаммоларни ҳал қилишга тўғри келиши тарихий қонуниятдир. Ўзбекистон ўз суверенитетини қўлга киритгач, халқнинг манфаатига ва эҳтиёжига жавоб бермайдиган коммунистик мафкурадан воз кечди. Маълумки, одамнинг бутун умри давомида зўрлаб тиқиштирилган ҳар қандай ғоя, ақида ёки мафкура қаршиликка учрайди. Табиийки, жамиятда янги ғоя, илғор фикр, прогрессив мафкурани шакллантириш эҳтиёжи туғилади. Башарти бу зарурат тушунилмаса ёки инкор этилса, мафкуравий бўшлиқ пайдо бўлиб, у муқаррар равишда халққа ёт ғоялар билан тўлдирилиши мумкин.²

Ҳозирги кунда миллий истиқлол мафкурасининг мазмун-моҳияти, ўзига хос хусусиятлари, шаклланиши ва ривожланишининг назарий-методологик асоси ва манбалари, унинг

¹ Қаранг: Ачилдиев А.С. Миллий ғоя ва миллатлараро муносабатлар.-Т.: “Ўзбекистон”, 2004.

² Қаранг: Миллий истиқлол ғоясини шакллантиришда ташкилий-услубий ёндашувлар. -Т.: “Академия”, 2002.

халқни-халқ, миллатни-миллат, юртни-юрт қилишдаги, комил инсонларни тайёрлаш ва тарбиялашдаги аҳамияти сингари концептуал масалалар кўпгина олимлар, файласуфлар тарихчилар томонидан таҳлил қилиниб, ўзининг илмий-назарий ифодасини топмоқда.

Аммо шуни таъкидлаш жоизки, сиёсатчилар, тарихчилар ва жамиятшунос олимлар ўртасида “миллий ғоя” ва “миллий мафкура” тушунчаларини бир хилда кўриш ва тушунтириш, бу фалсафий атамаларни синоним сифатида ишлатиш ҳолатларини ҳам учратиш мумкин.

Бир қарашда мазкур тушунчалар ўзаро бир хил бўлиб, бирига яқин бўлган маънога эгадай кўринса ҳам улар ўртасида фарқ мавжуд. Ана шу фарқни аниқлаш учун, назаримизда, масаланинг қуйидаги иккита томонига аҳамият бериш муҳим аҳамиятга эга:

- биринчидан, тушунчалар этимологиясига, яъни қадимги юнон фалсафасига мансуб бўлган “идея” тушунчаси Шарқда “ғоя” деб, “идеология” тушунчаси “мафкура” деб қабул қилинганлиги;

- иккинчидан, тушунчанинг таърифи. Ғоя – бу атрофимиздаги воқеа ва ҳодисалар тўғрисидаги тушунчалар ҳамда уларнинг боғлиқлиги ҳақидаги тўла фикр, ҳар бир одам қалбидаги эҳтиёжнинг миядаги инъикосидир. Одамлар ҳар хил бўлганлиги туфайли, уларнинг ғоялари ҳам ҳар хил бўлиши мумкин. Ғоянинг кўпчилик манфаатларига мос ёки зид келиши унинг моҳиятидан келиб чиқади. Ғояларнинг жаҳон маданиятидаги қамрови тор ва кенг бўлиши мумкин, масалан: илмий, техникавий, педагогик, бадий, фалсафий ғоялар. Булардан ташқари сиёсий, ҳуқуқий, иқтисодий, ижтимоий, диний, ахлоқий ва бошқа кўринишдаги ғоялар ҳам пайдо бўлиши, муносабатларни йўлга кўйиши ва биргаликда бутун бир ғоялар тизимини шакллантириши мумкин.¹

Демак, “ғоя” ва “мафкура” тушунчалари бир-бирига яқин, аммо бир хил маъноли тушунчалар эмас, уларни синоним сифатида ишлатиш ҳам нотўғри. Ғоя – у ёки бу ижтимоий ҳодиса, жараённи ифодаласа, мафкура – ғоялар тизимини ифодалайди. Мафкура – жамиятнинг ишлаб чиқариш муносабатларини ўзида акс эттирувчи,

¹ Файзуллаев О. Миллий мафкура ва миллий ғоя методологияси ҳақида //Мустақил Ўзбекистон: Фалсафа фанларининг долзарб муаммолари.-Т.:ЎзР ФА Фалсафа ва ҳуқуқ институти,2000.-22-бет.

унинг умумий маънавий ҳаёт даражасини ифодаловчи ғоялар тизимидир. У жамиятдаги сиёсий, ҳуқуқий, ахлоқий, диний, ахлоқий қарашлар, кечинмаларда намоён бўлади. Мафкура ғоялар тизимидан иборат бўлиб, ғоя эса унинг таркибий қисмини ташкил этади.

Мафкуранинг аҳамияти шундан иборатки, у жамиятимизнинг ривожланиши, юқорига томон ҳаракат қилишини осонлаштиради, миллатни, барча фуқароларни умумий мақсад йўлида бирлаштиради. Миллий мафкура бутун Ўзбекистон халқининг руҳини, ҳис-туйғусини, миллий ғурур ва ифтихорини, куч-қудратини, орзу-интилишларини мужассамлаштирадиган буюк ғоявий кучдир.

Мустақилликнинг тақдири, Ўзбекистоннинг келажаги, биринчи навбатда, одамларга, ёшларга, уларнинг амалий фаолиятига, ахлоқий баркамоллигига, ғоявий-сиёсий етуклик даражасига, миллий ўзлигини қанчалик чуқур ва мукаммал англаб олишларига бевосита боғлиқ. Жамият тараққиётини, мустақиллик билан боғлиқ бўлган улкан вазифаларни бажаришга оммани сафарбар этишни мафкурасиз тасаввур этиш мумкин эмас.

Инсоннинг, ҳар бир ёшнинг фаолияти унинг илғор мафкурага қатъий амал ва эътиқод қилишига боғлиқ. Жамият манфаати ва миллий истиқлол йўлида ўзидаги барча билим, қобилият ва истеъдодини бахшида этишга тайёр турган етук инсонлар, ёшлар, фидойилар бўлмаса, Ўзбекистонни дунёдаги энг қудратли, илғор давлатга айлантириш мумкин эмас. Мустақил Ўзбекистоннинг энг яқин ҳамда узоқ келажаги билан бевосита боғлиқ бўлган ана шу вазифаларни мафкуравий ишларни жонлантirmасдан туриб амалга ошириб бўлмайди.

Мафкура кишиларда, ҳар бир ёшда миллий маданиятнинг, миллий онгнинг, миллий ғурурнинг ўсиши ва ривожланишида муҳим аҳамият касб этади. Шунингдек, у халқимиз ва миллатимизнинг куч-қудрати ҳамда имкониятларига, ғоявий-сиёсий жиҳатдан бир бутун ва яхлитлигига салбий таъсир этиши мумкин бўлган маҳаллийчилик, гуруҳбозлик, уруғ-аймоқчилик муносабатларига қарши муросасиз кураш олиб боришга кенг жамоатчиликни даъват этади.

Мафкура миллий ҳамкорлик, миллий ҳамжиҳатликнинг кучайишига кўмак беради. У етук миллий онг, миллий ғурур, миллий қадриятлар, миллий бирдамлик ва ҳамжиҳатлик туйғуси

заминида шаклланадиган ватанпарварликни ҳам ўз ичига олади. Ёшларда она заминга бўлган муҳаббат қанчалик кучли бўлса, Ватанни севиш, юксак даражада эъзозлаш туйғуси кучайиб борса, ҳар бир инсон ўз Ватани тарихини, миллий қадриятларини, ўз халқининг тили, маданияти, миллий урф-одатларини мукамал билса, миллий манфаатларини, миллат тақдири ва истиқболини чуқур англаб етган бўлса, жамиятимиз шунчалик мустаҳкам ва барқарор бўлади.

Миллий мафкура мустақилликни мустаҳкамлаш, Ўзбекистонни келажакда буюк давлатга айлантириш, инсон ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, ижтимоий адолатни, демократияни тўла қарор топтириш, миллатимиз ва мамлакатимиз истиқболи муаммоларини ҳал этишни биринчи ўринга қўйиш йўлида аниқ мақсадларга қаратилган, илмий асосланган хилма-хил билимлар ва хулосаларнинг муайян тизимидир.

Миллий мафкура халқнинг миллий манфаатларидан келиб чиқади ва уни ўзида ифода этади. Миллий истиқлол мафкураси миллий ҳамда умуминсоний қадриятларга асосланади. Улар мафкурамизнинг тамал тошини ташкил этади. Миллий, умуминсоний қадриятлар, ахлоқий, бадиий, фалсафий, диний, ҳуқуқий қарашлар ва ғоялар мафкурамизнинг инсонпарвар моҳиятини янада тўлдиради ва бойитади, заминни мустаҳкамлайди, таъсирчанлигини оширади, амалий аҳамиятини кучайтиради.¹

Миллий мафкурани яратишда халқимизнинг ҳозирги ва келажакдаги туб манфаатларини, истиқлолимизнинг ривожланиш қонунларини назарда тутиш фан қонунларига, илмий назарияга тубдан зид бўлган субъективизм ва волюнтаризмга қарама-қарши иш тутиш демакдир.

Миллий мафкура назарий, методологик ҳамда сиёсий жиҳатларда объектив реалликнинг бутунлай янги, тарихий амалиётда учрамаган ҳодисасидир. Миллий мафкура ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларига баб-баравар таъсирини ўтказади, жараёнларни ғоявий-маънавий таъминлайди, жамият соғлом кучларини олий мақсад сари сафарбар этади, уюштиради, ижтимоий тараққиётни тезлаштиради. “Миллий мафкура, - деб

¹ Шермухамедов С. Миллий ғоя ва унинг ижтимоий тараққиёт (прогресс)даги ўрни//Мустақил Ўзбекистон: фалсафа фанларининг долзарб муаммолари.-Т.:ЎЗР ФА Фалсафа ва ҳуқуқ институти,2000.-16-21-бетлар

ёзади М.Қуроноф,- жамият орасида миллий ғояни тарқатувчи, одамларнинг онгини ўзгартирувчи доимий механизмга айланади”.¹

Миллий мафкурамиз бутун Ўзбекистон халқининг миллий рухи, ҳистуйғулари, миллий ғурур ва ифтихор, куч-қудрати, орзу ва интилишларини мужассамлаштирадиган буюк кучдир. Унинг асосий мақсадлари мамлакатимизда яшаётган турли миллат, элат ва ижтимоий гуруҳларни, уларнинг турди қараш ва эътиқодларидан қатъи назар нафақат бирлаштириш, балки комил иносн қилиб тарбиялашдан иборат. Биз комил инсон деганда нафақат қатор инсоний фазилатлар соҳибини балки бугунги кунда Янги Ўзбекистон қурилаётган шароитда етук сиёсий-ҳуқуқий онг ва маданиятга эга бўлган, мамлакатимизда шиддат билан кечаётган ўзгаришларнинг фаол иштирокчисини назарда тутамиз.

Мамлакатимиз тақдири ва келажаги, биринчи навбатда, одамларнинг амалий фаолиятига, ахлоқий баркамоллигига, ғоявий-сиёсий етуклик даражасига, миллий ўзлигини қанчалик чуқур ва мукамал англаб олишларига бевосита боғлиқ. Жамият тараққиётини, Ўзбекистонда Учинчи реннесанс қуриш вазифаларини бажаришда, оммани сафарбар этишда миллий мафкуранинг ўрни ва роли ниҳоятда катта.

Миллий мафкура нафақат кишиларда маданият, миллий онг, миллий ғурур ва ифтихорни янада оширишда муҳим аҳамият касб этади. Миллий мафкура халқимиз ва миллатимизнинг куч-қудрати ва имкониятларига, ғоявий-сиёсий жиҳатдан бир бутунлик ва яхлитлигига салбий таъсир этиши мумкин бўлган маҳаллийчилик, гуруҳбозлик, қавм-қориндошлик ва уруғчилик муносабатларига мурасасиз қураш олиб боришга кенг жамотчиликни даъват этади, У миллий ҳамкорлик, миллий ҳамжиҳатликни янада кучайтиришга кўмак беради.

Миллий мафкура етук миллий онг, миллий ғурур, миллий қадриятлар, миллий бирдамлик ва ҳамжиҳатлик туғуси замида шалланаётган ватанпарварликни ҳам ўз ичига олади. Кишиларда она заминга бўлган муҳаббат қанчалик кучли бўлса, Ватанни севиш, юксак даражада эъзозлаш тобора кучайиб борса, ҳар бир инсон ўз халқининг тарихи, миллий қадрият ва уфр-одатларини, тили, маданиятини мукаммла билса, миллат тақдирига ўзининг

¹ Қуроноф М. Мафкура, таъсирчанлик ва услуб.-Т.: “Маънавият”,2000.-5-бет.

алоқадорлигини билса ва тараққиёт йўлида фаоллик кўрсата олади, мамлакатимизнинг асослари мустаҳкам ва барқарор бўлади.

Демак, миллий мафкура мамлакатимизни келажақда буюк давлатга айлантириш, инсон ҳақ-ҳуқуқларини, ҳимоя қилиш ижтимоий адолатни, демократияни тўла қарор топтириш, миллатимиз ва мамлакатимиз истиқболи муаммоларини ҳал этишни биринчи ўринга қўйиш йўлида аниқ мақсадларга қаратилган, илмий асосланган турли хил билимлар ва хулосаларнинг муайян тизимидир.

Миллий мафкурамиз халқимизнинг ўзоқ тарихий тараққиёт жараёнида яратган, авайлаб-асраб келаётган илмий билимлар хазиналарига, бой қадимий меросимизга, илм-фан ва маданият ютуқларига асосланади. Халқимиз томонидан яратилган тарихий, маданий-маънавий меросларининг ўзи биз учуе катта бир хазина.

Миллий мафкура халқимизнинг миллий ва умуминсоний кадриятларига ҳам асосланади. Улар ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий, фалсафий, диний, ахлоқий, бадий қарашлар, ғоялар мафкурамизнинг инсонпарварлик моҳиятини янада тўлдиради ва бойитади, заминини мустаҳкамлайди, таъсирчанлигини оширади, амалий аҳамиятини кучайтиради.

Миллий мафкура муайян бир миллат – ўзбекларнигина манфаатларини ифода этмайди. Ўзбекистонда истиқомат қилаётган барча мусулмон ва русийзабон миллат ва элатларнинг тенг ҳуқуқлигини, кадр-қимматини, ор-номусини ва миллий ғурурни, манфаатларини ҳимоя қилиш мафкурамиз моҳиятида катта ўрин тутади. Миллий ғоя мамлакатда яшаётган барча халқларнинг манфаатларини ўзида мужассам эта олиши, жамият тараққиётини мустаҳкамлашга хизмат қилиши билан аҳамият касб этади.

Миллий ғоя тизимида миллийлик ва умуминсонийлик уйғунлиги муҳим илмий ва назарий, амалий жиҳатларига эга. Бу аввало, “миллий” тушунчасини тўғри тушунишни тақозо этади. Миллий ғоянинг доимий ишлаб туришини таъминловчи тизимнинг мавжудлиги, унинг турли даврда мунтазам, узлуксиз ишлаб туришига ёрдам берадиган омилларнинг фаолиятда эканлигини кўрсатади.

Турли миллат, халқларга мансуб инсонларда мамлакат, Ватан манфаатлари учун қайғуриш туйғусининг ҳар бир киши кўнглида мужассам бўлиши – тизим яратувчи муҳим омилдир. Шундай

омиллардан бири миллий ғоя тизимида миллийлик ва умуминсонийликнинг уйғунлигидир.

Миллий ғоя тизимида миллийлик ва умуминсонийлик уйғунлиги, уларнинг узвий боғлиқлиги негизида умуминсоний кадриятлар устуворлиги ётади. Унинг асосий тамойилларидан бири инсонпарварлик ғояси билан боғлиқлиги сабабли миллийлик ва умуминсонийлик бир-бири билан тизим сифатида ҳам, таркибий-функционал жиҳатдан ҳам узвий боғлиқдир.

Ушбу боғлиқликни жамиятда тизимли ишлаш жараёнида ўз ифодасини топишини янада такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев томонидан 2019 йил 8 апрелда Ф-5465-сонли “Ўзбекистон тараққиётининг янги босқичида миллий ғояни ривожлантириш концепциясини ишлаб чиқишга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармойиши эълон қилинди. Бу Фармойишнинг эълон қилиниши бежиз эмас. Чунки, ҳозирги глобаллашув жараёнида “...мамлакатимиз тинчлиги, жамиятимиз барқарорлиги, умуминсоний, миллий ва диний кадриятларимизга қарши қаратилган, миллий ўзликни англаш, халқимизнинг асрлар давомида шаклланган ҳаёт тарзини барбод қилишга йўналтирилган мафкуравий таҳдидларга қарши курашишнинг самарали усул ва воситаларини ишлаб чиқиш, қўллаш ишлари замон талабидан ортида қолмоқда”.¹

Миллий ғоя тизимида миллийлик ва умуминсонийлик муносабатида миллийлик умуминсонийликни, аксинча умуминсонийлик миллийликни инкор қилмаслиги ёки ҳар икки томондан бири мутлақлаштирилишига йўл қўймаслик керак.

Мафкуравий муносабатлар ижтимоий муносабатларининг таркибий қисмидир. Ижтимоий муносабатлар моддий ва мафкуравий муносабатлардан ташкил топади. Моддий-ижтимоий муносабатлар инсон онгига боғлиқ бўлмаган ҳолда мавжуд бўлса, мафкуравий муносабатлар инсон онгида шаклланади.

Жаҳон тарихида ҳар бир халқнинг аввало маънавий бирлашуви, миллий ғояси билан юксалганини кўриш мумкин. Бугун янги ҳаёт куриш, ривожланган давлатлар қаторига чиқиш йўлидан бораётган Ўзбекистонда ҳам миллий ғоя масаласи жуда муҳим аҳамиятга эга. Мамлакат мафкурасининг асосий ғоясини

¹ ЎЗР Президентининг 2019 йил 8 апрелдаги Ф-5465-сонли “Ўзбекистон тараққиётининг янги босқичида миллий ғояни ривожлантириш концепциясини ишлаб чиқишга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармойиши. //https://www.gazeta.uz/uz/ 08.04.2019

нималар ташкил этишини санаб ўтди. «Биз яратаётган янги Ўзбекистоннинг мафкураси эзгулик, одамийлик, гуманизм ғояси бўлади», - деб таъкидлайди Ўзбекистон Президенти Ш.Мирзиёев.¹

Таъкидланганидек, миллий ғоянинг моҳиятини тўлиқ англаб етмаган, эски мафкурани тасаввур қилиб, бунга юзаки қарайдиганлар ҳам йўқ эмас. “Биз мафкура деганда,-деб таъкидлайди Ўзбекистон Президенти Ш.Мирзиёев,- аввало фикр тарбиясини, миллий ва умуминсоний кадриятлар тарбиясини тушунамиз. Албатта, бу юксак ғоялар осмондан тушмаган. Улар халқимизнинг неча минг йиллик ҳаётий тушунча ва кадриятларига асосланган”.²

“Миллий ғоя ҳар бир инсоннинг ўзини англаши жараёнида шакллана бошлайди. Инсоннинг шахс сифатида шаклланиши эса унинг ўзини англашидан бошланади”, - деб ёзади С.Атамуродов. “Миллий ғоянинг таъсир доираси ниҳоятда кенг бўлиб, у миллатнинг ўзига хослигини сақлаб туриш, миллат манфаатлари йўлида миллат вакиллари бирлаштириш, уюштириш ва тараққиёт йўналишларини белгилаш қабилага ўзининг таъсирини ўтказиб туради”.³

Миллий ғоя ва мафкуранинг узлуксиз самара бериб ишлашида миллий ва умуминсоний моҳиятнинг ўзаро уйғун-муҷассамлиги муҳим, яъни, унда бошқа миллат ва халқларнинг ҳам алоҳида ўзига хос ижобий анъаналари акс этади. Уларнинг дунёқарашларини шу Ватан тарихи, маданияти, урф-одати ва анъаналаридан ажралган ҳолда таҳлил этиб бўлмайди. Улар бир-бирини тўлдиради, бойитади. Шунинг учун мамлакатимизда яшаётган ҳар бир миллат, халқнинг ўзига хос маданияти, кадриятлари, урф-одатлари, бошқа халқларга хос бўлган кадриятлар тизими, урф-одат ва анъаналари билан ёнма-ён, умумий, маънавий маконда содир бўлади.

Миллий мафкуранинг муҳим тарбиявий жиҳати - унинг таъсирчанлигида. Энг муҳими, биз шуни тушуниб етишимиз керакки, миллий истиқлол ғояси сунъий мажбурлашдан йироқ бўлиши керак, у ҳар қандай конфликт ва конфронтациянинг олдини олиши, энг муҳими, жамият аъзоларининг миллий мансублигидан катъи назар уларни бирлаштиришга хизмат қилиши керак.

¹ ЎзР Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2021 йил 19 январ куни маънавият масалаларига бағишлаб ўтказилган йиғилишдаги нутқидан.//<https://www.gazeta.uz/uz/19.01.2021>

² Ўша жойда

³ Ўша жойда

Мафкура-муайян ижтимоий гуруҳ ёки қатламнинг, миллат ёки давлатнинг эҳтиёжларини, мақсад ва интилишларини, ижтимоий-маънавий тамойилларини ифода этадиган ғоялар, уларни амалга ошириш усул ва воситалари тизимидир.³

Сўнгги йилларда ёшларнинг ижтимоий фаоллиги ўсиб бораётганлигини кузатиш мумкин. Бу борада уларда шаклланаётган ижтимоий ва мафкуравий тушунча ва ғояларнинг аҳамияти каттадир. Ёшлар тафаккурида миллий мафкурани шакллантириш, ёш авлодни Ватанга муҳаббат, аجدодларимиз меросига, истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялаш муҳим аҳамиятга эга. Маълум бўлдики, ёшларда миллий ғояни ўзлаштириш ва тараққиётда миллий асарларга таяниш кўникмаси ҳосил бўлган. Уларда ватанпарварлик, ўз юртига ҳурмат, умуминсоний қадриятларга садоқат каби фазилатлар устувор даражада кўзга ташланади. Бу инсоний ва ижтимоий фазилатлар ёшларнинг баркамол вояга етишида таянч омиллар бўлиб хизмат қилади.

Маълумки, ҳар бир мафкуранинг мазмунида у ёки бу жамиятнинг ўзига хос хусусиятлари, унинг иқтисодий, ижтимоий-сиёсий, маданий ва бошқа соҳаларда рўй бераётган ўзгаришлар ва мақсадлари белгиланади. Шундай экан, биз Ўзбекистонда қандай жамият барпо этаямиз, унинг моҳияти, асосий мақсадлари, ўзига хос хусусиятлари нималардан иборат эканлигини чуқур англашимиз муҳим аҳамиятга эга.

Миллий мафкура мамлакатимиз ижтимоий турмушининг иқтисодий, сиёсий, ижтимоий, маънавий ва бошқа соҳаларида рўй бераётган жараёнларни ифодалайди. Жумладан, сиёсий соҳада – ўзбек давлатчилиги ривожининг тарихий тажрибаси ва умуминсоният томонидан эътироф этилган қонунларга асосланган ҳолда инсонпарвар ҳуқуқий демократик давлатни барпо этиш; давлат бошқаруви ва фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёнларини эркинлаштириш; фуқароларнинг сиёсий, ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириб инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, том маънода амалда қонун устуворлигини таъминлашга эришиш; демократиянинг зарурий шарти бўлган кўппартиявийлик муҳитини қарор топтириш ва ҳ.к.

³ Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. (Маъруза матнлари учун материаллар).- Т., 2001.-7- бет.

Иқтисодий соҳада – бозор муносабатларига асосланган кўп укладли иқтисодиётни қарор топтириш, уни замонавий технология асосида ривожлантириш, самарадорлигини ошириш ва девирсефикациялаш; хусусийлаштириш жараёнини янада чуқурлаштириш ва шу асосда амалда мулкдорлар синфини шакллантириш; кичик ва ўрта бизнес ҳамда тадбиркорликни ривожлантириш ва уларнинг самарали фаолият кўрсатиши учун қулай шарт-шароит яратиш, бошқа мамлакатлар билан иқтисодий ҳамкорликни кучайтириш, қулай инвестициявий иқлимни яратиш ва ҳ.к.

Миллий мафкурамизнинг асосий мақсадларидан бири халқимизни, ёшларимизни меҳнатсеварликка даъват этиш. Фақат меҳнат туфайли, жамиятимиз тараққиётини таъминлайдиган иқтисод соҳасини ривожлантириш, моддий неъматлар яратиш туфайлигина биз ривожланган мамлакатлар қаторига қўшилишимиз мумкин бўлади. Негаки, ҳар қандай ғоя амалиётга асосланмаса ва меҳнат билан боғланмаса, ўз сиёсий кучини йўқотади ва аксинча, меҳнат билан уйғунлашиб кетадиган ғоя халқнинг эътиқодига айланиб кетади.

Маданий-маънавий соҳада – умуминсоний қадриятлар устуворлигини тан олган ҳолда миллий қадриятларни тиклаш ва ривожлантириш, тарихий ҳақиқатни тиклаш, миллий тил, ахлоқ-одоб қоидалари, динимизни янги босқичга кўтариш; Ўзбекистонда яшаётган барча миллат ва элатларнинг тили, маданияти, урф-одати ва анъаналарини ривожлантириш, уларга яратиб берилган имконият ва шарт-шароитларни янада кенгайтириш; юрт тинчлиги, Ватан равнақи, халқ манфаати учун қайғурадиган, янгича фикрлайдиган, имон-эътиқоди бутун, иродаси бақувват эркин фуқаро маънавиятини шакллантириш; фан, таълим-тарбия, маданият ва санъат, тиббий хизмат, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, жисмонан ва маънан соғлом бўлган авлодни тарбиялаш соҳаларида ижобий натижаларга эришиш; ижоднинг барча турларини ривожлантириш, одамларнинг истеъдод ва қобилиятларини намоён этиши учун шарт-шароитларни яратиш, маънавий мулкни ҳимоя қилиш.

Мафкура – инсон онгига, унинг қалбига йўл очиб, дунёқарашига таъсир этувчи қудратли ғоявий кучдир. Шунинг учун ҳам, ҳозирги вақтда жаҳон миқёсида турлича мақсад – манфаатларни ифода этувчи ҳар хил эски қарашлар, сиёсий,

миллий, диний оқимлар, мазҳаб ва секталарнинг пинҳона ва ошкора ўзаро курашлари, тортишувлари ҳар қачонгидан ҳам кўра шиддатли тус олмоқда. Мафкуравий курашлар ва тортишувлардан кўзда тутилган асосий мақсад – инсон, авваламбор, ёшлар қалбини эгаллаш, муайян мамлакат ёки минтақадаги бирор миллат ёки халқнинг онгига, унинг сезги-туйғуларига таъсир ўтказиш, уни ўз дунёқарашига бўйсундириш, маънавий жиҳатдан заиф ва тобе қилиш. Фикр қарамлиги, тафаккур қуллиги эса ҳар қандай иқтисодий ёки сиёсий қарамликдан ҳам кўра даҳшатлидир”¹.

Жаҳонда мафкуравий курашлар кескин тус олаётган, ахборот маконида турли хавф-хатар ва таҳдидлар тобора ортиб бораётган ҳозирги шароитда барчамиз доимий огоҳ ва сезгир, фаол фуқаролик позициясига эга бўлишимиз керак. Айниқса, адашиб, ёт ғоялар таъсирига тушган шахслар ва уларнинг фарзандларида мафкуравий иммунитетни шакллантириш ва уларни соғлом турмуш тарзига, тўғри йўлга қайтаришда ҳарбий хизматчиларимиз давлат ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликдаги ишларни янада кучайтириши лозим.

Мамлакатимиз аҳолиси, аввало, ёшлар қалбида амалга оширилаётган ислохотларга дахлдорлик ҳиссини кучайтириш, шу йўналишдаги маънавий-маърифий ишларнинг таъсирчанлигини янада оширишимиз зарурлиги давр талабига айланиб бормоқда.²

“Мамлакатларимиз тараққиётида минтақа аҳолисининг аксарият қисмини ташкил этаётган ёшлар муҳим ўрин тутишини барчамиз англаб турибмиз, – деб таъкидлайди Ш.Мирзиёев,- Бутун дунёда ёш авлоднинг онги ва қалби учун кураш давом этаётган бугунги кунда Марказий Осиё келажагининг ҳал қилувчи кучи бўлган ёшларимизни ватанпарварлик, миллий ва умуминсоний кадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялашимиз керак”³.

Дарҳақиқат, ҳар қандай суверен давлат сиёсатининг марказида ўз хавфсизлигини таъминлаш масаласи турибди. Ўзбекистон миллий хавфсизлиги нафақат давлат суверенитети ва ҳудудий яхлитлигини қурол билан ҳимоя қилишни, балки урушнинг олдини

¹ Каримов И.А. Жамиятимиз мафкураси халқни-халқ, миллатни-миллат қилишга хизмат этсин//Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қураимиз.7-жилд.-Т.: Ўзбекистон,1999.-85-бет.

² ЎзР Президенти Ш.Мирзиёевнинг ЎзР Қуролли Кучлари ташкил этилганининг 29 йиллиги ва Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан байрам табриги.// 2021 йил 14 январь //https://www.gazeta.uz/uz/

³ Мирзиёев Ш.М. Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг учинчи Маслаҳат учрашувидаги нутқи// “Халқ ўзи”, 2021 йил 6 август.

олиш, давлатнинг иқтисодий ва технологик хавфсизлиги, ички барқарорлиги ва тинч ҳаёт кечириши, фуқароларнинг ҳуқуқий, маданий-маърифий ютуқларини ҳимоя қилиш бўйича фаол сиёсий ва дипломатик чоралар кўришни ҳам ўз ичига олади.

Давлат барқарорлиги, тинч-тотув ҳаёти, тараққиёти ва келажаги ана шу давлатда катта хавф туғдириши мумкин бўлган барча таҳдидларнинг моҳиятини тушуниб етишга, уларнинг олдини олиш ва бартараф этиш йўлида халқимиз салоҳиятига боғлиқдир. Таҳдидга нисбатан хотиржамлик, мудроқлик ёки уни бутунлай сезмаслик жиддий оқибатларга олиб келиши муқаррар.

Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик концепциясига асос қилиб олинган аниқ кафолатлар қаторида маънавий хавфсизлик омиллари алоҳида кўрсатилган. Хусусан, ҳозирги вақтда давлатнинг барқарорлиги жамиятнинг ижтимоий-сиёсий, маънавий-маданий, ахлоқий ва тарихий илдизларига таяниш орқали таъминланиши кераклиги таъкидланган.

Хавфсизлик концепцияси, миллий манфаатлар тизимини амалга ошириш ва миллий хавфсизликни таъминлаш масалалари катта аҳамиятга эга. Гап шундаки, миллий хавфсизликнинг талқини нафақат ҳарбий кучга асосланган ҳаракатлар соҳасини, балки муайян миллий шакллардаги ижтимоий тараққиётнинг кўплаб таркибий қисмларининг уйғун ривожланишини ҳам тақозо этади.

Ҳозирги кунда кўпгина собиқ Иттифоқ давлатларининг бир ижтимоий-иқтисодий тузумдан иккинчисига ўтиш жараёнини тавсифлайдиган хусусиятларидан бири - тоталитар жамиятдан воз кечиш ва демократик жамиятга ўтишдир. Бундай жараёнлар субмаданият ва унинг тарафдорлари, яъни турли хил миллий, диний, ҳудудий, профессионал ва бошқа жиҳатлардан бирлашган гуруҳларнинг намоён бўлишига сабаб бўлмоқда. Жамиятда манфаатлари бир бирига мос келмайдиган, айрим ҳолатларда эса мутлақо қарама-қарши бўлган бирликлар аниқ ажралиб бормоқда. Бундай жамиятлар маданияти жамият ривожланишининг асосий қадриятлар, идеаллар ва мақсадлараро доимий муқаррар консенсусни излаш билан тавсифланади.

Одамларнинг кутаётган ижтимоий натижалари билан улар ҳаётининг ёмонлашиб бориши ўртасидаги тафовутнинг ўсиб бориши, кўпинча, ижтимоий саросима ҳолатига ва унга хос бўлган – кўрқув, агрессиянинг келиб чиқишига олиб келмоқда. Бундай ҳолатлар хавфли ижтимоий-психологик манзаранинг

шаклланишига, ижтимоий конфликт доирасида зўравонликнинг кучайишига олиб келиши табиийдир. Мазкур фаслда бир маънавий соҳада вужудга келадиган конфликт масаласига алоҳида тўхталиб ўтмоқчимиз.

Маънавий ишлаб чиқариш тизими кўп қиррали бўлиб, у алоҳида инсон, миллат ва элатлар ўзининг тарихий тараққиёти жараёнида шаклланган инсон маданиятининг даражасини, тафаккурининг кенглигини, ахлоқий, диний тасаввурларининг бутун тизимини ўз ичига қамраб олади. Инсон маънавий ишлаб чиқаришнинг асосий субъектив омили сифатида, турли хил позитив ва негатив кўринишдаги, унинг характери ва тафаккурини белгиловчи ғояларни яратади.

Масалан, В.А.Ядов фикрича, бугунги кунда ижтимоий тизим ва муносабатларнинг, назарий таҳлил ҳамда амалий ҳаракатларнинг энг муҳим предмети тарихий жараённинг айнан субъектив қурилмаси, оммавий ҳаракатлар, инсоннинг кундалик фаоллиги бўлиб бормоқда.¹ Чунки айнан ижтимоий субъект объектив реалликни тарихий жараёнга айлантириб, ўзининг ҳаракатлари билан тарихни яратади. Шу билан бир қаторда, кенг маънода ижтимоий субъект – бу бутун инсоният, синфлар, халқлар, ҳудудий бирликлар, кичик гуруҳлар ва ниҳоят, шахс, ижтимоий субъектдир.

Ижтимоий институт, ташкилот ва шунга ўхшаш бирлашмаларга келсак, уларнинг ҳаммаси ижтимоий субъектнинг инструмент, восита ҳамда фаолиятининг қуролларидир. Негаки, айнан шулар ижтимоий тараққиёт ва ижтимоий ўзгаришларнинг илдизини ташкил этади.

Маънавий соҳанинг муайян қисмини дин, диний қарашлар, таълимотлар, ғоялар ташкил этади. Бугунги кунда дунёда бирор-бир давлат йўқки, унинг халқи у ёки бу динга топинмаса. Кўпгина халқлар учун диний тасаввурлар тизими ҳаёт ва ўлим Кодексига айланган. Охирги минг йиллик кўпгина миллат ва халқлар ўртасидаги турли хил диний таълимот ва оқимларнинг тўқнашуви билан тавсифланади.

Диннинг жамиятга таъсир этишининг ўзгармас назарий модели – унинг жамиятни бирлаштириш ва интеграциялаштиришдан иборатдир. Тарихий тажриба эса диннинг жамиятда рўй бераётган ижтимоий жараёнларга мураккаб таъсир этиши

¹ Ядов В.А. Перестройка требует научного знания о социальном субъекте общественных процессов. Социология перестройки.-М.: “Наука”,1990.-с.179.

мумкинлигини тасдиқлайди. Бундай таъсир ижтимоий ва миллатлараро конфликтларнинг келиб чиқишига, жамиятда рўй бераётган ҳодисаларнинг мураккаблашиб боришига сабаб бўлиши мумкин.

Айрим ҳолатларда дин интеграцион вазифани бажариб, қарама-қаршиликларни бартараф этиши ҳам мумкин. Бундай таъсир этишнинг характери турли диний бирликларнинг тарихий тараққиёт жараёнида ўзаро ҳамкорлиги, давлат сиёсатининг динга, диний бирлашмаларга, эътиқод қилувчиларга, миллий элиталарга нисбатан бўлган муносабати билан чамбарчас боғлиқ.

Тоталитар тузумдан демократик жамиятга ўтиш жараёни миллатлараро зиддиятлар, миллий ва диний конфессиялараро қарама-қаршиликларга олиб келиши мумкин. Конфессиялараро ва миллатлараро тафовутлар иқтисодий инқироз ва давлат мулкани қайта бўлиб олишга бўлган интилишлар билан бир қаторда, миллий элитанинг дин ва диний институтлардан ўзининг сиёсий манфаатларини амалга ошириш мақсадида фойдаланишга интилаётганлигидан келиб чиқади.

Мазкур масалани ўрганиш борасида христианлар ва мусулмонлар, православлар ва католиклар ўртасида юзага келаётган конфессиялараро қарама-қаршиликлар муносабатларига тегишли айрим маълумотлар алоҳида аҳамият касб этмоқда, чунки айнан бундай муаммолар миллатлараро муносабатларининг кескинлашувига сабаб бўлмоқда.

Қарама-қарши томонларнинг этноконфликт вазиятга тааллуқлилиги, ҳар хил конфессиялараро маданиятларга тегишлилиги мазкур муаммоларнинг узоқ давом этадиган ва кенг кўламда тарқаладиган, кўпгина ҳолатларда мажбурий характерга эга бўлаётган конфликтга олиб келмоқда. Буларга ислом фундаментализми, диний экстремизм, локал диний конфликтлар кабиларни киритсак бўлади.

Замонавий сиёсий институт ва давлат ҳокимияти тизимлари диний экстремистлар тажовузкор ташланишларининг объектига айланмоқдалар. Ислом радикал кучларининг амалиёти ислом давлатининг асосларини барпо этиш, ҳақиқий мусулмонларнинг давлат ҳокимиятига эришиш йўлидаги фаол ва зудлик билан амалга ошириладиган тажовузкор ҳаракатларида ўз ифодасини топмоқда. Замонавий ислом экстремизмининг ҳаракатлантирувчи кучларини асосан ёшлар, талабалар, ишчилар, кичик савдогарлар, инженерлар,

диний қарашларни ўзгартирган шахслар ташкил этади. Диний экстремистлар сафларининг кенгайишига ҳозирги кунда мусулмон оламига зид бўлган ғарб оммавий маданиятининг кириб бориши ҳам сабаб бўлмоқда.

Амалиёт шуни кўрсатадики, конфессионал ва этник сабаблар асосида содир этилган конфликтлар бир неча йилларга чўзилиши мумкин. Масалан, Шимолий Ирландия, Болқон, Кавказ ҳудудлари бунга ёрқин мисол бўла олади. Аммо Ҳиндистон-Покистон ўртасидаги конфессиялараро конфликт биринчи маротаба ядро қуролларига эга бўлган мамлакатлар ўртасида содир бўлмоқда.

Яқин Шарқ инқирозининг бошқа локал диний конфликтлардан фарқли улароқ хусусияти шундан иборатки, муаммонинг марказида турган Иерусалим, нафақат конфликт иштирокчилари (мусулмон ва яҳудийлар), балки ҳамма христиан конфессиялари учун катта аҳамиятга эгалигидир.

Ирландиядаги католик ва протестантлар ўртасида давом этаётган диний қарама-қаршилик католикларнинг Буюк Британия таркибида қолишни хоҳламаётганлиги билан мураккаблашиб бормоқда. Бу ерда диний конфликтлар этник ва мафкуравий қарама-қаршилик билан уйғунлашиб кетган. Ирландия Республикаси Армиясининг (ИРА) ғоявий-назарий асосини радикал-социалистик, деб баҳолаш мумкин. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, ҳозирги кунда кўпгина ғарбий “сепаратистлар” социалистик ва коммунистик ғояларга мурожаат қилмоқдалар. Масалан, басклар мустақиллиги ва Испания таркибидан чиқиб кетиш учун курашаётган ЭТА террористик ташкилоти радикал национализм билан уйғунлашган марксизмни тарғиб қилади.

Амалиёт шуни кўрсатадики, диний асосдаги конфликтларни ҳал қилиш жуда қийин ва мураккаб, чунки бундай можароларнинг асосида, кўпинча давлат чегараларини ўзгартириш ва янги ҳудудларга эга бўлиш масалалари ётади. Масала, охириги пайтда бунга ўхшаш конфликтлар ядро қуролларига эга бўлган мамлакатларда содир этилаётганлиги билан янада мураккаблашиб бормоқда.

Цивилизацияларнинг ривожланиши, давлатлараро чегараларнинг қайта бўлиниши, турли миллатлар ва халқлар ижтимоий-сиёсий, иқтисодий шароитларининг ўзгариб бориши ва ниҳоят, аҳоли ўртасидаги ихтиёрий ёки мажбурий миграция жараёнлари XX асрга келиб, ирқчиликнинг ўта тажовузкор

характерга эга бўлаётганлигига олиб келди. Энг муҳими, инсониятнинг бутун тарихий тараққиёт жараёнида ирқчилик ҳамиша у ёки бу давлатларнинг чегараларини кенгайтириш, босиб олиш, колонизациялаш, зўравонлик каби хатти-ҳаракатлари билан чамбарчас боғлиқ бўлган ва уларни оқлаб келган. Бунинг асосида эса охир-оқибат конфликтлар вужудга келган. Замонавий тилда бундай ҳаракатларни “этник тозалаш” ёки “геноцид” деб аташ мумкин.

Ирқчилик - таҳқирланиш, битта ижтимоий гуруҳларнинг бошқаси томонидан камситилиши - бугунги куннинг яна бир муаммосига айланган. Ирқчилик сабаблари, фикримизча, одамларнинг оқ танли бўлмаганлигида эмас, балки одамларнинг тафаккуридадир. Шунинг учун ҳам, ирқчилик, таҳқирланиш, ирқий бидъатлар, қарама-қаршиликларнинг илдизларини, энг аввало, бирон-бир миллатнинг иккинчисидан у ёки бу хусусиятлар, ижтимоий ҳолатларга мувофиқ устун туриши ҳақидаги қалбаки тасаввурлардан, қарашлардан қидириш лозим.

Ирқчилик нафақат бидъат. Уни вужудга келтирувчи сабабларни мафкурадан қидириш лозим, негаки, ирқчилик битта этник бирликнинг иккинчиси устидан ҳукмронлигини ўрнатиш мақсадида аллақачон зўравонлик, камситиш, ҳақоратлаш, бировнинг жонига қасд қилишда ўзини намоён қила бошлаган.

Замонавий ирқчилик ташқи қиёфасини ўзгартирган бўлса-да, унинг мазмун-моҳияти шундайлигича қолган. Бир миллат вакилларининг бошқаларга нисбатан тажовузкор муносабатда бўлишига бадан ранги, миллий тил ва урф-одатлар, яшаш тарзи ва диний эътиқодларга ўхшаш кўплаб омиллар сабаб бўлмоқда.

Буларнинг айримларини мисол қилиб келтирсак. 1970 йилларга келиб, “skinheads” - сочи олинган, кўпол оёқ кийимлар кийган, баданига турли белгилар чизган кишиларнинг умумий қиёфаси вужудга келган. Булар асосан камбағал оилалардан келиб чиққан ишчилар бўлиб, ўзининг шу каби ташқи қиёфаси билан бойларга нисбатан исёнини намоёйиш этган эдилар. Булар қаторларининг тез орада кенгайиб боришига инглиз “панк”лари сабабчи бўлганлар. Бугун кўпчилик учун скинларнинг тўлиқ тавсифи маълум – ашаддий миллатчилик, шовинизм ва очикдан-очик зўравонлик усулларини қўллайдиган кишилар. Инглиз “сочи олинганлар”нинг кўпчилиги қора танлилар, ёхудийлар,

гомосексуалистлар ва хорижликларга очикдан-очик мурасасиз муносабатда бўладилар.

Европада “Ирқий зўравонликка қарши скинхэдлар” (SHARP) ташкилоти мавжуд. Аммо ташкилот аъзолари ирқчиликка қарши курашиш ниятидан йироқдалар. Скинхэдлар қаторларини турли мамлакатларнинг неонацистлари, фаол жангарилари тўлдириб бормоқдалар. Улар ирқнинг тозалигини сақлаш тарафдорларидир. Германияда скинлар туркларга, Венгрия, Словакия, Чехияда лўлиларга қарши, Британияда осиеликларга, Францияда негрларга қарши, АҚШда эса турли ирқий камсонли гуруҳлар ва эмигрантларга, айниқса, ёхудийларга қарши кураш олиб борадилар.

Статистик маълумотларга таянсақ, бугунги кунда Британияда 1 500дан 2000гача скинлар борлиги маълум. Германияда эса, улар сони 5 000дан ортиқ, Венгрия ва Чехия мамлакатларининг ҳар бирида 4000, АҚШда -3 500 гача ва ҳ.к. Буларга ўхшаш ирқий ҳаракатлар Польша, Италия, Испания, Канада, Голландия, Австралия, Япония ва бошқа мамлакатларни ҳам заҳарлаган. Сочи олинганлар турли кўринишдаги неонацист сиёсий партиялар ва ҳаракатлар билан алоқаларни мустаҳкамлаб, уларга катта ёрдам кўрсатмоқдалар.

АҚШдаги скинларнинг кучи ижтимоий қўллаб-қувватлашда эмас, балки уларнинг қўпол зўравонликка мурожаат қилишларида намоён бўлмоқда. Бу ерда янги ҳаракат умрини суриб келаётган ирқий ва антисемит гуруҳлар (Ку-Клус-Клан), ярим ҳарбий неонацист ташкилотлар қўллаб қувватлаши оқибатида кучайиб бормоқда.

Мазкур рўйхатни Эстония, Россия ва собиқ Иттифоқнинг айрим мамлакатларида рўй бераётган воқеалар билан давом эттириш мумкин.¹ Аммо энг ёмони шуки, ирқчилик турли ижтимоий гуруҳлар ўртасида миллатчилик, агрессия, зўравонликни вужудга келтирувчи ва жиддий конфликтларга олиб келувчи омилга айланмоқда. Бундай тўқнашувлардан террорчи ташкилотлар ва жангари гуруҳлар ҳам ўз сиёсий манфаатларини амалга ошириш йўлида кенг фойдаланмоқдалар.

Албатта, бундай муаммоларни бир зумда ҳал қилиб бўлмайди. Кейинги йилларда БМТ ҳамда бошқа халқаро ташкилотларнинг бундай конфликтларни тинчлик йўли билан ҳал қилиш борадаги

¹ Қаранг: Джемаль Г. Россия и исламский фундаментализм// http://kontrudar.ru/article_12_.htm.

саъй-ҳаракатлари кучайиб бормоқда. Фикримизча, бундай муаммоларни ҳал қилиш борасида одамларнинг онги, дунёқарашини, таъбир жоиз бўлса, маънавиятини ўзгартириш лозим. Энг муҳими, ҳар бир мамлакат ўзининг ёш авлодини ана шундай афюн ғоялардан ҳимоя қилиши зарур, бошқача айтганда ўз маънавий хавфсизлигини таъминлаши лозим.

Бугунги кунда Ўзбекистон қанчалик қалтис дунё билан алоқага киришганлигини кузатиш мумкин. Минтақамизда маънавий хавфсизликни таъминлаш заруриятининг сабабларидан бири шундан иборатки, бозор иқтисодиёти чет эл сармоялари, замонавий техника ва технология, бозорни шакллантириш усуллари билан бир қаторда мамлакатимизга ўзининг маданияти, турмуш тарзи, дунёқараш ва тасаввурларини ҳам олиб кирмоқда. Бу табиий жараён, албатта ва уни ҳеч қандай тўсқинлик билан тўхтатиб бўлмайди. Шунинг учун ҳам кейинги пайтда ҳудудимизга айрим нохуш маҳсулотлар кириб, кенг тарқала бошлади.

Бу маҳсулотлар “оммавий” маданият таъсири остида шаклланган тасаввур ва маданий “тўлқинланишни” ўзида мужассамлаштирган, ўз “жозибадорлиги”, кўп йиллар давомида “мумкин бўлмаган” мавзуларни ўзида акс эттирганлиги билан айрим ёшларимизни ўзига ром этмоқда. Ёшлар орасида сочи “олинганлар”га, скхиндерларга ва чет эл кўпол металлустларига ихлос қўйганлар учрамоқда.

Мамлакатимиз ёшларини бундай таъсирдан маъмурий йўл билан, қонун чиқариб ҳам тўхтатиб бўлмайди ва у давлатимиз, халқимиз, ёшлар тарбияси ва дунёқарашига таъсир этиб, катта хавфни ўзида мужассамлаштиради. Шунини аълоҳида айтиш керакки, ғаразли кирдикорларини амалга ошириш мақсадида изғиб юрган кимсалар тарғибот ишларини қайси йўл билан бўлмасин олиб боришга уринаяптилар.

Масаланинг иккинчи томони, афсуски, ҳозирги кунда ҳам орамизда маънан қашшоқ, дунёқараш тор, ўзини-ўзи ўйлайдиган одамлар учраб туришидадир. Айнан шундай кимсалар афюн маҳсулотларига бўлган талаб бозорини вужудга келтирадilar. Хорижий мамлакатлар ҳаётига кўр-кўрона, беморларча ҳавас қилаётган ёшлар ҳам учрамоқда.

Турли йўналишдаги ҳаракатлар, оммавий маданият таъсири остида шаклланган қарашлар бугунги кунда бизнинг ўлкамизга ҳам кириб келмоқда ва ўз салбий таъсирини ёшларимизга кўрсатиши

мумкин. Уларнинг олдини олиш, ёшларимиз онгининг заҳарланишига йўл қўймаслик муҳим аҳамиятга эга.

Фикримизча, маънавий хавфсизлик масаласи инсон борлигининг ижтимоий хавфсизлиги масаласи билан биргаликда кўрилиши лозим. Маънавий хавфсизлик концепцияси эса инсон ҳуқуқларининг концепцияси билан боғлиқ ҳолда кўрилиши керак. Алоҳида ва хусусий характерга эга бўлган мафкуравий, маънавий таҳдид ва тажовузларнинг олдини олиш нафақат зарур, балки уни амалга ошириш ҳам мумкин.

Маънавий ва мафкуравий таҳдид объект ҳамда субъектнинг ижтимоий ўзаро таъсири оқибатида вужудга келади ҳамда маданий ва ижтимоий асосларнинг ягона ижтимоий турдаги тўқнашуви асосида амалга оширилади. Шунинг учун ҳам бугунги кунда маънавиятни ҳимоялаш ҳамда зид, бегона, беқарорлаштирувчи маънавиятдан ҳимояланиш масаласи долзарб аҳамиятга эга бўлмоқда.

Глобал мафкуравий таҳдид ва тажовузнинг хавфи - уларнинг мамлакатимизга кириб боришидаги йўллариининг деярли очиклигидадир. Ахборот технологияларининг шиддат билан ривожланиб бораётганлиги, йўлдош алоқаларининг катта имкониятлари мазкур муаммони янада чигаллаштиришга олиб келмоқда. "...глобаллашув ва ахборот хуружлари, турли бузғунчи ғоялар таъсирида миллий ўзлик ва маънавий қадриятларимизга қарши таҳдид ва хатарлар тобора кучаймоқда,- деб таъкидлайди Ўзбекистон Президенти Ш.Мирзиёев. - Худбинлик, яъни, фақат ўзини ўйлаш, ҳаётга, меҳнатга енгил қараш, истеъмолчилик кайфияти сингари иллатлар турли йўллар билан аҳоли, айниқса ёшлар онгига сингдирилмоқда. Терроризм, экстремизм, трансмиллий ва кибержиноятчилик, одам савдоси, наркотрафик каби таҳдидлар хавфи тобора ортиб бормоқда".¹

Ўзбекистонда маънавий хавфсизликни таъминлаш заруриятининг бир неча сабаблари бор. Булар қаторида:

-ташқил топган ёш суверен давлатларни яна эски усулдаги "яхлит мамлакат" таркибига қайтариш;

-халқларнинг миллий онги ва миллий ўз-ўзини англашларининг шаклланишига тажовуз қилиш;

¹ Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон стратегияси.-Т.: "Ўзбекистон", 2021.-268-бет.

-мавжуд табиий қийинчиликлардан фойдаланиб, давлат барқарорлигини беқарорлаштириш, халқимиз имон ва эътиқоди оёқ ости қилиб, ягона Ислом давлатини қуриш мақсадида ҳаракат қилаётган турли сиёсий, диний, экстремистик кучлар мавжудлигини таъкидлаш лозим.

Ана шундай таҳдидларнинг олдини олиш йўлида Ўзбекистонда, энг аввало, мафкуравий хавфсизликни таъминлаш лозим. Гап шундаки, ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикаси эски мустабид тузумга хос бўлган мафкурадан бутунлай воз кечиб, янги – миллий истиқлол мафкурасини яратиш устида иш олиб борапти. Бундай пайтда маънавий соҳасида бўшлиқ пайдо бўлиши мумкин. Айнан шундан фойдаланиб, экстремистик, диний, сиёсий ва бошқа кучлар фуқаролар, айниқса ёшлар онгини нотўғри фикр, ғоя, қарашлар билан чалғитишга уринишлари мумкин. Бу эса давлат барқарорлигини беқарорлаштиришга, фуқароларни муҳим ижтимоий-сиёсий, иқтисодий вазифаларни бажаришдан чалғитишга олиб келиши табиийдир.

Шуни айтиш керакки, ҳеч қандай жамият ёки давлат мафкурасиз яшай олмайди. Бизнинг миллий мафкурамиз эса кишиларда миллий онг ва миллий ғурурни ўстиришда, миллий маданиятимиз ривожланишида, ёшларда ватанпарварлик, инсонийлик, миллатлараро дўстлик каби инсоний фазилат ва муносабатларни юксалтиришда муҳим аҳамият касб этмоқда. У халқларимиз ва миллатларимиз куч-қудрати ва имкониятларига, ғоявий-сиёсий жиҳатдан бир бутун яхлитлигига салбий таъсир этиши мумкин бўлган маҳаллийчилик, гуруҳбозликларга қарши кураш олиб боришга кенг жамоатчиликни даъват этади.

Ўзбекистон халқининг миллий тараққиёт йўлидаги бош ғояси – озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этишдан иборатдир. Бу ғоя халқимизнинг азалий эзгу интилишлари, бунёдкорлик фаолиятининг маъно – мазмунини белгилайди, ҳар бир инсон учун муқаддас бўлган юксак гуманистик қадриятларни ўзида мужассам этади.

Миллий мафкуранинг асосий ғоялари халқимизнинг мустақил тараққиёт йўлидаги бош ғоясидан келиб чиқади ва ўзининг маъно – моҳияти, фалсафаси, жозибаси билан уни халқимизнинг қалби ва онгига янада чуқурроқ сингдиришга хизмат қилади.

Миллий мафкурамиз демократик давлат фуқаролик жамият барпо этишда конкрет мақсад ва йўналишларга таянади. Унинг

ёрдамида халқимиз инсон ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қиладиган, ижтимоий адолат тамойилларини қарор топтира оладиган, келажаги буюк давлат қуриш йўлида ўзида куч-гайрат топади.

Миллий мафкура ўзида ёшларда ҳалол ва пок ҳаёт кечириб, бева-бечораларга, қаровсиз қолган болаларга, етим-есирларга ёрдам бериш, уларга нисбатан диққат ва эътиборда бўлиш каби юксак инсоний фазилатларни шакллантиришга асосланади.

Миллий мафкура халқларни бир-биридан ажратмайди. Маълумки, Ўзбекистонда кўплаб миллат вакиллари истиқомат қиладилар. Мафкура эса уларни миллатидан қатъи назар ўзаро бирлаштиради. Ўзбекистонни Ватаним деб ҳисоблайдиган, у билан фахрланадиган барча миллат вакилларининг тенг ҳуқуқлилигини, миллий ғурури ва манфаатларини ҳимоя қилади. Демак, бизнинг мафкурамиз асослари жуда бақувват ва у ҳар қандай экстремистик ва шовинистик ғояларга қарши кураша олади.

Демак, ҳозирги кунда давлатимиз келажаги ҳақида қайғураётган ҳар бир инсон чет элдан келтирилаётган моддий ва маънавий афюн билан халқларимизни, айниқса, ёшларимизни жисмоний ва руҳий жиҳатдан заҳарлантиришга бефарқ қарамаслиги лозим. Бунинг учун нима қилиш керак? Маъмурий йўл билан қонун чиқариб ушбу ҳолатларни тўхтатиб бўлмайди. Демак, биз бегона, беқарорлаштирувчи мафкурага – миллий истиқлол мафкурамизни, жисмоний азоб ва қон тўкилишларга - меҳр-мурувват, диёнатсизликка – руҳий поклик, беҳаёликка – камтаринлик, бемаънилиikka – маънавий бойлик, бошқача айтганда, халқимизнинг кўп асрлик тараққиёти давомида яратилган Шарқона ахлоқ-одоб қоидаларини, юксак маънавият ва бой маданиятимизни, қадриятларимизни қалқон қилиб қўйишимиз керак. Биз маънавий хавфсизлик ҳақида қайғураётган эканмиз, энг аввало, фуқароларда юксак маънавиятни шакллантиришнинг аҳамияти қанчалик баланд эканлигини тушуниш муҳим аҳамиятга эга.

Юртбошимиз Ш.Мирзиёев таъкидлаганидек: “узлуксиз таълим тизимида миллий ғоя туркумидаги фанларга етарлича эътибор берилмаёгани ёш авлод қалби ва онгида мустаҳкам мафкуравий иммунитетни шакллантириш бўйича ишларнинг самарадорлигини оширишни тақозо этмоқда”¹. Бу борада фуқароларнинг мафкуравий иммунитетини мустаҳкамлаш ва

¹ Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон стратегияси.-Т.: “Ўзбекистон”, 2021.-269-бет

маънавий баркамол авлодни тарбиялаш вазифасига алоҳида эътибор қаратиш лозимлиги ҳам қайд этилган.

Негаки, маънавияти юксак даражада ривожланган халқ, миллат тараққий этади, келажакка қараб дадил, изчиллик билан қадам босади ва аксинча, маънавий жиҳатдан қашшоқ бўлган мамлакат ёки давлат таназзулга учрайди.

Фикримизча, ҳозирги кунда Ўзбекистоннинг маънавий хавфсизлигини таъминлаш мақсадида қуйидагиларга диққат ва эътиборни қаратмоқ лозим:

- маънавий хавфсизликни таъминлашга йўналтирилган чоратadbирларни режалаштириш ва амалга ошириш. Бундай ишни давлатнинг ичидан бошлаш лозим ва бунда давлат бошқарув органларининг, маънавият ва маърифат марказларининг фаолияти алоҳида аҳамият касб этади;

- халқларимизнинг кўп асрлик маданиятига, илмий ва маданий меросига таяниш, миллий қадрият, урф-одат, байрам ва анъаналаримизни тиклаш;

- фуқароларда юксак маънавиятни шакллантириш жараёнини янада чуқурлаштириш ва бу борада:

а) кенг халқ оммасида, хусусан, ёшларда ватанпарварлик, инсонпарварлик, билимдонлик ва шу каби маънавий-маърифий фазилатларни шакллантириш;

б) миллий ўз-ўзини англаш, миллий онгни ўстириш йўли билан миллий ғурур ва миллий ифтихор туйғуларини тарбиялаш;

в) руҳий поклик ва ҳалоллик, имон ва диёнат, меҳр-шафқат, ота-онага ҳурмат, Ватанга, оилага садоқат каби ахлоқий меъёрларга амал қилиш;

- ҳокимликлар, бошқа давлат бошқаруви ҳамда ўзини-ўзи бошқариш органлари томонидан аҳоли орасида тушунтириш ишларини жонлантириш, уларнинг доимийлигини таъминлаш ҳамда бу ишга жамоат бирлашмаларини кенгроқ жалб этиш, оммавий-ахборот воситаларида тегишли масалаларни ёритиш;

- фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, жамоат бирлашмалари ҳамда корхона ва ташкилотларнинг раҳбарларини қонун ҳужжатлари, юридик адабиётлар билан ўз вақтида таъминлаш, уларнинг билим ва малакасини ошириш;

- халқ депутатлари вилоят, шаҳар, туман кенгашларининг муҳим масалалар юзасидан қабул қилаётган қарорлари

лойиҳаларини аҳолининг кенг катламлари муҳокамасига ҳавола этиш;

- дин тўғрисидаги қонун ҳужжатларини тарғиб қилиш ва тушунтириш ишларини давом эттириш;

- туман, қишлоқ марказларида, маҳалла, хўжалик, йирик корхона, ташкилот муассасаларида жамоатчилик маслаҳатхоналарини ташкил этиш;

- милиция - мактаб - маҳалла - масжид ҳамкорлигини чуқурлаштириш;

- террорчиликка қарши илмий - таҳлилий тадқиқотларни ривожлантириш;

- олий ўқув юртларида сиёсий фанларга эътиборни кучайтириш, ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва хавфсизликни таъминлаш билан боғлиқ равишда олий ўқув юртларида бу йўналишдаги мутахассисларни тайёрлаш;

- халқаро ҳамкорликни кучайтириш.

Ўзбекистонда маънавий хавфсизликни таъминлаш - давлат мустақиллигини мустаҳкамлаш, келажакка ишонч билан қадам қўйиш, янги демократик давлат фуқаролик жамияти куриш йўлидаги муҳим шартлардан биридир. Давлатимизда маънавий хавфсизликни таъминлаш каби муҳим масалага нафақат давлат бошқарув ва хавфсизлик органлари, балки кенг жамоатчилик ҳам диққат-эътиборини қаратмоғи керак. Ҳокимиятлар, маҳалла кўмиталари бу жараёнда фаол иштирок қилишлари зарур. Халқ таълими соҳасида иштирок қилаётган барча зиёлилар, олимлар, ўқитувчи ва мураббийлар Олий, ўрта-махсус ва касб-хунар юртларида маънан бой, дунёқараши кенг, соғлом фикрлай оладиган, Ватанга фидойи, ҳақиқий инсон бўлиб етишадиган шахсни тарбиялашга бор куч ва имкониятларини сафарбар қилишлари муҳим аҳамият касб этмоқда.

Юксак маънавиятни шакллантириш, ўтмишга ҳурмат ва эътиборда бўлиш, Шарқона кадриятларни тиклаш ва янада ривожлантириш, ёшларда ватанпарварлик, миллий ғурур ҳамда миллий ифтихорни ўстириш, миллий истиқлол ғоясининг ёшларда ҳамдўстлик тарбиячиси сифатини ошириш туфайлигина жамиятимиз ўзининг маънавий хавфсизлигини таъминлай олади.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИНИ ТАРБИЯЛАШДА МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАРНИНГ ЎРНИ

Мустақиллик туфайли маданий-маънавий ҳаётимизда уйғониш юз берди, халқимиз эзгу-ниятлари рўёбга чиқа бошлади, авлод-аждодларимиз босиб ўтган тарихий тараққиёт йўлини, фаолиятини чуқур ўрганишга муваффақ бўлди. Миллий, маънавий қадриятларимизга эътибор ва қизиқиш кучайди. Муқанна, Темур Малик, Мангуберди сингари миллий қаҳрамонларимиз ҳаёти билан танишиш имкониятига эга бўлди.

Шак-шубҳасиз, биз яшаб турган давр келажак тарихимиз учун муҳим аҳамиятга эга. Шунинг учун ҳам, истиқболимизга катта қизиқиш билан қараб, миллатимиз тақдирини ўйлаб, тарих олдидаги масъулиятимизни чуқур ҳис қилиб, ўтмишимизга диққат ва эътибор билан назар ташлаб, маънавий-маданий меросимизни, асрлар мобайнида яратилган ва наслдан-наслга ўтган ажойиб маънавий қадриятларимизни қайтадан тиклашимиз лозим.

Халқимиз маданий-маънавий бойликлари, миллий қадриятларини тиклаш ва ривожлантириш ҳозирги авлоднинг вазифасидир. Гап ўтмиш маданий-маънавий бойликларига эга бўлишдагина эмас, балки уни чуқур эгаллаб, янги юксак босқичга кўтара билишдадир.

Миллий, маънавий қадриятларимизни ўрганишда ва ривожлантиришда халқимизнинг бой қадимий мероси ўзининг алоҳида ўрни ва аҳамиятига эга. Ўтмишга, маданий меросга ҳурмат, бу, энг аввало, унинг яратувчиси, ривожлантирувчиси бўлган - халқ оммасига кўрсатилган иззат-икром, меҳр-оқибатдир. Ўзининг ўтмиш тарихига, маданиятига, тарихий меросига, миллий анъаналарига катта эътибор ва ҳурмат билан қарайдиган халқнинг истиқболи порлоқ бўлади. Ўтмишимизни қанчалик яхши билсак ва эъзозласак, ҳозирги даврни, мустақиллигимиз истиқболи ва аҳамиятини шунчалик чуқур ва мукамал тушунамиз.

Қадрият дейилганда, инсон ва инсоният учун аҳамиятли бўлган, айрим халқ, миллат, элат ёки ижтимоий гуруҳларнинг ўзларининг тарихий тараққиёт жараёнида яратган, ўз манфаатлари ва мақсадлари йўлида хизмат қиладиган барча моддий ва маънавий бойликлар мажмуини тушунмоқ лозим.

Қадриятлар сермазмун ва кўп қиррали тушунча бўлиб, ўз ичига табиий, ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий, моддий, маънавий,

диний, ахлоқий, бадий-эстетик ва ҳ.к. кабиларни олади. Ҳар қандай қадрият инсон фаолиятининг маҳсули, унинг атроф - муҳитга нисбатан бўлган муносабатининг ифодасидир. Қадрият жамият ижтимоий ва маънавий тараққиётининг зарурий маҳсулидир. Ҳар бир қадрият муайян бир давр шароит ва эҳтиёжининг маҳсули бўлиши билан бирга, унинг кўзгуси ҳамдир.

Қадриятлар ижтимоий хусусиятга эга бўлиб, кишиларнинг амалий фаолияти жараёнида пайдо бўладилар ва ривожландилар. Инсон йўқ жойда бирон нарсанинг кадр-қиммати бўлмайди. Қадриятлар инсоннинг турли соҳадаги, аввало, ишлаб чиқариш, меҳнат соҳасидаги фаолияти учун зарур бўлган ва фойда келтирадиган нарсалар, ҳодисалар ва маънавий жараёнлар мажмуи билан боғлиқ равишда юзага келади.¹

Маънавий қадриятлар, шу жумладан, юксак маънавият, одоб-ахлоқ, имон, эътиқод, инсофу диёнат, яхши ҳуқ-атвор инсонда ўз-ўзидан пайдо бўлмайди. Маънавиятнинг ўзи эса, инсонга хос хусусият бўлиб, у жамият ҳаёти, тарбия, меҳнат, ҳаёт тажрибаси жараёнида шаклланиб, сайқал топиб, руҳий моҳиятга айланади. Ёшларга бериладиган тарбия, ахлоқ, юксак маънавият ҳақидаги тушунчалар қанчалик эртароқ бошланса ва тарбияланса, унинг самараси шунчалик кучли бўлади.

Мустақилликка эришганимиздан кейин ёшлар тарбиясининг мазмун ва моҳиятида, усуллари ва шаклларида ўзгаришлар рўй бера бошлади. Таълим-тарбияда миллий қадриятларни шакллантириш ва ривожлантириш асосий ўрин тутадиган бўлди. Тарихимиз, маданиятимиз, миллий урф-одатларимизга эътибор кучайди. Ёшларда миллий ғурурни шакллантириш ва мустаҳкамлашга алоҳида аҳамият берилаётганлиги фикрларимиз исботидир. Барпо этилаётган янги муҳитда ёшларда маънавий эҳтиёжларнинг ортиб бораётганлигини ҳам сезиш мумкин.

Маънавий эҳтиёжларнинг шаклланиши, уларни қондириш моддий эҳтиёжларга нисбатан анча қийин ва мураккаб кечади. Маънавий эҳтиёжлар ҳар бир шахсда унинг руҳияти, дунёқараши, ахлоқий фазилатларига боғлиқ ҳолда турли даражада ва турли сифат кўрсаткичларига эга бўлади. Маънавий эҳтиёжлар ақлий, ахлоқий, ахлоқий, илмий, сиёсий, диний, фалсафий эҳтиёжларнинг мажмуасидан иборатдир. Бу жараён айрим инсонларда сезгилар,

¹ Қаранг: Туленов Ж. Қадриятлар фалсафаси.-Т.: “Ўзбекистон”,1998.

тасаввурлар, идроклар, туйғулар орқали шаклланади, бошқаларда эса тафаккур ҳодисалари билан боғлиқ ҳолда кечади.

Инсоннинг маънавий эҳтиёжлари илк бор табиий, қонуний ҳодиса сифатида рўй берганлиги учун бу эҳтиёжлар турли давр, турли шароит ва турли хил муносабатлардан қатъи назар, ҳақиқий инсонийлик тушунчасининг таркибий қисмини ташкил этади.

Янги Ўзбекистонни қуриш жараёнида иқтисодий, ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий ва маданий соҳаларида рўй бераётган ислоҳот ва ўзгаришлар, айнан инсон ҳаётини яхшилашга, фаровонлигини таъминлашга, унинг моддий ва маънавий эҳтиёжларини қондиришга қаратилган. Бугунги кунда ёшларнинг маънавий эҳтиёжлари ижтимоий мазмуни жиҳатдан миллий маданиятга, қадриятларга, урф-одат ва анъаналарга асосланиб шаклланиб бормоқда.

Дарҳақиқат, инсон дунёда энг мураккаб, олий мавжудотдир. Шунинг учун ҳам, унинг кадр-қимматини эъзозлаш, турмушини яхшилаш, фаровонлигини ошириш, соғлигини сақлаш, маданият, билим ва савиясини ўстириш, ҳаётини ҳар томонлама ҳимоя қилиш давлатимиз сиёсатининг марказида турибди.

Мамлакатимизда олий қадрият – Инсонни, унинг миллати, жинси, ирқидан қатъи назар ҳимоя қилиш, унинг ҳолига ғамхўрлик қилиб қайғуриш, турмушини яхшилаш, қобилятини намоёништириш учун муносиб шарт-шароитларни яратиш борасида катта ишлар қилинмоқда.

Шу билан бирга, жойлардаги маънавий-руҳий муҳитни янада соғломлаштириш, миллий қадриятларимизга асосланган ибратли анъаналаримизни ва ислом динининг инсонпарварлик моҳиятини ўрганиш, юртдошларимиз қалбида эзгу туйғуларни уйғотиш, фарзандларимизда ноёб инсоний фазилатларни камол топтириш, бағрикенглик, ўзаро меҳр-оқибатли бўлиш каби ибратли хусусиятларни миллатимиз ҳаёт тарзининг узвий ва ажралмас бир қисмига айлантириш; одамларимизнинг онги, тафаккури, маънавий дунёси замонга мос равишда ўзгариб бораётганлигини ҳисобга олган ҳолда миллий уйғониши, миллий ғоянинг жамиятимиз ҳаётига чуқурроқ кириб боришини таъминлашга қаратилган долзарб вазифаларни амалга ошириш катта аҳамиятга эга.¹

¹ Қаранг: “Меҳр ва мурувват йили” дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш бўйича Республика комиссиясини тузиш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармойиши// “Халқ сўзи”.-2003.-13 декабрь.

Жамият тараққиёти ҳар томонлама етук инсонни тарбиялаш учун нафақат зарур бўлган шарт-шароитларни яратиш, балки маънавий-маърифий етуклик, ахлоқийликни ҳар бир кишида тарбиялашга кўп жиҳатдан боғлиқ.

Ватанга, ота-онага содиқлик ва фидойилик ўз-ўзидан пайдо бўлмайди. Булар заминда ёшларга оилада, таълим масканларида, маҳаллаларда бериладиган таълим-тарбия ётади. Оилада сингдирилган тарбия, Ватанга муҳаббат, меҳр-оқибат, ўзаро ҳурмат каби юксак инсоний фазилатларни шакллантиришда муҳим аҳамият касб этади.

Оила кишилар ҳаётининг энг муҳим қисми, жамиятнинг кичик ҳужайраси, ижтимоий-маданий асосдир. Оила - кишиларнинг табиий-биологик, ҳуқуқий, маънавий муносабатларига асосланган бирлик. Оила ўзида миллий удум ва расм-русумларни мужассамлаштиради, миллий анъаналарни сақлаш, ўрганиш ва наслдан-наслга ўтказиш каби муҳим вазифани ҳам бажаради. Инсоннинг мустақиллиги, дунёқарashi, хулқ-атвори, одоби, ахлоқи, турли миллат вакилларига бўлган муносабати ва ҳурмати, маданий-маънавий қадриятларга бўлган қизиқиши ва муҳтожлиги, буларнинг ҳаммаси оилада шаклланади.

Ўзбек оилаларида меҳнатсеварлик, катталарга ҳурмат, меҳр-оқибат, имонлик ва руҳий поклик, оилани қуриш ва мустаҳкамлаш, илмга интилиш каби ҳақиқий инсоний фазилатлар ҳар бир одамга она сути билан сингдирилади.

Бугунги кунда мамлакатимизда оилавий муносабатларнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамланишга, оила манфаатларини, оналик ва болалик ҳуқуқини қонуний жиҳатдан янада муҳофаза қилишга, оила соғлигини сақлаш ва унинг иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Чунончи, мамлакатимизда ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар фарзандларини қўллаб-қувватлаш ва ёш оилаларни уй-жой билан таъминлаш ҳам устувор вазифалардан бирига айланган. Ўтган уч йил мобайнида мамлакат бўйича 5 минг 100 тадан ортиқ намунали ёш оилага арзон уй-жойлар қурилиб, қарийб 200 миллиард сўм миқдорида бошланғич бадал пуллари тўлаб берилди. Бунинг мантиқий давоми сифатида 2021–2023 йилларда Ёшлар

уйларини куриш дастурини ишлаб чиқиб, амалга ошириш вазифаси белгиланди.

«Халқимиз азалдан оилани муқаддас билиб, уни асраб-авайлаб келади. Оила мустаҳкам бўлса, жамият барқарор бўлади. Бир нарсани унутмаслигимиз лозим: хонадонларимиздаги тинчлик-тотувлик, аввало, оиладаги соғлом муҳитга, мустақил ҳаёт оstonасида турган қизларимизни оилавий турмушга тайёрлаш билан бевосита боғлиқ»¹, - деб таъкидлади Ўзбекистон Президенти Ш.М.Мирзиёев.

Маълумки, 2020 йилнинг ўтган 11 оyi давомида ёш оилалар ўртасида 25 мингга яқин ажралиш бўлгани афсус билан қайд этилди. “Мен, бугунги имкониятдан фойдаланиб, кенг жамоатчиликка, авваламбор, кўпни кўрган мўътабар нурунийларимизга, оқила ва меҳрибон оналаримизга мурожаат этмоқчиман. Бу оғриқли масалада бизга ёрдам беринглар, деб илтимос қиламан. Оилавий низоларнинг олдини олиш, ажримларни камайтириш борасида сиз, азиз ёшларимиз ҳам, ташаббус ва фаоллик кўрсатсангиз, мен барчангиздан чексиз миннатдор бўлар эдим”², — деб таъкидлади Ш.Мирзиёев.

Қадимги Шарқ маърифат ва маънавияти ривожидида аёллар беқиёс ўрин эгаллашган. Узоқ тарихимизда ўзбек аёллари орасидан Бибиҳоним, Гулбаданбегим, Зебунисо, Нодира, Увайсий, Анбар отин каби аёлларимиз етишиб чиққан. Уларнинг ҳар бири ўзларининг юксак камолоти, салоҳияти истеъдоди ва ёрқин инсоний фазилатлари билан халқимиз обрў-эътиборини юксалтирди.

Биз Зулфия, Сорахон Эшонтўраева, Тамарахоним, Мукаррама Турғунбоева, Фозила Сулаймонова каби машҳур аёлларимизни ҳам фахр ва ғурур билан тилга оламиз.

Мамлакатимизда хотин-қизларнинг оиладаги, давлат ва жамият қурилишидаги мавқеини кучайтириш, уларнинг ҳуқуқий, ижтимоий, иқтисодий ва маънавий манфаатларини ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш борасида катта ишлар амалга оширилмоқда.

“Кейинги йилларда,- деб таъкидлайди Ўзбекистон Президенти Ш.Мирзиёев, - мамлакатимизда хотин-қизларнинг ҳуқуқ-

¹ Ўзбекистон Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Ўзбекистон ёшлари форумидаги нутқи//<https://www.gazeta.uz/uz/2020/12/25>

² Ўша жойда

манфаатларини, гендер тенгликни таъминлаш, оила, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш, аёллар ўртасида тадбиркорликни ривожлантириш, улар учун янги иш ўринларини яратиш, меҳнат ҳамда турмуш шароитларини яхшилаш давлат сиёсатининг устувор йўналишига айланди”.¹

Ўзбекистонда гендер сиёсати қуйидагиларга қаратилган:

-ижтимоий-сиёсий ҳаётда эркак ва аёлларнинг иштирок этишида тенг имконият ва ҳуқуқларини яратиш;

-эркак ва аёлларнинг иқтисодиёт, бандлик ва меҳнат мигрантлари ҳуқуқларини ҳимоя қилишда гендер тенглигини таъминлаш;

-барча учун адолатли ва сифатли таълимни таъминлаш;

-барча хотин-қизлар учун гендер тенгликни таъминлаш, зўравонликдан ҳимоялаш, одам савдосига чек қўйиш;

- барча эркак ва аёллар учун ижтимоий ҳимоя, соғлом турмуш тарзини таъминлаш;

-миллий гендер статистикасини ривожлантириш;

-режалаштириш ва бюджетлаштиришда гендер масаласини инобатга олиш;

-ОАВда гендер муаммоларининг кенг ёритилишини таъминлаш;

-барча учун хавфсиз экологик муҳитини таъминлаш масалаларига хотин-қизларни янада кенгроқ жалб қилиш.

Ушбу устувор йўналишлари самарали амалга ошириш мақсадида хотин-қизларни қўллаб-қувватлашга доир қўйидаги вазифалар белгиланган: давлат сиёсатининг самарали амалга оширилишини таъминлаш; улар ҳақ-ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда уларнинг мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги роли ва фаоллигини янада ошириш; ёрдамга муҳтож бўлган ва оғир ижтимоий аҳволга тушиб қолган хотин-қизларнинг, шунингдек, ногиронлиги бўлган аёлларнинг муаммоларини ўз вақтида аниқлаш; хотин-қизларнинг бандлигини таъминлаш, меҳнат шароитларини яхшилаш ва ҳ.к.

“...бугун Ўзбекистонда олиб борилаётган давлат сиёсатининг асосий мақсади, - деб таъкидлайди Президент Ш.Мирзиёев,- аёлларимизга эътибор ва амалий ғамхўрлик кўрсатишни янги,

¹ Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон стратегияси.-Т.: “Ўзбекистон”,2021, 247-бет.

юксак баосиқча олиб чиқиш, хотин-қизларнинг жамиятдаги ўрни ва мақомини мустаҳкамлаш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш”¹ дан иборат.

Буларни амалга оширишдан маъно-мақсад қатор мезонлар мажмуи, аввало, одамлар онг-шуури, жамият ҳаётида юксак маънавий, ахлоқий қадриятларнинг мустаҳкамланиши билан белгиланади. Зеро, жамиятимиз тараққиёти фақатгина иқтисодий, ижтимоий фаровонлиги билангина эмас, халқимизнинг маънавий баркамоллиги, демократик ва инсонпарварлик тамойилларининг кишилар онгида нечоғлик чуқур илдиз отгани билан ҳам баҳоланади.

Маълумки, ахлоқ маънавиятнинг негизини ташкил қилади. Фақат етук ахлоқгина кишиларда ҳаётнинг мазмуни ва мақсади тўғрисидаги тўғри тушунчаларни ҳосил қилади. Ахлоқ - инсон ҳаётида ўз-ўзини идора қилиш меъёрларини, бошқалар билан муносабатда бўлиш маданиятини, ҳалол ишлаб тўғри турмуш кечириш мезонларини белгилайди. Айнан шу туфайли, таълим-тарбиянинг асосий мақсади ҳам ҳар бир шахсда юксак ахлоқий фазилатларни шакллантиришдан иборат.

Жамият маънавиятини шакллантириш ва ривожлантиришда, ахлоқий қадриятларни тиклашда тарбия, таълим соҳаларининг аҳамияти бениҳоя каттадир. Одоб-ахлоқ, таълим-тарбия соҳасидаги қадриятларимиз бизлар учун фақат миллий меросгина эмас, балки инсоният маънавий ҳаёти давомида катта ўрин олиши мумкин бўлган маънавий бойлик ҳамдир. Ана шу миллий, ахлоқий қадриятларимизни тиклаш, улардан тўла баҳраманд бўлиш, ёш авлодни улар билан таништириш – Янги Ўзбекистонни ва Учинчи Реннесансни барпо этишда, одамларда инсонпарварлик, ватанпарварлик сингари фазилатларни қарор топтиришда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

“Маълумки, - деб таъкидлайди Ш.Мирзиёев, - қадимий ва саховатли заминимизда кўп асрлар давомида турли миллат ва элат, маданият ва дин вакиллари тинч-тотув яшаб келади. Меҳмондўстлик, эзгулик, калб саховати ва том маънодаги бағрикенглик халқимизга доимо хос бўлган ва унинг менталитети асосини ташкил этади”.²

¹ Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон стратегияси.-Т.: “Ўзбекистон”,2021, 250-бет.

² Ўша асар, 268-бет.

Ахлоқий қадриятлар кишиларнинг бир-бирларига, ўзлари мансуб жамоага, Ватанга нисбатан тарихан таркиб топган муносабатларини ифодалайди. Ахлоқ, муайян хулқ-атвор, одоб, хатти-ҳаракат, қоида ва тамойиллар мажмуасидан ташкил топади. Одоб, норма ва тамойиллар кишиларнинг ўзаро муносабатларида мавжуд бўлади. Айнан шу муносабатлар натижасида яхшилик ва ёмонлик, бурч, виждон, ор-номус, адолат, бахт каби тушунчалар ҳосил бўлади. Инсоннинг оила, жамият, халқ, миллат манфаатларини англаб қилаётган ҳар қандай хатти-ҳаракати яхшилик категорияси нуқтаи назаридан баҳоланади.

Барча ахлоқий меъёрлар – юриш-туриш қоидалари сингари, жамики инсоний қадриятлар ва жамият тараққиёти талаблари асосида юзага келиб, янги мазмун, янги шакл касб этиб, бойиб ва такомиллашиб боради.

Ахлоқий қадрият ва фазилатлар, уларни шакллантиришнинг миллий жиҳатлари ҳар доим сақланиб қолади ва жамият тараққиёти учун муҳим аҳамиятга мойил бўлади. Халқимиз миллий маънавияти ўзига хос эркак ва аёлларнинг шарқона ахлоқий фазилатлари, ота-она ва фарзандлар, қўни-қўшнилар, маҳалла-куй алоқалари, ҳалоллик, имон ва виждон билан боғлиқ маънавияти ҳозирги кунда жамиятимиз тараққиётининг муҳим омили сифатида хизмат қилади.

Жамиятимиз ҳар бир инсонни эъзозлаб, унинг турмушини яхшилаш, билимини ва маданий савиясини ўстириш, қобилиятини ҳар томонлама ривожлантириш учун ҳамма имкониятларини ишга солади. Янги Ўзбекистонни қуришда жамият аъзолари маданий-маънавий, ахлоқий камолоти суръатларини тезлаштириш, таълим-тарбия ишларини оқилона йўлга қўйиш, маърифий тадбирларни мунтазам амалга ошириш ниҳотда катта аҳамиятга эга. Агар инсон тўғри тарбия топмаса, унинг фаолияти жамият учун зарарли бўлади. Жамият ҳаётидаги барча муаммолар маънавий жиҳатдан баркамол бўлган кишиларнинг фидокорона, ҳалол меҳнати асосидагина амалда рўёбга чиқади.

Маънавият тарбиянинг энг таъсирчан қуроли экан, ундан оқилона фойдаланиш, болаларимизни ватанпарварлик, ростгўйлик, ҳақсеварликка ўргатиш керак бўлади. Аслини олганда ахлоқ - маънавиятнинг ўзаги. Инсон ахлоқи тушунчаси салом-алик, ҳушмуомаладангина иборат эмас. Ахлоқ - бу аввало инсоф ва

адолат туйғуси, имон, ҳалоллик дегани.¹

Бугунги кунда Янги Ўзбекистон, учинчи ренессанс замирини барпо этар эканмиз, кўзлаган марраларимизга эришишимиз учун энг аввало миллий ғоя масаласи жуда муҳим аҳамиятга эга. Бу борада мамлакатимизда сўнгги йилларда қатор қарорлар қабул қилинди ва Республика маънавият ва маърифат кенгаши раиси Президент экани белгилаб қўйилди ҳамда давлатимиз сиёсатида айнан маънавий-маърифий ишлар янада юксак ўринга қўйилди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 2021 йил 19 январь куни маънавий-маърифий ишлар тизимини тубдан такомиллаштириш, бу борада давлат ва жамоат ташкилотларининг ҳамкорлигини кучайтириш масалалари бўйича видеоселектор йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишда Президент Ш.Мирзиёев, «Агар жамият ҳаётининг танаси иқтисодиёт бўлса, унинг жони ва руҳи маънавиятдир, биз янги Ўзбекистонни барпо этишга қарор қилган эканмиз, иккита мустаҳкам устунга таянамиз. Биринчиси – бозор тамойилларига асосланган кучли иқтисодиёт. Иккинчиси – аждодларимизнинг бой мероси ва миллий қадриятларга асосланган кучли маънавият»², - деб алоҳида таъкидлаб ўтдилар.

Президент Ш.Мирзиёев томонидан таъкидланганидек, «Агар кимдир, маънавият масаласи - бу фақат Маънавият маркази ёки тегишли вазирлик ва идораларнинг иши, деб ўйласа, хато қилади. Буларнинг барчаси олдимизда турган энг асосий, энг муҳим вазифалардан биридир»³.

Бугун, ҳаётимизнинг барча соҳаларида амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотларнинг самарадорлиги аввало халқ маънавиятининг тикланиши, бой тарихий меросимизнинг чуқур ўрганилиши, анъана ва урф-одатларимизнинг сақланиши, маданият ва санъат, фан ва таълим ривожини, энг муҳими, жамият тафаккурининг ўзгариши ва юксалиши билан узвий боғлиқдир.

Шу боисдан ҳам, ўз ҳақ-ҳуқуқини танийдиган, ўз кучи ва имкониятларига таянадиган, ён-атрофида содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларга мустақил ёндаша оладиган, айна замонда шахсий манфаатларини мамлакат ва халқ манфаатлари билан уйғун ҳолда

¹ Каримов И.А. Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари//Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир.3-Жилд.-Т.: “Ўзбекистон”,1996.-39-бет.

² Бу ҳақда қаранг: <https://mininnovation.uz/uz/news>

³ Ўша жойда.

кўрадиган, ҳар жиҳатдан баркамол инсонларни тарбиялаш вазифаси истиқлол йилларида биз учун ҳал қилувчи масалага айланди.

Аммо, шуни таъкидлаш керакки, мамлақтимизда маънавият соҳасида олиб борилаётган қатор ишларга қарамасдан, ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий соҳалардаги янгилинишлар жараёнида маънавий-маърифий ислоҳотларнинг самарадорлигига тўсиқ бўлаётган бир қатор тизимли муаммолар ҳам сақланиб қолмоқда. Шунинг учун Маънавий-маърифий ишлар тизимини тубдан такомиллаштиришнинг қўйидаги устувор йўналишлар белгиланди:

- «Миллий тикланишдан - миллий юксалиш сари» ғоясини кенг тарғиб этиш орқали жамиятда соғлом дунёқараш ва бунёдкорликни умуммиллий ҳаракатга айлантириш;

- оила, таълим ташкилотлари ва маҳаллаларда маънавий тарбиянинг узвийлигини таъминлаш;

- тарғибот-ташвиқот ва тарбия йўналишидаги ишларни илмий асосда ташкил этиш, соҳа бўйича илмий ва услубий тадқиқотлар самарадорлигини ошириш, ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини мустаҳкамлашга қаратилган доимий мониторинг тизимини жорий қилиш;

- эл-юрт тақдирига лоқайдлик, маҳаллийчилик, уруғ-аймоқчилик, коррупция, оилавий қадриятларга беписандлик ва ёшлар тарбиясига масъулиятсизлик каби иллатларга барҳам беришга қаратилган комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш;

- аҳолининг Интернет жаҳон ахборот тармоғидан фойдаланиш маданиятини ошириш, ғоявий ва ахборот хуружларига қарши мафкуравий иммунитетини кучайтириш;

- маданият, адабиёт, кино, театр, мусиқа ва санъатнинг барча турлари, ноширлик-матбаа маҳсулотлари, оммавий ахборот воситаларида маънавий-ахлоқий мезонлар, миллий ва умуминсоний қадриятларнинг устуворлигига эришиш;

- геосиёсий ва мафкуравий жараёнларни мунтазам ўрганиш, терроризм, экстремизм, ақидапарастлик, одам савдоси, нарқобизнес ва бошқа хатарли таҳдидларга қарши самарали ғоявий кураш олиб бориш ҳамда бу борада халқаро ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш.

Бугунги кунда республиканинг барча вилоят ва туманларида ҳудудларда барқарор ижтимоий ва маънавий муҳитни

мустаҳкамлаш, аҳоли маънавиятни ошириш мақсадида «Маънавий ва маърифат маскан»ларининг яратилиши назарда тутилган.

Маънавий такомилга интилган инсон аввало ўзлигини англаб етмоғи лозим. Ўзликни англаш эса юртга фидойилик, миллатга садоқат, унинг анъаналари ва урф-одатлари, тамойилларини ҳурмат қилишнинг асосий пойдевори бўлади.

Давлатимиз келажаги, равнақи ёш авлод тарбияси ва таълимига боғлиқ. Ёшлар Ватанимиз, мамлакатимизнинг келажагидир. Биз Янги Ўзбекистон тақдирини уларга ишониб топшираемиз. Бунинг учун ёшлар зиммаларига юкланаётган мураккаб вазифанинг бутун моҳиятини чуқур англашлари, ҳис қилишлари, унга муносиб бўлиш учун ҳозирданок тайёргарлик кўришлари лозим.

Ҳозирги кунда жамиятимиз олдида турган муҳим вазифалардан бири - ёшларда ватанпарварлик туйғусини шакллантириш умумтаълим мактабларида олиб борилаётган таълим-тарбия ишлари тизимининг асосий мақсадига айлантириш.

Ёшларда ўз Ватани билан фахрланиш туйғуси ўз-ўзидан пайдо бўлмайди. Ватанга бўлган меҳр-муҳаббат одамнинг қалбига она сути билан бирга киради. Инсонда юртга, Ватанга муҳаббат, келажакка ишонч туйғуларини шакллантириш ва ривожлантириш муҳим аҳамиятга эга.

Янги Ўзбекистонда ёш авлодни жисмоний ва маънавий соғлом, Она Ватанга фидойи ва жонкуяр инсонлар бўлиб улғайиши, шонли тарихимиздан ибрат олиб, ундан фахрланиб яшашлари учун барча куч ва имкониятимизни тўлиқ сафарбар этамиз.¹

Ҳаёт тажрибаси, инсоннинг илмий, ахлоқий камолоти, ўз бурчи ва масъулиятини ҳис қилиш имконияти кучайиб бориши натижасида ватанпарварлик туйғуси кундалик ахлоқ меъёрларига, кейинроқ бориб эътиқод ва имонга айланади. Бугунги кунда ёшларимиз ватанпарварлик билан ўз ватанига содиқ бўлиш, уни ҳимоя қилишга тайёр бўлиш, миллий қадриятларни асраш ва янада ривожлантириш, халқнинг шон-шарафини юқори кўтариш кабиларни боғлайдилар.

Ёшларда миллий қадриятларимиз, урф-одатларимиз, миллий одоб-ахлоқимиз, миллий маданиятимизга содиқлик каби инсоний

¹ ЎзР Президенти Ш.Мирзиёевнинг ЎзР Қуролли Кучлари ташкил этилганининг 29 йиллиги ва Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан байрам табриги// “Халқ сўзи”, 2021 йил 14 январь

фазилатларни ҳосил қилмасдан туриб ватанпарварлик туйғусини ҳам шакллантириб бўлмайди. Аммо, ватанпарварлик Ватанга меҳр кўйиш, у билан ғурурланиш туйғуларини ўзида шакллантириш билангина чекланмайди. Ҳақиқий ватанпарвар инсон жаҳон маданияти, илм-фани, замонавий техника ва технология, тарихий сабоқ ва тажрибаларидан, иқтисодий имкониятларидан ижодий фойдаланиб, Ватанининг равнақига ўз ҳиссасини кўшмоғи керак. Бундай фазилат ва туйғуларни фақат ёшларда эмас, балки мамлакатимизнинг ҳар бир фуқаросида шакллантириш керак.

Бу мақсадда сўнгги йилларда мамлакатимизда катта ишлар амалга оширилган. Чунончи, Ўзбекистон халқининг жанг майдонларида ва фронт ортида кўрсатган беқиёс жасорати ва матонатини тарих саҳифаларига муҳрлаш, ёш авлодимизни Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялаш мақсадида Тошкент шаҳрида муҳташам Ғалаба боғини барпо этилди. Буюк Ғалабанинг 75 йиллиги шарафига бунёд этилган бу бетакрор мажмуа ҳам меъморий жиҳатдан, ҳам тарихий-маънавий жиҳатдан ғоят ноёб ва маҳобатли обидадир. Ғалаба боғида “Шон-шараф” музейи, “Мангу жасорат”, “Матонат мадҳияси” монументлари ҳам бунёд этилди.

Халқимизнинг қонли жанглардаги мардлигини, фронт ортидаги машаққатли меҳнати ва фидойилигини акс эттиришга бағишланган кенг кўламли тарихий-бадий экспозициялар яратилди. “Замонавий музей санъати ва ахборот-коммуникация технологияларининг энг илғор ютуқлари асосида “Шон-шараф” музейи бунёд қилинди. Бу ерда намойиш этилаётган минглаб тарихий экспонатлар буюк Ғалабага буюк ҳисса қўшган халқимизнинг мислсиз жасоратини тараннум этишга, ёш авлодимизни ватанпарварлик руҳида тарбиялашдек олижаноб мақсадга хизмат қилади”¹, - деб таъкидлади Ўзбекистон Президенти Ш.Мирзиёев.

Амалга оширилган мазкур бунёдкорлик ишлари ёш авлодда миллатига, халқига содиқлик хиссини уйғотишда, уларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ниҳоятда катта тарбиявий аҳамиятга эга.

Аслида, ўз Ватани, ўз халқи тарихидан, маданий мероси, миллий урф-одатлари, анъаналари, удумларидан ҳақли равишда фахрланиш ҳар бир миллатга хос хислатдир. Миллатнинг, халқнинг куч-қудрати унинг сони билан ўлчанмайди, балки сиёсий етуклиги,

¹ ЎзР Президенти Ш.Мирзиёевнинг буюк Ғалабанинг 75 йиллиги ҳамда Хотира ва қадрлаш кунига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи (09.05.2020) // <https://uza.uz/uz/posts/>

миллий онгининг ўсганлиги, ўз-ўзини англаб етганлиги, миллий уюшганлиги билан белгиланади. Миллий ғурури, эътиқоди кучли бўлган миллат вакили ўзининг маънавий қиёфаси билангина эмас, балки, маданий эҳтиёжи нуқтаи назаридан бошқа миллат вакилларида ажралиб туради.¹

Ёшларда миллий ғурур фазилатини шакллантириш бу, халқнинг тарихи, маънавий қадриятлари, жумхуриятимизнинг имкониятлари ва истиқболини билиш ва қадрлаш, фахрланиш, миллий манфаатларни амалга оширишга ҳаракат қилишни тарбиялаш демакдир. Миллий ғурур ўз халқининг бир минг йиллар давомида яратиб келган барча моддий ва маънавий бойликлари, тарихий мероси, урф-одатлари, анъаналари, одоб-ахлоқи, турмуш тарзи, юксак маънавияти, барча тарихий ютуқлари ва сабоқларига чексиз ҳурмат ва эътибор билан муносабатда бўлиш, авайлаб асрашдир.

Маънавияти юксак, дунёқараши кенг, тафаккури соғлом инсонлар жамиятимиз, миллатимиз, халқимиз бойлигидир. Шунинг учун ҳам, маънавиятни юксалтириш ва янада ривожлантириш ҳозирги куннинг долзарб масалаларидан биридир.

Бугунги кунда эркин фуқаро маънавиятини, озод шахсни шакллантириш масаласи олдимизда турган энг долзарб вазифадир. “Мамлакатимизда, - деб ёзади Ш.Мирзиёев, - маънавий тарбия тизимининг янги стратегиясини яратиб, халқимиз, айниқса, ёшлар ўртасида маънавий-маърифий ишларни сифат ва мазмун жиҳатидан янги босқичга кўтаришимиз керак....

...Мамлакатимиз аҳолиси, аввало, ёшлар қалбида оширилаётган ислохотларга даҳлдорлик ҳиссини кучайтириш, шу йўналишдаги маънавий-маърифий ишларнинг таъсирчанлигини янада оширишимиз зарурлиги давр талабига айланиб бормоқда”.²

Маънавият инсонга ўзлигини англаб олишда ёрдам беради. Ўзлигини англаган инсон, миллат, халққина кучли адолатли давлатни кура олади, ўтмиши билан фахрланиб, унга муносиб бўлишга интилади. Жамият маънавий камолотини тезлаштириш, ёшлар маънавияти ва фаоллигини ошириш мақсадида, биз ҳар бир фуқарога, айниқса, ёшларга ўз-ўзини қайси миллат вакили эканлигини чуқур англашда ёрдам беришимиз керак. Бу вазифани бажаришда таълим-тарбия тизимлари, ўқитувчи ва

¹ Туленов Ж. Қадриятлар фалсафаси.-Т.: “Ўзбекистон”, 1998.-200-бет

² Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон стратегияси.- Т.: “Ўзбекистон”, 2021.- 278-280-бетлар.

мураббийларнинг фаолиятлари алоҳида аҳамият касб этади. Улар ёшларга ўз-ўзини англаш халқнинг, миллатнинг узоқ тарихий тараққиёт жараёнида босиб ўтган мураккаб йўлига, авлод-аждодларимизнинг маънавий-маданий, илмий, диний, фалсафий, маърифий меросига, қарашлар, тасаввурлар ва ғояларига ҳар бир кишининг ўз алоқадорлигини, яқинлигини, бевосита боғлиқлигини чуқур ва атрофлича ҳис қилишларига кўмаклашишлари лозим.

Ёшларда ўз-ўзини, миллий ўзлигини англашни, миллатга, унинг тарихига мансублигини ҳис қилишни шакллантиришда, халқнинг ҳозирги аҳволини атрофлича билишни ҳам чуқурлаштириш лозим. Агар ёшларимиз ўзлигини англашса, онги янада ўсади ва улар халқимиз, давлатимиз тараққиётининг буюк фаоллаштирувчи кучига айланадилар.

Бугунги кунда янгича миллий тафаккурнинг ўсиб бораётганлиги боис халқимизнинг ўтмиш маънавий меросига ҳамда тарихий-этник маданиятига ҳурмат-эҳтироми ҳамда эътиқоди табиий равишда ошиб бормоқда. Халқимизнинг ўзига хос миллий тафаккури ва тарихий анъанавий турмуш тарзи, узоқ вақтлардан буён шаклланган урф-одатлари миллат ҳаётида муҳим роль ўйнаб келган. Булар умуминсоний, умумбашарий қадриятлар билан маълум даражада боғлиқ ҳолда ҳар бир тарихий даврда ривожланиб борган.¹

Миллий жиҳатдан ўзини англамаган инсон ҳаётда ўзининг муносиб ўрнини топа олмайди, жамият иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий соҳалардаги рўй бераётган ўзгаришлар, ислоҳотлар моҳиятини тўғри тушуна олмайди. Бундай одамлар бурилиш давридаги объектив қийинчиликларга бардош бера олмай, ваҳимага тушадилар, уларда давлатга нисбатан ишончсизлик кайфиятлари пайдо бўла бошлайди. Бу эса, ўз навбатида, ижтимоий муҳитнинг беқарорлашувига олиб келади.

Орамизда бундай ёшларнинг пайдо бўлишига йўл қўймаслик учун маънавиятни юксалтириш дастур ва режаларини ишлаб чиқиш, уларга мувофиқ мунтазам равишда мактаблар, маҳалла, ўқув юртларида иш олиб бориш керак. Халқимиз, миллатимиз тақдири ҳал бўлаётган ҳозирги пайтда ҳар бир киши жамиятда ўз ўрнини белгилаб олиши зарур. Инсоннинг дунёқараши, онги

¹ Туленов Ж.Т. Ҳаёт фалсафаси.- Т.: “Ўзбекистон”, 1993

чегараланиб, бир қолипда қолмаслиги учун у миллий ўзлигини англаб, миллий ғурур ва истиқлол ғояларини ҳаётий фаолияти учун дастуриламал қилиб олсагина, янгича тафаккурларнинг моҳиятини англаб етади. Маънавиятли инсоннинг ижтимоий мавқеи ҳам, унда тафаккурнинг муайян мақсадга йўналтирилганлиги ҳам ана шунда кўринади.

Ҳалол меҳнат қилиш халқимиз миллий кадриятларидан бири, деб ҳисобланади. Жамиятимиз бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтаётган ҳозирги пайтда оила, мактаб, ўқув юртларида ёшлар орасида меҳнат тарбиясини кучайтириш катта аҳамият касб этмоқда. Халқимиз азалдан меҳнаткаш бўлиб келган. Бу меҳнат натижасида инсониятни лол қолдирган иморатлар, саройлар, мақбара ва масжидлар, илм-фан, адабиёт, санъат асарлари яратилди, катта-катта каналлар барпо этилди.

Ёшлар орасида меҳнат тарбиясини янгича усулда ташкил этишни асло кечиктириб бўлмайди. Болалар, ўсмирлар иложи борича эртароқ меҳнат қилишга, уни кадрлашга ўрганишлари керак. Ҳар бир инсоннинг бойлиги, фаоллиги, энг аввало, меҳнат фаолияти соҳасида руёбга чиқади. Меҳнат туфайли инсоннинг орттирган билими, тажрибаси амалда қўлланилади. Меҳнатда инсоннинг қобилияти ва истеъдоди, тафаккури намоён бўлади. Инсон нимаики қилмасин, яратмасин фаолиятининг заминида - ақл-идрок, билим ётади. Меҳнат туфайли инсон нафақат атрофни, балки ўз-ўзини ҳам жисмонан, ҳам маънан ўзгартиради. Ёшларимиз қанчалик кўпроқ меҳнат қилиш билан банд бўлсалар, шунчалик уларнинг билими, савияси, қобилияти ўсиб боради.

Меҳнат тарбиясини тўғри ташкил этиш муҳим аҳамиятга эга. Бундай тарбия инсон ҳаётининг мақсади - моддий бойлик орттириш эмас, балки меҳнат туфайли маънавий етукликка эришишдан, миллат, давлат равнақи йўлида ўзининг ҳамдард, ҳамнафас эканлигини ҳис қилишдан иборатлигини ҳар бир ёш онгига сингдира олиши керак.

Маълумки, маънавий бойликнинг асоси ҳам, бойитувчиси ҳам, ўлчаш мезони ҳам билимдир. Бозор иқтисодиётига ўтиш даврида қийинчиликлар пайдо бўлиши табиийдир. Буларни рўқач қилиб, айрим ота-оналар муштумдек боланинг қўлига бир сават нон ортилган аравани, бир яшик ичимликни ёки бир қути резинка сақични тутқазиб, дарсидан қолдириб пул топишга ундаши ва зўрлаши келажагимиз оёғига болта уриш, фарзандларимизни

онгсиз, билимсиз, маънавий қашшоқ қилиб қўйишдан бошқа нарса эмас.

Бунги кунда ёшларнинг меҳнатга бўлган муносабатини тубдан ўзгартириш, меҳнат борасидаги мавжуд муаммоларни ўрганиш ва ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишдашу маммоларни бартараф этиш бўйича аниқ даструлар, чора-тадбирларни амалга ошириш ишлари кескин фаоллашган.

Ёшларга доир давлат сиёсатини самарали амалга ошириш мақсадида уларнинг ижтимоий муаммоларини тизимли асосда ўрганиш, бу борадаги ишларни мувофиқлаштириш вазифаси мутасадди ташкилотларга юкланган. Бундан буён вилоят, туман ва шаҳар ҳокимлари, вазирлар ва масъул раҳбарлар ёшлар билан учрашувларни мунтазам равишда йўлга қўяди. Ҳокимлар ёшларнинг муаммоларини ҳал этишга қаратилган «йўл хариталари»ни ишлаб чиқиб, ижросини таъминлайди. Шу масала бўйича ҳар 6 ойда маҳаллий кенгашларга ҳисобот бериши ва келгуси ярим йиллик учун режаларни ишлаб чиқиши белгилланган.

Маълумки 2020 йилнинг 25 декабрь куни Ўзбекистон Президенти Ш.М.Мирзиёев биринчи марта ўтказилаётган Ўзбекистон ёшлари форумидаги нутқида: «Ёшлар: 1+1» дастури доирасида ишсиз ва уюшмаган ёшларни касб-хунар ва тадбиркорликка ўқитиш ташкил этилиши; «Ҳар бир тадбиркор — ёшларга мададкор» тамойили асосида 1 нафар тадбиркорга 1 нафардан ишсиз ёшни бириктириш ташаббуси кўплаб тадбиркорларимиз томонидан фаол қўллаб-қувватланганлиги; 2021 йилда камида 500 минг нафар ёшни иш билан таъминлаши кўзда тутилганлигини қайд этди.

«Хунарли киши хор бўлмас», дейди халқимиз. Аммо кейинги пайтда фарзандларимизнинг моҳир хунармандлар қўлида касб-хунар ўрганишига етарли эътибор берилмаяпти, - деб таъкидлади Президент Ш.Мирзиёев, - Ваҳоланки, устоз кўрган ўғил-қизларимиз домласига муносиб бўлишга интилади, уларнинг кўмаги билан ҳаётда ўз ўрнини топади. Шу боис, ҳудудларда «устоз-шогирд» анъанасини кучайтирсак, ўйлайманки, нур устига нур бўлади. Бу ишга жалб этиладиган хунарманд усталарни

Бандликка кўмаклашиш жамғармасидан моддий рағбатлантириш тизими жорий этилади”¹.

Бугунги кунда эркин иқтисодий зоналар бўйича мавжуд тажриба асосида, ҳудудларда Ёшлар кичик саноат зоналари ташкил этиш жараёнлари бошланди. Бу саноат зоналарида ўсиб келаётган авлод вакилларининг бизнес лойиҳалари жойлаштирилиши кўзда тутилган.

Шунингдек, Ёшларнинг лойиҳаларини молиялаштириш учун Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги қошида алоҳида жамғарма ташкил этилиши, унга 100 миллион доллар маблағ ажратилиши, кичик саноат зоналарида ишлаб чиқариш бинолари қурилиб, ёшларга имтиёзли шартларда ижара ва лизинг асосида берилиши қайд этилган.

«Бугун ўз тенгдошларига ибрат бўлаётган, жамиятдаги янгиланишлар жараёнида фаол иштирок этаётган ёшларимиз жуда кўп. Лекин, ҳаётда ўз ўрнини топишга қийналаётган, адашган, кўмакка муҳтожлари ҳам йўқ эмас. Шунинг учун ёшлар, айниқса, уларнинг уюлмаган қатлами билан масъуллар ўртасида тўғридан-тўғри мулоқот ўрнатишга хизмат қиладиган “Ёшлар мурожаати” электрон платформасини яратиш вазифаси топширилади ҳамда Навқирон авлод вакилларида бизнес кўникмаларини ривожлантириш масаласига алоҳида эътибор қаратилди», - деб таъкидлади Ш.Мирзиёев.

Ёшларда тадбиркорлик кўникмаларини шакллантиришга қаратилган ишларни янада кучайтириш лозим. Ушбу мақсадлар учун 2021 йилда 45 миллион доллар ажратилди, шунингдек, ёшларнинг тадбиркорлик лойиҳалари учун Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастури доирасида ҳар бир вилоятга 100 миллиард сўмдан кредит маблағлари йўналтирилди.

«Бугун ўғил-қизларимизни қийнаётган жиддий муаммолардан бири — ўқишни тамомлаган ёшлар бандлиги», - деб таъкидлади Ш.Мирзиёев. - “Кўплаб мактаб ва коллеж битирувчилари, баъзан олий маълумотли йигит-қизлар ҳам, иш топишда қийинчиликка учрамоқдалар».²

Маълумки, ҳозирги вақтда Андижон, Фарғона ва Наманган вилоятларида 7–11-синф ўқувчиларига таълим бериш билан бирга

¹ ЎзР Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Ўзбекистон ёшлари форумидаги нутқи// <https://www.gazeta.uz/uz/2020/12/25/>

² Ўша жойда

уларни энг камида битта касбга ўргатиш амалиёти жорий этилган. «Ташкилотлар ёш мутахассисни ишга олишдан манфаатдор бўлиши керак. Шу сабабли, ҳукуматга ёш кадрлар учун белгиланган синов муддати даврида иш берувчиларга имтиёзлар тақдим этиш масаласини кўриб чиқиш вазифаси топширилади»¹, - деб қайд этади Ўзбекистон Президенти Ш.Мирзиёев.

Миллатимизнинг ажойиб қадрияти, халқимизга хос бўлган камтаринлик фазилатини қайта тиклаш ва ёшларда тарбиялаш масаласи ҳозирги пайтда алоҳида аҳамият касб этмоқда. Инсоннинг билим савияси қанчалик кенг ва кўп бўлса, у ўзини шунчалик камтар тутди. Камтарлик ажойиб фазилат, у одамни безайди, кўпчилик орасида обрўсини кўтаради. Камтарлик, камсуқумлик, оддийлик ҳар бир инсоннинг одоби, ички гўзаллигининг натижаси, аксидир. Агар инсон оилада тўғри тарбия олган бўлса, андиша, шарм-ҳаё нималигидан хабардор бўлса, бу ажойиб фазилатларни ўзида мужассамлаштиришга ҳаракат қилади.

Инсоннинг камтар, вазмин, оғир-босиқлиги унинг билимидан келиб чиқади. Бундай одамнинг бойлиги моддий бақувватлигида эмас, балки ички руҳий, ақлий гўзаллигидадир. Ёшлар орасида миллатимизга хос бўлган ана шундай фазилатларни шакллантириш муҳим аҳамиятга эга. Мақсадга эришиш учун, энг аввало, катталарнинг ўзлари болаларига намуна бўлишлари керак, фарзандларига ёшлигидан камгап, камтар, катталарни ҳурмат қиладиган, одобли, ахлоқли бўлишларини ўргатишлари лозим. Шундай муҳитда ўсган болалар ота-онасидан ўрнак олиб, инсон ҳаётида билим, юксак инсоний фазилатларгина ҳукм суриши керак деган ғоя остида ўсиб улғаядилар.

Ўзбек халқи маданиятида, миллий қадриятимизда фирибгарлик, мақтанчоқлик, мунофиқлик ҳар доим қораланиб келинган. Миллий қадриятларимизга содиқ бўлган ҳолда, биз ёшларимиз орасида камтарлик, уятчанлик, оддийлик каби ажойиб фазилатларни шакллантиришга диққат ва эътиборимизни қаратиш муҳим аҳамиятга эга.

Табиатни муҳофаза қилиш, атроф-муҳитни ифлосланиш ва зарарланишининг олдини олиш ҳам табиий, ҳам умуминсоний қадриятлар туркумига киради. Авлод-аждодларимиз қадимданок

¹ ЎзР Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Ўзбекистон ёшлари форумидаги нутқи// <https://www.gazeta.uz/uz/2020/12/25/>

табиатга диққат ва эътиборда бўлишнинг аҳамиятини чуқур тушунганлар. Шунинг учун ҳамма вақт оқиб келаётган сувга ахлат ташламаслик, уни ифлосламасликни ҳаммага уқтирганлар. Бугунги кунда ана шу ажойиб қадриятимизни қайтадан тикламоғимиз зарур. Негаки, табиатга муносабатимиз анча ўзгарган, инсон уни ўз манфаатини қониктирадиган хом ашё базасига айлантирган. Оқибатда эса, республикаимизда кўпгина экологик муаммолар келиб чиқмоқда.

Бундай муаммолар инсонни ўраб турган табиий муҳит сифатининг пасайиши, хом ашё ва энергия ресурсларининг қашшоқлашиши, табиатга бўлган демографик оғирликнинг доимий ўсиб бориши, табиий экологик балансларнинг бузилиши, ҳайвонлар ва ўсимликларнинг айрим турларнинг йўқолиб кетиши, инсоннинг хўжалик фаолияти натижасида чиқиндилар билан табиатни ифлослантиришнинг салбий генетик оқибатлари билан тавсифланади.

Президент Ш.Мирзиёев таъкидлаганидек, экология ҳозирги замоннинг кенг миқёсидаги кескин ижтимоий муаммоларидан биридир. Уни ҳал этиш барча халқларнинг манфаатларига мос бўлиб, цивилизациянинг ҳозирги куни ва келажаги кўп жиҳатдан ана шу муаммоларнинг ҳал қилинишига боғлиқдир.¹

Давлатимиз томонидан экологик муаммоларга бўлган диққатнинг кучайиши тасодифий эмас, албатта. Бу энг аввало, Орол денгизи бўйлаб экологик, демографик вазиятнинг кескинлашуви билан боғлиқ. Орол денгизи ва Орол бўйи экологик инқирозга юз тутиши бугунги кунда кўпчиликни ҳавотирга солмоқда. Шаклланган муҳитни ўзгартиришга қаратилган изланишлар барча олимлар ва халқаро ташкилотлар томонидан қидирилмоқда. БМТнинг бу муаммога диққати ошганлиги натижасида у ўз жамғарма ва дастурларини, масалани ҳал қилишга йўналтирилган илмий тадқиқотларини янги даражага кўтарди.

Бугунги кунда ҳар бир кишида экологик маданиятни шакллантириш керак. “Энг муҳим масала, - деб ёзади Ш.Мирзиёев, - аҳолининг экологик маданиятини ошириш ҳақида жиддий бош қотиришимиз зарур. Албатта, бундай муаммоларни фақат маъмурий йўл билан ҳал этиб бўлмайди, бунга ёш авлод қалбида она табиатга меҳр-муҳаббат, унга даҳлдорлик ҳиссини тарбиялаш

¹ Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон стратегияси.- Т.: “Ўзбекистон”, 2021.- 388-398-бетлар.

орқали эришиш мумкин”.¹ Бу эса, жуда мураккаб жараён. Тўпланган муаммоларни бир кунда ҳал қилиш мумкин эмас, албатта.

Давлатимиз ижтимоий-экологик вазиятни барқарорлаштиришга йўналтирган қатор чора-тадбирларни амалга оширмақда. “Ҳозирги вақтда, - деб ёзади Ш.Мирзиёев, - Орол фожиаси туфайли 5,5 миллион гектардан ортиқ майдонда Оролқум саҳроси пайдо бўлди. Ҳар йили 100 миллион тонна қум ва туз ҳавога кўтарилмоқда. Бу эса, орол ҳалокати глобал муаммо эканини яна бир бор исботламоқда”.² Бу фожианинг оқибатларини юмшатиш мақсадида Оролбўйини экологик инновациялар ва технологиялар ҳудуди сифатида эълон қилиш бўйича БМТ Бош Ассамблеясининг резолюциясини ҳаётга татбиқ этиш борасида тизимли ва комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш режалаштирилган.

2019 йил 9 октябрда Ўзбекистонда “Биологик хилма-хиллик ҳақидаги Конвенциянинг биохавфсизлик бўйича Картахена протоколига қўшилиш тўғрисида” қонун қабул қилинди. 2019-2028 йилларда Ўзбекистонда биологик хилма-хилликни сақлаш стратегияси ишлаб чиқилди ва амалиётга татбиқ этилмоқда.³

Аммо, шуни таъкидлаш керакки, вужудга келган экологик муҳитни ўзгартирмоқ учун фақат давлат органларнинг ҳаракати етмайди. Бугунги кунда халқ оммаси орасида кучли маънавий-маърифий ишларни олиб бориш, одамлар, ёшлар ва ҳудудларнинг табиатга бўлган муносабатини ўзгартириш, вилоят ва ҳудудларнинг санитар-эпидемиологик ҳолатини яхшилаш керак.

Кейинги йилларда республикамизда турли экологик ҳаракатлар пайдо бўлиб, ўз қаторларига кўплаб ёшларни тўплашга муваффақ бўлди. Бундай ҳаракатларнинг асосий мақсади экологик муаммоларни бартараф этишнинг янги имконият ва йўналишларини қидиришдан, табиатни муҳофаза этиш борасида янги демократик тамойилларни қарор топтиришдан иборат. Республикамиздаги экологик муаммоларни ҳал қилишда давлат ва нодавлат ташкилотлари жамиятимизнинг ҳар бир фуқароси билан биргаликда иш тутмоқлари лозим.

Янгича фикрлаш, табиатни эъзозлаш, келажак авлод учун уни

¹ Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон стратегияси.- Т.: “Ўзбекистон”, 2021.- 391-бет.

² Ўша аср, 389-бет.

³ Ўша аср, 392-бет.

кўркам ва безарар қилиб етказиш, сувга, тупроққа, ўсимлик ва жониворларга муносабатни ўзгартириш, улар ҳақида қайғуриш ва ўйлаш, барча қулайликлар яратиш, умуман табиатни, она заминни муҳофаза қилиш, ҳар бир ёшу каттада экологик маданиятни шакллантириш - бугунги куннинг долзарб масалаларидан, деб ҳисобланади. Ана шу масала ва муаммоларни оқилона ҳал қилиш учун ёшлар орасида экологик тарбияни мунтазам равишда олиб бориш керак. Бундай тарбияни ёшликдан-боғча, мактаблардан бошлашимиз лозим. Мактаблардаги табиатшунослик дарсларида ёшлар эътиборини табиатни эъзозлаш, у ҳақида қайғуриш аҳамиятига қаратмоқ лозим. Бундай усулда ташкил қилинган тарбия одамларнинг болалигиданоқ табиатга меҳр уйғотиш туйғуларини шакллантира олади.

Маънавияти юқори даражада ривожланган халқда миллий, сиёсий, ҳуқуқий, маданий, экологик онг ҳам юқори даражада ривожланган бўлади. Биз эса айнан шундай жамиятни барпо этмоқдамиз. Демак, ҳар бир инсонда ер юзидаги барча неъматларнинг қадрига етиш, уларни асраш туйғуларини шакллантиришимиз керак.

Кўриниб турибдики, қадриятлар катта ижтимоий-сиёсий, фалсафий, тарбиявий аҳамиятга эга бўлиб, улар ҳар доим ўзгариб, янгиланиб турадилар. Қадриятлар ўтмиш билан ҳозирги кун ўртасидаги ворисликни ифодалайдилар, шу туйғулар билан миллиятнинг тарихи, ўтмиш ҳаёти, маданияти гавдаланади. Шунинг учун ҳам ҳар бир сиёсий тузум, ҳар бир давлат турли қадриятлардан ўз мақсади, манфаати йўлида фойдаланиб келган ва ҳозирги кунда ҳам шундай бўлмоқда.

Қадриятлар ўз-ўзидан бевосита инсоннинг маънавий қиёфаси, турмуш тарзи, умуман жамият тараққиётини белгилай олмайди. Қадриятларнинг аҳволи, аҳамияти, инсонга кўрсатадиган таъсири, унинг истиқболи, у ёки бу жамиятдаги мавжуд ижтимоий тузум томонидан олиб борилаётган сиёсат, унинг манфаатлари ва эҳтиёжлари билан узвий боғлиқдир.

Миллий қадриятларимиз инсонни тарбиялашда, ундаги юксак фазилатларни шакллантиришда бизга ёрдам берадилар. Ёшлар тарбияси мураккаб иш. Ёшлар билан ишлаш масалалари алоҳида эътиборни талаб қилади. Ҳар қандай мамлакат истиқболи ёш авлоднинг қандай тарбия олгани, қандай маънавий фазилатларга эгаллигига кўп жиҳатдан боғлиқ.

Бугунги кунда қобилиятли, билимли, маънавий, ахлоқий жиҳатдан камолотга етган, мустақил фикрлай оладиган, халқининг равнақи учун хизмат қилишга бел боғлаган, фидоий инсонлар жуда кўп. Улар Ватанига садоқатли бўлиш, миллий давлатимизнинг мустақиллигини мустаҳкамлаш, халқ маданияти, маънавияти, маърифатини янада ривожлантириш каби муҳим масалаларни ҳал қилишни ўз олдига мақсад қилиб қўйганлар.

2019 йил 3 май куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ 4307-сонли қарори, шунингдек, 2019 йил 31 декабр куни эса Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Узлуксиз маънавий тарбия концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлар тўғрисида”ги 1059-сонли қарорлари эълон қилинди. Бу ҳужжатлар миллат келажаги, миллат маънавий тараққиёти учун бир ўзига ҳос тарихий воқелик бўлди. Узлуксиз маънавий тарбия концепциясининг асоси миллий тарбиямиз, Унсур Ул Маолий Кайковус, Юсуф Хос Ҳожиб, Абу Райҳон Беруний, Имом Бухорий, Алишер Навоий, Ҳусайн Воиз Кошифий, Абу Наср Фаробий, Абдулла Авлоний, Маҳмудхўжа Беҳбудий, Абдурауф Фитрат каби улуғ мутафаккирларимизнинг маънавий-илмий меросига асосланган. Концепцияда ёш авлодда Ватанга садоқат, тадбиркорлик, мафкуравий иммунитет, меҳр-оқибатлилик, масъулиятлилик, бағрикенглик, юксак ҳуқуқий маданият, инновацион фикрлаш, меҳнатсеварликни шакллантириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилган.

Ушбу йўналишдаги ишларни амалга оширишда Концепцияда қўйидаги вазифалар белгилланган:

-маънавий-ахлоқий тарбияни баҳолашнинг илмий асосланган индикаторларини ишлаб чиқиш;

-тарбиянинг хомиладорлик давридан бошланадиган, тадрижийлик ва узлуксизлик тамойилларига асосланган методикасини ишлаб чиқиш ва ҳаётга татбиқ этиш;

-узлуксиз тарбия тизимида миллий ва замонавий педагогиканинг илғор ютуқларидан самарали фойдаланиш;

-тарбияланувчилар билан бирга тарбиячиларнинг ҳам билими ва малакасини мунтазам ошириб бориш;

-оила, таълим муассасалари ва маҳалла, шунингдек, оммавий ахборот воситалари ва бошқа ижтимоий тузилмалар ўртасида самарали ҳамкорлик механизмини йўлга қўйиш;

-маънавий тарбиянинг тадрижий ривожланиш ва узлуксизлик тамойилларига асосланишдан иборат.

Демак, ёшларни миллий кадриятлар асосида тарбиялаш уларда она-юртига муҳаббат туйғуларини, уни ҳимоя қилиш, авайлаб-асрашга қаратилган интилишларини кучайтиришга ёрдам беради. Миллий жиҳатдан ўзлигини англаган инсонгина давлати олдида турган асосий мақсадлари нимадан иборатлигини тушуниб, халқ олдидаги масъулиятини чуқур англайди. Ёшларни миллий кадриятлар асосида тарбиялаш уларнинг ижтимоий фаоллигини оширишга хизмат қилиб, маънавий комилликка эришувида асосий ва белгилловчи омил вазифасини ўтайди.

Юқоридагиларга асосланиб, қуйидаги хулосаларга келиш мумкин:

-кадриятлар ижтимоий хусусиятга эга бўлиб, кишиларнинг амалий фаолияти жараёнида шаклланади ва ривожланади;

-халқимиз томонидан яратилган кадриятлар муайян ижтимоий тараққиётнинг маҳсули бўлса ҳам, ўз навбатида, жамият тараққиётига, ҳар бир фуқаро, айниқса, ёшлар тарбиясига, ниҳоятда катта таъсир кўрсатадиган муҳим омил ҳамдир;

-миллий, маънавий кадриятларимизнинг барча турлари инсоннинг фаровон ҳаёт кечиришини, эркин яшаши, маънавий-ахлоқий камол топиши учун хизмат қиладиган воситалар ҳисобланади;

-миллий ва умуминсоний кадриятлар ўртасида уйғунлик мавжуд бўлса-да, халқимиз томонидан яратилган ажойиб кадриятлар ўзлигини йўқотмаган ҳолда сақланиб қолган.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА МИЛЛАТЛАРАРО МУНОСАБАТЛАРНИ МУСТАҲҚАМЛАШДА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ИНСТИТУТЛАРИНИНГ РОЛИ

Янги Ўзбекистонни қуриш йўлидан бораётган мамлакатимизда қонун устуворлигини қарор топтириш, суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш, тадбиркорликни кенг қўллаб-қувватлаш, барча учун тенг имкониятлар яратиш билан бирга миллий

манфаатларни умуммиллий манфаатлар билан уйғунлаштириш жараёнлари амалга оширилмоқда. Бу жараёнда фуқаролик жамияти институтлари, хусусан, миллий-маданий марказларининг роли ошаётгани ўзига хос аҳамият касб этмоқда.

Бугунги кунда жамият ҳаётининг турли соҳаларида кечаётган демократик жараёнлар миллатлараро муносабатларни янада такомиллаштиришга сезиларли таъсир кўрсатади. Бунда миллий мамлакатимизда яшаётган барча миллат вакилларининг анъана ва қадриятларини нафақат тиклаш, авайлаб асраш балки янада ривожлантриш масаласига ҳам жиддий эътибор қаратиш. Шунингдек, миллий манфаатларни фуқаролик жамияти институтлар воситасида уйғунлаштириш, бунинг натижасида эса барча соҳадаги ислохотларнинг умуммиллий манфаатлар билан мос келишини таъминлаш муҳим. Ушбу вазифаларни амалга оширишда миллий маданий марказларнинг раҳбарларининг саъи-ҳаракатлари муҳим аҳамиятга эга.

“Мамлакатимизда яшаб, Ватанимиз тараққиёти йўлида фидокорона меҳнат қилаётган турли миллат ва элат вакиллари, жумладан, миллий маданий марказларнинг раҳбарлари ва фаолларини яхши биламиз ва юксак қадрлаймиз, - деб таъкидлайди Ш.М.Мирзиёев, - Бу ҳақда сўз юритганда, Виктор Пак, Маргарита Филонович, Галина Мельникова, Владимир Бойко, Виктория Акилова, Раҳматулла Жабборов, Ришат Набиуллин, Гуландом Субҳонова, Ҳанифа Солихова, Умризоқ Қувватов, Серикбай Усенов, Кайкеп Алиева, Темур Кападзе каби ёш авлодимизга ўрнак бўлиб келаётган таниқли жамоат арбобларининг номларини алоҳида тилга олишни истардим”.¹

Бугунги кунда мамлакатимизда муҳим сиёсий аҳамиятга эга бўлган концепция ва дастурлар ишлаб чиқилиб ҳаётга муваффақиятли татбиқ этилмода. Марказий давлат органларининг айрим ваколатларини маҳаллий давлат ҳокимияти, ўзини-ўзи бошқариш органлари, жамоат ташкилотлар, сиёсий партияларга босқичма-босқич топшириш асосида жамият қурилишини эркинлаштириш, барча соҳаларда шаффофликни таъминлаш ишлари давом этмоқда. Айнан шундай ташшабуслар, ишлаб чиқилаётган концепция, дастурлар, қабул қилинаётган қонунлар,

¹ ЎЗР Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Ўзбекистон халқига Ҳалқлар дўстлиги куни муносабати билан байрам табриги (30.07.2021)// <https://president.uz/uz/lists/view/4522>

йўл хариталари фуқаролик жамияти институтлари фаолиятини тартибга солувчи конституциявий - ҳуқуқий асосларини ташкил этади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2020 йил 29 декабр куни Олий Мажлисга қилган мурожаатномасида Давлат бошқаруви самарадорлигини оширишда қуйидагиларга алоҳида эътибор қаратиш лозимлиги таъкидланди:

- идоралар вазифасини аниқ белгилаш, такрорлашга ўрин қолдирмаслик;
- раҳбарларни ташаббускорлиги, билими, малакаси, катъиятини шакллантириш;
- рақамли технологияларни кенг қўллаш ҳисобидан ходимлар сони ва иш жараёнларини оптималлаштириш;
- барча ходимларни замонавий ахборот технологиялар асосида ишлашга ўргатиш;
- маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва маҳалла институти фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган янги қонун лойиҳаларни ишлаб чиқиш;
- фуқаролик жамиятини ривожлантиришда ННТ ва ОАВни қўллаб қувватлашни давом эттириш.

Шунингдек, давлат бошқарувидаги қуйидаги муҳим вазифалар белгилаб олинди:

Биринчидан, давлат бошқаруви органлар ва ташкилотлари фаолиятини тубдан такомиллаштириш зарурати асослантирилди.

Иккинчидан, бошқарув идораларининг ҳудудий масалаларни ҳал қилишдаги масъулият ва жавобгарлиги кучайтириш вазифаси белгиланди.

Учинчидан, маҳаллий ижро ва вакиллик органлари ҳамда маҳалланинг институционал асосларини такомиллаштириш белгиланди.

Тўртинчидан, коррупциянинг ҳар қандай кўринишига муросасиз бўлиш кундалик ҳаёт тарзимизга айланиши бўйича вазифалар белгиланди.

Шунингдек, коррупциянинг олдини олиш, уни ўз вақтида профилактика қилиш, ушбу йўналишда давлат хизматчиларини мунтазам ўқитиш ва билимини баҳолаб бориш тизимини йўлга қўйиш муҳим аҳамият касб этади.

Бешинчидан, қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижросини ўз вақтида ва самарали таъминлаш бўйича вазифалар белгиланди.

Олтинчидан, келгуси йилда ҳам давлат ва жамият бошқарувида аёлларнинг ўрни ва мавқеини янада мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилади.

Яна бир муҳим масала – нуроний отахон ва онахонларимизни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш давлатимиз эътиборида эканлиги таъкидланди.

Еттинчидан, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва оммавий ахборот воситаларини қўллаб-қувватлаш йўналишида янги вазифалар белгиланди.

Мазкур вазифаларнинг бажарилиши натижасида, қонун усутворлигини таъминланади; кучли иқтисодиёт яратилади; маблағлар тежалади; халқнинг фаровон турмуши таъминланади; фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликлари тўла таъминланади; жамоат ҳавфсизлиги ва ҳуқуқий тарғибот мамлакат мудофаа қобилияти, ҳавфсизлиги таъминланади; коррупция ҳолатлари камаяди; давлат идораларидаги қўнимсизлик барҳам топади.¹

Ўзбекистон Республикаси Конституциянинг 18-моддасида “Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенг эканликлари”, 35-моддада эса, “ҳар бир шахс бевосита ўзи ва бошқалар билан биргаликда ваколатли давлат органларига, муассасаларига ёки халқ вакилларига ариза, таклиф ва шикоятлар билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга”² эканлиги белгилаб қўйилган.

Шунингдек, жамоат бирлашмалари фаолиятининг конституциявий асослари 56-моддада белгиланган бўлиб, унга кўра: “Ўзбекистон Республикасида қонунда белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган касаба уюшмалари, сиёсий партиялар, олимларнинг жамиятлари, хотин-қизлар, фахрийлар ва ёшлар ташкилотлари, ижодий уюшмалар, оммавий ҳаракатлар ва

¹ ЎЗР Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2020 йил 29 декабр куни Олий Мажлисга қилган мурожаатномаси//gov.uz

² Ўзбекистон Республикаси Конституцияси.-Т: “Ўзбекистон”, 2021.- 9-бет.

фуқароларнинг бошқа уюшмалари жамоат бирлашмалари сифатида эътироф этилади”¹.

Шу билан бирга, жамоат ташкилотларига уюшиш эркинлиги муайян чегаралар доирасида амалга оширилади. Бунда мазкур ҳуқуқдан жамиятга қарши мақсадларда фойдаланиш мумкин эмас. Шу жиҳатдан, “Конститутсиявий тузумни зўрлик билан ўзгартиришни мақсад қилиб қўювчи, республиканинг суверенитети, яхлитлиги ва хавфсизлигига, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларига қарши чиқувчи, урушни, ижтимоий, миллий, ирқий ва диний адоватни тарғиб қилувчи, халқнинг соғлиги ва маънавиятига тажовуз қилувчи, шунингдек ҳарбийлаштирилган бирлашмаларнинг, миллий ва диний руҳдаги сиёсий партияларнинг ҳамда жамоат бирлашмаларининг тузилиши ва фаолиятини ҳамда махфий жамиятлар ва уюшмалар тузиш тақиқланади”².

Юқорида кўрсатилган конституциявий тамойиллар қатор қонун ҳужжатлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамаси томонидан қабул қилинаётган қонуности ҳужжатларида янада ривожлантирилиб, фуқаролик жамияти институтлари ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришга қаратилган қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. “...2017 йилда, - деб таъкидлайди Ўзбекистон Президенти Ш.Мирзиёев, - “Нуроний” жамғармаси, Ёшлар Иттифоқи, Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши, Савдо-саноат палатаси, ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Республика кенгаши каби нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятини такомиллаштириш, уларни қўллаб-қувватлашга қаратилган алоҳида фармон ва қарорлар қабул қилинган”³.

Мазкур ҳуқуқий асосларнинг такомиллаштирилиши нафақат мамлакатимиз миллий қонунчилик тизимида жамоат ташкилотларининг фаолиятига оид ижтимоий муносабатларни

¹ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси.-Т: “Ўзбекистон”, 2021.- 9-бет.

² Ўша жойда.

³ ЎЗР Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномаси. – Т.: “Ўзбекистон” 2018.

ҳуқуқий тартибга солишнинг мустақил соҳасини юзага келишига олиб келди, балки, унга тизимлилик тусини берди.¹

Мустақил нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамияти институтларини янада ривожлантириш ҳамда уларнинг мамлакатда демократик ўзгаришларни амалга оширишда ва жамиятни эркинлаштиришда фаол иштирок этишига кўмаклашиш, уларни молиялаштириш манбаларини шакллантириш учун мустақил тизим ва объектив шарт-шароитлар яратиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузурида нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди, шунингдек, фонд маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссиянинг фаолияти “учинчи сектор”, деб ном олган фуқаролик жамияти институтларини қўллаб-қувватлашга давлат бюджетидан ажратилган молиявий маблағларни янада очик, ошкора, аниқ йўналтирилган ва энг муҳими, демократик асосда тақсимлашни таъминлаш имконини бермоқда. Бу эса, нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг ташкилий-техникавий ва иқтисодий негизини мустаҳкамлашга самарали таъсир кўрсатмоқда.

Ўзбекистонда фаолият кўрсатаётган фуқаролик жамияти институтларини ривожланиш динамикасига кўра, адлия вазирлиги органларида рўйхатдан ўтган ННТлар сони 2012 йилда 6226 та, 2013 йилда 7866 та, 2014 йилда 8190 та, 2015 йилда 8417 тани ташкил этган бўлса², бугунги кунда эса, уларни сони 9 200 тани ташкил этмоқда.³

ННТларни ташкилий-ҳуқуқий шакллари бўйича тақсимооти кўйидаги кўринишда: жамоат бирлашмалари 71%, бошқа

¹ ЎзР Президентининг “Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқаларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори (2017 й.), “Жамоатчилик назорати тўғрисида”ги қонун (2018 й.), Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Давлат органлари ҳузурида жамоатчилик кенгашлари фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори (2018 й.) ва бошқ. Интернет манба: [http:// www.prezident.uz](http://www.prezident.uz)

² Ўзбекистонда фуқаролик жамияти: рақамлар ва фактлар 2015.-Тошкент, ФЖШМҚМИ, 2016.73-бет.

³ ЎзР Президентининг 2018 йил 4-майдаги “Мамлакатни демократик янгилаш жараёнида фуқаролик жамияти институтларининг ролини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 6430-сонли қарори. //Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси.05.05.2018 й., 06/18/5430/1164-сон.

ташқилий-ҳуқуқий шакллар 19%, жамоат фондлари 6%, муассасалар 4%ни ташкил этган.¹

Мамлакатимизда фаолият юритаётган фуқаролик жамияти институтларини қуйидаги мезонлар бўйича таснифлаш мумкин: иқтисодий соҳадаги манфаатларни қаноатлантирувчи тузилмалар; ижтимоий соҳадаги манфаатларни ифодаловчи тузилмалар; сиёсий соҳадаги манфаатларни акс эттирувчи институтлар ва тузилмалар.

Маълумки, ҳар қандай ижтимоий тузилманинг моҳияти, мазмуни ва мақсади у олиб борадиган функциялар ва фаолият йўналишларида ифодаланади.

Мамлакатимизда этник ўзига хосликни ривожлантириш ва миллатлараро муносабатларни янада уйғунлаштиришда фуқаролик жамияти институтлари сифатида миллий маданий марказлар етакчи роль ўйнамоқда. Улар ўзларининг ўзига хос маданияти, тили, халқ ҳунармандлигини ривожлантириб, турли маданиятларнинг бир-бирини ўзаро бойитишига, ҳар биримизда кўп миллатли ягона оила туйғусини мустаҳкамлашга салмоқли ҳисса қўшмоқда.

Республикаимизда турмуш тарзимизнинг барча жабҳаларида рўй бераётган ўзгаришлар бағрикенглик ва конфессиялараро ўзаро англашув маданиятини янада ривожлантириш, мамлакатимизнинг барча фуқароларини тенг ҳуқуқ ва имкониятлар билан таъминлаш, дўстона ва маданий-маърифий алоқаларни янада юқори даражага кўтаришни талаб қилади.

Бунинг натижаси ўлароқ, мамлакат Президентининг 2017-йил 19-майдаги ПФ 5046 – сонли фармони биноан Республика байналмилал маданият маркази ва дўстлик жамиятларининг маркази негизида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари Қўмитаси ташкил этилди.

Қўмита зиммасига, фуқаролар тотувлиги барқарорлигини, турли миллатлар вакиллари ўртасидаги тинчлик ва ҳамжиҳатликни таъминлашга, ватандошларимиз онгида кўп миллатли ягона оила туйғусини мустаҳкамлашга, миллий маданий марказлар ва дўстлик жамиятлари фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва янада ривожлантиришга, хорижий мамлакатлар билан маданий-маърифий алоқаларни кенгайтиришга, мамлакатимизнинг жамият турли соҳаларидаги ютуқлари мазмун ва моҳияти тарғиботиغا,

¹ Ўзбекистонда фуқаролик жамияти: рақамлар ва фактлар.-Т.: ФЖШМҚМИ, 2016. -74-бет.

шунингдек, ушбу йўналишда бажарилаётган ишларни ва амалга оширилаётган чора-тадбирларни самарали мувофиқлаштиришга йўналтирилган давлат сиёсатини босқичма-босқич рўёбга чиқариш каби вазифалар юклатилди.¹

Бугунги кунда кўмита қошида 138 та миллий маданий марказ фаолият юритади. Улардан 14 таси Республика миллий маданий марказ мавқеига эгадир: Тошкент шаҳрида 23 та, Қорақалпоғистон Республикасида 6 та ва вилоятларда 95 та миллий маданий марказ фаолият юритмоқда. Ҳозирда кўмита қошида 34 та хорижий мамлакатлар билан дўстлик жамиятлари фаолият олиб бормоқда, шунингдек, кўмита дунёнинг 18 та мамлакатадаги ҳамкорлари билан алоқа қилмоқда.

Бундан ташқари, кўмита хориждаги 29 та ўзбек эмиграция ва диаспоралари билан алоқаларни йўлга қўйган ҳамда улар билан ҳамкорликда ўзбек маданияти кунлари, тили, халқининг ўзига хос миллий анъана, урф-одатларини, тарғиб этишга йўналтирилган анжуман, семинар, давра суҳбатлари, кўрғазма, викторина, концерт ва бошқа тадбирларни ўтказиб келмоқда. Бундай фаолият миллатлараро муносабатларни янада мустаҳкамлашга ўзини ижобий таъсирини кўрсатади.

Фуқаролик жамияти институтларининг фаолияти бутун жамият ҳаётининг турли соҳаларини қамраб олган бўлса-да, аммо бу борада қатор қилиниши керак бўлган қатор ишлар, ҳал қилиш керак бўлган муаммолар ҳам мавжуд. "...аҳолининг муаммоларини тизимли ўрганиш, уларни аниқ ҳал этиш, айниқса, ижтимоий шароити оғир аёлларни қўллаб-қувватлаш, ёшлар ва хотин-қизлар ўртасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олиш, уларни иш билан таъминлаш масалаларида, - деб таъкидлайди Ш.М.Мирзиёев, - бу ташкилотларнинг иштироки етарли даражада сезилмаяпти. Улар фақат номига йиғилишлар ўтказиш билан машғул бўлиб қолмоқда"².

Ўз навбатида, давлатнинг фуқаролик жамияти билан самарали ва конструктив мулоқот механизмлари йўлга қўйилмаган, нодавлат нотижорат ташкилотларининг эҳтиёжлари тизимли таҳлил

¹ ЎзР Президентининг 2017 йил 19 майдаги "Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқаларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 5046-сонли фармони// "Халқ сўзи", 2017 йил 23 май.

² ЎзР Президенти Ш.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномаси. – Т.: "Ўзбекистон", 2018.

қилинмаяпти, давлат ва жамиятни янада ривожлантиришнинг муҳим масалалари бўйича ўзаро фикр алмашиш учун самарали майдонлар яратилмаганлиги бу соҳадаги муносабатларни барқарор ривожланишига салбий таъсир кўрсатмоқда.

2018 йил 4 майда Ўзбекистон Президентининг “Мамлакатни демократик янгилаш жараёнида фуқаролик жамияти институтларининг ролини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5430-сонли фармони қабул қилинди ҳамда Фуқаролик жамиятини ривожлантириш бўйича маслаҳат кенгашининг вазифалари ва таркиби тасдиқланди. Мазкур ҳужжат ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти ўртасида амалий ҳамкорлик ва узвий мулоқотни таъминлаш самарадорлигини янада оширишда ҳамда ушбу ижтимоий тузилмалар билан амалий мулоқотни йўлга қўйишга хизмат қилади.¹

Амалга оширилган ушбу ишлар ва ташаббуслар фуқаролик жамияти институтларининг роли алоҳида эканлигини кўрсатади ҳамда мазкур масалаларга давлат даражасида эътибор қаратилаётганлигидан далолат беради.

Фуқаролик жамиятининг муҳим институларидан бири жамоат ташкилотларидир. Бугунги кунда, уларга нафақат давлат ҳокимиятини муайян даражада амалга оширишда иштирок этиш балки давлат ҳокимият органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш ваколати берилган.

“Бугунги кунга қадар,- дейди Президент Ш.Мирзиёев,- давлат органлари фаолияти устидан самарали жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг аниқ ҳуқуқий механизмлари яратилмаган. Бу эса нодавлат ноижорат ташкилотлари томонидан давлат органлари ва мансабдор шахслар фаолиятини холисона баҳолашга халақит бермоқда. Шундан келиб чиқиб, давлат ва жамият бошқарувида жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг таъсирчан ва амалий механизмларини жорий этиш мақсадида “Жамоатчилик назорати тўғрисида”ги қонунни қабул қилиш зарур”.²

Шундан келиб чиқиб, 2018 йил 12 апрелда “Жамоатчилик назорати тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни қабул қилинди. Ушбу қонуннинг мақсади давлат органлари ва муассасалари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини ташкил

¹ ЎзР Президенти Ш.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномаси. – Т.: “Ўзбекистон”, 2018.

² Ўша асар.

этиш ҳамда амалга ошириш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

Шунингдек, давлат органлари қошида фаолият олиб борадиган жамоатчилик кенгашлари ташкил этилган. Ўзбекистон Президенти Ш.Мирзиёев фикрича, “...мазкур жамоатчилик кенгашлари давлат органлари фаолиятининг очиқлигини таъминлайдиган, уларни аҳоли билан бевосита боғлайдиган кўприк вазифасини бажариши лозим”.¹

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 4 июлдаги ПҚ-3837-сонли “Давлат органлари ҳузурида жамоатчилик кенгашлари фаолиятини ташкил этиш чора – тадбирлари тўғрисида”ги қарори ва қарорга илова билан жамоатчилик кенгашларининг ҳуқуқий асослари ва низоми белгилаб берилди.

Жамоатчилик кенгашлари томонидан амалга ошириладиган назорат жамиятда ижтимоий адолат қарор топиши учун шахс, жамият ва давлат алоқаларида мувозанат, тенглик, ўзаро масъулият ва жавобгарликка хизмат қилувчи асосий омил ҳисобланади. Мазкур институт инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликлари нафақат давлат томонидан кафолатланганлигини, балки давлат органлари фаолиятида уларнинг устувор аҳамиятга эгалигини таъминлайди ва бунда жамоатчилик назоратининг мавжудлиги сиёсий ҳокимиятнинг том маънода халқ қўлида бўлишининг кўрсаткичи ҳисобланади.

Фуқаролик жамияти институтлари томонидан амалга ошириладиган жамоатчилик назорати, авваламбор жамоат ташкилотлари фаолиятининг муҳим йўналиши ҳисобланади. Бинобарин, ҳокимият органларининг жамоат ташкилотлари орқали халқ билан мулоқоти демократияни ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этади. Зеро ҳокимият органлари халққа ўз сиёсати ва ҳаракатларини тушунтириши, унинг олдида ҳисоб бериши лозим.

Шунинг учун, Ўзбекистон Президенти мамлакатни модернизация қилиш, жамиятимизни ислоҳ этиш ва демократлаштиришни таъминлашда парламент ва жамоатчилик назоратининг таъсирчан механизмларини шакллантириш мақсадида шаҳар ва туманларда ҳақиқий аҳволни ўрганиб, тегишли

¹ ЎзР Президенти Ш.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномаси. – Т.: “Ўзбекистон”, 2018.

раҳбарларнинг ҳисоботини халқ депутатлари кенгашлари сессияси муҳокамасига киритиш тартибини жорий этишни, намунавий халқ депутатлари кенгашлари ишини ташкил этиш тажрибаси жорий этилиши лозимлигини таъкидлаб: “Уларнинг асосий мақсади ва вазифаси – аҳолининг барча тоифалари билан доимий мулоқотда бўлиш, фуқароларнинг қонуний талаб ва эҳтиёжларини нафақат ўрганиш, балки уларни таъминлашдан иборат”¹ [136; 75 б.] бўлишлигини кўрсатиб берди.

Давлат ва жамият қурилиш тизимини такомиллаштириш жараёнида, марказлаштирилган ваколатларни жойлардаги маҳаллий давлат ҳокимияти, ўзини-ўзи бошқариш органлари, жамоат ташкилотларига каби тузилмалар ихтиёрига ўтказилиши Фуқаролик жамиятини янги ривожланиш босқичига кўтарилаётганидан далолат беради. “Биз учун энг оғир муаммолардан бири – давлатнинг функция ва ваколатлари ҳаддан ташқари марказлашиб кетганидир”², -деб таъкидлайди Ш.М.Мирзиёев. Бунинг учун эса, “Давлат бошқарувини ҳаддан ташқари марказлаштиришдан воз кечиш зарур. Бунинг учун кўпгина ваколатларни марказий давлат органларидан ҳудудий органларга ўтказиш”³ билан боғлиқ қатор вазифаларни ҳал этиш муҳим аҳамият касб этади.

Жамият тараққиётининг ҳар бир босқичида инсоният олдиға муайян мақсад ва вазифаларнинг қўйилиши ҳамда янгидан-янги муаммоларнинг юзаға келиши ўз навбатида, ўзини-ўзи бошқариш органлари, сиёсий партиялар, касаба уюшмалари, ОАВ каби фуқаролик жамияти институтлари фаолият йўналишларининг ўзгариб бориши, ўз-ўзидан унинг ўзгача моҳият касб этишиға олиб келади.

Ўзбекистонда оммавий ахборот воситалари сонининг ўзгариш динамикасиға назар солсак, 2009 йилда 1218 та ОАВ мавжуд бўлган бўлса, 2015 йилда 1437 тани, бугунги кунда эса, 1500 тадан ортиқни ташкил этмоқда. 12 та миллий тилларда телекўрсатув ва радио эшиттиришлар, ўндан ортиқ тилларда босма нашрлар фаолият кўрсатмоқда.

¹ ЎзР Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисға мурожаатномаси (22 декабрь 2017 йил). – Т.: “Ўзбекистон” НМИУ, 2018.- 80 б.

² Ўша асар

³ Ўша асар

Ўзбекистон Президентининг ташаббуси билан бу соҳада малакали кадрлар тайёрлаш тизимида қатор муаммолар ҳал этиш учун 2018 йил 24 майдаги Ўзбекистон Республикаси Президенти қарорига асосан, Журналистика ва оммавий коммуникация воситалари университети ташкил этилди.¹

Давлатнинг ва фуқаролик жамияти институтларининг мамлакатни янада жадал ва ҳар томонлама ривожлантиришга қаратилган саъй-ҳаракатларини бирлаштирувчи ҳамда иккала субъектнинг кўп миллатли таркибга эга халқ ўртасидаги ўзига хос замонавий, демократик ҳамда очиқ-ошкора майдон сифатида уларнинг юқори даражадаги тизимли ва самарали мулоқотини йўлга қўйишда ОАВ фаолияти муҳим ҳисобланади.

Шунингдек, миллатлараро муносабатларни такомиллаштиришда миллий маданият, тил, анъаналарни сақлаш ва ривожлантириш билан боғлиқ тадбирлар сценарийларни ишлаб чиқиш, миллий маданий марказлар томонидан маданий дастурлар тайёрлаш ва намойиш этиш учун ОАВларида имтиёзли вақтлар ажратиш; этномаданий тадбирларни ўтказишда ахборот таъминоти билан кўмаклашиш; миллий сиёсат тамойилларини тарғиб этишда илғор тажрибани жорий этишга кўмаклашиш, миллий бирдамликка таҳдид соладиган хатарларга қарши муросасиз жамоатчилик фикрини шакллантиришда ОАВ имкониятларидан унумли фойдаланиш муҳим аҳамиятли ҳисобланади.

Миллатлараро муносабатларни такомиллаштиришда фуқаролик жамияти институтлари турли этник гуруҳлар ҳаётини муҳофаза қилиш, уларнинг мақсадлари, манфаатларини муайян жамоат ташкилотлар, ижтимоий институтлар ва бошқа бирлашмалар орқали амалга оширишдир.

Фуқаролик жамиятининг мазкур институтлари, ўз навбатида, муайян этник гуруҳга мансублигидан қатъий назар, шахс учун унинг ҳокимият манбаи эканлигини ҳис қилишга ҳамда унинг лаёқати ва ҳаракати, обрўси жамиятда юксак қадрият сифатида тан олинишини таъминлашга хизмат қилади.

“Бизнинг мақсадимиз – халқ ҳокимиятини сўзда эмас, амалда таъминлашдан иборат, - деб таъкидлайди Ш.Мирзиёев, - ...биз ўз фаолиятимизни «Буюк келажак бугундан бошланади» деган шиор асосида ташкил этишимиз, халқимизнинг фаровон ҳаётини

¹ ЎзР Президенти Ш.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномаси (22 декабрь 2017 йил). – Т.: “Ўзбекистон”,2018.

таъминлаш учун бор куч ва салоҳиятимизни ишга солишимиз зарур”.¹

Бу вазифаларни муваффақиятли амалга ошириш учун кўп миллатли давлатнинг этник таркибини ташкил этувчи миллат ва элатларнинг манфаатларини таъминлашда давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтлари ҳамкорлигида ижтимоий шериклик ва жамоатчилик назоратини амалга ошириш, мазкур институтларнинг давлат ва жамият бошқарувидаги иштирокини кенгайтириш учун қулай шароитлар яратиш кабилар муҳим аҳамият касб этади.

Миллий-маданий марказлар ҳам Ўзбекистонда яшовчи муайян бир миллат вакилларининг миллий маданий эҳтиёжларини қондиришга хизмат қилувчи жамоат ташкилотлари бўлиб ҳисобланади. Миллий-маданий марказлар Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва Ўзбекистон Республикасининг жамоат ташкилотлари тўғрисидаги амалдаги қонунларига ҳамда ўз низомига асосланган ҳолда фаолият кўрсатади.

Миллий-маданий марказлар муайян миллатга хос бўлган миллий маданият, тил, урф-одат, анъана ва таомилларни ўрганиш, сақлаб қолиш ва ривожлантиришдан манфаатдор бўлган Ўзбекистон фуқароларини ихтиёрий равишда бирлаштиради.

Миллий-маданий марказлар Ўзбекистон Республикасининг «Нодавлат ва нотижорат ташкилотлар тўғрисида»ги қонунига асосланган ҳолда тузилади. Низоми тегишли адлия ташкилотлари (Адлия вазирлиги ёки вилоят ва шаҳар адлия идоралари) томонидан рўйхатга олинади. Ўз фаолиятини бевосита ёки жамоалардаги бўлимлари орқали Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амалга оширади.

Дастлабки Миллий-маданий марказларлар корейслар, қозоқлар, ҳудийлар, арманлар томонидан республика вилоятларида 1989 йилларда тузилган. Аммо, уларнинг чинакам ривожланиши ва равақ топиши Ўзбекистон мустақилликка эришганидан кейин бошланди. Ўзбекистон мустақиллиги муносабати билан уларнинг самарали фаолият курсатиши учун кенг имкониятлар яратилди. Натижада Миллий-маданий марказлар сони йил сайин ортиб борди. Агар 1992 йилда мамлакатимизда 10 та Миллий-маданий марказлар

¹ ЎзР Президенти Ш.Мирзиёевнинг ЎзР Конституцияси қабул қилинган куннинг 25 йиллиги муносабати билан бўлиб ўтган тантанали маросимдаги нутқи.-Интернет манба: [http// www.president.uz](http://www.president.uz)

иш олиб борган бўлса, 1995 йилга келиб, уларнинг сони 72 тага, 2003 йилда эса 135 тага етди.

Бугунги кунда эса, юртимизда 138 миллий маданий марказ фаолият кўрсатмоқда. Улар турли миллат ва элатларга мансуб фуқароларнинг эзгу қадриятларини асраб-авайлаш, урф-одат ва анъаналари бардавомлигини таъминлаш, ёш авлодни миллатлараро бағрикенглик руҳида тарбиялашга муносиб ҳисса қўшмоқда.

Ўзбекистон Республикасида яшовчи турли миллат вакиллари республика ижтимоий, маънавий-маърифий ҳаётида фаол иштирок этишини таъминлаш Миллий-маданий марказлар фаолиятининг муҳим йўналишларидан биридир. Шунингдек, хорижий мамлакатлардаги турдош ташкилотлар ҳамда тарихий ватанлари билан дўстлик, ҳамкорлик, маданий-маърифий алоқалар ўрнатиш ва ҳамдўстлик алоқаларини ривожлантириш, Республика байналмилал маданият маркази, манфаатдор вазирликлар, идоралар, давлат ва жамоат ташкилотлари ҳамда ижодий уюшмалар билан ҳамкорликда мамлакатимизда фуқаролар ҳамжиҳатлиги ва миллатлараро тотувликни мустаҳкамлашга кўмаклашиш марказнинг асосий вазифалари бўлиб ҳисобланади.

Низомда белгиланган мақсад ва вазифаларга эришишда марказлар куйидаги фаолият турларини амалга оширади: мусика ва театр студияларини, она тили, тарих, ёзув, адабиёт, халқ оғзаки ижоди, театр ва рассомчилик санъ-ати, миллий урф-одатлар ва ҳунармандчилик, миллий спорт ва ўйинлар турларини ўрганиш бўйича ўқув гуруҳлари ва якшанба мактабларини амалдаги қонунчиликка мувофиқ тузади; миллий маданият, миллий тил; миллий санъат турлари ва миллий урф-одатларни ўрганиш ва тарғиб қилиш мақсадларида семинарлар, конференциялар, давра суҳбатлари, фестиваллар ва учрашувларни; хор ва бадий жамоаларни ташкил этади.

Миллий-маданий марказлар Республика байналмилал маданият маркази мувофиқлаштиради. Ўтган йиллар мобайнида Республика байналмилал маданият маркази томонидан 30 дан зиёд илмий рисола ва тўпламлар, шунингдек, миллатлараро тотувлик ва истиқлол йилларидаги ютуқларни акс эттирувчи «Ўзбекистон – умумий уйимиз» альбом китоби, «Ўзбекистон – бағрикенг диёр», «Ўзбекистон Конституцияси – буюк келажагимиз кафолати», «Мустақил Ўзбекистонда миллатлараро муносабатлар ривожини» каби мақолалар тўпламлари чоп этилди.

Бугунги кунда Республика байналмилал маданият маркази мамлакатда яшаётган турли миллат вакилларининг маънавий-маърифий мулоқот масканига, ўзига хос дўстлик уйига айланган. Бу ерда мунтазам равишда халқ байрамлари, фестиваллар, барча миллат ардоғидаги ижодкорлар билан учрашувлар, семинарлар ва конференциялар ўтказиб келинади.

Марказ томонидан ҳар йили икки марта тил байрами ўтказилади. Булар – ЮНЕСКО Бош конференцияси 30-сессиясида (1999 йил) 21 февраль – Халқаро она тили куни деб эълон қилинган ва 2000 йилдан 195 та аъзо давлатларда нишонланиб келинаётган «Халқаро она тили куни» ва Ўзбек тилига Давлат тили мақоми берилган кун ҳисобланади. Айни муносабат билан ҳар йили анъанавий тарзда ўзбек тили бўйича нотиклик санъати танловини ташкил этиб келинади.

Бугун республикадаги барча олий ўқув юртларида турли миллатга мансуб талабалар таҳсил олади. Дунёнинг камдан кам мамлакатларида кузатиладиган яна бир ҳолат шуки, Ўзбекистонда таълим 7 тилда олиб борилади. Булар сирасига ўзбек ва қорақалпоқ тилларидан ташқари рус, қозоқ, туркман, тожик ва қирғиз тилларини киритиш мумкин. Яна бир диққатга молик жиҳат – Республикадаги оммавий ахборот нашрлари ҳам турли тилларда чоп этилади, қардош халқлар тилида радио ва телекўрсатувлар тайёрланаётгани Ўзбекистонда миллатлараро тотувликни янада мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

Тарихдан маълумки, ўзбек халқи бошидан кечирган оғир катагон йиллари ва иккинчи жаҳон уруши йиллари кўп ситамларга юзма-юз бўлган корейслар, немислар, турклар, поляклар, греклар, крим-татар ва бошқа миллат вакиллари Ўзбекистонни Ватан тутдилар. Уларнинг ҳозирги авлодлари учун эса Ўзбекистон она Ватанга айланди. Чунки, улар шу ерда туғилиб, камолга етдилар, ҳаётда ўз ўринларини топдилар.

Ўзбекистонда миллати, дини, ирқи ва ижтимоий келиб чиқишидан қатъи назар, барча фуқароларнинг эртанги кунга бўлган ишончи, бугунги кундаги ҳаёти ва тақдирдан мамнунлиги уларнинг миллий ғоя атрофида мустаҳкам бирлашиб, яъни бир ёқадан бош чиқариб, «Ўзбекистон – умумий уйимиз», «Шу азиз Ватан барчамизники», «Қудратимиз – бирлик ва ҳамжиҳатликда», «Мақсад бир, ғоя бир, Ватан ягона», «Ватан ягонадир – Ватан биттадир» ғояларининг асл моҳиятини чуқур англаб етган ҳолда шу

муқаддас Ватанинг буюк келажagini куриш ва унинг мустақиллигини янада мустаҳкамлаш йўлида фидойилик билан сидқидилдан қилаётган меҳнат фаолиятларида, турли соҳаларда қўлга киритаётган ютуқларида ёрқин намоён бўлмоқда.

Сўнгги йилларда Ўзбекистон Президенти Ш.Мирзиёев томонидан мазкур масалаларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 19 май куни қабул қилинган “Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқаларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони миллий маданий марказлар фаолиятини давр руҳига монанд ташкил этиш, хорижий мамлакатлар билан маданий-маърифий алоқаларни кенгайтириш борасида янги истиқболларни очмоқда.

Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари қўмитаси юртимизда турли миллат ва элат вакиллари ўртасидаги ҳамжиҳатликни таъминлаш, маданий-гуманитар алмашинувни ривожлантириш йўлида миллий маданий марказлар ва дўстлик жамиятлари билан биргаликда турли тадбирларни ўтказиб келмоқда.

Хорижий давлатлар билан маданий-гуманитар ҳамкорлик алоқаларини ўрнатишда дўстлик жамиятларининг роли ҳам катта бўлмоқда. Ҳозирда мамлакатимизда 36 дўстлик жамияти фаолият кўрсатмоқда. Жамиятлар Ўзбекистон ва хорижий давлатлар ўртасида дўстлик алоқаларини ривожлантириш, чет элда мамлакатимиз ижобий имижини тарғиб этиш, нодавлат ва бошқа халқаро ташкилотлар билан алоқалар ўрнатиш борасида кенг қўламли фаолият олиб бормоқда.

– Миллий маданий марказлар фаолиятини ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, улар учун кенг шароитлар яратиш масаласи миллий қонунчилигимизда ҳам ўз аксини топган. Нодавлат нотажорат ташкилотлари сифатида улар учун солиқ, мажбурий тўловлар бўйича муайян имтиёзлар яратилган. Айни пайтда грантлар, ижтимоий буюртма ва субсидиялар орқали ҳам уларнинг турли илғор ташаббуслари фаол қўллаб-қувватланмоқда.

Бугунги кунда миллий маданий марказлар ва дўстлик жамиятларининг фаолияти, эришилган ютуқлар, мавжуд муаммолар ва таклиф этилаётган ечимлар билангина чекланмайди. Улар хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари ва чет элдаги

ватандошлар билан ишлашда “халқ дипломатияси“ни амалга оширишда ҳам муҳим роль ўйнамоқда.

Янги Ўзбекистонни қуришда, миллатлараро муносабатларни такомиллаштириш, фуқаролик жамияти институтларининг ролини янада кучайтиришда қуйидагиларга алоҳида эътибор қаратиш лозим:

-миллий маданий марказ фаоллари ва етакчиларининг малакасини ошириш учун конференция, семинар, вебинар, маслаҳат, думалоқ стол, муҳокама, маҳорат дарслари, тренинглари ташкил этиш;

-турли этник гуруҳларга мансуб фуқароларнинг сиёсий маданияти ва ҳуқуқий онгини оширишорқали ксенофобия, эстремизмга қарши муросасиз муносабатни шакллантириш орқали жамиятда консенсус ва осойишталикни таъминлашга кўмаклашиш;

-этнотуризмни ривожлантириш борасида инновацион лойиҳалар ва дастурларни яратиш ва амалиётга жорий этишга кўмаклашиш;

-миллий гуруҳлар фаол етакчиларини тайёрлаш учун мулоқот майдонларни шакллантириш, ОТМ таҳсил олаётган турли миллатга мансуб талабалар билан семинар, ижодий тадбирлар ўтказиш ва МММларда ёшлар стажировкасини ташкил этиш;

-миллатлараро ва конфессиялараро муносабатларни мониторингини амалга ошириш;

-ижтимоий-сиёсий майдондаги турли кучларнинг конструктив мулоқотини йўлга қўйиш;

-миллатлараро муносабатларни ривожлантириш масаласига бағишланган услубий адабиётлар рисоалар, бюллетенлар, услубий қўлланмалар ва ҳ.к.) ҳамда миллатлараро муаммоларга таалуқли замонавий илмий адабиётлар билан яқиндан танишиш, миллатлараро муносабатларни такомиллаштиришда давлат органлари ва ННТлар ўртасида ижтимоий шерикликни мустаҳкамлаш ва уни оммалаштиришга доир кўргазмалар ташкил этиш ва ҳ.к.

Демак, фуқаролик жамияти институтлари ҳозирги кунда миллатлараро тотувликни таъминлашда демократик кадриятлар, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг муҳим омилига айланмоқда, фуқароларнинг ўз салоҳиятларини рўёбга чиқариши, уларнинг ижтимоий, сиёсий, иқтисодий фаоллиги ва ҳуқуқий маданиятини ошириш учун шароит

яратмоқда, жамиятда манфаатлар мувозанатини таъминлашга кўмаклашмоқда.

МИЛЛАТЛАРАРО МУНОСАБАТЛАР СОҲАСИДАГИ ЗИДДИЯТЛАР ВА УЛАРНИ БАРТАРАФ ЭТИШ ЙЎЛЛАРИ

Миллий муносабатлар ижтимоий муносабатларнинг ажралмас қисмидир. Шунинг учун ҳам миллий ва миллатлараро муносабатларида ижтимоий ҳаётимизнинг иқтисодий, сиёсий, маданий-маънавий ва бошқа соҳаларида рўй бераётган ўзгаришлар, қийинчиликлар, зиддиятлар ўз аксини топмай қолмайди.

Зиддиятлар ҳар қандай ривожланишга ҳам хос бўлганлиги туфайли, улар мазкур соҳада ҳам муқаррардир. Энг муҳими, уларнинг доимо юзага келиб турадиган жиҳатлари ва кирраларини кўра билиш, ҳаёт ўртага қўяётган саволларга ўз вақтида тўғри жавоб топиб беришдан иборат.

Афсуски, ўтмишда биз миллий сиёсатнинг ўлкан ва шубҳасиз ютуқлари ҳақида керагидан ортиқча даражада гапирдикки, аммо мазкур масаладаги жиддий камчиликлар, бузилишлар, хатолар, муаммолар ҳақида ҳеч нарса демадик. Ютуқларимизга ортиқча баҳо бердик, камчиликлар, хатоликлар, қийинчиликларни кўриб кўрмасликка олдик. Реал воқеликдан анча йироқлашиб кетдик, қорани оқ қилиб тасвирладик, миллий масаладаги ечимларни кутаётган муаммолар, рўй берган салбий ҳодисалар хусусида индамасликни, ҳамма нарсани бенуқсон қилиб тасвирлашни ўзимиз учун одат қилиб олдик.

Миллий масалада, миллатлараро муносабатларда, иқтисод ва экология, тил масалаларида, ижтимоий масалалар, аҳолини озиқ-овқат, уй-жой, тиббий хизмат билан таъминлаш, миллий кадрларни ўстириш, ўзбек хотин-қизлари ўртасида ўзига ўзи ўт қўйиш, ёш болалар ўртасида кучайиб борган бевақт ўлим ва бошқа шу каби долзарб муаммолар ҳақида узоқ йиллар давомида индамасдан, дардимизни ичимизга ютиб келдик.

Турғунлик йилларида нашр этилган илмий ишларда, ҳимоя қилинган диссертацияларда, айрим собиқ раҳбарларнинг баландпарвоз нутқларида миллий муносабатларда ҳеч қандай муаммо йўқлиги, бўлиши ҳам мумкин эмаслиги ҳақида зўр бериб

гапирилди, бу соҳадаги ютуқлар бир ёқлама, фақат яхши томондангина баён этилди ва бўрттирилди, реал ҳақиқат бузиб кўрсатилди. Айрим республикалар ва мухтор тузилмаларининг ҳам, миллий гуруҳларнинг ҳам ижтимоий-иқтисодий, маданий тараққиёти эҳтиёжлари етарли равишда ҳисобга олинмади. Миллатлар ва элатлар тараққиётининг ўзи ўртага қўйган бир талай кескин масалалар ўз вақтида ҳал этилмади. Бу эса, ижтимоий каноатланмасликка олиб келиб, баъзан можароли тус ола бошлади. Миллий худбинлик ва маҳаллийчилик кайфиятлари, тайёрга айёрлик каби кўринишлари содир эта бошлади. Ўн йиллар давомида йиғилиб келган салбий ҳодисалар узоқ вақтгача эътиборга олинмади, муносиб равишда баҳоланмади. Бунинг натижасида шундай кўнгилсиз ҳодисалар рўй бердики, ҳозирги кунда булар нафақат собиқ шурулар жамияти кишиларини, балки жаҳон халқларини ҳам ташвишга солмоқда. Собиқ Иттифоқнинг тугатилишидан сўнг Грузия, Арманистон, Озарбайжон, Украина ва бошқа республикаларда рўй бериб турган воқеалар ва жараёнлар шулар жумласидандир.

Халқимиз ҳаётига зўравонлик билан жорий этилган эски маъмурий-буйруқбозлик тизимида инсон, унинг моддий, маънавий, шу жумладан миллий қадриятлари бу тизимда сўнги ўринда турар эди. Бинобарин, бундай давлатнинг аввал – бошиданок истиқболи йўқ эди. Собиқ Иттифоқ ҳудудининг гоҳ у, гоҳ бу ерида рўй бераётган бугунги ижтимоий, этник можаролар бунинг яккол мисолидир.

Узоқ йиллар давомида зўр бериб айтилганидек, агар собиқ Иттифоқда миллий масала билан боғлиқ бўлган муаммолар тўла ва узил-кесил ҳал этилганда, минглаб одамлар қатағон қурбони бўлмаганда, бошқа бир қатор хато ва камчиликларга, жиноятга йўл қўйилмаганида, кейинги йилларда мамлакатнинг бир қанча минтақаларида нохуш ҳодисалар рўй бермаган бўлар эди, ҳисобсиз қон тўкилмаган, қурбонлар берилмаган, вайронгарчиликлар бўлмаган бўларди.

Нисбатан ҳийла жонланиб қолган миллатчилик, миллий калондимоғлик, миллий худбинлик, экстремизм кўринишлари маълум маънода айнан ўша эски хатолардан озиқланди, дейиш мумкин. Кишиларни дарғазаб қилган салбий ҳодисаларнинг тўғилишига фақат шахсга сиғиниш йилларида мамлакатлараро муносабатларни белгилаш, байналмилал тарбияни йўлга қўйиш

чоғида рўй берган жуда катта хатолар, камчиликларгина эмас, балки кейинги йилларда миллий масалага ёндашиш борасида йўл қўйилган жиддий нуқсонлар ҳам ўз таъсирини ўтказмай қолмади. Ана шундай хатолар йиғилиб, газак отиб кетиб, охири юқорида айтиб ўтилган миллий муаммолар туғдирадиган қулай шарт-шароит яратди.

Миллий ва миллатлараро муносабатлар масаласида йўл қўйилган хато ва камчиликлар қандай салбий оқибатларга олиб келганлигини, нималарда намоён бўлаётганлигини билиш, миллий масалада келажакда бундай вазиятлар такрорланишига йўл қўймаслик учун уларни келтириб чиқарган ва ривожлантириб юборган сабабаларини кенг ва атрофлича идрок қилиш мақсадга мувофиқдир.

Шуни эътиборга олиш керакки, миллатлар ва миллатлараро муносабатларга бевосита дахлдор бўлган жуда кўплаб муаммолар бирданига, фавқулотта, бир икки йил ичида эмас, балки узок йиллар мобайнида секин-асталик билан пайдо бўлиб, ривожланиб, йиғилиб, пировард оқибатда ҳозирги кескинлашиб кетган даражасига етган. Бунинг оқибатида миллатлараро муносабатлар соҳасидаги бир қатор муаммолар ва зиддиятлар ижтимоий ҳаёт юзасига калқиб чиқди.

Мазкур масала хусусида Збигнев Бжезинский шундай хулосага келди: “Шуни очик ойдин айтиш керакки, 20-30-йилларда совет ҳариталарини тузган мутахассислар томонидан Ўрта Осиё давлатларининг чегаралари хоҳлаган кўнгилларига келган тарзда белгиланганди. Бу давлатларнинг чегаралари асосан, этник принципларга асосланиб белгиланган эди, бироқ Кремль бу республикаларда ички зиддиятларнинг сақланиб қолишидан манфаатдор эди. Шу йўл Россия империясининг жанубий минтақасини тобеъликда тутиб туриш осонроқ кечарди. Ўшанда белгиланган чегараларда Россиянинг ана шу манфаатдорлиги яққол акс этган.

Шунга мувофиқ равишда Москва Ўрта Осиё миллатчиларнинг (уларнинг кўпчилиги ҳали миллатчилик нима эканини тузукроқ англаб етган эмас эди) Ўрта Осиёнинг турли халқларини сиёсий жиҳатдан яхлит қилиб, масалан, “Туркистон” деган ном остида

бирлаштириш ҳақидаги таклифларни рад этди. Бунинг ўрнига Москва бешта мустақил республика тузишни маъқул кўрди”.¹

Сталин даврида миллий сиёсатни олиб боришда жиддий бузилишларга йўл қўйилди. Сталин миллий сиёсатнинг кўп томонларини назар-писанд қилмади. Миллатлар ва миллий муносабатларнинг эркин ривожланиши, жонли жараёнда раҳбарликнинг формал-бюрократик усуллари тор доирасига бошқарувининг буйруқбозлик ва маъмуриятчилик тизимини барқарор этиш билан узвий боғлиқ бўлган республикаларнинг мустақиллиги, ташаббуси ва фаоллигини буғиб қўйган асоссиз тарзда қаттиқ марказлаштириш доирасига зўрлик билан тиқиштирилди. Миллатлар ўртасидаги муносабатларга ён босиш ва уларга нисбатан яхши муомалада бўлиш зарурлиги унутиб юборилди.²

Миллий сиёсатнинг кўпол равишда бузилиши шахсга сиғиниш йилларида яққол намоён бўлиб, миллий жараёнларни бошқариш механизмини тугатишида, СССР Олий Кенгашининг Миллатлар Кенгаши фаолиятини ўзгартириб ва ваколатларини торайтириб, уни СССР Марказий Ижроя Кумитаси фаолияти билан тенглаштиришда, ўтган асранинг 20-30 йиллардаги буржуазия миллатчилигига қарши кураш баҳонаси билан ҳам миллий кадрларни, ҳам рус кадрларни катагон қилишда ва бошқа масалаларда номаён бўлди.

Йигирманчи йиллардан кейин Сталин томонидан тез-тез такрорланиб турган ғоя – Совет Иттифоқи социализмга яқинлашиб бормоқда – аслида ўтмишда минглаб кишиларни ноҳақ ўлдиришларни, сургун қилиб юборишларни оқлаш учун сиёсий қўлланма бўлиб хизмат қилди. Ички ишлар халқ комиссарлиги ва раҳбарлари (Ягода, Ежов, Берия) Сталиннинг бу сўзларидан Октябрь инқилоби ғалабасини амалга оширишда шахсан иштирок этган инқилобчиларни, Лениннинг шогирдларини, бутун ҳаёти, ақл-идроқи ва заковатини халқ ишига баҳшида этган кишиларни жисмонан йўқ қилиш, сиёсат майдонидан улоқтириб ташлаш, йўлни ўз фойдалари учун тозалаб олиш мақсадида фойдаландилар. Мамлакатда шахсга сиғиниш йилларида юзага келган ва кескин

¹ Бжезинский З. Буюк шахмат тахтаси // “Жаҳон адабиёти”, 2004, 2-сон, 112-бет

² Туленов Ж. Т. Қадриятлар фалсафаси. - Т.: “Ўзбекистон”, 1998

авж олиб кетган катағонлик, бало-қазодек, ҳамма жойда, жумладан Ўзбекистонда ҳам кенг ёйилди.

Шуни эслаб ўтиш жоизки, миллий сиёсатдаги бузилишларнинг катта қисми шахсга сиғиниш даврида юз берди. Бутун-бутун халқлар, элат ва миллатлар катағон қилинди. 1941-1945 йилларда Шимолий Кавказ ва Қрим аҳолисидан қалмиклар, чеченлар, ингушлар, қарачайлар, қрим татарлари ва бошқалар зўравонлик йўли билан ўз юртларидан Шарққа томон кўчирилди. Кўчирилган халқларнинг умумий сони тахминан уч миллион кишини ташкил қилди. Мажбурий равишда ўз ҳудудидан бадарға қилинган халқларга нисбатан асоссиз равишда чеклашлар жорий этилди, уларнинг барча ҳақ-ҳуқуқлари ва эркинликлари камситилди. “Бу ихтилоф оқибатида, -деб ёзади З.Бжезинский, - кенг кўламда этник тозалашлар ўтказилди, юз минглаб қочоқлар ва ўз юртидан қувилган одамлар эса турли томонларга тарқалиб қочиб кетди. Арманлар христиан, озарбайжонлар мусулмон эканини ҳисобга олганда, ихтилоф диний рангларга ҳам эга бўлганди.”¹

1950-1960 – йилларда миллий муносабатлар соҳасидаги салбий хатолар кўпайиб бораверди. Миллий муносабатлардаги муаммолар, камчиликлар ва қийинчиликлар хусусида сукут сақланди, кенг жамоатчиликдан бор ҳақиқат атайин яширилди, ютуқлар керагидан ортиқча бўрттирилди.

Миллатлар ва элатларнинг иқтисодий, сиёсий ва маънавий манфаатлари эътиборга олинмади. XX асрнинг 70-80-чи йилларида мамлакат иқтисодиётида рўй берган танглик, ижтимоий, маънавий ва ахлоқий соҳалардаги бузилишлар, порахўрлик, таниш-билишлик, хизмат вазифасини суистеъмол қилишлар, қўшиб ёзишлар ва бошқа салбий ҳодисалар миллий ва миллатлараро муносабатларнинг ҳолатига кескин таъсир кўрсатди. Ана шу камчиликларнинг, шу салбий ҳодисаларнинг ҳаммаси ҳар хил миллатчилик кайфиятларининг намоён бўлиши, миллатлараро низолар вужудга келиши учун негиз яратди.

“Ўрта Осиёда беқарорликни вужудга келтиришда ички омилларнинг аҳамияти янада каттароқ бўлди. Маданият ва тил нуқтаи назардан қараганда Ўрта Осиёдаги бешта янги мустақил бўлган давлатнинг тўрттаси туркийзабон дунёнинг бир қисмини ташкил қилади. Лингвистик ва маданий нуқтаи назардан қараганда

¹ Бжезинский З. Буюк шахмат тахтаси// “Жаҳон адабиёти” ,2004 ,2-сон,113-бет

Тоҷикистонда форсийлар устиворлик қиларди. Ҳолбуки, Афғонистонда (собик Совет Иттифоқи ҳудудларидан ташқарида) этник жиҳатдан ранг-баранг манзарага дуч келамиз. Бу ранг-барангликни патонлар, пуштунлар, тожиклар ва бошқалар ташкил қилади. Олти мамлакатнинг ҳаммаси – мусулмон мамлақати.

Узоқ вақтлар мобайнида уларнинг баъзилари Эрон, Туркия ва Россия империясининг вақтинча таъсирида бўлган. Бироқ бу тажриба уларда минтақадаги манфаатлар муштараклигируҳини мустаҳкамламади. Аксинча, этник таркиби турли-туман бўлгани учун улар ички ва ташқи ихтилофларда ожизликлари билиниб қолди, бу эса, оҳир-оқибатида, уларнинг баъзи бир қудратли қўшниларининг тажовузкорлик борасидаги иштаҳаларини кўзғатиб туради.”¹

Мустақиллик туфайли жамиятимизнинг барча соҳаларида содир бўлаётган туб сифат ўзгаришлар миллатлар ва миллалатлараро муносабатларни такомиллаштиришга қулай шарт-шароитни вужудга келтирди. Аини вақтда шулардан тўлиқ фойдаланган ҳолда миллий ва миллатлараро муносабатлар соҳасидаги барча мавжуд муаммолар камчиликларни бартараф этиш устида мунтазам равишда кўпгина ижобий ишлар қилинмоқда.

Ҳозирги куннинг асосий вазифаси фақат ўтмишни баҳолаш, миллий масалада ўтмишда рўй берган нуқсон ва камчиликларни санаб ўтишдангина иборат эмас, балки бугунги куннинг вазифалари ва келажак ҳақида аниқ, равшан, илмий асосда ўйлашдир. Фақат орқага қараб олдинга юриш мумкин эмас, шундай қилинса биринчи тўсиқдаёқ қоқилиб қолиш мумкин. Биз ўтмишнинг хатолари ҳақида кўп ўйладик, маълум чора-тадбирлар кўрдик.

Эндиликда, ҳозирги куннинг муаммоларни ҳал қилиш вазифаси олдимизда турибди. Агар биз шуларни ҳал қилишга киришмасак, кўп имкониятлардан фойдалана олмаймиз, майда-чуда масалалар доирасида ўралашиб қолиб, муҳим воқеалар, вазифаларни билиш, улардан фойдаланиш ва амалга ошириш имкониятларини қўлдан бой берамиз.

Республикамизда кейинги вақтда рўй берган тарихий воқеалар, жумладан Ўзбекистон Республикасининг “Давлат мустақиллиги тўғрисида”ги қонуннинг қабул қилиниши, кўпгина

¹ Бжезинский З. Буюк шахмат тахтаси// “Жаҳон адабиёти”, 2004, 2-сон, 113-бет

хорижий мамлакатлар томонидан тан олинishi, ҳаётимизнинг ҳамма соҳасида амалга оширилаётган ўзгаришлар миллатлар ва миллатлараро муносабатларни такомиллаштириш учун қулай шарт-шароитларни вужудга келтирмоқда. Шулардан тўлиқ фойдаланган ҳолда миллий ва миллатлараро муносабатлар соҳасидаги барча мавжуд камчиликларни зудлик билан тузатиш ҳаммамизнинг олдимизда турган муҳим масаладир.

Миллатлараро муносабатлар соҳасида муайян, ноантагонистик зиддиятларнинг мавжудлиги янги мустақил давлатларнинг қарор топиш даври учун реал ҳодисадир. Лекин мавжуд зиддиятларнинг халқлар ва давлатларнинг хавфсизлигига таҳдид соладиган фожиали оқибатларга олиб борувчи миллатлараро можароларга айланишига асло йўл қўйиб бўлмайди.

Миллий ва миллатлараро муносабатлар соҳасидаги муаммоларни ҳал қилишда минтақадаги этник-нуфус вазиятни, аҳолининг полиэтник таркибини ҳисобга олиш катта аҳамият касб этади. Ўзбекистоннинг туб аҳолиси – ўзбеклардир. Уларнинг мамлакат аҳолиси таркибидаги хиссаси 84,4% (29,2 млн) ташкил этади. Республикада истиқомат қиладиган қорақалпоқлар -2,1% (752,7 минг), тожиклар – 4,9% (1,7 млн), қozoқлар – 2,2% (821,2 минг), қирғизлар -0,9% (291,6 минг), туркманлар – 0,6% (206,2 минг) ташкил этади. Мамлакатимизда татарлар (187,3 минг), озарбайжонлар (41,2 минг), уйғурлар, корейслар (174,2 минг); славян халқларига мансуб – руслар (720,3 минг), украинлар (67,9 минг), белоруслар (18,5 минг), шунингдек, поляклар, чехлар, словаклар, болғарлар ва бошқа миллатлар вакиллари (426,4 минг) ҳам истиқомат қилади. Бундан ташқари, Ўзбекистонда форслар, пуштунлар, балужлар, корейслар, арманлар, яхудийлар ҳам яшайди. Уларнинг турли-туман эҳтиёжларини қондириш учун республикамизда қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.¹

Она тилида таълим олиш борасидаги эҳтиёжлари тўларoқ қондирилмоқда. Кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш, маданият ва маънавий бойликларни тақсимлаш масалаларида ижтимоий адолат тамойилларига асосланиляпти. Миллий тилларда рўзномалар, китоблар, дарсликлар, ўқув қўлланмалар ва бошқа адабиётлар нашр этилмоқда. Кўпчиллик миллатларнинг

¹ <https://www.gazeta.uz/uz/2021/08/19/population/>

эҳтиёжларини ҳисобга олиб телекўрсатувлар ва радио эшиттиришлар кенгайтирилмоқда, миллий маданият марказлари очилмоқда. Бошқа мамлакатларнинг вакиллари давлат ва жамоат ишларига жалб қилинмоқдалар.

Мустақилликни кўлга киритгач, Ўрта Осиё давлатларида амалга оширилаётган ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ислохотларнинг мазмуни ва суръатларидаги айрим фарқлар миллатлар ва элатлар ўртасидаги ўзаро муносабатларга салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Ана шуни эътиборга олган ҳолда, минтақамизнинг бир халқини бошқасига қарама-қарши қўйиш, миллий устунлик мавжудлиги тўғрисидаги афсоналарни тарқатиш йўлидаги ҳар қандай уринишларнинг олдини олиш лозим эди. Ўзбекистонда барқарорлик, тинчлик ва осойишталикни сақлаб туриш учун миллий сиёсат юрғизишда қуйидагиларга эътиборни қаратмоқ керак:

- таркиб топган давлат чегараларини, уларнинг даҳлсизлигини тан олиш;

- мустақиллик туфайли халқлар миллий ўзлигини англашнинг ривожланиши орқага қайтмайдиган жараён эканлигини ҳисобга олиш;

- минтақамизда яшаётган халқларнинг ўзаро яқинлиги миллатлараро муносабатларда ижобий таъсир кўрсатишни инобатга олиш;

- республикамызда “Туркистон-умумий уйимиз” ҳаракати амалга оширилаётган этник сиёсат ўзининг йўналиши ва мазмунига кўра инсонпарвар, конструктив жараён эканлигини назарда тутиш;

- минтақамиздаги интеграция жараёнлари ҳам барча халқлар ва кўп миллатли манфаатларининг энг мақбул даражада уйғунлаштиришга асосланган ҳолда ривожланишини таъминлаш.”¹

Этник гуруҳларда, миллатлараро муносабатлар масаласида йўл қўйилган хато ва камчиликлар қандай салбий оқибатларга олиб келганлигини, нималарда намоён бўлаётганлигини билиш, миллий масалада келажакда бундай вазиятлар такрорланишига йўл қўймаслик учун уларни келтириб чиқарган ва кескинлаштириб юборган сабабларни чуқур ва атрофлича идрок қилиш миллий сиёсат юритишда катта аҳамият касб этади.

¹ Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида., 6-жилд.-Т.: “Ўзбекистон”, 1998, 82-83-бетлар

Жамиятда юзага келаётган ижтимоий зиддиятларнинг келиб чиқиши ва сабабларининг чуқур ва ҳар томонлама таҳлил қилиниши уларни баратараф этишнинг муҳим омилидир.

Ижтимоий зиддиятлар ҳар доим олимларнинг диққат марказида бўлиб келган. Мустақиллик мазкур муаммога янгича ёндашиш имкониятини яратиб берди. Улар қуйидагилардан иборат:

Биринчидан, мустақиллик жамиятимизнинг барча жабҳаларида, шунингдек миллий ва миллатлараро муносабатлар соҳасида ҳам, мавжуд бўлган, аммо улар ҳақида ёзиш у ёқда турсин, хаттоки гапириш мумкин бўлмаган реал зиддиятлар, уларни келтириб чиқарган сабаблари ва баратараф этиш йўллари оқиқ-ойдин кўрсатиб берди.

Ижтимоий зиддиятлар ўзларининг турли-туман ва серқирралиги билан ажралиб туради. Улар иқтисод соҳасида ҳам, ижтимоий ва миллий муносабатлар соҳасида ҳам, мафкуравий ҳаёт, шунингдек, маданият соҳасида ҳам яққол намоён бўлади. Бу соҳаларнинг ҳар бирида зиддиятларнинг қамрови ва намоён бўлиш шакллари таҳлил қилиш муҳим аҳамият касб этади.

Иккинчидан, жамиятдаги зиддиятлар, уларнинг турличалигига қарамасдан, бир-биридан ажралган ҳолда мавжуд бўлмайди, балки улар бир-бири билан боғлиқ ва бир-бирларини тақазо этади. Мана шу зиддиятлар ва ишлаб чиқарувчи кучлар ривожланишидаги салбий жараёнлар ижтимоий соҳадаги зиддиятларнинг кескинлашувига тўғридан-тўғри таъсир кўрсатади.

Ижтимоий, хусусан миллатлараро соҳадаги зиддиятлар, ўз навбатида, жамиятнинг маънавий ҳаётига таъсир кўрсатади, халқимизга хос бўлган юксак маънавий кадриятларни емиради. Бунинг оқибатида, жамоат ишларига қизиқиш сўнади, ахлоқий кадриятларимизга тўғри келмайдиган бефарқлик ва бошқа салбий жараёнлар юзага келади.

Учинчидан, мустақиллик шуни кўрсатдики, жамиятимизда мавжуд бўлган зиддиятлар жумладан, миллатлараро муносабатлар соҳасидаги зиддиятлар ҳам, маълум мақсадлар ва манфаатлар йўлида ҳаракат қилувчи кишилар фаолиятида намоён бўлади. Ижтимоий зиддиятларнинг кишилар фаолияти билан боғланиши, бир томондан, уларнинг зич субъектив томонини, иккинчидан эса, зиддиятларнинг объектив томонларини кўрсатади.

Тарих маълум кишилар, миллатлар ва элатлар фаолияти орқали намоён бўлади, кишилар эса ижтимоий-тарихий жараённинг

ҳам объекти, ҳам субъекти ҳисобланади, шунинг учун ҳам, ижтимоий зиддиятларга субъект ва объект муносабатларнинг бирлиги сифатида қараш керак.

Ижтимоий зиддиятларни, жумладан миллатлараро муносабатлар соҳасидаги зиддиятларни ҳам бартараф этишда консенсус муҳим аҳамият касб этади. “Consensus”- лотинча сўз бўлиб, “келишиш”, “якдиллик” маъносини билдиради. Консенсус қарама-қарши кучлар, томонлар, ижтимоий гуруҳлар, партиялар, ҳаракатлар ўртасидаги зиддиятларни умумий манфаатлардан келиб чиқиб ҳал этиш йўлларида бири ҳисобланади. Консенсус келажакда ўзаро битимлар, келишувлар, ўзаро мажбуриятни белгилашда асос вазифасини ўташи мумкин.

Консенсус одатда меҳнат жамоалари ва уларнинг ижтимоий томонлари (касаба уюшмалари), маъмурият, маҳаллий ҳокимият органлари раҳбарлари, марказий идоралар, вазирликлар, ҳамда турли давлатлар, сиёсий партиялар, оммавий ҳаракатлар ва бошқалар ўртасидаги келишувчиликлар, муаммоларни ҳал қилишда қўлланилади. У халқларимизни миллий тотувликка, ҳамкорликка даъват этадиган йўлдир.

Консенсуснинг муҳим хусусияти шундаки, музокаралар қатнашчилари ўзаро ён беришлар йўли билан, тинч йўл билан келишиб, ўзаро фойдали қарорларга келадилар ва бир-бирига муҳокама қилинаётган масалалар бўйича мавжуд зиддиятларни вақтинча бартараф қилиш имкониятини берадилар. Консенсус вужудга келган зиддиятларни бартараф қилиш воситаси сифатида ҳозир амалда давлат ва ижтимоий ташкилотлар фаолиятида қўлланилмоқда.

Консенсуснинг самарадорлиги бутунлай музокаралардаги ҳамма бандлар юзасидан эришилган келишувларнинг барчасини бажарилишга боғлиқ бўлади. Агар улар аниқ ва виждонан бажарилса, вазиятнинг яхшиланиши кузатилади, меҳнат жамоаларининг ҳаёти ва фаолияти учун етарли шарт-шароитлар яратилади ва аксинча.

Консенсуснинг муҳим шакли, турли сиёсий кучлар ўртасидаги зиддиятларни ҳал қилиш учун кенг қўлланилаётган мулоқот ва думалоқ стол атрофида суҳбат ўтказишдир. Консенсуснинг яна бир хусусияти шундан иборатки, у оммавий ахборот воситалари орқали жамиятимиз учун муҳим бўлган сиёсий, иқтисодий, маънавий ва бошқа масалалар бўйича референдум (умумхалқ овоз

беришлар) ўтказиш ва қонунлар лойиҳасини муҳокама қилиш орқали ижтимоий зиддиятларни бартараф этиш имкониятини яратади.

Консенсус – ихтилофлардан ҳамкорликка олиб борувчи йўлдир. У халқлараро амалиётда кенг қўлланилади. Маълумки, ўн йиллар мобайнида Шарқ ва Ғарб бир-бирига душманлик нуқтаи назаридан қараб келди. Ҳозир ихтилофлар, сиёсатидан ҳамкорликка ўтиш жараёнлари амалга оширилмоқда. Бундай ўтишнинг бир қанча сабаблари бор. Асосий сабаблардан бири Ғарб ва Шарқ манфаатларидан устун келадиган ва ҳамкорликда ечишни талаб қиладиган умумбашарий муаммолар мавжудлиги. Булар – “учинчи дунёдаги” қашшоқлик ва очлик, энергия танқислиги, атроф-муҳитнинг ифлосланиши, анн бўйича ракета, ядро ва кимё қуроллари ишлаб чиқиш технологиясининг ёйилиб кетиши, террорчилик, гиёҳвандлик муаммоларидир. Инсоният дуч келаётган бу муаммоларни, илгаригагидек, ихтилофлар йўли билан ҳал қилиб бўлмайди.

Ҳозирги авлоднинг тарихий вазифаси вужудга келган имкониятни қўлдан чиқармай, Европа давлатлари, МДҲ ва Ғарб Иттифоқлари давлатлари манфаатларига мос тушадиган муносабатларни қарор топтиришдан иборат, деган фикр тобора оммавий тус олмақда.

Консенсус – бу, фуқароларнинг тинчлик сари тутган йўлидир. Ҳозирги босқичга хос зиддиятлар, ижтимоий ва бошқа тангликлар ҳаддан зиёд кучайган шароитда жамиятнинг соғлом кучларини жипслаштиришга кучли эҳтиёж сезилмоқда.

Фуқаролар тинчлигига эришишнинг муҳим шартларидан бири – ҳамма даражадаги умумхалқ мулоқоти, турли партиялар ва ижтимоий гуруҳлар, оммавий ҳаракатлар ўртасидаги мулоқотдир. Мулоқот бирлашишнинг базаси ва асоси сифатида зарурдир. Эшитишни билиш ва эшитишга сазовор бўлиш – маданиятли одамлар анъаналаридандир.

Мулоқот самарали бўлиши учун унда нафақат олимлар ва публицистлар, ёзувчилар ва тарғиботчилар, балки партиялар, давлат, ижтимоий ташкилот раҳбарлари, албатта, қатнашишлари керак. “Халқ билан юзма-юз” – бу шиор ҳамма фуқаролар тинчлигини таъминлаш ҳамда кимнинг ким эканлигини аниқлашда объектив баҳолаш имкониятидир. Бу ерда бир-бирига ён босиш, муҳолифлар фикрини эшитиш ва баҳолай олиш орқали салбий

томонларни эмас, балки ҳозирги туб бурилиш даврида бизларни бирлаштирувчи ижобий томонларни қидириш лозим.

Фуқаролар тинчлиги – бу яқдиллик ва ҳамма нарсани бир овоздан тасдиқлаш эмас. Бундай ҳолдан биз аста-секин қутиляпмиз, чунки бу ҳолнинг нимага олиб келишини амалиётдан кўрдик. Ҳозирги тафаккур қотиб қолган ва бир томонламалик хусусиятларидан ҳолос бўлиб, фикрлар хилма-хиллиги ва ранг-баранглиги билан тавсифланади.

Ҳаёт шуни кўрсатяптики, жамиятда фуқаролар тинчлигини таъминлашнинг муҳим омилларидан яна бири – ҳокимиятга бўлган ишончдир. Ҳокимиятга ишончнинг етарли даражада бўлиши ҳар қандай ислоҳот ижобий натижа беришининг муҳим омилдир. Ижобий ўзгаришлар, ҳокимият томонидан қабул қилинадиган тўғри қарорлар кишилардаги ишонч даражасини кўтарса, камчиликлари эса бу ишончни сусайтириши мумкин. Жамиятдаги бўлинишлар, халқнинг норозилиги, ҳукумат истеъфосини талаб қилиш, сиёсий иш ташлашлар, ҳатто қуролли кураш – буларнинг ҳаммаси ҳокимиятнинг тўла инқирозининг натижасидир.

Ниҳоят ижтимоий миллий ва миллатлараро муносабатлар соҳасидаги зиддиятларни ўрганишнинг муҳим томонларидан бири – жамият ривожланишида диалектик зиддиятлар тараққиётини бошқариш масаласидир. Бошқариш санъати зиддиятларни писанд қилмаслик эмас, балки ана шу зиддиятларни ўз вақтида сезиш ва қарама-қарши томонларни ўрганишда келимшмовчиликларни бартараф этиш шакллари ва йўллари топа билишда ўз аксини топади. Миллатлараро муносабатлар соҳасидаги зиддиятлар қотиб қолган, ҳаракатсиз, ҳамма вақт бирдай бўлмай, балки доимо ҳаракатда, ўзгаришда ва тараққиётда бўлади.

Зиддиятлар диалектик жараён, улар пайдо бўлади, чуқурлашади ва бартараф этилади. Шунинг учун амалий фаолиятда зиддиятларни ўз вақтида бартараф этишда уларни етуклик даражасини аниқлай олиш муҳим омил ҳисобланади. Бунда секинлашиш ҳам, олдин ўтиб кетиш ҳам бирдек зарарли. Зиддиятлар ҳоҳ катта, ҳоҳ кичик бўлсин, ўз вақтида аниқланиб, бартараф этилмаса, улар жамият тараққиётига салбий таъсир кўрсатадилар. Масалага бундай ёндашиш ижтимоий зиддиятларнинг пайдо бўлиши ва ривожланишига жиддий муносабатда бўлиш ва уларнинг жамият тараққиётига бўлган таъсирини ҳисобга олишни тақозо этади.

Миллий ва миллатлараро муносабат соҳасида вужудга келган зиддиятларнинг кескинлашиб, миллий ва минтақавий хавфсизликка таҳдид соладиган можароли вазиятга айланиб кетишига йўл қўймаслик учун, биз қуйидаги асосий қоидаларга амал қилишимиз керак.

Биринчидан, давлатнинг этник сиёсати шахс ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг устивор бўлишига асосланиши даркор, шунингдек, миллий озчиликнинг ҳуқуқлари ҳам камситилмаслиги шарт.

Иккинчидан, давлатнинг этник сиёсатидаги бош йўл миллатлараро зиддиятларни амалий тарзда ҳал қиладиган усулларга асосланиши лозим.

Учинчидан, жамиятимизнинг бозор муносабатларига асосланадиган иқтисодий тараққиёти одамларни ижтимоий ҳимоялашнинг кучли механизмини таъминлаган ҳолда республика ҳудудида яшаётган барча миллатларга мансуб аҳолининг манфаатларига мосдир. Бу тараққиёт ҳам бир одамнинг қобилияти ва иқтидорини рўёбга чиқариш, ҳар бир оилани ривожлантириш ва фаровонлигини ошириш учун мустаҳкам асос яратмоқда.

Буларни рўёбга чиқариш, ўз навбатида, босқичма-босқич амалга ошириладиган миллат ва элатлар ўртасидаги муносабатларни уйғун тарзда ривожлантиришга қаратилган сиёсат юритишни талаб этади. Республикамизда бу соҳада олиб борилаётган амалий ишлар давлатимизнинг мазкур сиёсатга монанд ҳаракат қилиб келаётганлигидан далолат беради.

Демак, объектив ижтимоий зиддиятлар жамият эҳтиёжлари ва қизиқишларига мос тарзда субъектив омиллар: қизиқишларни англаш, мақсадни белгилаш, ҳаракатлар дастурини ишлаб чиқиш, жамиятни бозор иқтисодиёти асосида қайта қуриш дастурини амалга ошириш учун ижтимоий кучларни ташкил қилиш механизми орқали инсон фаолиятининг сабабияти сифатида намоён бўлади.

Миллатлараро соҳасида зиддиятларни бартараф этиш учун ҳар бир кишида, ва айниқса ёшларда, миллий онг ва миллий ғурур туйғуларини шакллантириш муҳим аҳамиятга эга. Чунки, ҳар бир миллатнинг онги, маънавий қиёфаси, давлатдаги иқтисодий, маънавий-маданий муҳитига қараб ўзгариб боради. Миллатнинг рухий, маънавий қиёфаси эса миллий ғурур, миллий ифтихор, миллий ўз-ўзини англашда ифодалайди. Халқни миллий жихатдан

Ўз-ўзини англашига эришмасдан туриб, умумий мақсадлар йўлида бирлаштириб, ғоявий-иқтисодий жиҳатдан уюштириб, ҳар қандай мураккаб вазифаларни ҳал қиладиган буюк ижтимоий кучга айлантириб бўлмайди. Шунинг учун ҳам, бугунги кунда ёш авлодда соғлом миллий онг ва миллий ғурурни шакллантириш лозим.

Миллатлараро соҳасидаги зиддиятларни бартараф этишда ёшлар маънавияти ва ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш масаласи алоҳида ўрин тутди. Бу борада ёш авлодда мулоқот маданиятини шакллантириш лозим. Хусусан, уларда ўзга миллат вакилларига ҳурмат ва адолатли муносабатда бўлиш, юксак ахлоқий фазилатлар ва хулқ маданиятини ривожлантириш, миллатчиликнинг ҳар қандай кўринишига қарши курашиш истагини шакллантириш муҳим аҳамият касб этади. Фикримизча, шу йўл билан ҳам миллатлараро соҳасидаги қатор муаммоларни ҳал этиш мумкин бўлади.

МИЛЛАТЛАРАРО ҲАМДЎСТЛИК, ДИНИЙ БАҒРИКЕНГЛИК ВА МИЛЛАТЛАРАРО ТОТУВЛИКНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ МИЛЛАТЛАРАРО МУНОСАБАТЛАРНИ УЙЎНЛАШТИРИШДАГИ АҲАМИЯТИ

Мустақил Ўзбекистонда миллатлар ва конфессиялараро тотувлик ва ўзаро бир-бирини тушуниш, ёш авлодни бағрикенглик, миллий ва умумбашарий кадриятларга ҳурмат, ватанпарварлик руҳида тарбиялаш давлат сиёсатининг энг муҳим устувор йўналишларидан бирига айланди. Мамлакатимизда барқарорлик, тинчликни сақлаб ижтимоий-иқтисодий тараққиётни жадаллаштиришда миллат ва элатлар ўртасидаги дўстликни кучайтириш, уларнинг ҳамкорлигини мустаҳкамлаш катта аҳамият касб этади.

“Ўзбекистон, - дейди Ўзбекистон Президенти Ш.М.Мирзиёев, – улкан имконият ва ресурсларга эга бўлган мамлакат. Лекин бизнинг энг катта бойлигимиз – турли миллат ва конфессиялар вакиллари ўртасидаги тинчлик ва барқарорлик, ўзаро ҳурмат ва ҳамжиҳатликдир. ...Биз бундай бебаҳо бойлик билан ҳақли равишда фахрланамиз ҳамда давлатимиз ва жамиятимизнинг бор куч ва

имкониятларини мамлакатимиздаги дўстлик ва аҳиллик муҳитини мустаҳкамлашга йўналтирамиз”¹.

Ҳозирги вақтда мавжуд бўлган ҳар бир миллий маданиятдаги ютуқлар, ижобий, фойдали томонларни доимий равишда ўрганиш, улардан кенг ва атрофлича фойдаланиш миллий маданиятларни ўзаро бойитишнинг, кишиларни байналмилал руҳда тарбиялашнинг зарурий йўлларида хисобланади.

Конститутсиямиз ва қонунларимизда Ўзбекистон Республикасининг барча фуқаролари, миллати, тили ва динидан қатъи назар, тенг ҳуқуқ ва эркинликларга эга экани муҳрлаб қўйилган. Уларга ўз маданияти, анъана ва урф-одатларини ривожлантириш учун барча шароитлар яратилган. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 8-моддасида Ўзбекистон халқини миллатидан қатъий назар Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари ташкил этади деб таъкидланган.

Кейинги йилларда ушбу йўналишда олиб борилаётган ишлар ўзининг сифати ва маъно-мазмунига кўра янги, янада юксак босқичга кўтарилди. Бугун биз ўз олдимизга Янги Ўзбекистонни барпо этишдек буюк мақсадни қўйдик,- даб таъкидлайди Ўзбекистон Президенти Ш.М.Мирзиёев. - Ҳеч шубҳасиз, бу борада жамиятимизда қарор топган дўстлик ва бирдамлик муҳити мамлакатимиздаги тинчлик ва барқарорликни сақлаш ва мустаҳкамлаш, ислоҳот ва янгиланишлар йўлидан изчил илгарилаб бориш, Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги обрў-эътиборини оширишнинг мустаҳкам асосидир”².

Ўзбекистон Республикасида шу ҳудудда яшайдиган барча этник гуруҳ ва миллат вакиллари учун ҳар қандай одамга ўзини эркин ва тенг ҳуқуқли деб ҳис қилиши учун барча имкониятлар яратилиб берилган. Уларнинг фуқаролик, шахсий, ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ҳуқуқлари ҳам Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси билан кафолатланган.

Ўзбекистон Республикасининг “Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги қонунда мамлакат фуқаролари “ижтимоий келиб чиқиши, ижтимоий ва мулкый мавқеи, ирқий ва миллий мансублиги, жинси, маълумоти, тили,

¹ ЎзР Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Ўзбекистон халқига Халқлар дўстлиги куни муносабати билан байрам табриги (30.07.2021)// <https://president.uz/uz/lists/view/4522>

² Ўша жойда

динга муносабати, машғулотининг тури ва хусусиятидан қатъи назар тенг сайлов ҳуқуқига эга”, эканлиги қайд этилган.

Шунингдек, Ўзбекистон ҳудудида яшайдиган этник озчиликнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида ҳам алоҳида кўрсатиб ўтилган. Конституциянинг 4-моддасида ёзилганидек, “Ўзбекистон Республикаси ўз ҳудудида истиқомат қилувчи барча миллат ва элатларнинг тиллари, урф-одатлари ва анъаналари ҳурмат қилинишини таъминлайди, уларнинг ривожланиши учун шароит яратади”.¹

Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, жамиятимизда кундан-кунга мустаҳкамланиб бораётган миллий ҳамжиҳатлик, миллий бирдамлик нафақат Республикамиз туб аҳолиси – ўзбеклар, қорақолпоқлар билан бошқа миллатлар ўртасида балки Ўзбекистонда яшаётган барча миллатларнинг вакиллари орасида ҳам этник-маданий асосларда жипсланиш жараёнлари фаол юз бермоқда.

Ўзбекистонда истиқомат қилиб келаётган барча миллатлар, элатларнинг маданият, маънавият, миллий урф-одатлар ва анъаналар соҳасидаги ўзларига хос талаб ва эҳтиёжларини қондириш, шу тариқа уларнинг Республикамиз миқёсида янада мустаҳкамроқ жипслаштиришга хизмат қилишда Миллий маданий марказларнинг фаолияти алоҳида эътиборга сазавордир.

Мустақилликка қадар Ўзбекистонда атиги 12 миллий маданий Марказлар мавжуд бўлган бўлса, ҳозирги кунда уларнинг сони 150 етди. Миллий маданий марказларнинг асосий вазифалари ҳар бир миллатнинг тили, маданияти, урф-одатлари ва анъаналарини тиклашга, тарихий Ватани билан алоқа ва муносабатларни ривожлантиришга, мустақил Республикамиз маданияти, тарихи ва тилини ўрганишга, унинг билан дўстликка, ҳамкорликка яшашга қаратилгандир. “Уларнинг кўп қиррали фаолияти, - деб таъкидлайди Ўзбекистон Президенти Ш.М.Мирзиёев, - ҳар томонлама қўллаб-қувватланмоқда. Хусусан, Олий Мажлис ҳузуридаги жамоат фонди ушбу мақсадлар учун зарур маблағларни йўналтирмоқда, турли субсидия ва грантлар ажратилмоқда”.²

¹ Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси.-Т.: “Ўзбекистон”, 2018.

² ЎЗР Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Ўзбекистон халқига Халқлар дўстлиги куни муносабати билан байрам табриги (30.07.2021)// <https://president.uz/uz/lists/view/4522>

Тошкентда Дўстлик боғи ташкил этилган. Пойтахтимиз ва худудларимизда барпо этилган Дўстлик уйлари фуқароларимизни ўз бағрига чорлайдиган марказларга айланмоқда Миллий маданият марказлари ҳақиқий эркинлик ва озодлик асосида иш олиб бориб, Ўзбекистон мустақиллигини мустаҳкамлашга катта ҳисса қўшмоқдалар.

Миллатлараро тинчлик, тотувликни таъминлашда ўзбек миллатининг бошқа суверен давлатларда яшаётган ўз этник қардошлари билан яқин муносабатда бўлиши катта аҳамият касб этади. Дарҳақиқат, инсоният ўзининг минглаб йиллик меҳнат фаолияти натижасида буюк ижтимоий-техник тараққиётга, кўп қиррали маънавий-маданий юксалишга эришди. Бунинг меваси сифатида турмуш тарзида улкан бурилишлар рўй берди. Бу мураккаб ижтимоий тараққиёт жараёнини ўтиш даврида элатлар, халқлар ва миллатлар бирлашиб ёки алоҳида давлат шаклида, дунё ҳаритасида ўзининг ўрнини топганлар. Ўзбек халқи ҳам, асрлар давомида тадрижий ривожланиш ва таркиб топиш даврида сақ (сак), хун, қадимги турк, янги турк номлари билан яшаб, ўз тарихи, тили, маданияти, маънавияти, урф-одатларига эга бўлган миллат сифатида шаклланиб келган.

Ўзбек халқи қадим Туркистон ўлкасида қозоқ, қирғиз, туркман халқи билан 12 қавм (қабил), 95 уруғ таркибида шаклланиб, ўзининг минглаб йиллик тарихий ривожланиш хусусиятларига эга. Тарихий ижтимоий тараққиётнинг ҳукмронли кучлари уларни муайян даврлар бир ҳоконлик тизимига бирлаштириб буюк давлат сифатида таркиб топтирган, бошқа бир даврда майда амирлик ва бекликларга бўлиб юборган. Шу сабабали туркий келиб чиқиш илдизига эга қавм ва уруғ номларини биз бугунги кунда қозоқ, туркман, қирғиз, қорақолпоқ халқлари таркибида ҳам учратамиз.

Бу эса, мазкур халқларнинг тарихий ижтимоий келиб чиқиши бирлигини англантибгина қолмай, улар ўртасидаги жуда кўп муштаракликларга ишора қилади. Бу халқларнинг тили, урф-одат ва анъаналари, маданияти, турмуш тарзидаги ўхшашликлар, уларнинг тарихан илдизи бирлигини исботлайди. Айни пайта бу халқларнинг руҳиятида ҳам муайян умумийлик борлигини таъкидлаш керак. Туркий халқларга хос бўлган тафаккур тарзи туркий халқларнинг муайян муштарак зийнати борлигини ҳам билдиради. Бу эса, Марказий Осиёда яшаётган асосий

миллатларнинг бир-бирини англаши, ҳамжиҳатлилиги ва бирдамлигига зарур маънавий асос бўлиб хизмат қила олади.

Мазкур қоидада миллий ҳаёт, фуқароларнинг миллий ҳис-туйғуларига дахлдор қуйидаги муҳим тамойиллар ўз ифодасини топган:

-биринчидан, фуқароларнинг миллий мансубликларидан қатъи назар, қонун олида тенглиги таъкидланган;

-иккинчидан, фуқароларнинг диний, эътиқодий фарқларидан қатъи назар, бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга эканлиги кафолатланган;

-учинчидан, фуқароларнинг ирқий тенглиги қайд этилган.

Тарихий тажриба кўпмиллатли давлатнинг барқарорлиги миллатлараро муносабатларга дахлдор булган ҳуқуқ ва эркинликларни тўғри белгилашга, шунингдек, амалиётда унга нечоғли риоя қилинаётганига ҳам боғликлигини кўрсатмоқда.

Республикамиз миллий сиёсатининг асосий тамойилларини ҳаётда ҳам, ўз ифодасини топаётганини таъкидлаш зарур. Хусусан, миллатлараро муносабатлар соҳасидаги амалиёт ҳақида гап кетар экан, истиқлол юртимизда истиқомат қилувчи турли миллат ва элат вакилларига ўзларининг тарихий ватанлари билан алоқалар ўрнатишга имкон берганини қайд этиш лозим. Бу, айниқса, камсонли миллий диаспоралар ҳаётида муҳим аҳамиятга эга бўлди. Бу эса, ўз навбатида:

- тарихий Ватан билан ўрнатилган алоқалар, она тилини ўқитиш ва ўрганишни йўлга қўйиш, турли кўлланма ва адабиётларни ўз вақтида олиш, ёшларни тарихий Ватанга таълим олиш учун юбориш имкониятларини яратди;

- кенг қамровли маданий-маърифий дастурларни амалга ошириш учун шароит юзага келди;

- мамлакатда яшовчи диаспоранинг ҳаёти билан тарихий Ватан жамоатчилигини таништириш учун кенг йўл очилди. Мамлакатимизда ўтаётган турли учрашувлар ана шу жараённи икки томонлама манфаатли бўлишга хизмат қилмоқда.

Бундай алоқаларнинг мустахкамланишига фуқароларимизнинг ўз тарихий ватанларида бўлаётган қурултой ва конференциялардаги иштироки ҳам кенг йўл очмоқда, бошқирд, татар, тожик, қозоқ халқларининг умумжаҳон қурултойлари бўлиб ўтмоқда, бу эса миллатлараро алоқаларнинг кенгайиб бораётганини тасдиқлайди.

Ўрта Осиёда яшаётган халқларни, миллатларни янада жипслаштиришда, уларни дўстлик, ҳамкорлик, биродамлик руҳида тарбиялашда мазкур мамлакатлар маданият кунларининг ўтказилиши муҳим аҳамият касб этади. Ўзбекистон, Қозоғистон, Тожикистон, Қирғизистон кунларининг ўтказилиши қадимдан бир маънавий-руҳий иқлимда нафас олиб келган халқларимиз ўртасидаги абадий дўстликнинг ёрқин ифодасидир. Улар ҳамيشа бир-бирига оға-ини, қуда-қудағай бўлганлар, ҳозир ҳам ягона оила фарзандлари каби тотув ҳаёт кечирмоқдалар. Халқимиз орасида бу дўстлик ва аҳилликни биз бениҳоя қадрлаймиз. Бу бизнинг энг катта бойлигимиз, қудрат ва шон-шавқатимиз манбаидир”.¹

Худди шундай ўзбеклар билан тожиклар ҳам азалдан бир тану бир жон бўлиб яшаб келишади. Бу икки халқни бир-биридан ажратиб бўлмайди. Тожик ва ўзбеклар бир сознинг торлари, бир дарахтнинг шохлари, бир тананинг томирлари, бир хазина ганжи, бир само юлдузлари, бир она фарзандларидек қардош-қариндош, фикрдошу, маслаҳатдош, оға-инидир. Шунинг учун ҳам ўтмишда ўзбеклар билан тожикнинг йиғласа-қайғуси бир, кулса-чилғиси бир, дейишган.

Ўзбеклар ва тожиклар ўртасида узоқ даврлар мобайнида узликсиз равишда қон-қариндошлик давом этган, бир-биридан қиз олиб қиз беришган. Ўзбекистон Президенти Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганидек, ўзбек ва тожик халқларининг тарихи тарихига, маданияти маданиятига, тақдири тақдирига қўшилиб, чатишиб кетган, улар ҳар хил тилда гаплашадиган ягона бир халқдир. Ўрта Осиё минтақасида истиқомат қилаётган қирғиз, туркман халқлари ҳақида ҳам худди шундай сўзлар айтишимиз мумкин.

Маълумки, Туркистон халқларининг кўп асрлик тарихи, бой маданияти, ранг-баранг урф-одат ва анъаналари бир-бири билан чамбарчас боғланиб кетган. Улар Туркистонни ўзларининг муқаддас Ватани деб билганлар. Шунинг учун ҳам давлатимиз раҳбарининг “Туркистон-умумий уйимиз” ғояси минтақамизда истиқомат қилувчи миллий этник бирликни янада мустаҳкамлаб, барқарорлик, тинчликни сақлаб қолишда қўл келмоқда.

Минтақа мамлакатларининг интеграцияси, бирлашуви учун хизмат қиладиган бу ҳаракат мамлакатларнинг ўзаро бирлигини янада мустаҳкамлашга, қадим Туркистон заминида яшовчи барча

¹ Каримов И.А. Ватан саждағоҳ каби муқаддасдир., 3-Жилд.-Т.: “Ўзбекистон”,1995

халқлар, миллатлар ва элатларни яқинлаштириш мақсадида юрган соғлом кучларни ўз сафига олишига шак-шубҳа йўқ.

Ўзбекистон Президенти Ш.Мирзиёев Олий Мажлисга ва халқига йўллаган Мурожаатномасида “...жамиятда миллатлараро тотувлик ва бағрикенглик муҳитини мустаҳкамлашга қаратилган ишларимизни сифат жиҳатдан янги босқичга олиб чиқамиз”, деган ғояни ўртага ташладилар.

Ушбу соҳадаги давлат сиёсати “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида ўз ифодасини топган.

Ўзбекистон Президентининг 2017 йил 19 майдаги “Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқаларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонида мувофиқ, Республика байналмилал маданият маркази ҳамда Ўзбекистон хорижий мамлакатлар билан дўстлик ва маданий-маърифий алоқалар жамиятлари кенгаши негизида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари кўмитаси ташкил этилган.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда чет элларда истиқомат қилаётган ватандошларимиз билан алоқаларни кучайтиришга алоҳида аҳамият берилмоқда. Ушбу йўналишда чора-тадбирлар дастури амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон миллий сиёсатининг назарий ва амалий асослари “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси”, миллатлараро муносабатлар соҳасида Ўзбекистон Республикаси Давлат сиёсати концепцияси ва кўплаб бошқа ҳуқуқий ҳужжатларда асосланган.

Миллатлараро муносабатлар – бу бутун жамият ҳаётини камраб оладиган миллатлар ўртасидаги муносабатлар тизимидир. Миллатлараро муносабатлар миллатларнинг жамият ҳаётини турли соҳаларда ўзаро таъсир муносабатлари даражасида ҳамда турли этник гуруҳларга мансуб инсонларнинг шахслараро даражасидаги муносабатлар кўринишида намоён бўлади.

Миллатлараро муносабатлар тараққиётида икки тенденция, биринчиси, интеграция - бу жамият ҳаёти соҳалари орқали элат, миллат, халқларни узлуксиз бирлашиш жараёни, иккинчидан, дифференциация – миллий мустақилликка эришиш, такомиллашиш

жараёни, шунингдек миллатлар ва элатларнинг қарама-қаршилиги кўринишдаги муносабатлари намоён бўлади.

“Глобаллашиб бораётган ва маърифий соҳада турли таҳдидлар кучайиб бораётган бугунги дунёда, - деб ёзади Ўзбекистон Президенти Ш.Мирзиёев, - маънавий ҳаётимиздаги ўзгаришлар дингамикаининг тадридий ривожланиш дарадаси, унга хос умумий қонуниятларнинг амалга ошиши ва бу билан боғлиқ ўзига хос миллий хусусиятларга алоҳида аҳамият қаратишимиз даркор”.¹

Миллатлараро интеграция иқтисодий ва сиёсий иттифоқлар, трансмиллий корпорациялар, халқаро маданий ва миллий марказлар, маданият, динлар, кадриятлар уйғунлиги шаклларида мавжуд бўлади.

Миллатлараро интеграция омиллари сифатида глобаллашув ва иқтисодий интеграцияни чуқурлашуви натижаси ўлароқ, давлатларни мавжудлик даражасида яшай олмаслиги, давлатлар ўртасидаги иқтисодий ва сиёсий ҳамкорлик кабиларни кўрсатиш мумкин.

Миллатлараро дифференциация турли кўринишларда халқлар, миллатлар ва элатлар қарама-қаршилиги, бўлиниши ва ажралиши жараёнларида миллий маҳдудлик, иқтисодий протекционизм, диний фанатизм, сиёсат ва маданиятларнинг турли кўринишида намоён бўладиган миллатчилик каби шаклларда намоён бўлади.

Фикримизча, миллатлараро муносабатлар тараққиёти жараёнида диалектик ўзаро боғлиқ бўлган ҳамда бир бирига ўтиб турадиган иккита тенденция, биринчидан, иқтисодий интеграция ҳамда инсон ҳаёти турли соҳаларининг байналминаллашуви, иккинчидан, миллий ўз-ўзини бошқариш, ўз-ўзини англаш ва намоён этиш жараёнлари сифатида жамиятлардаги муносабатларда юзага келади. Иккала тенденция ўртасида иқтисодий, ижтимоий-сиёсий, маданий-маънавий соҳаларда объектив ва субъектив омилларга асосланган жиддий фарқ ва қарама-қаршилик ётибди.

Ушбу иккита тенденция ижтимоий-этник жараёнларининг асосини ташкил этади. Улар мавжудлигини шунчаки назарий тан олиш эмас, балки пайдо бўладиган ҳар қандай тўсиқ ва ғовларни енгиш талаб этилади.

Жамият демократлашуви шу даврнинг барча зиддиятларини, қийинчиликларини, ички ирода ва ички маданият билан енга

¹ Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон стратегияси.-Т.: “Ўзбекистон”,2021, 268-бет.

олишга қодир бўлган фуқароларни вужудга келтириш, шакллантириш, уларни ғоявий-мафкуравий жиҳатидан бирлигини таъминлашга эришишни тақозо этади.

Ҳаракатлар стратегияси доирасида амалга оширилаётган ислохотлар самарадорлиги жамиятни турли соҳаларида, шу жумладан, миллатлараро муносабатлар соҳасидаги муаммоларни нечоғлик қамраб олганлиги билан баҳоланади.¹

Миллатлараро муносабатларнинг сиёсий соҳасига - миллий ўз-ўзини бошқариш, миллий ва байналминал манфаатларни уйғунлаштириш, миллатлар тенглиги, миллий тил, миллий маданиятларнинг ривожланиши учун барча шарт-шароитларни яратиш, ҳокимият тузулмаларида миллий кадрларнинг вакиллиги ва ҳ.к каби масалалар киради.

Миллатлараро муносабатлар соҳасида сиёсатни инсонпарвар тамойиллари сифатида: зўрлик ва тайзиқ ўтказишдан воз кечиш, барча томонларнинг иштирокида консенсус асосида келишувга эришиш, баҳсли низоларни тинч йўллар билан ҳал қилиш, инсон ҳуқуқларини ва эркинлигини тан олиниши, инсонпарварлик, демократия, яхши кўшничилик ва диний бағрикенглик ғояларини амалга ошириш кабиларни кўрсатиш мумкин.

Ҳозирда мамлакатимизда давлат ва нодавлат таълим муассасаларида ўқитиш 7 тилда олиб борилади. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси ўз кўрсатувларини 12 тилда намоиш этади, ўндан ортиқ тилда газета ва журналлар нашр этилмоқда. Шу билан бир қаторда ҳар бир миллатнинг умумий манфаатлари билан бирга ўз қадриятлари ҳам бор. Ўзбекистон каби кўп миллатли мамлакатда турли миллатлар манфаатларини уйғунлаштириш, улар орасида тотувликни таъминлаш тараққиётнинг ҳал қилувчи омилларидан бири ҳисобланади.

Кўп миллатли таркибга эга давлатларда миллатлараро муносабатларда барқарорликни таъминлашни ўзига хос жиҳатлари сифатида:

- биринчидан, ички сиёсий аҳволнинг барқарорлиги, миллий хавфсизлик ва ижтимоий-иқтисодий ривожланиш динамикаси кўп миллатли давлатда яшаётган бошқа миллатлар вакилларининг сиёсий хайрихоҳлигига бевосита боғлиқ намоён бўлса,

¹ ЎЗР Президенти Ш.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномаси. – Т.: “Ўзбекистон”, 2018.- 80 б.

- иккинчидан, миллатлар ёки этник гуруҳлар ўртасидаги ўзаро муносабатларда анъанавий уйғунлик вужудга келтирилсагина, кўп элатлилик омили давлатларнинг сиёсий-иқтисодий ривожланишига самарали, рағбатлантирувчи таъсир этишини кўрсатади.

Акс ҳолатда, яъни кўп миллатли давлатлардаги миллатлараро муносабатларда уйғунликнинг йўқлиги бутун-бутун халқлар ва мамлакатларни таназзулга олиб келиши мумкин.¹

“...Ҳозирги вақтда, - деб таъкидлайди Ш.Мирзиёев, - дунёнинг турли минтақаларида миллатлараро ва динлараро кескинлик кучайиб бормоқда, миллатчилик, диний муросасизлик бош кўтармоқда. Бу иллатлар давлатни емириб, жамиятни парчалаб, радикал гуруҳ ва оқимлар учун мафкура базасига айланмоқда- ана шундай мураккаб вазиятда мамлакатимизда турли миллат ва динга мансуб инсонлар ўртасида дўстлик ва ҳамжиҳатликни янада мустаҳкамлаш биз учун борган сари муҳим аҳамият касб этмоқда”.²

Янги Ўзбекистонда қарор топган миллатлараро тотувлик диний-маънавий жараёнлар билан ҳам, узвий боғлиқдир. Мустақиллик йилларида бошқа ижтимоий соҳаларда бўлганидек, виждон эркинлиги, дин ва диндорларнинг ҳақ-ҳуқуқлари масалаларига катта эътибор берилиши натижасида жамиятдаги маънавий тикланиш жараёни янги босқичга кўтарилди.

Бугунги кунда юртимизда юртимизда турли динларга мансуб кадриятларни асраб-авайлашга, барча фуқароларга ўз эътиқодини амалга ошириш учун зарур шароитларни яратиб беришга, динлар ва миллатлараро ҳамжиҳатликни янада мустаҳкамлаш, улар ўртасида қадимий муштарак анъаналарни ривожлантиришга имкон берадиган миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди.

Диний бағрикенглик ғояси хилма-хил диний эътиқодга эга бўлган кишиларнинг бир замин, бир Ватанда, олижаноб ғоя ва ниятлар йўлида ҳамкор ва ҳамжиҳат бўлиб яшашини англатади. Дунёдаги динларнинг барчаси эзгулик ғояларига асосланади ва

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: Хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. – Т: “Ўзбекистон”, 1997

² ЎзР Президенти Ш.Мирзиёевнинг Республика байналмилал маданият маркази ташкил этилганининг 25 йиллигига бағишланган учрашувдаги нутқи. 24.01.2017.- <http://www.president.uz>

яхшилик, тинчлик, дўстлик каби хусусиятларга таянади. Одамларни ҳалоллик ва поклик, меҳр-шафқат, биродарлик ва бағрикенгликка даъват этади.

Ўзбекистон азалдан турли динларга эътиқод қилувчи халқлар тинч-тотув яшаган ўлка бўлиб келган. Азал-азалдан она юртимизда ислом, христиан, яҳудийлик, буддавийлик каби дин вакиллари ёнма-ён яшаб келган. Аждодларимиз турли дин вакилларига бағрикенг ҳамда доимо ҳурмат билан муносабатда бўлгани, Ватан тараққиёти йўлида елкадош бўлиб меҳнат қилгани тарихий манбаларда кўп қайд этилган. Асрлар мобайнида йирик шаҳарларда масжид, черков ва синагогаларнинг мавжуд бўлиши, турли миллат ва динга мансуб қавмларнинг ўз диний амалларини эркин адо этиб келаётгани бунинг тасдиғидир.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 31-моддасида “Ҳамма учун виждон эркинлиги кафолатланади. Ҳар бир инсон хоҳлаган динга эътиқод қилиши ёки ҳеч қандай динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқига эга.

Ўзбекистонда фуқароларнинг виждон ва диний эркинлиги соҳасидаги конституцион ҳуқуқларини таъминлаш, жамиятда диний бағрикенглик ва динлараро дўстлик-ҳамкорлик ғояларини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Ҳукуматимиз томонидан халқимизнинг қон-қонига сингиб кетган бағрикенглик анъанаси қўллаб-қувватланиб, янада ривожлантиришга қаратилган ишлар олиб борилмоқда.

Бугунги кунда мамлакатимизда турли эътиқодга мансуб ташкилотлар ўртасида ўзаро ҳурмат ва ҳамкорлик муҳити ўрнатилиши учун барча шарт-шароитлар яратилган, бағрикенгликнинг муҳим омилларидан бири бўлган миллатлараро ва динлараро тотувликнинг тўла таъминланишига эришилган.

Мустақиллик йилларида республикаимизда юзлаб масжид, черков, синагога ва ибодат уйлари қурилди, қайта таъмирдан чиқарилди. Улар қаторида Тошкентдаги “Ҳазрати Имом” мажмуи, “Минор” масжиди, вилоят марказларидаги жоме масжидлар, Тошкент, Самарқанд ва Навоий шаҳарларидаги православ черковлари, шунингдек, Тошкентдаги католик черкови ва буддавийлик ибодатхонаси, Самарқанддаги Арман Апостол черкови ва бошқаларни кўрсатиш мумкин.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев 2017 йил 19 сентябрь куни Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош

Ассамблеясининг 72-сессиясида “Маърифат ва диний бағрикенглик” деб номланган махсус резолюциясини қабул қилиш таклифини илгари сурдилар. Ушбу таклифдан келиб чиқиб, 2018 йил 12 декабрда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси 73-сессиясининг 51-йиғилишида А/Res/73/128-сонли “Маърифат ва диний бағрикенглик” резолюцияси ташкилотга аъзо 193 мамлакат томонидан яқдиллик билан қабул қилинди. БМТга аъзо мамлакатларнинг 50 дан ортиғи бу резолюцияни нафақат қўллаб-қувватлашларини, балки унга ҳаммуаллиф бўлишларини таъкидладилар.

Шунингдек, мурожаатномада Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг резолюцияси билан ҳар йили 30 июль – Халқаро дўстлик куни сифатида кенг нишонланишини инобатга олган ҳолда ушбу санани Ўзбекистонда “Халқлар дўстлиги куни” деб белгилашни таклиф этдилар.

Мамлакатимизда ушбу соҳадаги ислохотларни янада чуқурлаштириш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, халқ фаровонлигини ошириш борасида олиб борилаётган изчил сиёсат жаҳон ҳамжамияти томонидан кенг эътироф этилмоқда. Хусусан шу йилнинг 7 декабрь куни АҚШ Давлат департаментининг расмий сайтида Давлат департаменти Ўзбекистонни диний эркинликлар бўйича махсус кузатувлар рўйхатидан чиқарганлиги ҳақида хабар қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев томонидан “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси” ҳақидаги фармоннинг қабул қилиниши давлат ва жамиятимизни янада ривожлантиришнинг тизимли дастури ҳамда тараққиётнинг янги босқичи учун ғоявий асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Бу стратегиянинг бешинчи устувор йўналиши хавфсизлик, диний бағрикенглик ва миллатлараро тотувлик, ўзаро манфаатли ва амалий ташқи сиёсат масалаларига бағишланган бўлиб, диний бағрикенглик ва миллатлараро тотувликни таъминлаш соҳасидаги устувор йўналишларда:

-Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тузуми, суверенитети, ҳудудий яхлитлигини муҳофаза қилиш;

-ахборот хавфсизлигини таъминлаш ва ахборотни ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш, ахборот соҳасидаги таҳдидларга ўз вақтида ва муносиб қаршилиқ кўрсатиш;

-фуқаролик, миллатлараро ва конфессиялараро тинчлик ҳамда тотувликни мустаҳкамлаш;

-давлатнинг мудофаа қобилиятини мустаҳкамлаш, Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг жанговар қудрати ва салоҳиятини ошириш.¹

Ҳаракатлар стратегиясининг бешинчи устувор йўналиши хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш борасида 2017 йил “Халқ билан мулоқот, инсон манфаатлари йили” давлат дастури кўра, 13 та норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни, шунингдек, концепциялар ва “йўл хариталари”ни ишлаб чиқишни ўз ичига олган 29 та чора-тадбирдан иборат 28 та бандни амалга ошириш назарда тутилган эди.

Ўзбекистоннинг кўп миллатли халқ эканлиги, уларнинг ҳаётий эҳтиёжлари ва интилишларини ҳисобга олган ҳолда, жуда қисқа муддатда мавжуд вазият танқидий таҳлил қилиб чиқилди, замон талабларидан келиб чиққан ҳолда янги истиқболли йўналишлар белгилаб олинди. “Армия ва халқ бирлиги” тамойилига таяниб, республика мактабларидан тортиб олий ҳарбий таълим муассасаларигача ўзига хос ноёб – узлуксиз таълимнинг яхлит тизими яратилди. Мудофаа саноати давлат қўмитаси тузилди, давлат чегарасини муҳофаза қилиш ва кўриқлаш тизимини такомиллаштириш бўйича комплекс ташкилий-амалий чоралар амалга оширилди.

Экстремизм ва терроризмга қарши курашиш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилиб, бундай бузғунчи ғоялар таъсирига тушиб қолган ёшлар билан ишлашга алоҳида урғу берилди. Экстремизм ғоялари таъсирига тушиб қолган 16 мингдан зиёд фуқароларни реабилитация қилиш ҳақидаги қарор бугуннинг талабига амалий жавоб бўлади. 2018 йил “Ҳаёт тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили”да Ўзбекистон Республикаси Мудофаа доктринаси қабул қилинди,

¹ ЎзР Президентининг 2017 йил 7-февралдаги “2017- 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси”ни тасдиқлаш ҳақидаги Ф-4947-сонли фармони. - Интернет манба: <http://www.prezident.uz>

Қозоғистон, Буюк Британия, Беларус, Россия, Тожикистон, Ҳиндистон ва бошқа давлатлар билан ҳарбий-техникавий ҳамкорлик тўғрисида битимлар ва меморандумлар имзоланди.

2018 йил 22 июн куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг ташаббуси билан БМТ Бош Ассамблеясининг “Марказий Осиё минтақасида тинчлик, барқарорлик ва изчил тараққиётни таъминлаш бўйича минтақавий ва халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш” резолюцияси қабул қилинди ҳамда 2018 йил 15 март куни Остона шаҳрида Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг биринчи маслаҳат учрашуви бўлиб ўтди.

Марказий Осиёда тинчлик ва барқарорликни таъминлаши мавжуд давлатлар ўртасида давлат чегара чизиқларини аниқ белгилаб олиш жараёнларига ҳам кўп жиҳатдан боғлиқ. 2016 йил августдан 2018 йил июлга қадар давлат чегараларини делимитация ва демаркация қилиш масалалари бўйича 63 та учрашув бўлиб ўтган. Натижада Қозоғистон билан давлат чегара чизиғини делимитация қилиш якунланди. Тожикистон билан 99,9% ҳамда Қирғизистон билан 95% чегара бўлимлари келишилди. Шунингдек, чет элда истиқомат қилувчи ватандошлар билан ҳамкорлик соҳасида Давлат сиёсати тасдиқланди. 20 мингдан зиёд фуқаролар махсус рўйхатдан чиқарилди. 2018 йилда 10 мингдан ортиқ фуқаролар ишга жойлашиш, ижтимоий қўллаб-қувватлаш, тадбиркорлик фаолиятини бошлашга ёрдам олишган.

Миллий генофондни асраш, Оролбўйидаги экологик вазиятни соғломлаштириш борасида БМТнинг Оролбўйи минтақаси учун инсон хавфсизлиги бўйича кўп томонлама шериклик асосида Траст фонди ишга туширилди ҳамда Президент ҳузурида Оролбўйи Халқаро инновацион марказни ташкил этиш бўйича келишувга эришилди. Ўзбекистонда амалга оширилган миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенглик таъминлаш соҳасидаги кенг қамровли ўзгаришлар натижаси ўлароқ, АҚШ Давлат департаменти томонидан Ўзбекистон диний соҳадаги “алоҳида ташвишли мамлакатлар” рўйхатидан сўнгги 20 йил ичида чиқарилган иккинчи давлат бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев БМТ Бош Ассамблеяси 72 сессиясидаги Ўзбекистондаги ислоҳотлар, демократия, инсон ҳуқуқлари, ёшлар масаласи, диний бағрикенглик, халқаро хавфсизлик, минтақавий ҳамкорлик, каби қатор глобал масалалар Ассамблея иштирокчилари ва халқаро

экспертлар ҳукмига ҳавола этди. Президентимиз ёшларни сўнгги йилларда кучайиб бораётган диний экстремизм ва терроризм таҳдидларидан ҳимоя қилиш, уларнинг ўз салоҳиятини намоён этиши учун зарур шароитлар яратиш кераклигини таъкидлаб, БМТнинг Ёшлар ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро конвенциясини ишлаб чиқишни таклиф қилди. Давлатимиз раҳбарининг нутқида кўтарилган устувор масалалар мазмун-моҳиятини халқимизга, айниқса, ёшларга етказиш, тушунтириб бериш ниҳоятда муҳим аҳамиятга эга.

Муқаддас китобларимиз ва қадриятларимиз, буюк мутафаккир аждодларимиз меросида доимо ҳалол меҳнат билан яшаш, ватанпарварлик, мардлик, саховат ва камтарлик улуғланади. Президент Ш.Мирзиёев ўз нутқида ислом динининг инсонпарварлик аҳамиятига яна бир бор эътиборни қаратди: “Биз бутун жаҳон жамоатчилигига ислом динининг асл инсонпарварлик моҳиятини етказишни энг муҳим вазифа, деб ҳисоблаймиз. Биз муқаддас динимизни азалий қадриятларимиз мужассамининг ифодаси сифатида беҳад қадрлаймиз.

Биз муқаддас динимизни зўравонлик ва қон тўкиш билан бир қаторга қўядиганларни қатъий қоралаймиз ва улар билан ҳеч қачон муроса қила олмаймиз.

Ислом дини бизни эзгулик ва тинчликка, асл инсоний фазилатларни асраб-авайлашга даъват этади”.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев “Маърифат ва диний бағрикенглик” номдаги махсус резолюциясини қабул қилиш заруратини асослаб, жумладан шундай деди: “Ушбу резолюция, бағрикенглик ва ўзаро ҳурматни қарор топтириш, диний эркинликни таъминлаш, эътиқод қилувчиларнинг ҳуқуқини ҳимоя қилиш, уларнинг камситилишига йўл қўймасликка кўмаклашишига қаратилган”.¹ Ушбу резолюциянинг 2018 йил 12 декабрда БМТ Бош Ассамблеяси 73 сессиясида қабул қилиниши, дунё миқёсида миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлашга, халқлар ўртасида тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлашга хизмат қилади.²

Зеро, бағрикенглик халқимизга хос хусусият бўлиб, унинг илдизлари узоқ тарихга бориб тақалади. Юртимиз қадим асрлардан

¹ ЎЗР Президенти Ш.М.Мирзиёев БМТ Бош Ассамблеяси 72 сессиясидаги нутқи. // “Халқ сўзи”, 2017 йил, 19 сентябрь.

² Қаранг: 2017 йил-шиддатли ислохотлар йили. –Т., 2018.

турли маданият, тил, урф-одат, турмуш тарзига эга бўлган, хилма-хил динларга эътиқод қилувчи ва бир-бирига ўхшаш бўлмаган турли халқлар, миллатлар яшаб келаётган заминдир.

“Минг йиллар мобайнида Марказий Осиё ғоят хилма-хил динлар, маданиятлар ва турмуш тарзлари туташган ва тинч-тотув яшаган марказ бўлиб келди,- деб таъкидлаган эди И.Каримов, - этник сабр-тоқат, бағрикенглик ҳаёт бўронларидан омон қолиш ва ривожланиш учун зарур табиий меъёрларга айланди”.¹

Ҳақиқатдан ҳам Ўзбекистон заминида қадим замондан ислом дини билан бир қаторда бошқа дин вакиллари ҳам ёнма-ён яшаб, ривожланиб ва бу жамиятнинг маънавий юксалишига муайян ҳисса қўшди.

Мана шундай диний бағрикенглик намуналарини юртимизда яшаб ўтган буюк аجدодларимиз ҳаётида ҳам кўплаб кўришимиз мумкин. “...бизнинг давлатимиз кўп миллатли ва кўп конфессияли давлат. Бугунги кунда мамлакатимизда 130 дан ортиқ миллат ва элат вакиллари бир оила фарзандларидек аҳил ва иноқ яшамоқда. Бу борада, ҳеч шубҳасиз, халқимизга азалдан хос бўлган бағрикенглик анъаналари муҳим роль ўйнамоқда, - деб таъкидлайди Ўзбекистон Президенти Ш.М.Мирзиёев, - ана шу ҳақиқатнинг тарихий тасдиғи сифатида бир мисол келтирмоқчиман. Самарқанд шаҳрида Соҳибқирон Амир Темур даврида бунёд этилган, Дониёр пайғамбар номи билан аталадиган мақбара ислом, христиан ва яҳудийлик дини вакиллари томонидан бирдек эъзозланади”.²

“Бағрикенглик тамойиллари декларацияси”да таъкидланганидек: “Бағрикенглик бўлмаса тинчлик бўлмайди, тинчликсиз эса тараққиёт ва демократия бўлмайди”.³

Миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенглик ғояси, мамлакатимизда истиқомат қилиб келаётган туб жой аҳоли негизини ташкил этган ўзбеклар ҳамдаюртимизда яшаётган бошқа миллат ва элатлар ўртасида кўп йилларга мўлжалланган эзгулик, ишончлилик, дўстлик, яқдиллик, қариндошлик, маънавий-ахлоқий

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. – Т.: “Ўзбекистон”, 1995.-101-бет.

² ЎзР Президенти Ш.Мирзиёевнинг “Ижтимоий барқарорликни таъминлаш, муқаддас динимизнинг софлигини асраш – давр талаби” мавзусидаги анжуманда сўзлаган нутқи.15.06.2017 // www.president.uz

³ Бағрикенглик тамойиллари Декларацияси. ЮНЕСКО халқаро меъёрий ҳужжатлари. – Т.: “Адолат”, 2004.

ва мафкуравий яқинлик ва бирдамлик, конфессиялараро муросалилик ва бошқа инсонийлик муносабатлари мавжудлигини ва келажақда ҳам у янада камол топишини ифодалайди.

Ривожланган демократик йўлдан кетаётган давлатларнинг ҳозирги кунда динга муносабати асосан виждон эркинлигини таъминлаш ва диний бағрикенгликка асосланган.

“Мамлакатимизда,- деб таъкидлайди Ш.М.Мирзиёев, - диний бағрикенглик ва миллатлараро тотувликни таъминлаш, фуқароларимизни турли мафкуравий таҳдидлардан, зарарли оқим ва ғоялардан ҳимоя қилиш масалалари бундан буён ҳам, устувор тарзда диққатимиз марказида бўлади.

Биз муқаддас динимизни, эзгу фазилатларимизнинг мужассам ифодаси сифатида қадрлаймиз. Асрлар давомида миллий маънавиятимизнинг ажралмас қисми бўлиб келаётган инсонпарвар динимизни зўравонлик ва қон тўкиш билан бир қаторга қўядиганларга қатъий чоралар кўрамиз ва улар билан ҳеч қачон муроса қилмаймиз.

Бой диний ва маънавий меросимизни чуқур ўрганиш ва кенг тарғиб этиш мақсадида Ўзбекистон халқаро ислом академияси, Ислом цивилизацияси халқаро маркази, Имом Бухорий, Имом Термизий каби илмий-маърифий марказлар имкониятлари, тўлиқ ишга солинади.

Юртимизда яшаётган барча миллат ва элат вакиллари ўртасида ўзаро ҳурмат ва ҳамжиҳатлик муҳитини мустаҳкамлаш, турли диний конфессиялар учун зарур шароит яратишга қаратилган сиёсатимизни изчил давом эттирамиз”.¹

Ўзбекистон дунёвий давлат бўлиб, унда дин давлатдан ажратилган бўлса-да, у жамият ҳаётидан ажралган эмас. Қадим - қадимга бориб тақаладиган маънавий - диний анъаналарга эга Ўзбекистон каби мамлакатда динга муносабат масаласи жиддий ва ҳушёр ёндашувни талаб этади.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси демократик тамойилларга содиқлигини ифодаси сифатда давлатнинг дин ва диний ташкилотлар билан ўзаро муносабатда қуйидаги тамойилларга амал қилади:

-диндорларнинг диний туйғуларини ҳурмат қилиш;

¹ ЎзР Президенти Ш.Мизийёевнинг Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг съездидаги нутқи// <https://xabar.uz>

-диний эътиқодларни фуқароларнинг ёки улар уюшмаларининг хусусий иши деб тан олиш;

-диний қарашларга амал қилувчи фуқароларнинг ҳам, уларга амал қилмайдиган фуқароларнинг ҳам ҳуқуқларини тенг кафолатлаш ҳамда уларни таъқиб қилишга йўл қўймаслик;

-маънавий тикланиш, умуминсоний ахлоқий кадриятларни қарор топтириш ишида турли диний уюшмаларнинг имкониятларидан фойдаланиш учун улар билан мулоқот қилиш йўлларини излаш зарурати;

-диндан бузғунчилик мақсадларида фойдаланишга йўл қўйиб бўлмаслигини эътироф этиш.

Ўзбекистонда давлатни динга бўлган муносабати Конституциянинг 61-моддасида ифода этилган: “Диний ташкилотлар ва бирлашмалар давлатдан ажратилган ҳамда қонун олдида тенгдирлар. Давлат диний бирлашмаларнинг фаолиятига аралашмайди”.¹

“Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги Ўзбекистон қонунида ҳам диннинг давлатдан ажратилганлиги, ҳеч бир динга ёки диний эътиқодга бошқаларига нисбатан бирон-бир имтиёз ёки чеклашлар белгиланишига йўл қўйилмаслиги белгилаб қўйилган.² Бу эса, мамлакатимизда давлатнинг диний ишларга, диннинг эса давлат ишларига (қонун ҳужжатларида кўрсатилган ҳолатлар бундан мустасно, албатта) аралашмаслигини англатади.

Бунинг замирида давлат томонидан турли динларга эътиқод қилувчи ва динга эътиқод қилмайдиган фуқаролар, шу каби ташкилотлар ўртасида ўзаро мурофа ва ҳурмат ўрнатилишига кўмаклашиши, улар ўртасида вужудга келиши мумкин бўлган қарама-қаршилик ва кескинликларнинг олдини олиши, диний конфессиялар ўртасидаги тинчлик ва тотувликни қўллаб-қувватлаши, диний ташкилотлар зиммасига давлат ўзининг ҳеч қандай вазифасини бажаришни юклаганлиги, уларнинг қонун ҳужжатларига зид бўлмаган фаолиятига аралашмаслиги кабилар ётади.

Бугунги кунда Ўзбекистон ҳудудида Ислон, Рус Православ черкови, Рим-католик черкови, Инжил христиан баптистлари черкови, Еттинчи кун христиан адвентистлар черкови, Инжил-

1 Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. –Т.: “Ўзбекистон”, 2017.

2 “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги ЎЗР қонуни. // ЎЗР Олий Мажлисининг Ахборотномаси.- Т.,1998, 5-6-сон.

лютеран черкови, Яхудий диний жамоалари, Буддавийлик ва бошқа 16 та диний конфессияга тааллуқли 2276 та диний ташкилотлари адлия органлари томонидан рўйхатга олиниб, расман ўз фаолиятини олиб бормоқда. Улардан 2093 таси исломий, 183 таси ноисломий бўлиб, умумий диний ташкилотларнинг 92% ни ташкил этади. Шу қаторда 166 та христиан черкови, 8 та яхудий ибодатхоналари, 6 та баҳойий жамоалари ва 1 та кришнани англаш жамияти мавжуд.

Муқаддас ислом динида ҳам бағрикенглик тушунчаси диний истилоҳда “мурувват” деган маънони англатиб, кенг маънода чиркин нарсалар ва воқеалар қаршисида гўзалликни устун қўйиб, меҳрибонлик қилиш ҳамда ҳар бир воқеликка гўзаллик нуқтаи назаридан ёндашиш, эътиқод, маданият, анъаналарга нисбатан ҳурмат ва эҳтиром билан муносабатда бўлиш демакдир.

Қуръони Каримнинг бир неча оятларида миллатлараро тотувлик, ҳамжихатлик, диний бағрикенглик масалалари кенг ёритилган. Жумладан, “Оли Имрон” сурасида: “Айтинг (Эй, Муҳаммад!): “Аллоҳга, бизга нозил қилинган нарса (Қуръон)га ва Иброҳим, Исмоил, Исҳоқ, Ёқуб ва (унинг) авлодларига нозил қилинган нарсаларга, Мусо ва Исо ҳамда барча пайғамбарларга Парвардигорлари томонидан берилган нарса (ваҳий)га имон келтирдик. Уларнинг орасида бирортасини (тасдиқлашда) фарқ қилмаймиз ва биз Унинг ўзигагина бўйинсинувчилармиз”. Шу суранинг давомида эса: “Эй, иймон келтирганлар! Сабр қилингиз, бағрикенг бўлингиз ва (Аллоҳ йўлига) тахт бўлиб турунгиз ва Аллоҳдан кўрқингиз, зора (охиратда) нажот топсангиз!” – деб амр қилинган.

Қуръони Карим ўзидан олдинги муқаддас китоблар Забур, Таврот, Инжилларни тан олишга, аҳли китобларни, яъни, бошқа дин вакиллари хурмат қилишга чақиради. Одамларни ўзаро меҳр-муҳаббат, ҳамкорликка чақириб, фитна, нифоқ ва низоларнинг ҳар қандай кўринишини енгиб ўтишга даъват этади.

Қайд этиш лозимки, узоқ асрлар давомида исломий ахлоқ нормалари Марказий Осиё, хусусан, Ўзбекистон аҳолисининг ҳаёт тарзи ва дунёқарашига жиддий таъсир кўрсатган. Бугунги кунда ҳам ислом ўз ижтимоий мавқеини юксалтириб, миллионлаб одамларнинг ижтимоий муносабатлари, маиший турмуши, оилавий ҳаётида юқори ўринда турибди. Исломий диний

қадриятлар ўзбек халқи қиёфасини белгилайдиган сифатларга айланиб кетган.

Бугунги кунда дунёнинг айрим минтақаларида жаҳолатга қарши – жаҳолат билан курашиш оқибатида низоли вазиятлар авж олиб бормоқда. Айниқса Яқин Шарқ мамлакатларида миллий, диний, ва бошқа ижтимоий-сиёсий омиллар негизда юзага келган қуролли тўқнашувлар оқибатида юзлаб одамларнинг қурбон бўлаётгани, минглаб кишиларнинг ўз бошпаналаридан айрилиб, туғилиб ўсган юртларини ташлаб кетишга мажбур бўлаётгани каби аянчли жараёнларнинг гувоҳи бўлмоқдамиз.

Ушбу салбий оқибатларни бартараф қилиш амалиётида “Ўзбекистон омили”нинг ўрни, жумладан Президентимиз Ш.Мирзиёевнинг халқаро миқёсда ўтказилган анжуманларда, масалан БМТ Бош Ассамблеясининг 72, 75, 76 сессияларида, МДХ, ШХТ давлатлари раҳбарларининг олий даражадаги кенгашларида, Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг учрашувларидаги ташаббускорликлари омил сифатида муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида сўзлаган нутқида бу ҳақда алоҳида урғу берди: “Биз бутун жаҳон жамоатчилигига ислом динининг асл инсонпарварлик моҳиятини етказишни энг муҳим вазифа, деб ҳисоблаймиз. Биз муқаддас динимизни азалий қадриятларимиз мужассамининг ифодаси сифатида қадрлаймиз. Биз муқаддас динимизни зўравонлик ва қон тўкиш билан бир қаторга қўядиганларни қатъий қоралаймиз ва улар билан ҳеч қачон мурося қила олмаймиз”¹.

Шунинг учун ҳам Ҳаракатлар стратегиясининг бешинчи устувор йўналиши доирасида халқнинг минг йиллик маънавий-ахлоқий юксалиш тажрибасини ўзида жамлаган ислом дини ва маданиятини тиклашга одамларнинг онги ва қалбига олий маънавий, ахлоқий қадриятларни сингдириш, тарихий хотирани тиклаш, тарихий ва маданий меросга ворисийлик туйғусини уйғотишнинг муҳим омили ҳамда воситаси сифатида ёндашилмоқда.

Ўзбекистонда маънавий-маданий ва диний меросга бўлган эътибор кенг миқёсда олиб борилаётган диний-илмий ва маънавий-

¹ ЎзР Президенти Ш.Мирзиёев БМТ Бош Ассамблеясининг 72- сессиясида сўзлаган нутқи. //gov.uz/2017/09.

маърифий меросни ўрганиш, тарихий, диний обидаларни тиклаш ҳамда қайта қуришда ҳам намоён бўлмоқда.

Ўзбекистондаги диний ва миллатлараро тотувликни сақлашга доир юксак инсонпарвар сиёсат, жамиятдаги барқарорлик, ўзаро ҳурмат, ҳамжиҳатлик, бағрикенглик, меҳр-оқибат, мурувват ва шафқат, саховат муҳити дунёнинг кўплаб мамлакатлари учун ҳавас қилишга ва намуна бўлишга арзигуликдир. Миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенглик жамиятимизга таҳдид солаётган диний негиздаги экстремизм ва фундаментализмни келиб чиқишини олдини олишда муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистоннинг дин соҳасидаги сиёсати замирида давлатнинг дунёвийлиги, дин ва давлат бир-бирдан ажратилганлиги ҳақидаги тамойил ётади. Ўзбекистоннинг дин соҳасидаги сиёсати, ўз навбатида, халқаро шартномаларнинг бу борадаги талабларини тўлиқ эътироф этади ва фуқороларнинг шахсий, ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ҳуқуқларини таъминлашни назарда тутаяди.

“Бугунги кунда минтақанинг барча мамлакатлари терроризм, диний экстремизм, трансмиллий жиноятчилик ва наркотрафик таҳдидларига дуч келмоқда. Ушбу таҳдидларга қарши самарали курашишни фақат биргаликда, минтақа мамлакатлари ўртасидаги амалий ҳамкорлик механизмлари доирасида таъминлаш мумкин, - деб таъкидлайди Ўзбекистон Президенти Ш.М.Мирзиёев, - хавфсизликка таҳдидларни “ўзиники ва ўзгаларники” деб ажратишдан воз кечиш, “яхлит хавфсизлик” тамойилига амалда риоя қилиш зарур”.¹

Ислом дини одамларни, барча миллат ва халқларни ҳамиша нурли ҳаётга, эзгулик, ўзаро дўстлик ва инсонийликка даъват этишини, унинг асл, инсонпарварлик мазмунини теран таҳлил этишга қаратилган комплекс чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этилиши, жумладан, Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази, Имом Бухорий ва Имом Термизий номларидаги халқаро илмий-тадқиқот марказлари, Ислом академияси каби илмий-маърифий муассасалар фаолияти йўлга қўйилгани, буюк алломаларимизнинг ёдгорлик мажмуалари қошида ҳадисшунослик, ислом ҳуқуқшунослиги, тасаввуф, калом ва ақида илми каби диний-маърифий йўналишларни ўрганиш

¹ ЎзР Президенти Ш.Мирзиёевнинг “Марказий Осиё: ягона тарих ва умумий келажак, барқарор ривожланиш ва тараққиёт йўлидаги ҳамкорлик” мавзусидаги халқаро конференцияда сўзлаган нутқи.10.11.2017. // [http:// www.president.uz](http://www.president.uz)

бўйича махсус мактабларни ташкил этилиши, Қуръон тиловати танлови ҳамда Самарқанд, Бухоро, Тошкент шаҳарларидаги муқаддас қадамжолар ва ёдгорликларни зиёрат қилишдан иборат бўлган “кичик ҳаж” дастури¹ кабиларни амалга оширилаётгани маънавий ҳаёт соҳасидаги ислоҳотларни самарадорлигидан далолат беради.

“Марказий Осиё Уйғониш даврининг кўплаб ёрқин намояндаларининг ислом ва жаҳон цивилизациясига қўшган бебаҳо ҳиссасини алоҳида қайд этмоқчиман. Ана шундай буюк алломалардан бири Имом Бухорий ўз аҳамиятига кўра ислом динида Қуръони каримдан кейинги муқаддас китоб ҳисобланган “Саҳиҳи Бухорий”нинг муаллифи сифатида бутун дунёда тан олинган. Бу улуғ зотнинг ғоят бой меросини асраб-авайлаш ва ўрганиш, маърифатий ислом тўғрисидаги таълимотини кенг ёйиш мақсадида биз Самарқанд шаҳрида Имом Бухорий номидаги Халқаро илмий-тадқиқот марказини ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилдик. Тошкентда ташкил этилаётган Ислом цивилизацияси марказининг фаолияти ҳам шу мақсадга хизмат қилади”,²- деб таъкидлади Ш.Мирзиёев.

Ўзбек халқининг бағрикенглиги турли эътиқод ва маданиятларга ҳурмат билан қараши миллат ва элат вакиллари томонидан чуқур самимият билан эътироф этилмоқда.

Юқоридагилардан маълум бўладики, жамиятнинг ривожланиши, тинч ва осойишта бўлиши, тотувлик ва ҳамжиҳатлик қарор топиши учун инсонлар ўзаро меҳр-оқибатли бўлиши, катталарни ҳурмат, кичикларни иззат қилиш, қариндошчилик ва қўшничилик ҳақларига риоя этиш, ўзга дин вакилларига бағрикенг бўлиш каби инсоний фазилатларда намоён бўлади.

Зеро, миллатлараро тотувлик, диний бағрикенглик ва ҳамжиҳатлик фуқаролик жамияти ривожланишининг асосий мезонларидан бири бўлиб, ушбу тамойиллар юртимиз тараққиёти ва тинчлигининг гаровидир.

¹ ЎзР Президентининг 2017 йил 14 февралдаги “Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот марказини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори; ЎзР Президентининг 2017 йил 23 июндаги “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Ўзбекистондаги Ислом маданияти марказини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ва б.// <http://www.prezident.uz>

² ЎзР Президенти Ш.Мирзиёевнинг БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида сўзлаган нутқи///gov.uz/2017/09.

Диний бағрикенглик ғояси халқ хаётида ҳам дўстлик ва тотувлик муҳитини яратишга ёрдам беради, турли динларга эътиқод қиладиган, бир заминда, бир Ватанда яшайдиган одамларнинг эзгу орзу-умидлари рўёбга чиқиши йўлидан илгарилаб боришни таъминлайди.

Ўзбекистон минг йиллар давомида турли-туман дин, маданият ва турмуш тарзига эга бўлган халқларнинг биргаликда яшаши ва ҳамкорлиги маркази бўлиб келмоқда. Ўзбек халқи ўзининг бутун тарихи давомида, ҳамма вақт бошқа халқлар, миллатлар ва динлар вакилларига нисбатан ўзининг хайрихоҳлигини ва ҳурмат билан ёндашувини намоён этиб келган. Маданиятлараро мулоқот ва диний бағрикенглик ўзбек халқининг ўзига хос туғма фазилатлардан ббирига айланган.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистоннинг келажак қиёфасини тинчлик ва осойишталик, сиёсий барқарорлик ва миллатлараро тотувлик, бағрикенглик, маданиятларнинг ўзаро уйғунлашуви, турли миллат ва элатларнинг жамият хаётида тенглик асосида иштироқ этиши белгилайди. Инсон ҳуқуқлари ва демократия ўзбекистоннинг миллий ва давлат манфаатларига, халқимизнинг эрксевар миллий тафаккур тарзи варуҳиятига тўла мос келади.

Шунинг учун бўлса керак, Ўзбекистон ЮНЕСКОга аъзо бўлган кундан бошлаб ушбу нуфузли халқаро ташкилотнинг бағрикенглик ва тинчлик маданияти соҳасидаги турли дастур ва лойиҳаларида фаол иштироқ этиб келмоқда. Ўзбекистонда бағрикенглик соҳасида бир қатор лойиҳалар ва тадбирлар амалга оширилди. Чунончи:

ЮНЕСКО Ижроя Кенгаши 155-сессия кўчма мажлисининг Тошкентда ўтказилиши ва унда “Тинчлик маданияти” декларациясининг қабул қилиниши (1998 йил 6 ноябрь);

Динлараро мулоқот бўйича ЮНЕСКО Халқаро Конгрессининг Ўзбекистонда ўтказилиши (2000 йил 14 сентябрь);

Марказий Осиё ёшларининг ёзги анъанавий лагерларининг ўтказилиши (1997-2002 йиллар);

Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия Университетидаги инсон ҳуқуқлари, тинчлик, демократия, бағрикенглик ва халқаро ҳамжиҳатлик бўйича, Тошкент Давлат Педагогика Университетида эса, Қадриятлар ва фуқаролик таълими бўйича ЮНЕСКО кафедраларининг ташкил қилиниши (1998-1999 йиллар);

ЮНЕСКОнинг бағрикенглик ва тинчлик маданияти ғояларини тарғиб қилишда республикамиздаги ЮНЕСКО Бирлашган мактаблар дастурига аъзо бўлган 31та ўрта мактабларнинг фаол иштирок этиши;

ЮНЕСКО бағрикенглик тамойиллари Декларацияси ҳамда бошқа бир қатор ҳужжат ва нашрларнинг ўзбек тилида чоп этилиши шулар жумласидандир.¹

Бугунги маънавий ва диний жабҳаларда кечаётган мураккаб жараёнда барча миллат ва дин вакилларинининг ҳамжиҳатлик, бағрикенглик ва ўзаро ҳурмат тамойилларига амал қилишлари доимий барқарорликнинг муҳим омилларидан биридир. Бу борада икки масала муҳим аҳамият касб этади. Бир томондан, тинчлик, эзгулик дини – исломни “исломчи”лардан, яъни маърифий исломни сиёсийлашган жангари исломдан ҳимоя қилиш, иккинчи томондан, кўпмиллатли ва кўпдинли жамиятда эътиқод эркинлиги кафолатланган шароитда айрим гуруҳларнинг миссионерлик руҳида фаолият юритишларининг олдини олиш талаб этади. Бу, ўз навбатида, юртимиздаги миллатлараро ҳамжиҳатлик ва диний бағрикенгликни мустаҳкамлайди.

Республикамизда тарихи, тили, маданияти, дини, урф-одат ва анъаналари муштарак бўлган халқлар сингари Россия, Украина, Белорус ва бошқа МДҲ республикалари билан иқтисодий, ижтимоий-сиёсий, маданий-маънавий алоқаларни янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш борасида ҳам кўпгина амалий ишлар қилинмоқда ва улар ўзининг ижобий самараларини бермоқда.

Ўрта Осиё ва бошқа давлатлар билан иқтисодий-ижтимоий, сиёсий, маданий-маънавий алоқаларни мустаҳкамлашдан кўзлаган мақсад – минтақамизда тинчлик, тотувлик, барқарорликни сақлаб қолишдир.

Миллатлараро муносабатлар жараёнида миллий ва минтақавий хавфсизликка путур етказиши мумкин бўлган ҳар қандай вазиятларнинг олдини олиш учун, қуйидаги қоидаларга амал қилишимиз керак:

1. Давлатнинг этник сиёсати шахс ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг устивор бўлишига асосланиши даркор, шунингдек, миллий озчиликнинг ҳуқуқлари ҳам камсатилмаслиги шарт.

¹ Қаранг: Бети Радон. Бағрикенглик: тинчлик сари олға қадам.-Т.:ЮНЕСКО,2002

2. Давлатнинг этник сиёсатидаги бош йўл миллатлараро зиддиятларни амалий тарзда ҳал қиладиган усулларга асосланиши лозим.

3. Жамиятимизнинг бозор муносабатларига асосланадиган иқтисодий тараққиёти республикада яшаётган барча миллатларнинг манфаатларига мос бўлмоғи керак.

Миллатлараро ҳамдўстлик, тинчлик, тотувлик – мустақиллик туфайли қўлга киритилган энг катта ютуғимиздир. Ўзбекистон аҳолисининг кўп миллатлиги, ўзбек халқининг миллий ўзлигини англаши ва маънавий қайта тикланишининг ўсиши билан чамбарчас боғлиқ ҳолда жамиятни янгилаш, уни демократлаштиришга ундовчи зўр куч бўлиб хизмат қилмоқда. Бу республиканинг жаҳон ҳамжамиятига қўшилиши учун қулай шарт-шароит яратмоқда.¹

Халқимиз азалдан орзу қилиб келган миллатлараро дўстлик, ҳамжиҳатлик, тинчлик, тотувликка эришган эканмиз, эндиликда бизнинг олдимизда турган далзарб вазифа ана шу олий ижтимоий-сиёсий қадриятларни кўлдан бермай, авайлаб-асраб, кўз қорачиғидай эҳтиёт қилиб сақлаб қолиш устида доимий ҳаракат қилишимиз даркор. Бунга республикада яшовчи ҳар бир инсон ёшидан, миллатидан қатъи назар, ўз хиссасини қўшмоғи керак.

Ёшларда миллий ва миллатлараро ҳамкорлик, дўстлик, ҳамжиҳатликни ривожлантиришда буюк давлатчилик шовинизми ва агрессив миллатчиликка барҳам бериш катта аҳамият касб этади.

Мамлакатимизда ташқи сиёсат масалаларига алоҳида эътибор қаратилади. “Бугунги мураккаб замонда, - деб таъкидлайди Ўзбекистон Президенти Ш.М.Мирзиёев, - дунёнинг турли минтақаларида миллатлар ва конфессиялар ўртасида кескинлик кучайиб бормоқда. Бундай таҳликали шароитда биз биринчи навбатда жамиятимиздаги тинчлик, барқарорлик ва фуқаролараро тотувликни кўз қорачиғидек асраб-авайлашимиз, фарзандларимизни кўпмиллатли халқимизнинг юксак маънавий-ахлоқий қадриятлари руҳида тарбиялашимиз зарур”.²

Шовинизм баъзи кўп сонли миллатларнинг нафақат кўп миллатли империя дорасида, балки уни ўраб турган жуғрофий-

¹ Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида.,6-Жилд.-Т.: “Ўзбекистон”, 1998,79 бет

² ЎзР Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Ўзбекистон халқига Халқлар дўстлиги куни муносабати билан байрам табриги (30.07.2021)// <https://president.uz/uz/lists/view/4522>

сиёсий маконда ҳам ўзининг мутлоқ ҳукмронлигини ўрнатиш учун курашда намоён бўлади”.¹

Буюк давлатчилик шовинизми бошқа мамлакатлар ва миллатлар билан ўзаро маданий ҳамкорлик қилишга тайёр эканлигидан келиб чиқади. Унинг ифодачилари ҳарбий империялардир. Шовинизм авторитар тузумлар ўрнатилиши ва мустахкамланишини рағбатлантиради, шафқатсиз диктатурага олиб келади. Майда миллатларни иқтисодий, ижтимоий-сиёсий, маданий-маънавий эҳтиёжларига, миллий тарихи, урф-одат, анъаналари, хусусиятларига катта миллатларнинг буюк шовинизм ва агрессив миллатчилик руҳида ёндашишлари миллатчилик туйғуларининг кучайишига таъсир кўрсатади.

Маълумки, шовинизм ўтказаетган сиёсат миллатчилик кўриниши бўлиб, миллий устунликни тарғиб қилиш, ўз миллати манфаатини бошқа миллатлар манфаатларига қарама-қарши қўйиш, миллий муаммоларни келтириб чиқариш, бошқа миллатларни камситиш, менсимаслик хусусиятлари билан намоён бўлади.

Ўзини кўрсатиб турадиган миллий манманлик, миллий маҳдудлик, миллий мақтанчоқлик бошқа миллат ҳис-туйғуларининг камситилишига олиб келиши мумкин. Бир миллатни бошқа миллатга мақташ, унинг тарихи, маданиятини идеаллаштириш, тил ва урф-одатларини ҳаддан ташқари тарғиб этиш, албатта, иккинчи миллатнинг туйғуларига муайян оғир ботади. Бу эса, миллий туйғуларнинг миллатчилик туйғуларига айланиб кетишига олиб келиши мумкин. Шовинистик қарашларнинг асоси ҳам ана шу миллий туйғуларнинг камситилишидан юзага келади.²

Шовинистик кайфиятнинг шаклланиши асосан тубанлик, ўз миллати манфаатларини адолатсиз равишда ортиқча юқори ўринга қўйишдан, бошқа миллатлар ва жумҳуриятларнинг манфаатларини ҳисобга олмаслик, ўз миллатини кўкларга кўтариш ва бошқаларда номоён бўлади. Миллий психологиядаги шовинистик ҳислар оддий инсонлар онгини миллий маҳдудлик, миллий худбинлик каби

¹ ЎзР Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Ўзбекистон халқига Халқлар дўстлиги куни муносабати билан байрам табриги (30.07.2021)// <https://president.uz/uz/lists/view/4522>

² Қаранг: Том Нейрен. Интернационализм и второе пришествие// Нации и национализм.- М.:Праксис,2002, с.347-363; Richard J.Barnet,Ronald E.Muller.Global Reach: The Power of Multinational Corporation.-N.Y.1974, P.14-15; Ernst Gellner.Nationalism// Ernst Gellner.

салбий тушунчалар билан заҳарлашга, уларнинг беҳуда безовта бўлишига ҳам сабаб бўлади.

Шуни унутмаслик керакки, Ўзбекистон фақат ўзбеклар учун эмас, балки мамлакатимизда яшаётган барча халқ, миллат вакиллари учун ҳам бирдек Ватандир. Уни севиш, эъзозлаш, қонун-қоидаларини муқаддас деб билиш ҳар бир фуқаро учун унинг миллати, диний эътиқоди, келиб чиқишидан қатъи назар муқаддас бурчдир. Эндиликда гап ҳар бир миллат вакиллари учун муносиб турмуш шароитини барпо этишдадир.

Маълумки, Ўзбекистоннинг сўнгги йилларда олиб борган ташқи сиёсати нафақат миллий хавфсизлигимиз, балки минтақавий хавфсизлик ва барқарор тараққиётга муҳим замин яратди.

Кейинги йилларда мудофаа қобилиятини мустаҳкамлаш борасида:

- кўшинларнинг профессионал ва жисмоний салоҳиятини юксалтириш;
- ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оилаларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш;
- ёшларимизни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш назарда тутилмоқда.

Хавфсизлик ва тинчлик борасида навбатдаги таъкидланган масала – бу маҳаллада жамоат хавфсизлигини таъминлашга қаратилди. Бу ерда ҳуқуқ-тартибот идоралари олдига янгидан янги вазифалар белгиланиб, уларни аҳоли осойишталигининг чинакам посбонларига айлантириш йўлида янги дастурлар амалга оширилиши белгиланди.

2020 йилда Сардоба ва Бухорода бўлиб ўтган икки табиий офат давлат идоралари ва жамият олдига муҳим вазифаларни қўйди. Бу икки офат мамлакатда илгари кузатилмаган инқирозли ҳолатни юзага келтирди. Бундай табиий ва техноген офатларнинг олдини олиш мақсадида бу борадаги мавжуд тизимни янада такомиллаштириш тақозо этилмоқда. Мурожаатномада эса янги тизимдаги ёнғин хавфсизлиги, соҳанинг моддий-техник базаси ва кадрлар салоҳиятини тубдан мустаҳкамлашга қаратилган вазифалар тақлиф этилди. Бу борадаги энг муҳим тақлифлардан бири – “Фавқулоддаги ҳолат тўғрисида”ги Қонун лойиҳаси ҳамда қайд этилган муаммолар ечимига қаратилган Ҳукумат дастурини ишлаб чиқиш топшириғи берилди.

Янги Ўзбекистон ўз ташқи сиёсати ва минтақавий хавфсизлик масалаларига жаҳондаги мураккаб вазиятдан келиб чиққан ҳолда ёндашмоқда. МДХ худудида ва минтақа атрофида мураккаб вазият вужудга келаётган шароитда, узоқ ва яқин атрофимизда турли қарама-қаршилиқлар тобора кучайиб бораётган бир пайтда, мамлакатимиз тинчлиги ва фаровонлигини сақлаш, ён-атрофимиздаги давлатлар ва халқлар билан ўзаро бир-бирини тушуниш ва ҳамжиҳатликда яшаш учун шарт-шароитларни таъминлашга қаратилган ташқи сиёсат халқимизнинг асл орзумиди ва интилишларига мос келади. Ўзбекистон Республикасининг ташқи сиёсати замирида айнан шундай қараш ва ёндашувлар мужассамдир.

Ўзбекистон ўз ташқи сиёсатини конституциявий тамойилларга оғишмай риоя этиш йўли билан амалга оширмоқда. Ўзбекистоннинг саъй-ҳаракатлари билан Марказий Осиё минтақасида ўзаро дўстона сиёсий иқлим яратилди. Узоқ йиллар давомида сақланиб келган чегара масалалари ҳал этилди. Марказий Осиёнинг мустақиллик тарихида илк бор минтақавий интеграциянинг қиёфаси кўзга ташланди. Марказий Осиё мамлакатлари ўртасидаги савдо-иқтисодий алоқалар сўнгги 4 йил ичида мисли кўрилмаган даражада ўсди.

Жаҳон ҳамжамиятида Марказий Осиёнинг аҳамияти ва роли ошиб бораётганини минтақа ва йирик давлатлар ўртасида кўп томонлама ҳамкорликнинг турли форматлари ташкил қилинаётганида ҳам кўришимиз мумкин.

Мавжуд “Марказий Осиё – АҚШ”, “Марказий Осиё – Европа иттифоқи”, “Марказий Осиё – Корея Республикаси”, “Марказий Осиё – Япония” каби мулоқот форматлари қаторига охириги йилларда “Марказий Осиё – Ҳиндистон”, “Марказий Осиё – Хитой” ва “Марказий Осиё – Россия Федерацияси” сингари янги форматлар қўшилди. Мазкур ҳолат, биринчидан, минтақадаги ижобий ўзгаришлар натижасида юзага келган мутлақо янги муҳит дунёнинг етакчи давлатлари томонидан Марказий Осиёга нисбатан эътиборнинг ошганини кўрсатса, иккинчидан, чет эл давлатлари минтақа мамлакатлари билан нафақат икки томонлама ҳамкорлик доирасида, балки ягона минтақавий кўп томонлама муносабатларни ривожлантиришга аҳамият қаратаётганидан далолатдир.

Шу билан бирга, минтақа ҳамда бошқа давлат ва халқаро институтлар ўртасида янги форматларнинг тузилиши бу, Марказий

Осиёнинг геосиёсий ва иқтисодий аҳамияти ошиб боришига, шунингдек, минтақага халқаро муносабатлардаги яхлит сиёсий-дипломатик субъект сифатида қаралишига олиб келмоқда.

Марказий Осиё давлатларининг яхлит сиёсий-дипломатик субъект сифатидаги ўрни ҳамда ўзаро ҳамжиҳатлиги ва бирдамлиги Қирғизистонда 2020 йил октябрь ойида юз берган норозилик намоёнликлари ва тартибсизликларга Ўзбекистон, Қозоғистон, Туркманистон ва Тожикистон республикалари Президентлари қўшма баёнот билан муносабат билдирганликларида ҳам кузатилди. Қўшма баёнотда қардош Қирғизистонда содир бўлаётган воқеалар жиддий ташвиш туғдираётгани ҳамда Қирғизистоннинг барча сиёсий партиялари ва жамоатчилик доиралари тинчлик ва осойишталикни таъминлаш, Конституция ва миллий қонунчиликка сўзсиз риоя қилиш билан юзага келган муаммоларни ҳал қилиш учун зарур бўлган саъй-ҳаракатларни амалга оширишига умид билдирилди.

Қайд этиш жоизки, Марказий Осиё давлатларининг барқарорлиги ва ҳамжиҳатлиги, биринчидан, халқ фаровонлигига, иккинчидан, минтақанинг инвестицион жозибдорлигини ошириб, хорижий шерик давлатлар ва инвесторлар билан ҳамкорлик учун кенг имкониятлар яратишга хизмат қилади. Ўзбекистон ва минтақа давлатлари ўртасида шаклланган ва янада мустаҳкамланиб бораётган янги муҳит мазкур мақсадларга эришишга ҳамда ўзароро сиёсий, савдо-иқтисодий, маданий-гуманитар ҳамкорликни кучайтиришга хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президент Ш.Мирзиёевнинг 2021 йилдаги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига Мурожаатномасида Марказий Осиё давлатлари билан яқин қўшничилик алоқаларини мустаҳкамлашга алоҳида аҳамият қаратилган.

Хусусан, Марказий Осиё давлатлари билан муносабатларни изчил давом эттириш чора-тадбирлар режасида:

- Ўзбекистоннинг Марказий Осиё мамлакатлари билан икки томонлама ва минтақавий алоқаларни сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқиш;

- олий ва юқори даражада ўзаро ташрифларни ташкил этиш;

- “Халқ дипломатияси” механизмларидан самарали фойдаланиш;

- яхши кўшничилик муносабатларини мустаҳкамлаш йўлидаги мавжуд тўсиқларни биргаликда ҳал этиш;

- савдо иқтисодий алоқаларни ривожлантириш ва товар айирбошлаш ҳажмининг ўсиши ва ҳамкорликни мустаҳкамлаш учун қулай шароитлар яратиш;

- минтақанинг транзит ва логистика салоҳиятидан самарали фойдаланиш ва транспорт инфратузилмаси ривожланишини таъминлаш;

- Марказий Осиё мамлакатларининг минтақалари (шу жумладан, чегара ҳудудлари) ўртасидаги ҳамкорликни фаоллаштириш кўзда тутилган.

Бундан ташқари, жорий йилда Ўзбекистон Марказий Осиё давлатлари билан алоқаларини кўп томонлама ҳамкорлик механизмлари, жумладан, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ), Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДҲ), Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти (ШҲТ), Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик Кенгаши (ТТДҲК), Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилоти (ЕҲҲТ) ва бошқа тузилмалар доирасида ҳам ривожлантиришни, бунда нафақат сиёсий-дипломатик муносабатлар, балки иқтисодий дипломатия, парламентлараро дипломатия ҳамда халқ дипломатиясини кучайтириш назарда тутилмоқда.

Қолаверса, жорий йилда ШҲТда Ўзбекистон Республикасининг 2021–2022 йилларда раислигини инобатга олиб, мазкур йўналишда устувор вазифалар ва асосий тадбирларини ишлаб чиқиш ҳам Давлат дастурида режалаштирилган. ШҲТда Россия, Хитой, Покистон ва Ҳиндистон қатори Марказий Осиё давлатларидан Ўзбекистон, Тожикистон, Қозоғистон ва Қирғизистоннинг аъзо давлатлар эканлиги, ушбу халқаро ташкилот доирасида ҳамкорликни жадаллаштириш алоҳида аҳамият касб этишини таъкидлаш мумкин.

Ўзбекистон Президенти Ш.Мирзиёев кўшни Марказий Осиё давлатлари билан муносабатларни яхшилаш ва янада ривожлантириш масаласига алоҳида урғу беради ва бу Ўзбекистон ташқи сиёсатининг бош устувор йўналиши бўлиб ҳисобланади. Бу эса, ўз навбатида, Ўзбекистон Марказий Осиёнинг барча давлатлари билан чегарадош минтақадаги ягона давлатлиги, мамлакатдаги ҳар қандай сиёсий, иқтисодий ва маданий соҳадаги ўзгаришларнинг бевосита минтақага таъсир

эйтиши ҳамда Марказий Осиёнинг барқарор ривожланиши минтақанинг барча давлатлари манфаатларига хизмат қилишида намоён бўлмоқда.

Ўзбекистоннинг бугунги ташқи сиёсати, хусусан, яхши кўшничилик ва прагматик минтақавий сиёсати давлатнинг халқаро нуфузини оширибгина қолмай, Марказий Осиёнинг барқарор ва улкан имкониятларга эга ҳамкорлик маконига айланишига хизмат қилмоқда.

ХОТИМА

Мазкур рисолада жамиятнинг ижтимоий-этник таркибида миллат ва элатларнинг тутган ўрни, ўтмишдаги аянчли аҳволи, уларнинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий-маънавий жиҳатларидан камситилиши, мустақиллик туфайли миллатларнинг маданияти, қадриятлари урф-одат ва анъаналарининг тикланиши, миллий ўзликни англашнинг ривожланиши, мустақиллик шарофати билан миллий ва миллатлараро муносабатлар соҳасида содир бўлаётган янги жараёнлар, миллатлар ўртасида тотувлик, ҳамкорлик, дўстликнинг қарор топиши, байналмилал тарбиянинг жамиятимизнинг собитқадам ривожланиши ҳақидаги фикрларни баён этдик.

Шунингдек, олада миллатлараро муносабатлар соҳасида қўлга киритилган ютуқлар билан бир қаторда ечимини кутиб турган муаммолар, уларни ҳал этиш йўллари, бу борада консенсус имкониятларидан фойдаланиш масалалари ҳам ўз аксини топган.

Ҳаёт сабоқлари шундан далолат берадики, турли миллатларнинг манфаатларига аълоҳида эътибор қартилгандагина ихтилофларга сабаб бўладиган замин йўқолади, ўзаро ишончсизлик йўқолади, ҳар қандай хавфига барҳам берилади, бундай шароит, айниқса, турли тилларда сўзловчи кишиларда шундай ишонч туғдирадики, у сиз халқлар орасида тенглик муносабатларининг бўлиши ҳам, ҳозирги замон цивилизацияси эришган барча қимматли ютуқлардан баҳраманд бўлишлик ҳам мумкин эмас.

Баъзи ҳолларда миллий манфаатлар ғоявий-сиёсий мазмунига кўра бир-биридан фарқ қилиши мумкин. Шунинг учун ҳам кўп миллатли давлатимиз халқлари манфаатини тўла-тўқис акс эттирган орзу-ниятларини, соғлом миллий манфаатларини доимий

равишда инобатга олиш, ўрганиш, уларни қондириш йўлларини излашимиз лозим.

Миллатлараро муаммолар тўғрисида гап борганда, давлат мустақиллигини мустаҳкамлаш, иқтисодий, сиёсий ва маънавий тангликдан чиқиш ҳам, миллий қадр-қиммат ва ўзлигини англашни қарор топтириш ҳам, экология, табиатни муҳофаза қилиш ҳам, тил ва маънавий меросни сақлаш ҳам ўзига хос аҳамият касб этади. Миллий ва миллатлараро муносабатларга доир муаммоларнинг ҳаммаси ўзаро боғлиқ. Шунинг учун ҳам уларни бир-биридан ажратиб бўлмайди. Одамларнинг кайфияти, жамиятдаги маънавий-сиёсий иқлим кўп жиҳатдан ана шу муаммоларни ҳал этишга боғлиқ.

Миллий сиёсатга таалуқли, ҳар бир миллат ва элатларнинг манфаатларига, кишиларнинг миллий туйғуларига даҳлдор бўлган ҳамма ишларда, айниқса хушёр ва сергак бўлишликни, миллий чекланганлик ва манманлик, миллатчилик ва шовинизм кўринишларига қарши кураш олиб боришни ҳеч қачон эсдан чиқариб бўлмайди. Миллий манманлик, миллий маҳдудлик, миллий мақтанчоқлик бизнинг ғоят буюк бойлигимиз бўлган байналмилал туйғуларимизга тамомила ётдир.

Бозор иқтисодиётининг қарор топиши, жамият ҳаётининг демократиялашуви, шаффофликнинг чуқурлашуви шароитида, барча миллатлар ва элартларнинг ўзига хослиги-ю, манфаат, қизиқишларини камситмасдан, доимо халқлар дўстлигини мустаҳкамлаш муҳим аҳамиятга эгадир.

Ўзбекистон Республикасининг давлат ва жамиятни ривожлантиришдаги устувор мақсадларини, илғор хорижий тажрибани эътиборга олган ҳолда миллатлараро муносабатларнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, фуқароларнинг ҳуқуқий онгини ошириш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратиш керак.

Ҳуқуқий онг, энг аввало, одамларнинг қонунга бўлган муносабатларини ифодаловчи қарашлари ва эътиқодларидан, уларнинг ҳуқуқ ҳақидаги тасаввурларидан, интилишлари ва туйғуларидан иборатдир. Ҳуқуқий онги, билими, маданияти ўсган халқ ва миллат ўзини-ўзи англаб, кучига ишониб, бор имкониятларидан ижобий ҳолда фойдаланиб, келажаги буюк давлатни барпо эта олади. Ҳуқуқий билим ва маданият халқ ва миллат етуқлигининг муҳим кўрсаткичидир.

Шунингдек, жамиятда кўп миллатли катта оила ҳис-туйғусини, республикамизда яшаётган турли миллат ва элат вакиллари ўртасида дўстлик ва тотувликни янада мустаҳкамлаш, ёш авлодни Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялаш, фуқароларнинг тенг ҳуқуқлилигини таъминлаш, уларнинг Конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлари камситилишига йўл қўймаслик кабилар муҳим аҳамият касб этади.

Янги Ўзбекистонда миллатлараро муносабатларни мустаҳкамлаш, мамлакат ҳудудида ва ундан ташқарида фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида халқаро ҳамкорликни ва чет мамлакатлар билан дўстона алоқаларни ривожлантириш, ватандошларни қўллаб-қувватлаш ва хориждаги ўзбек диаспоралари билан яқин ҳамкорлик қилиш, Ўзбекистоннинг жаҳон майдонидаги обрў-эътибори ва имижини ошириш масаласи ҳам ниҳоятда долзарб аҳамият касб этади.

Бундан ташқари, мамлакатимизда миллатлараро муносабатлар соҳасидаги давлат сиёсатини самарали амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотлар билан халқаро шартномалар ва бошқа халқаро ҳужжатларни тузиш, Ўзбекистоннинг давлат органлари ва нодавлат нотажорат ташкилотлари билан хорижий мамлакатларнинг турдош ташкилотлари ва фуқаролик жамиятлари институтлари ўртасидаги кўп томонлама алоқалар ва алмашинувлар ривожланишини рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлаш билан боғлиқ кен кўламдаги амалий ишлар олиб борилмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, юртимизда миллатлараро ва давлатлараро тотувликни янада мустаҳкамлашга қаратилган янги ғоя ва ташаббусларнинг пайдо бўлаётганлиги дўстлик ва ҳамжиҳатлик қўрғонининг янада мустаҳкам бўлишига хизмат қилади.

ИЛОВАЛАР

“ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ ВИЖДОН ЭРКИНЛИГИ ВА ДИНИЙ ТАШКИЛОТЛАР ТЎҒРИСИДА”ГИ ҚОНУНИ

Қонунчилик палатаси томонидан 2021 йил 4 майда қабул қилинган
Сенат томонидан 2021 йил 26 июнда маъқулланган

1-боб. Умумий қоидалар

1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади

Ушбу Қонуннинг мақсади виждон эркинлигини таъминлаш соҳасидаги муносабатларни, шунингдек диний ташкилотлар фаолиятини тартибга солишдан иборат.

2-модда. Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисидаги қонунчилик

Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисидаги қонунчилик Ўзбекистон Республикасининг Конститутутсияси, ушбу Қонун ва бошқа қонунчилик ҳужжатларидан иборатдир.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисидаги қонунчилигида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

3-модда. Асосий тушунчалар

Ушбу Қонунда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

диний таълим муассасаси — муайян конфессияга мансуб бўлган, диний ташкилотларнинг профессионал хизматчиларини ва улар учун зарур бўлган диний ходимларни тайёрлаш учун диний ташкилотларнинг Ўзбекистон Республикаси бўйича марказий бошқарув органи томонидан ташкил этилган муассаса;

диний ташкилот — фуқароларнинг белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган, биргаликда динга эътиқод қилиш, ибодат қилиш, диний расм-русумлар ва маросимларни бажариш мақсадида ташкил этилган, даромад (фойда) олишни ўз фаолиятининг асосий мақсади қилиб олмаган ҳамда олинган даромадларни (фойдани) ўз иштирокчилари (аъзолари) ўртасида тақсимламайдиган кўнгилли бирлашмаси (махаллий диний ташкилот, диний таълим муассасаси ва диний ташкилотларнинг Ўзбекистон Республикаси бўйича марказий бошқарув органи);

диний ташкилотларнинг Ўзбекистон Республикаси бўйича марказий бошқарув органи — бир конфессиянинг маҳаллий диний ташкилотлари, шунингдек диний таълим муассасалари фаолиятини мувофиқлаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг камида саккизта маъмурий-ҳудудий бирлигида (Қорақалпоғистон Республикасида, вилоятда, Тошкент шаҳрида) рўйхатдан ўтиб фаолият кўрсатаётган маҳаллий диний ташкилотлар томонидан ташкил этилган диний ташкилот;

маҳаллий диний ташкилот — Ўзбекистон Республикасининг тегишли тумани (шаҳари) ҳудудида доимий яшаётган, ўн саккиз ёшга тўлган, эллик нафардан кам бўлмаган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ташаббуси билан ташкил этилган, фаолиятини Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, ва Тошкент шаҳри, туман ёки шаҳар ҳудудида амалга оширувчи диний ташкилот (масжидлар, черковлар, синагогалар, ибодатхоналар ва бошқалар);

миссионерлик — аниқ мақсадга қаратилган мафкуравий таъсир ўтказиш орқали шахсни (бир гуруҳ шахсларни) ўз динига киритиш мақсадида унга (уларга) диний қарашларни мажбуран сингдиришга ва диний таълимотни тарқатишга доир фаолият;

қонунга хилоф диний фаолият — диний ташкилот сифатида рўйхатдан ўтмасдан фаолият кўрсатиш, диний ташкилот томонидан фаолиятни ўзи турган жойдан, шу жумладан ибодат қилинадиган бинолардан ва диний ташкилотга тегишли ҳудудлардан ташқарида амалга ошириш, шунингдек диний таълим муассасаларидан ташқарида хусусий тартибда диний таълим фаолияти билан шуғулланиш;

диний профессионал таълим — диний таълим муассасаларида ўқувчиларга маълум бир конфессияга оид диний билимлар беришга қаратилган жараён;

прозелитизм — миссионерлик фаолиятининг бир конфессияга эътиқод қилувчиларни бошқа конфессияларга ўтказишга қаратилган шакли.

2-боб. Виждон эркинлигини таъминлаш асослари

4-модда. Виждон эркинлигини таъминлаш

Виждон эркинлиги — бу фуқароларнинг хоҳлаган динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик бўйича кафолатланган конституциявий ҳуқуқидир.

Фуқаро динга, динга эътиқод қилишга ёки эътиқод қилмасликка, ибодатларда, диний расм-русумлар ва маросимларда иштирок этишга ёки иштирок этмасликка, диний таълим олишга нисбатан ўз муносабатини белгилаётганда уни у ёки бу тарзда мажбурлашга йўл қўйилмайди.

Вояга етмаганларни уларнинг хоҳиш-иродасига, онасининг ёки қонуний вакиллариининг хоҳиш-иродасига зид тарзда диний ташкилотларга жалб этишга йўл қўйилмайди.

Ўз динига эътиқод қилиш ёки ишониш эркинлигига нисбатан фақат қонунда назарда тутилган чекловлар татбиқ этилади.

Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тузумини зўрлик билан ўзгартириш, унинг суверенитети ва ҳудудий яхлитлигига путур етказиш, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини камситиш, урушни, миллий, ирқий, этник ёки диний адоватни тарғиб қилиш, фуқароларнинг соғлиғи ва ахлоқига тажовуз қилиш, фуқаролар тотувлигини бузиш, вазиятни беқарорлаштирувчи тухматдан иборат уйдирмаларни тарқатиш, аҳоли ўртасида саросима уйғотиш ҳамда шахс, жамият ва давлатга қарши қаратилган бошқа ҳаракатлар содир этиш мақсадида диндан фойдаланишга йўл қўйилмайди.

5-модда. Виждон эркинлигини таъминлашнинг асосий устуворликлари

Виждон эркинлигини таъминлашнинг асосий устуворликлари қуйидагилардан иборат:

фуқароларнинг динга муносабатидан қатъи назар, диний қарашларни мажбуран сингдиришга йўл қўймаган ҳолда, уларнинг виждон эркинлигига бўлган ўз ҳуқуқларини амалга ошириши учун тенг шарт-шароитлар яратиш;

конфессиялар ўртасидаги тинчлик ва тотувликни мустаҳкамлаш, жамиятда диний бағрикенгликни таъминлаш;

виждон эркинлигини таъминлашда дунёвий давлат қурилишини сақлаб қолиш;

виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисидаги қонунчиликка фуқаролар ҳамда диний ташкилотлар томонидан риоя этилишини таъминлаш;

жамоат тартибига, Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг соғлиғи ва ахлоқига, ҳуқуқ ва эркинликларига таҳдид солувчи диний ғоялар ҳамда қарашларнинг сингдирилиши ва тарқатилишига қарши курашиш.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита виждон эркинлигини, шунингдек виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисидаги қонунчиликнинг амалда изчил ҳамда бир хил тарзда қўлланилишини таъминлашга доир чораларнинг амалга оширилиши учун масъул бўлган ваколатли давлат органидир (бундан буён матнда ваколатли орган деб юритилади).

6-модда. Фуқароларнинг динга муносабатидан қатъи назар тенг ҳуқуқлилиги

Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, динга муносабатидан қатъи назар, қонун олдида тенгдир.

Чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар Ўзбекистон Республикаси фуқаролари билан тенг равишда виждон эркинлиги ва динга эътиқод қилиш эркинлиги ҳуқуқидан фойдаланади ҳамда виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисидаги қонунчиликни бузганлик учун қонунда белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

Расмий ҳужжатларда фуқароларнинг динга нисбатан муносабатини кўрсатишга йўл қўйилмайди.

Фуқароларнинг ҳуқуқларини уларнинг динга муносабатига қараб ҳар қандай тарзда чеклаш ва тўғридан-тўғри ёки билвосита устунликлар белгилаш, уларнинг диний ёки атеистик эътиқоди билан боғлиқ ҳолда фуқароларда адоват ва нафрат уйғотиш ёхуд уларнинг ҳис-туйғуларини ҳақоратлаш, худди шунингдек муқаддас диний эътиқод объектларини таҳқирлаш қонунда белгиланган жавобгарликка сабаб бўлади.

Қонунда белгиланган мажбуриятларни бажаришдан ҳеч ким ўз диний эътиқодларини сабаб қилиб бўйин товлаши мумкин эмас. Диний эътиқодларини сабаб қилиб, бир мажбуриятни бажаришни бошқасига алмаштиришга фақат қонунда назарда тутилган ҳоллардагина йўл қўйилади.

Бир динга ёки диний эътиқодга бошқаларига нисбатан бирор-бир устунликлар ёки чекловлар белгилашга йўл қўйилмайди.

7-модда. Диннинг давлатдан ажратилганлиги

Ўзбекистон Республикасида дин давлатдан ажратилган. Ўзбекистон Республикасида диний ташкилотлар ва давлат органларининг фаолияти ўзаро аралашмаслик асосида амалга оширилади.

Давлат турли динларга эътиқод қиладиган ва уларга эътиқод қилмайдиган фуқаролар, турли динларга мансуб диний ташкилотлар ўртасида ўзаро мурося ва ҳурмат ўрнатилишига кўмаклашади, диний ақидапарастлик ҳамда экстремизмга, муносабатларни қарама-қарши қўйиш ва кескинлаштиришга, турли конфессиялар ўртасида адоватни авж олдиришга қаратилган хатти-ҳаракатларга йўл қўймайди.

Давлат конфессияларнинг тинч-тотув яшашига кафил бўлади. Миссионерлик ва прозелитизмни амалга оширишга йўл қўйилмайди.

Давлат диний ташкилотлар зиммасига давлатнинг бирор-бир вазифаларини бажаришни юкламайди, уларнинг қонунчиликка зид бўлмаган фаолиятига аралашмайди. Диний ташкилотлар давлат вазифаларини бажармайди. Давлат диний ташкилотларнинг фаолиятини молиялаштирмайди ва динга эътиқод қилувчиларнинг дин билан боғлиқ ҳис-туйғуларини ҳақоратлайдиган фаолиятга йўл қўймайди.

Ўзбекистон Республикасида диний руҳдаги сиёсий партия ва бошқа жамоат бирлашмасининг, республикадан ташқарида тузиладиган диний партиялар ваколатхоналари ва филиалларининг ташкил этилишига ҳамда фаолиятига, сиёсий партиялар ва сиёсий мақсадларни кўзловчи бошқа жамоат бирлашмалари фаолиятида диний ташкилотларнинг иштирок этишига, шунингдек уларга молиявий ёки бошқа ёрдам кўрсатишига йўл қўйилмайди.

8-модда. Таълим тизими ва дин

Ўзбекистон Республикасида таълим тизими диндан ажратилгандир.

Таълим тизимининг ўқув дастурларига диний фанлар киритилишига (бундан диний таълим муассасалари мустасно) йўл қўйилмайди.

Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг дунёвий таълим олиш ҳуқуқи, уларнинг динга бўлган муносабатидан қатъи назар, таъминланади.

Ҳар ким диний таълим муассасаларида профессионал диний таълим олиш ҳуқуқига эга.

Диний таълим муассасаларида ўқишга фуқаролар қонунчиликка мувофиқ умумий ўрта, ўрта махсус таълим ёки профессионал таълим олганидан кейин қабул қилинади.

Диний профессионал таълим олган шахслар диний таълим муассасаларида диний фанларни ўқитиш фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқига эгадир.

9-модда. Диний расм-русумлар ва маросимлар

Диний расм-русумлар ва маросимлар диний ташкилотлар жойлашган жойда, шу жумладан ибодат қилинадиган биноларда ҳамда уларга тегишли ҳудудларда, дафн этиш жойларида, зиёратгоҳларда, диний зарурият бўлган тақдирда фуқароларнинг хоҳишига кўра уларнинг уйларида ўтказилади.

Касалхоналарда, госпиталларда, интернат муассасаларида, дастлабки қамоқ ва жазони ўташ жойларида, ички ишлар органларининг реабилитация марказларида диний расм-русумлар ва маросимлар қонунчиликда белгиланган тартибда, шу жойлардаги фуқароларнинг илтимосларига кўра ўтказилиши мумкин.

Ибодат қилинадиган бинолардан ташқаридаги оммавий диний расм-русумлар ва маросимлар қонунчиликда белгиланган тартибда амалга оширилади.

Диний ташкилотлар динга эътиқод қилувчилардан мажбурий пул йиғимлари ва тўловлар ундиришга, шунингдек уларга нисбатан шахснинг шаъни ва кадр-қимматини камситувчи чораларни қўллашга ҳақли эмас.

10-модда. Диний мазмундаги материаллар, уларни тайёрлаш, олиб кириш ва тарқатиш

Диний мазмундаги материаллар диний таълимотнинг ақидавий асосларини, тарихини, диний таълимот мафкурасини ва шарҳларни, турли диний таълимотларнинг маросимлар ўтказиш амалиётини, шунингдек алоҳида шахсларнинг, тарихий фактлар ва ҳодисаларнинг диний нуқтаи назардан баҳосини акс эттирувчи китоблар, рисоалар, журналлар, газеталар, варақалар, бошқа босма нашрлар, белгилар, предметлар, рамзлар, аудиовизуал асарлар (теле-, кино- ва видеофильмлар, клиплар, концерт дастурларининг ёзувлари, мультфильмлар ва бошқалар), электрон ахборот ташувчилардан (дискетлар, CD, DVD дисклари, ўрнатилган ва ечиб олиннадиган хотира карталари, Интернет жаҳон ахборот тармоғида жойлаштирилган материаллар ва бошқалар) иборатдир.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида диний мазмундаги материалларни тайёрлаш, олиб кириш ва тарқатиш жамиятда конфессиялараро тотувлик ҳамда диний бағрикенглик бузилишига

олиб келадиган, диний зўравонлик ва бошбошдоқликка чорлайдиган ғоялар ҳамда қарашлар тарқалишининг олдини олиш мақсадида диншунослик экспертизасининг ижобий хулосаси олинганидан кейин амалга оширилади.

Диний мазмундаги материалларни тайёрлаш, олиб кириш ва тарқатиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

3-боб. Диний ташкилот ташкил этиш, унинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари. Диний ташкилотлар фаолиятининг қўшимча кафолатлари

11-модда. Диний ташкилотни ташкил этиш

Диний ташкилот қонунчиликка мувофиқ унинг ташаббускорлари (таъсисчилари) қарорига кўра ташкил этилади.

Диний ташкилотнинг ташаббускорлари (таъсисчилари) таъсис йиғилишини (конференциясини) чақиради, унда устав қабул қилинади ва раҳбар органлар тузилади.

Диний ташкилот рўйхатдан ўтказилган пайтдан эътиборан ташкил этилган деб ҳисобланади.

Диний ташкилот юридик шахсдир.

Диний ташкилот диний ташкилотларнинг Ўзбекистон Республикаси бўйича марказий бошқарув органи (бундан буён матнда марказий бошқарув органи деб юритилади), диний таълим муассасаси ёки маҳаллий диний ташкилот шаклида ташкил этилиши мумкин.

Диний таълим муассасаси рўйхатдан ўтказилганидан ва ваколатли органнинг тегишли лицензиясини олганидан кейин ўз фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини олади.

Диний ташкилот белгиланган тартибда тақдим этиладиган ер участкаларида, ваколатли орган билан келишувга кўра ташкил этилади.

Тегишли диний профессионал таълимга эга бўлган шахс диний ташкилотнинг раҳбари бўлиши мумкин, бундан диний таълимотида диний профессионал таълим тизими назарда тутилмаган конфессиялар мустасно.

Диний ташкилотни қайта ташкил этиш унинг раҳбар органининг қарорига кўра қўшиб юбориш, қўшиб олиш, бўлиш, ажратиб чиқариш ва ўзгартириш йўли билан амалга оширилиши мумкин.

Диний ташкилотни қайта ташкил этиш қонунчиликда назарда тутилган тартибда амалга оширилади.

12-модда. Диний ташкилотнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

Диний ташкилот қуйидаги ҳуқуқларга эга:

шартнома асосида бериладиган бинолардан ва мол-мулкдан, шунингдек моддий-маданий мерос объектларидан қонунчиликда белгиланган тартибда ўз эҳтиёжлари учун фойдаланиш;

хайрия фаолиятини амалга ошириш;

диний ташкилотнинг фаолияти билан боғлиқ тадбирлар ўтказиш;

уставда кўрсатилган вазифаларни бажариш учун тадбиркорлик тузилмаларини ташкил этиш;

диний мазмундаги материалларни тайёрлаш, олиб кириш ва олиб чиқиш;

зиёратларни ташкил этиш ёки бошқа диний тадбирларда иштирок этиш мақсадида халқаро алоқалар ўрнатиш;

янги дафн этиш жойларини ташкил этиш ва мавжуд дафн этиш жойларини таъмирлаш тўғрисида таклифлар киритиш.

Диний ташкилот:

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, ушбу Қонун, бошқа қонунчилик ҳужжатлари талабларига ва ўз устави қоидаларига риоя этиши;

ибодат қилиш, диний расм-русумлар ёки маросимлар учун мўлжалланган жойларда қулай шарт-шароитлар яратиши;

диний ташкилот эгалигида (фойдаланишида) бўлган моддий маданий мерос объектларининг бут сақланишини таъминлаши, бунда маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисидаги қонунчиликда назарда тутилган талабларни мажбурий тартибда бажариши, архитектура ёдгорликларини реставрация қилиш бўйича лойиҳа ҳужжатлари асосида қурилиш ва таъмирлаш ишларини амалга ошириши;

адлия органларини тадбирлар (конференциялар, семинарлар ва бошқалар, бундан диний расм-русумлар ва маросимлар мустасно) эркин ўтказилишида кўмаклашиш учун уларнинг ўтказилиши тўғрисида хабардор этиши;

адлия органларини раҳбар органнинг таркиби ўзгарганлиги тўғрисида ушбу қарор қабул қилинган кундан эътиборан бир ой ичида хабардор қилиши;

адлия органларига ўзининг ўтган йилги фаолияти тўғрисида белгиланган шаклда ҳар йили ахборот тақдим этиши шарт.

Диний ташкилот қонунда назарда тутилган бошқа ҳуқуқларга эга бўлиши ва унинг зиммасида ўзга мажбуриятлар бўлиши мумкин.

13-модда. Диний ташкилотлар фаолиятининг қўшимча кафолатлари

Диний ташкилотлар ўз фаолиятини қонунчиликка мувофиқ мустақил равишда амалга оширади.

Диний ташкилотлар ўз мулкида биноларга, иншоотларга, ибодат предметларига, ишлаб чиқариш объектларига, ижтимоий объектларга ва хайрия учун мўлжалланган объектларга, ўз фаолиятини таъминлаш учун зарур бўлган пул маблағларига ва бошқа мол-мулкка эга бўлиши мумкин. Диний ташкилотларнинг мулки қонун билан қўриқланади.

Диний ташкилотлар давлат органларининг ғайриқонуний қарорлари, улар мансабдор шахсларининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан бўйсунув тартибида юқори турувчи органга ёки судга шикоят қилиш ҳуқуқига эга.

Диний ташкилотлар давлат органларининг ғайриқонуний қарорлари, улар мансабдор шахсларининг диний ташкилотлар ҳуқуқлари ва эркинликларини бузувчи ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан судга мурожаат қилганда давлат божини тўлашдан озод этилади.

4-боб. Диний ташкилотни рўйхатдан ва қайта рўйхатдан ўтказиш тартиби

14-модда. Диний ташкилотнинг таъсис ҳужжати

Диний ташкилотни ташкил этиш ташаббускорлари (таъсисчилари) томонидан тасдиқланган устав диний ташкилотнинг таъсис ҳужжатидир.

Диний ташкилотнинг уставида қуйидагилар назарда тутилади:

диний ташкилотнинг номи, тури, таълимот асослари тўғрисидаги ахборот ва унга мос келадиган диний фаолият ҳақидаги маълумотлар, унинг ташкилий-ҳуқуқий шакли, жойлашган ери (почта манзили), ўз фаолиятини қайси ҳудуд доирасида амалга оширса, ўша ҳудуд;

мақсади, вазифалари ва фаолиятининг асосий турлари;
диний ташкилотнинг тузилиши ва раҳбар органлари;

диний ташкилотнинг раҳбар органларининг ваколат доираси ва ушбу органларни шакллантириш тартиби, уларнинг ваколатлари муддатлари, доимий асосда фаолият кўрсатадиган раҳбар органнинг жойлашган ери (почта манзили);

пул маблағларини ва бошқа мол-мулкни шакллантириш манбалари, диний ташкилотнинг ҳамда унинг таркибий бўлинмаларининг мол-мулкни бошқаришга доир ҳуқуқлари;

диний ташкилотни қайта ташкил этиш ва тугатиш тартиби, шунингдек диний ташкилот тугатилган тақдирда унинг мол-мулкни тасарруф этиш тартиби;

уставга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тартиби.

Уставда диний ташкилотнинг қонунчиликка зид бўлмаган фаолиятига тааллуқли бошқа қоидалар ҳам назарда тутилиши мумкин.

Диний ташкилот уставининг талаблари диний ташкилотнинг ўзи, уни тузиш ташаббускорлари (таъсисчилари) учун мажбурийдир.

Марказий бошқарув органларига эга бўлган диний ташкилотларнинг уставлари ушбу органлар билан келишилган бўлиши керак.

15-модда. Диний ташкилотни рўйхатдан ўтказиш (қайта рўйхатдан ўтказиш) чоғида давлат хизматлари кўрсатиш

Давлат хизматлари, шу жумладан диний ташкилотларни рўйхатдан ўтказишда (қайта рўйхатдан ўтказишда) хизматлар адлия органларининг электрон тизими орқали кўрсатилади.

Электрон тизимга кириш электрон рақамли имзо ёки шахсни идентификациялаш имконини берувчи бошқа усуллар орқали амалга оширилади.

Мурожаат қилувчи электрон тизимга кирганидан кейин ўзининг шахсий кабинетидаги тегишли мурожаат турини танлайди, маълумотларни босқичма-босқич киритади ва ҳужжатларни электрон тизим орқали юборади.

Электрон тизимда шакллантирилган ёки адлия органлари томонидан юборилган электрон ҳужжатларда матрицали штрих код (QR-код) ва идентификацияланган рақамлар мавжуд бўлади. Бунда электрон ҳужжатда кўрсатилган идентификацияланган рақамни электрон тизимнинг махсус бўлимига киритиш орқали электрон ҳужжат тўғрисидаги ахборотни олиш учун имконият яратилади.

Электрон тизимнинг ишлаш тартиби, маълумотларнинг турлари ва шакллари, шунингдек электрон ҳужжатларнинг намуналари Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан тасдиқланади.

16-модда. Диний ташкилотларни рўйхатдан ўтказиш

Диний ташкилотларни рўйхатдан ўтказиш адлия органлари (бундан буён матнда рўйхатдан ўтказувчи органлар деб юритилади) томонидан амалга оширилади.

Марказий бошқарув органларини ва диний таълим муассасаларини рўйхатдан ўтказиш Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан, маҳаллий диний ташкилотларни рўйхатдан ўтказиш эса тегишинча Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармалари томонидан амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги диний ташкилотларнинг чет эл фуқаролари бўлган ходимларини (раҳбарларини), шунингдек уларнинг ўз қарамоғида бўлган оила аъзоларини аккредитация қилишни амалга оширади.

Диний ташкилотларни рўйхатдан ўтказганлик, диний ташкилотларнинг чет эл фуқаролари бўлган ходимларини, шунингдек уларнинг ўз қарамоғида бўлган оила аъзоларини аккредитация қилганлик учун «Давлат божи тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида белгиланган миқдорда давлат божи ундирилади.

Диний ташкилотни рўйхатдан ўтказган орган ушбу ташкилот фаолиятининг устав мақсадларига ва қонунчиликка мувофиқлиги устидан назоратни амалга оширади.

17-модда. Диний ташкилотни рўйхатдан ўтказиш учун талаб қилинадиган ҳужжатлар

Диний ташкилотни ташкил этиш бўйича таъсис йиғилиши (конференцияси) ўтказилган кундан эътиборан олти ой ичида уни рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги электрон мурожаат рўйхатдан ўтказувчи органга юборилади.

Марказий бошқарув органини рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги электрон мурожаатга куйидаги ҳужжатларнинг электрон кўчирма нусхалари илова қилинади:

таъсис йиғилишининг (конференциясининг) марказий бошқарув органини ташкил этиш, унинг уставини тасдиқлаш ва

бошқарув органларини сайлаш тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олган қарорининг;

марказий бошқарув органининг давлат тилидаги уставининг;

жойлашган еридан диний ташкилотнинг почта манзили сифатида фойдаланилиши мўлжалланаётган кўчмас мулкка эгалик қилиш ёки ундан фойдаланиш ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатнинг;

марказий бошқарув органининг таъсисчилари ва унинг раҳбар органи аъзолари тўғрисидаги ҳужжатларнинг;

марказий бошқарув органининг раҳбарида диний профессионал маълумот мавжудлигини тасдиқловчи ҳужжатнинг, бундан таълимоти диний профессионал таълим тизимини назарда тутмайдиган конфессиялар мустасно;

ваколатли орган хулосасининг.

Диний таълим муассасасини рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги электрон мурожаатга қуйидаги ҳужжатларнинг электрон кўчирма нусхалари илова қилинади:

марказий бошқарув органининг диний таълим муассасасини ташкил этиш, унинг уставини тасдиқлаш ва раҳбар органларини сайлаш (тайинлаш) бўйича маълумотларни ўз ичига олган қарорининг;

диний таълим муассасасининг давлат тилидаги уставининг;

диний таълим муассасасининг раҳбар органи аъзолари тўғрисидаги ҳужжатларнинг;

ваколатли орган хулосасининг.

Маҳаллий диний ташкилотни рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги электрон мурожаатга қуйидаги ҳужжатларнинг электрон кўчирма нусхалари илова қилинади:

маҳаллий диний ташкилотни ўз ташаббусига кўра тузаётган, ўн саккиз ёшга тўлган, эллик нафардан кам бўлмаган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари имзоларини ўз ичига олган ҳужжатнинг;

таъсис йиғилишининг маҳаллий диний ташкилотни ташкил этиш, унинг уставини тасдиқлаш ва раҳбар органларини сайлаш тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олган қарорининг;

маҳаллий диний ташкилотнинг давлат тилидаги уставининг;

маҳаллий диний ташкилотни ташкил этиш ташаббускорлари тўғрисидаги ва унинг раҳбар органи аъзолари ҳақидаги ҳужжатларнинг;

маҳаллий диний ташкилотнинг раҳбарида диний профессионал маълумот мавжудлиги тўғрисидаги ҳужжатнинг,

бундан таълимоти диний профессионал таълим тизимини назарда тутмайдиган конфессиялар мустасно;

ваколатли орган хулосасининг;

маҳаллий диний ташкилотнинг почта манзили сифатида фойдаланилиши мўлжалланаётган кўчмас мулкнинг шаҳарсозлик нормалари талабларига мувофиқлиги тўғрисидаги хулосалар илова қилинган ҳолда маҳаллий ижроия ҳокимияти органи (Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари) хулосасининг.

18-модда. Қайта ташкил этиш йўли билан ташкил этилган диний ташкилотни рўйхатдан ўтказиш учун талаб қилинадиган ҳужжатлар

Қўшиб юбориш, қўшиб олиш, бўлиш, ажратиб чиқариш ёки ўзгартириш шаклида қайта ташкил этиш йўли билан ташкил этилган диний ташкилотни рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги электрон мурожаатга ушбу Қонуннинг 17-моддасида назарда тутилган ҳужжатларга қўшимча равишда қуйидаги ҳужжатларнинг электрон кўчирма нусхалари илова қилинади:

қайта ташкил этилаётган диний ташкилотга маълум бўлган барча кредиторлар ёзма равишда хабардор қилинганлиги ва оммавий ахборот воситаларида қайта ташкил этиш ҳақидаги хабар эълон қилинганлиги тасдиқномасининг;

қайта ташкил этилаётган диний ташкилотнинг барча кредиторлари ва қарздорларига нисбатан ушбу ташкилотнинг барча мажбуриятлари, шу жумладан тарафлар низолашаётган мажбуриятлар бўйича ҳуқуқий ворислик тўғрисидаги қоидаларни ўз ичига олган топшириш далолатномасининг (қўшиб юбориш ва ўзгартириш чоғида) ёки тақсимлаш балансининг (бўлиш ва ажратиб чиқариш чоғида);

қайта ташкил этилаётган диний ташкилотнинг муҳри ва штампи йўқ қилинганлиги ҳақидаги далолатноманинг.

19-модда. Диний ташкилот уставига ўзгартиш ва (ёки) қўшимчалар киритилганда уни қайта рўйхатдан ўтказиш

Диний ташкилотнинг уставига ўзгартишлар ва (ёки) қўшимчалар киритилган тақдирда, ушбу Қонунда назарда тутилган тартибда қайта рўйхатдан ўтказилиши лозим.

Диний ташкилотни рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги талаблар диний ташкилотни қайта рўйхатдан ўтказишга нисбатан татбиқ этилади.

Диний ташкилотни қайта рўйхатдан ўтказиш ҳақидаги электрон мурожаат рўйхатдан ўтказувчи органга диний ташкилот уставига ўзгартишлар ва (ёки) қўшимчалар киритиш тўғрисида диний ташкилотнинг раҳбар органи томонидан қарор қабул қилинган кундан эътиборан бир ой ичида юборилади.

Диний ташкилотни қайта рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги электрон мурожаатга қуйидаги ҳужжатларнинг электрон кўчирма нусхалари илова қилинади:

уставга киритиладиган ўзгартишлар ва (ёки) қўшимчалар матнининг ёки устав янги таҳрирининг;

диний ташкилот раҳбар органининг уставга ўзгартиш ва (ёки) қўшимчалар киритиш ҳақидаги қарорининг;

диний ташкилотнинг номи ёки рўйхатдан ўтказувчи орган ўзгарган тақдирда — диний ташкилотнинг муҳри ва штампи йўқ қилинганлиги тўғрисидаги далолатноманинг.

Диний ташкилот қайта ташкил этилганлиги (ажратиб чиқарилганлиги ёки қўшиб олинганлиги) муносабати билан қайта рўйхатдан ўтказилган тақдирда ушбу моддада назарда тутилган ҳужжатларга қўшимча равишда қуйидаги ҳужжатларнинг электрон кўчирма нусхалари илова қилинади:

қайта ташкил этилаётган диний ташкилотга маълум бўлган барча кредиторлар ёзма равишда хабардор қилинганлиги ва оммавий ахборот воситаларида қайта ташкил этиш тўғрисидаги хабар эълон қилинганлиги тасдиқномасининг;

қайта ташкил этилаётган диний ташкилотнинг барча кредиторлари ва қарздорларига нисбатан ушбу ташкилотнинг барча мажбуриятлари, шу жумладан тарафлар низолашаётган мажбуриятлар бўйича ҳуқуқий ворислик ҳақидаги қоидаларни ўз ичига олган топшириш далолатномасининг ёки тақсимлаш балансининг;

қайта ташкил этилаётган диний ташкилотнинг муҳри ва штампи йўқ қилинганлиги тўғрисидаги далолатноманинг.

Рўйхатдан ўтказувчи орган ўзгарган тақдирда, диний ташкилотни рўйхатдан ўтказишни амалга оширувчи рўйхатдан ўтказувчи орган илгари диний ташкилотни рўйхатдан ўтказишни амалга оширган рўйхатдан ўтказувчи органдан ташкилотнинг рўйхатдан ўтказилиши билан боғлиқ ҳужжатларни электрон тизим орқали сўраб олади.

Почта манзили, банк реквизитлари ёки раҳбар органнинг таркиби ўзгарган тақдирда, диний ташкилот ушбу масалалар бўйича қарор қабул қилинган кундан эътиборан бир ойлик муддат ичида электрон тизим орқали тегишли қарорларни илова қилган ҳолда рўйхатдан ўтказувчи органни бу ҳақда хабардор қилади.

20-модда. Диний ташкилотни рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги мурожаатни кўриб чиқиш

Электрон мурожаатни юборувчи электрон сўровни шакллантиришни яқунлаб, электрон тизим томонидан автоматик тарзда белгиланадиган давлат божи тўловини амалга оширади.

Давлат божи тўланганидан кейин диний ташкилотни рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги мурожаат кўриб чиқиш босқичига ўтади.

Агар мурожаатда тўғрилаш мумкин бўлган хатолар мавжуд бўлса ёки ушбу Қонунда талаб қилинадиган ёхуд электрон мурожаатни юборувчи ҳавола қилаётган ҳужжатлар мавжуд бўлмаса, рўйхатдан ўтказувчи орган унга беш иш куни ичида хатоларни тузатиш ва етишмаётган ҳужжатларни юбориш учун имкон беради. Рўйхатдан ўтказуви орган электрон мурожаатни юборувчининг илтимосномасига кўра бу муддатни беш иш кунидан кам бўлмаган муддатга узайтириши мумкин.

Рўйхатдан ўтказувчи орган диний ташкилотни рўйхатдан ўтказиш учун юборилган ҳужжатларнинг ишончилигини ва уларнинг қонунчиликка мувофиқлигини текширишга ҳақли.

21-модда. Диний ташкилотни рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги ҳужжатларни кўриб чиқиш муддатлари

Диний ташкилотни рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги ҳужжатлар рўйхатдан ўтказувчи орган томонидан қуйидаги муддатлар ичида кўриб чиқилади:

диний ташкилотни рўйхатдан ўтказиш учун — мурожаат олинган кундан эътиборан бир ойлик муддатда;

диний ташкилотни қайта рўйхатдан ўтказиш учун — мурожаат олинган кундан эътиборан ўн беш кунлик муддатда.

22-модда. Диний ташкилотни рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги ҳужжатларни кўриб чиқиш яқунлари

Рўйхатдан ўтказувчи орган диний ташкилотни рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги ҳужжатларни кўриб чиқиш яқунларига кўра қуйидаги қарорлардан бирини қабул қилади:

диний ташкилотни рўйхатдан ўтказиш ҳақидаги;

диний ташкилотни рўйхатдан ўтказишни рад этиш тўғрисидаги.

Диний ташкилотни рўйхатдан ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда, рўйхатдан ўтказувчи орган қарор қабул қилинган санадан эътиборан уч иш куни ичида:

диний ташкилот ҳақидаги маълумотларни диний ташкилотлар реестрига киритади;

диний ташкилотни солиқ органларида ва статистика органларида ҳисобга қўйишни амалга оширади;

электрон тизимда диний ташкилотнинг шахсий кабинетини яратади;

диний ташкилотнинг рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисидаги электрон гувоҳномани шакллантиради;

диний ташкилотнинг рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисидаги электрон гувоҳномани ва диний ташкилот уставини диний ташкилотнинг электрон тизимдаги шахсий кабинетига юборади.

Диний ташкилотнинг қайта рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисидаги электрон гувоҳномада диний ташкилот ҳақидаги аввалги маълумотлар, шу жумладан унинг номи, рўйхатдан ўтказувчи органнинг номи, диний ташкилот рўйхатдан ўтказилган сана, шунингдек қайта рўйхатдан ўтказилган сана кўрсатилади.

Рўйхатдан ўтказувчи органнинг ўзгариши муносабати билан диний ташкилот қайта рўйхатдан ўтказилган тақдирда, янгитдан рўйхатдан ўтказган орган илгариги рўйхатдан ўтказувчи органни тегишли рўйхатдан ўтказишга оид маълумотларни кўрсатган ҳолда электрон тизим орқали бу ҳақда хабардор қилади.

Диний ташкилотни рўйхатдан ўтказиш рад этилган тақдирда, қарор қабул қилинган кундан кейин бир иш куни ичида электрон мурожаатни юборувчининг электрон тизимдаги шахсий кабинетига рад этиш асослари кўрсатилган ҳолда хабарнома юборилади.

Диний ташкилотни рўйхатдан ўтказиш рад этилганлиги, башарти рад этиш асослари бартараф этилса, ҳужжатларни такроран тақдим этиш учун монелик қилмайди.

23-модда. Диний ташкилотни рўйхатдан ўтказишни рад этиш учун асослар

Диний ташкилотни рўйхатдан ўтказиш қуйидаги ҳолларда рад этилиши мумкин, агар:

диний ташкилотнинг ташкил этилиши конституциявий тузумни зўрлик билан ўзгартириш, Ўзбекистон Республикасининг

суверенитети, яхлитлиги ва хавфсизлигига қарши чиқиш, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини камситиш, урушни, ижтимоий, миллий, ирқий ҳамда диний адоватни тарғиб этиш, фуқароларнинг соғлиғига ва халқнинг маънавиятига тажовуз қилиш мақсадини кўзлаган бўлса;

диний ташкилотни тузишнинг қонунда белгиланган тартиби бузилган бўлса ёки тақдим этилган ҳужжатларда қонунчиликка номувофиқликлар мавжуд бўлса;

тузилаётган ташкилот диний ташкилот сифатида эътироф этилмаган бўлса;

тақдим этилган таъсис ҳужжатларида атайин нотўғри ахборот мавжудлиги аниқланган бўлса.

Рўйхатдан ўтказувчи органнинг диний ташкилотни рўйхатдан ўтказишни рад этиш тўғрисидаги қарори устидан судга шикоят қилиниши мумкин.

24-модда. Диний ташкилотлар реестри

Рўйхатдан ўтказилган диний ташкилот адлия органлари томонидан электрон тизимда юритиладиган ва ҳамма танишиб чиқиши учун очиқ бўлган диний ташкилотлар реестрига (бундан буён матнда реестр деб юритилади) киритилади.

Реестрда қуйидагилар кўрсатилади:

диний ташкилотнинг номи ва унинг қайси конфессияга мансублиги;

диний ташкилотнинг жойлашган ери (почта манзили);

диний ташкилот фаолият кўрсатадиган ҳудуд;

ташаббускорлар (таъсисчилар) иштирокчилар тўғрисидаги ахборот (фамилияси, исми, отасининг исми), алоқа боғлаш учун маълумотлар;

раҳбар органнинг номи ва почта манзили, алоқа боғлаш учун маълумотлар;

диний ташкилот рўйхатдан ўтказилган сана ва бошқа ахборот.

5-боб. Диний ташкилотнинг фаолиятини тўхтатиб туриш ва тугатиш

25-модда. Диний ташкилотнинг фаолиятини тўхтатиб туриш

Диний ташкилотнинг фаолияти, у Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, ушбу Қонун ва бошқа

қонунчилик ҳужжатларини бузган тақдирда, суд томонидан тўхтатиб турилиши мумкин.

Диний ташкилот томонидан қонунчилик ҳужжатлари талаблари бузилган, шунингдек ташкилотнинг ўз устав мақсадларига зид ҳаракатлар содир этилган тақдирда, прокуратура органлари ёки рўйхатдан ўтказувчи орган мазкур қоидабузарликларни бартараф этиш тўғрисидаги тақдимномани ушбу диний ташкилотнинг раҳбар органларига киритади ҳамда бу қоидабузарликларни бартараф этиш муддатини белгилайди. Агар бу қоидабузарликлар белгиланган муддатда бартараф этилмаса, диний ташкилот фаолияти прокуратура органларининг ёки рўйхатдан ўтказувчи органнинг тақдимномаси асосида суд қарори билан олти ойгача бўлган муддатга тўхтатиб турилади.

Фавқулодда ҳолат жорий этилган тақдирда диний ташкилотнинг фаолиятини тўхтатиб туриш тартиби қонунда белгиланади.

26-модда. Диний ташкилотнинг фаолиятини тўхтатиб туриш оқибатлари

Диний ташкилотнинг фаолияти суднинг қарорида белгиланган муддатга тўхтатиб турилган тақдирда, унинг хайрия фондлари муассиси сифатидаги ҳуқуқлари ҳам тўхтатиб турилади, унга тадбирлар ташкил этиш, банк омонатларидан фойдаланиш тақиқланади, бундан хўжалик фаолияти, меҳнат шартномалари бўйича ҳаражатлар, ўз ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) туфайли етказилган зарарларнинг ўрнини қоплаш ва жарималар тўлашга доир ҳаражатлар мустасно.

Агар диний ташкилот фаолиятини тўхтатиб туришнинг суд томонидан белгиланган муддати давомида унинг фаолияти тўхтатилиши учун асос бўлиб хизмат қилган қоидабузарликлар бартараф этилса, мазкур муддат тугаганидан кейин диний ташкилот ўз фаолиятини қайтадан бошлаши мумкин.

Диний ташкилот кўрсатилган қоидабузарликни бартараф этмаган тақдирда, унинг фаолиятини тўхтатиб туриш тўғрисида судга тақдимнома киритган орган мазкур диний ташкилотни тугатиш ҳақида судга тақдимнома киритиши мумкин.

27-модда. Диний ташкилотни тугатиш тартиби

Диний ташкилотни тугатиш қонунчиликка ва диний ташкилотнинг уставига асосан амалга оширилади.

Диний ташкилотни тугатиш диний ташкилотнинг ваколатли раҳбар органи қарорига биноан ихтиёрий равишда ёки ушбу Қонун 26-моддасининг учинчи қисмига мувофиқ суд тартибида амалга оширилади.

Диний ташкилотни тугатиш тўғрисида қарор қабул қилган диний ташкилотнинг раҳбар органи ёки суд тугатувчини — тугатиш комиссиясини ёки жисмоний шахсни тайинлайди, диний ташкилотни тугатиш муддатини белгилайди.

Тугатиш комиссияси таркибига, қоида тариқасида, тегишли юридик, иқтисодий маълумотга эга ва (ёки) бухгалтерия соҳасида амалий тажрибага эга бўлган шахслар киритилади.

Диний ташкилотнинг раҳбар органи томонидан диний ташкилотни тугатиш тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда, тугатувчи ҳақидаги маълумотлар рўйхатдан ўтказувчи органга диний ташкилотни тугатиш тўғрисида раҳбар орган қабул қилган қарорнинг электрон кўчирма нусхаси илова қилинган ҳолда уч иш куни ичида электрон тизим орқали тақдим этилади.

Диний ташкилот суд томонидан тугатилган тақдирда, тугатувчи суднинг қарорини электрон тизим орқали олганидан кейин қарорнинг электрон кўчирма нусхасини рўйхатдан ўтказувчи органга уч иш куни ичида тақдим этади.

Рўйхатдан ўтказувчи орган тугатувчи тўғрисидаги маълумотларни ва диний ташкилотни тугатиш ҳақидаги раҳбар органнинг қарорини олганидан кейин икки иш куни ичида реестрга диний ташкилотнинг тугатиш жараёнида эканлиги тўғрисидаги маълумотларни киритади ҳамда бу ҳақда диний ташкилот давлат рўйхатидан ўтказилган жойдаги солиқ органларини ва статистика органларини, кўчмас мулкка ва автотранспортга бўлган ҳуқуқларни рўйхатдан ўтказувчи органларни, шунингдек суд ҳужжатларини ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этишни таъминлаш бўйича органларни электрон тизим орқали хабардор қилади.

28-модда. Реестрга диний ташкилот тугатилганлиги тўғрисида ёзув киритиш

Реестрга диний ташкилот тугатилганлиги тўғрисида ёзув киритиш учун тугатувчи бу ҳақда рўйхатдан ўтказувчи органга электрон тизим орқали электрон мурожаат юборади.

Электрон мурожаатга қуйидаги ҳужжатларнинг кўчирма нусхалари илова қилинади:

диний ташкилот тугатилганлиги тўғрисида даврий босма нашрда берилган эълоннинг;

белгиланган тартибда тасдиқланган тугатиш балансининг;

диний ташкилотнинг барча ҳисобварақлари ёпилганлиги тўғрисида хизмат кўрсатувчи банклар маълумотномаларининг;

кредиторларнинг талаблари тўлиқ қаноатлантирилганидан кейин қолган мол-мулк тасарруф этилганлиги фактини тасдиқловчи ҳужжатларнинг;

муҳрлар ва штамплар йўқ қилинганлиги ҳақидаги далолатноманинг;

лицензиялар ва руҳсатномаларнинг (мавжуд бўлган тақдирда);

солиқ органларининг солиқлар ва йиғимлар бўйича қарздорлик мавжуд эмаслиги тўғрисидаги хулосасининг;

суд ҳужжатларини ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш бўйича органнинг диний ташкилот қардор сифатида иштирок этаётган, ижро этилмаган ижро ҳужжати мавжуд эмаслиги ҳақидаги хабарномаси;

диний ташкилот ҳужжатларининг давлат архивига топширилганлигини тасдиқловчи маълумотноманинг.

Бунда ҳужжатларнинг асл нусхалари рўйхатдан ўтказувчи органга икки иш куни ичида тақдим этилади.

Рўйхатдан ўтказувчи орган тугатувчининг электрон мурожаати олинганидан кейин реестрга диний ташкилот тугатилганлиги тўғрисида беш иш куни ичида ёзув киритади.

Агар ҳужжатларнинг тўлиқ рўйхати тақдим этилмаган ёки улар лозим тартибда расмийлаштирилмаган бўлса, шунингдек тақдим этилган ҳужжатларда атайин нотўғри ахборот мавжудлиги аниқланган бўлса, реестрга ёзув киритилиши рад этилиши мумкин.

Реестрга ёзув киритиш рад этилган тақдирда, рўйхатдан ўтказувчи орган тугатувчига рад этиш асосларини кўрсатган ҳолда электрон тизим орқали билдиришнома юборади.

Реестрга ёзув киритиш ҳақидаги қарор рўйхатдан ўтказувчи орган раҳбарининг хулосаси тарзида қабул қилинади.

Рўйхатдан ўтказувчи орган диний ташкилот тугатилганлиги тўғрисида реестрга ёзув киритилганидан кейин икки иш куни ичида:

диний ташкилот тугатилганлиги тўғрисида тугатувчини, солиқ органларини ва статистика органларини электрон тизим орқали хабардор қилади;

диний ташкилотга берилган лицензиялар ва руҳсатномаларни (мавжуд бўлган тақдирда) уларни берган органларга топширади.

Диний ташкилот реестрга диний ташкилот тугатилганлиги тўғрисидаги ёзув киритилган пайдан эътиборан тугатилган деб ҳисобланади.

29-модда. Ўз фаолиятини тугатган диний ташкилотнинг мол-мулкни тасарруф этиш

Диний ташкилотга унга фойдаланиб туриш учун берилган мол-мулк унинг фаолияти тугатилганидан кейин аввалги эгасига қайтарилади.

Диний ташкилотнинг фаолияти тугатилганда унинг тасарруфидаги мол-мулкка эгалик қилиш унинг уставига ва қонунчиликка мувофиқ амалга оширилади. Кредиторларнинг даъволари бўйича ундириш қаратилиши мумкин бўлмаган, ибодат қилиш учун мўлжалланган мол-мулкнинг рўйхати Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Ҳуқуқий ворислар мавжуд бўлмаганда мол-мулк давлат мулкига ўтади.

6-боб. Яқунловчи қоидалар

30-модда. Низоларни ҳал этиш

Виждон эркинлигини таъминлаш, шунингдек диний ташкилотлар фаолиятини тартибга солиш соҳасида юзага келадиган низолар қонунчиликда белгиланган тартибда ҳал этилади.

31-модда. Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисидаги қонунчиликни бузганлик учун жавобгарлик

Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисидаги қонунчиликни бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

32-модда. Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш

Қуйидагилар ўз кучини йўқотган деб топилсин:

1) Ўзбекистон Республикасининг 1991 йил 14 июнда қабул қилинган «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги 289-ХП-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1991 йил, № 8, 186-модда);

2) Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1991 йил 14 июнда қабул қилинган «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга киритиш ҳақида»ги 290-ХП-сонли Қарори (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1991 йил, № 8, 187-модда);

3) Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 3 сентябрда қабул қилинган «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги 934-ХП-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 йил, № 9, 334-модда);

4) Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 1 майда қабул қилинган «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги 618-І-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, № 5-6, 99-модда);

5) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1998 йил 1 майда қабул қилинган «Янги таҳрирдаги «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга киритиш тартиби ҳақида»ги 619-І-сонли Қарори (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, № 5-6, 100-модда);

6) Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 31 декабрда қабул қилинган «Солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонунларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги ЎРҚ-197-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2008 йил, № 12, 640-модда) 2-моддаси;

7) Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 18 апрелда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги ЎРҚ-476-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2018 йил, № 4, 224-модда) 2-моддаси;

8) Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 21 апрелда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида»ги ЎРҚ-683-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси

палаталарининг Ахборотномаси, 2021 йил, 4-сонга илова) 5-моддаси.

33-модда. Ушбу Қонуннинг ижросини, етказилишини, моҳияти ва аҳамияти тушунтирилишини таъминлаш

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва бошқа манфаатдор ташкилотлар ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

34-модда. Қонунчиликни ушбу Қонунга мувофиқлаштириш

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:
ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштиради;
давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

35-модда. Ушбу Қонуннинг кучга кириши

Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга кирилади.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,
2021 йил 5 июль,
ЎРҚ-699-сон

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ФАРМОНИ
“МИЛЛАТЛАРАРО МУНОСАБАТЛАР ВА ХОРИЖИЙ
МАМЛАКАТЛАР БИЛАН ДЎСТЛИК АЛОҚАЛАРИНИ
ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ
ТЎҒРИСИДА”**

Мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб бағрикенглик ва инсонпарварлик маданиятини ривожлантириш, миллатлараро ва конфессиялараро ҳамжиҳатликни, жамиятда фуқаролар тотувлигини мустаҳкамлаш, барча фуқароларга миллати ва диний эътиқодидан қатъи назар, тенг ҳуқуқ ва имкониятлар яратиш, ёш авлодни ватанпарварлик, миллий ва умуминсоний кадриятларга ҳурмат, Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялаш Ўзбекистонда давлат сиёсатининг муҳим устувор йўналишларидан бири этиб белгиланган.

Бугунги кунда республикамызда фаол «халқ дипломатияси» асосида чет элдаги ватандошларимиз билан мунтазам ва ўзаро фойдали муносабатларни йўлга қўйиш, хорижий мамлакатлар билан дўстона муносабатларни ва маданий-маърифий алоқаларни мустаҳкамлаш орқали ўз фаолиятини Ўзбекистонда яшаб келаётган барча миллат ва этник диаспораларнинг тарихи, маданияти, маънавий кадриятлари, миллий анъаналари ва урф-одатларини сақлаш ҳамда ҳар томонлама ривожлантириш тамойилларига асосан олиб бораётган Республика байналмилал маданият маркази, 138 та миллий маданий марказлар, Ўзбекистон хорижий мамлакатлар билан дўстлик ва маданий-маърифий алоқалар жамиятлари кенгаши, шунингдек, 34 та дўстлик жамиятлари мувафаққиятли фаолият юритиб келмоқда.

Фуқаролар тотувлиги барқарорлигини, турли миллатлар вакиллари ўртасидаги тинчлик ва ҳамжиҳатликни таъминлашга, ватандошларимиз онгида кўп миллатли ягона оила туйғусини мустаҳкамлашга, миллий маданий марказлар ва дўстлик жамиятлари фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва янада ривожлантиришга, хорижий мамлакатлар билан маданий-маърифий алоқаларни кенгайтиришга, мамлакатимизнинг жамият турли соҳаларидаги ютуқлари мазмун ва моҳияти тарғиботига, шунингдек, ушбу йўналишда бажарилаётган ишларни ва амалга оширилаётган чора-тадбирларни самарали мувофиқлаштиришга

йўналтирилган давлат сиёсатини босқичма-босқич рўёбга чиқариш мақсадида:

1. Республика байналмилал маданият маркази (бундан буён матнда Марказ деб юритилади) ва дўстлик жамиятларининг Марказ негизда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари қўмитасини (бундан буён матнда Қўмита деб юритилади) ташкил этиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

2. Қуйидагилар Қўмитанинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

жамиятда миллатлараро ҳамжиҳатлик ва бағрикенгликни таъминлашга қаратилган давлат сиёсатини изчил амалга ошириш, дўстлик ва кўп миллатли ягона оила туйғуси муҳитини мустаҳкамлаш, ёшларни миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш;

дўстона халқаро алоқаларни йўлга қўйиш, ўзаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантириш, хорижий мамлакатларнинг фуқаролик ҳамжамиятлари, шу жумладан чет элларда истиқомат қилаётган ватандошларимиз билан дўстликни мустаҳкамлаш борасидаги ишларни самарали мувофиқлаштириш;

давлат органларининг республика ҳудудида жойлашган миллий маданий марказлар ва дўстлик жамиятлари билан ўзаро алоқаси ва ҳамкорлигини таъминлаш;

мамлакатимизда яшовчи турли миллат ва элатлар вакилларининг ўзига хос миллий анъаналари, урф-одатлари ва расм-русумларини асраб-авайлаш ва ривожлантиришга кўмаклашиш;

хорижий мамлакатларда давлатимизнинг тинчликсевар сиёсати, демократик ҳуқуқий давлат, кучли фуқаролик жамияти қуриш борасида Ўзбекистоннинг мақсад ва вазифаларини, шунингдек, бугунги кунда мамлакат ҳаётининг барча соҳаларида эришилаётган муваффақиятларни кенг тарғиб қилиш;

миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқаларини янада ривожлантириш ва уйғунлаштиришга бағишланган илмий-тадқиқот ишларини ташкил қилишда кўмаклашиш ва бевосита қатнашиш.

3. Қўмита ташкил этилганлиги муносабати билан Ўзбекистон хорижий мамлакатлар билан дўстлик ва маданий-маърифий

алоқалар жамиятлари кенгашининг таъсисчилари томонидан ушбу Кенгашни тугатиш ҳақидаги қарор қабул қилинганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

4. Белгилансинки:

Қўмита миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқаларини мустаҳкамлашга йўналтирилган ягона давлат сиёсатининг амалга оширилишини таъминловчи давлат бошқаруви органи ҳисобланади;

Қўмита барча ҳуқуқлар, мажбуриятлар ва тузилган шартномалар, шу жумладан, халқаро мажбуриятлар ва шартномалар бўйича Марказнинг ҳуқуқий вориси ҳисобланади;

Қўмитага Ўзбекистон Республикаси Бош вазири тақдимига биноан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан лавозимга тайинланадиган ва лавозимдан озод этиладиган раис бошчилик қилади;

Қўмита раисининг ўринбосарлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод этилади;

Қўмита раиси мақоми, маиший таъминоти, тиббий ва транспорт хизматидан фойдаланиш борасидаги шарт-шароитларига кўра — вазирнинг биринчи ўринбосарига, унинг ўринбосарлари — вазир ўринбосарларига тенглаштирилади;

жойларда миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари борасидаги ишларни мувофиқлаштириш Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг жамоат ва диний ташкилотлар билан алоқалар бўйича ўринбосарлари зиммасига юкланади.

Олдинги таҳрирга қаранг.

(5-банд Ўзбекистон Республикаси Президентининг йил 30 апрелдаги ПФ-6218-сонли Фармонида асосан ўз кучини йўқотган — Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 30.04.2021 й., 06/21/6218/0398-сон)

6. Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари, жисмоний ва юридик шахсларнинг грантлари ва ҳомийлик маблағлари ҳамда қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар Қўмита фаолиятини молиялаштириш манбалари этиб белгилансин.

7. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги хорижий мамлакатларда фаолият олиб бораётган турдош ташкилотлар, ўзбек маданий марказлари ва жамиятлари ҳақида маълумотлар базасини шакллантириш ва юритишда, шунингдек, хорижий мамлакатларда фаолият олиб бораётган тегишли ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйишда ва ривожлантиришда Қўмитага амалий ёрдам кўрсатсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ҳафта муддатда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари қўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги қарори лойиҳасини тасдиқлаш учун киритсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 9 декабрдаги «Республика давлат бошқаруви органлари тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги ПФ-3358-сон Фармони иловасининг IV бўлими қуйидаги мазмундаги 4-банд билан тўлдирилсин:

«4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари қўмитаси».

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил 26 майдаги «Ўзбекистон хорижий мамлакатлар билан дўстлик ва маданий-маърифий алоқалар жамиятлари кенгашини қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-1785-сон Фармони ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

11. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Р.Т. Комилов зиммасига юклансин.

 LexUZ шарҳи

Ушбу Фармон «Халқ сўзи» газетасининг 2017 йил 23 майдаги 101 (6795)-сонида эълон қилинган.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,
2017 йил 19 май,
ПФ-5046-сон

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Миллатлараро
муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик
алоқаларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари
тўғрисида”ги Фармониغا
ШАРҲ**

Жамиятда бағрикенглик ва инсонпарварлик маданиятини юксалтириш, миллатлараро ва конфессиялараро ҳамжиҳатликни, фуқаролар тотувлигини таъминлаш, шунингдек, хорижий мамлакатлар билан дўстона, тенг ҳуқуқли ва ўзаро манфаатли муносабатларни мустаҳкамлаш Ўзбекистон давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан биридир.

Булар Конститутутсиямизда мустаҳкамланган фуқароларнинг ирки, миллати, тили, этники, шахсий ва ижтимоий келиб чиқишидан қатъи назар, қонун олдида тенглиги тамойиллари ҳамда турли миллат ва элатлар вакилларининг тили, урф-одатлари ва анъаналарини ҳурмат қилиш, уларни ривожлантириш учун зарур шарт-шароитларни яратишга асосланади.

Жамиятда дўстлик ва аҳиллик, тинчлик ва барқарорлик муҳитини мустаҳкамлаш ижтимоий, сиёсий, ҳуқуқий, иқтисодий, гуманитар ва маънавий соҳаларда ислохотларни изчил амалга ошириш, халқаро майдонда мамлакатимиз нуфузини янада оширишнинг муҳим омили ва зарур шarti ҳисобланади.

Бугун Ўзбекистонда 130 дан ортиқ миллат ва элат вакиллари бир оила бўлиб яшамоқда. Улар барча соҳа ва тармоқларда фидокорона меҳнат қилиб, ривожланган бозор иқтисодиётига асосланган демократик ҳуқуқий давлат қуришга ва кучли фуқаролик жамиятини шакллантиришга катта ҳисса қўшмоқдалар. Мустақиллик йилларида миллий маданий марказларнинг 120 дан ортиқ фаоли давлат мукофотларига сазовор бўлди, орден ва медаллар билан тақдирланди, жумладан, 14 нафарига «Ўзбекистон Қаҳрамони» юксак унвони берилди.

Республика байналмилал маданият маркази, 138 миллий маданий марказ, Ўзбекистон хорижий мамлакатлар билан дўстлик ва маданий-маърифий алоқалар жамиятлари кенгаши, шунингдек, 34 дўстлик жамияти фаолияти Ўзбекистондаги барча миллатлар ва элатларнинг тарихи, маданияти, маънавий қадриятлари, анъана ҳамда урф-одатларини асраш ва ҳар томонлама ривожлантириш, миллатлараро муносабатларни уйғунлаштириш, жамият ва давлатни барқарор ривожлантиришда муҳим ўрин тутди.

Улар «халқ дипломатияси» механизмидан фаол фойдаланган ҳолда тинч ва фаровон ҳаётни асраш, хорижий мамлакатлар билан дўстона муносабатлар ва маданий-маърифий алоқаларни ривожлантириш, чет элдаги ҳамюртлар билан яқин ва ўзаро манфаатли муносабатларни йўлга қўйишга салмоқли ҳисса қўшмоқда. Бугунги кунда мамлакатимиз таълим муассасаларида ўқиш 7 тилда олиб борилмоқда. Теле-радио кўрсатув ва эшиттиришлар 12 тилда эфирга узатилмоқда, газета ва журналлар 10 дан ортиқ тилда чоп этилмоқда.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг қабул қилиниши ва амалга оширилиши, биз яшаётган бугунги даврнинг ўзи давлатимиз мустақиллиги ва суверенитетини мустаҳкамлаш, мамлакат атрофида хавфсизлик, барқарорлик ва яқин қўшничилик муҳитини яратишга қаратилган пухта ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий сиёсатни юритиш, шунингдек, аҳоли, айниқса, ёшлар онгида инсонпарварлик қадриятларини, турли миллат вакиллари ўртасида ўзаро ҳамжиҳатликни янада мустаҳкамлаш, бу борада амалга оширилаётган ишларни сифат жиҳатидан янги босқичга кўтаришни тақозо этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқаларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони жамиятда барқарорлик, тинчлик ва тотувликни таъминлаш, фуқаролар онгида катта, кўп миллатли ягона оилага мансублик туйғусини мустаҳкамлаш, миллий маданий марказлар ва дўстлик жамиятлари фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва янада ривожлантириш, хорижий мамлакатлар билан маданий-маърифий алоқаларни кенгайтиришга қаратилган.

Хусусан, Республика байналмилал маданият маркази ва Ўзбекистон хорижий мамлакатлар билан дўстлик ва маданий-маърифий алоқалар жамиятлари кенгаши негизида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари қўмитасининг ташкил этилиши муҳим аҳамият касб этади.

Мазкур Қўмита зиммасига жамиятда миллатлараро тотувлик ва бағрикенгликни таъминлаш, тинчликсевар сиёсатни, мамлакат

ҳаётининг барча соҳаларида эришилган ютуқ ва муваффақиятларни кенг тарғиб қилиш, халқаро ҳамжамият, шу жумладан, чет элдаги ҳамюртларимиз диаспораси билан дўстликни мустаҳкамлашга доир давлат сиёсатини изчил амалга ошириш вазифаси юкланади.

Қўмита миллатлараро тотувлик, дўстлик ва ҳамжиҳатлик тамойилларини қарор топтириш, миллатлараро муносабатлар маданиятини ривожлантиришга қаратилган ижтимоий ташаббусларни қўллаб-қувватлаш, мувофиқлаштириш ва рағбатлантиришга доир чора-тадбирларни амалга оширади. Шунингдек, миллий маданий марказларга амалий ва методик ёрдам кўрсатади, уларнинг ташаббусларини қўллаб-қувватлайди, миллати, ирқи ва диний эътиқодидан қатъи назар, фуқаролар онгида кўп миллатли ягона оила туйғусини мустаҳкамлаш, «Ўзбекистон – умумий уйимиз» тамойилини амалга ошириш чораларини кўради.

Ёшларни бағрикенглик, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат, тарих, маданият, миллий анаъана ва урф-одатларни асраб-авайлаш руҳида тарбиялашга алоҳида эътибор қаратилади. Бу миллатчилик ва экстремизм ақидаларига қарши мафкуравий иммунитетга эга, мустақиллик ғояларига содиқ, Ўзбекистон миллий манфаатларини ҳимоя қиладиган ва илгари сурадиган маънавий баркамол авлодни шакллантириш имконини беради.

Қўмитага давлат органларида миллий маданий марказлар ва дўстлик жамиятларининг манфаатларини ҳимоя қилиш, улар фаолиятини мувофиқлаштириш, мамлакатимизда яшаётган турли миллат ва элат вакилларининг ўзига хос миллий анъаналари, урф-одатлари ва маросимларини асраш ва ривожлантиришга кўмаклашиш вазифаси юкланган.

Фармонда хорижий мамлакатлар билан дўстона муносабатларни, чет элдаги ҳамюртларимиз ва турдош ташкилотлар билан алоқаларни янада мустаҳкамлаш вазифалари белгиланган. Қўмита мамлакатимизда фаолият юритаётган хорижий мамлакатларнинг ташкилотлари ва дипломатик ваколатхоналари, хорижий давлатларда фаолият кўрсатаётган турдош ташкилотлар билан самимий ва ўзаро ҳурматга асосланган алоқалар ўрнатиш ҳамда изчил ривожлантиришга қаратилган ишларни тизимли амалга оширади.

Бу борадаги ишлар халқаро ҳамжамиятда республиканинг нуфузи ва мақомини янада юксалтириш, Ўзбекистонда ҳуқуқий демократик давлат ва кучли фуқаролик жамиятини куриш борасида эришилган ютуқларни кенг жамоатчиликка етказишга қаратилган. Бу борада ўзбек халқининг бой тарихи, маданияти, маънавий қадриятлари ва анъаналари, шу заминда туғилиб ўсган буюк олим ва мутафаккирлар мероси, уларнинг жаҳон цивилизациясига қўшган ҳиссасини кенг намойиш этиш бўйича тадбирлар ўтказилади.

Қўмита ўзбек халқининг мамлакатимиз ташқарисидаги тарихий ва маданий мерос объектларини асраб-авайлашни таъминлаш мақсадида давлат ва нодавлат ташкилотлар билан фаол ҳамкорлик қилиш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратади.

Хорижий мамлакатлар билан миллатлараро муносабатлар ва дўстона алоқаларни янада ривожлантириш ва уйғунлаштиришга қаратилган илмий-тадқиқот ишларини ташкил қилиш ва олиб боришда бевосита иштирок этишга кўмаклашиш Қўмитанинг устувор вазифалари сифатида белгиланган.

Фармонга мувофиқ ҳудудларда миллатлараро муносабатларни ривожлантириш ва хорижий мамлакатлар билан дўстона алоқаларни йўлга қўйиш борасидаги ишларни мувофиқлаштириш Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг жамоат ва диний ташкилотлар билан алоқалар бўйича ўринбосарлари зиммасига юклатилади.

Мухтасар айтганда, Фармон қоидаларининг ҳаётга татбиқ этилиши мамлакатда миллатлараро ва конфессиялараро тотувлик, тинчлик ва барқарорликни таъминлаш бўйича яхлит тизимни ривожлантириш, миллий маданий марказлар учун янада қулай ва кенг имкониятлар яратиш, уларнинг бунёдкорлик ташаббуслари ва интилишларини қўллаб-қувватлаш, фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш, хорижий мамлакатлар билан дўстлик ва маданий-маърифий алоқаларини янада ривожлантириш, “халқ дипломатияси” воситасида чет элдаги ватандошлар билан муносабатларни кенгайтиришга хизмат қилади.¹

¹ Қаранг: <https://president.uz/uz/lists/view/532>

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ФАРМОНИ**
**“МИЛЛАТЛАРАРО МУНОСАБАТЛАР СОҲАСИДА
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СИЁСАТИ
КОНЦЕПЦИЯСИНИ ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА”**

Сўнги йилларда давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири — жамиятда миллатлараро тотувлик ва бағрикенгликни таъминлаш, дўстлик муҳитини ва кўп миллатли катта ягона оила туйғусини мустаҳкамлаш, ёшларни Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат билан қараш руҳида тарбиялаш, хорижий мамлакатлар билан маданий-маърифий алоқаларни кенгайтиришга йўналтирилган кенг миқёсдаги ишлар амалга оширилди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг қоидалари турмушга фаол татбиқ этилмоқда, бу қоидалар Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари миллатидан қатъи назар Ўзбекистон халқини ташкил этишини, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ўзининг ҳудудида яшовчи миллат ва элатларнинг тили, урф-одати ва анъаналарига ҳурмат билан муносабатда бўлишни, уларни ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратилишини эълон қилади ва қафолатлайди.

Ушбу мақсадларда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари кўмитаси ташкил этилган бўлиб, у ўз фаолиятини юритмоқда ҳамда жамиятда миллатлараро тотувлик ва бағрикенгликни таъминлаш бўйича давлат сиёсатини изчил амалга ошириб келмоқда.

Бугунги кунда мамлакатимизда яшаб келаётган 130 дан зиёд миллат ва элатларнинг вакиллари Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари тақдим этган тенг ҳуқуқ ва имкониятлардан фойдаланиб, иқтисодийнинг турли тармоқларида ва ижтимоий соҳада, илм-фан ва маданият соҳаларида самарали меҳнат қилиб, Ватанимизнинг гуллаб-яшнашига ва унинг мустақиллигини мустаҳкамлашга, республиканинг халқаро майдондаги обрў-эътибори ва имижини оширишга муносиб ҳисса қўшиб келмоқдалар.

Амалга оширилаётган устувор йўналишлар суръатини, кенг қўламли демократик ислоҳотларни, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий,

маънавий жиҳатдан эркинлаштириш ва жамият ҳаётининг бошқа жабҳаларида эришилган салмоқли муваффақиятлар таҳлили Ўзбекистон халқи ягона ғоя — Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари бўйича олижаноб мақсадлар ва ғоят муҳим вазифаларга эришишдан иборат ягона мақсад атрофида бирлашганлигини таъкидлаш учун барча асосларни беради.

Шу билан бирга, халқаро ва минтақавий муносабатларда давом этаётган глобаллашув ва трансформация, дунёда иқтисодий, сиёсий, миллий, диний ва бошқа зиддиятлар кучайиб, ахборот ва кибермаконларида қарама-қарши кураш ортиб бораётган бир шароитда миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқаларини янада ривожлантириш соҳасида ўз ечимини тақозо этаётган бир қатор долзарб масалалар сақланиб қолмоқда, қуйидагилар шулар жумласидан:

миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқаларини янада ривожлантириш соҳасида давлат органлари ва ташкилотларининг, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг фуқаролик жамияти институтлари билан ўзаро ҳамкорлик даражасини янада ошириш;

жамиятда юзага келиши мумкин бўлган можароли вазиятлар ва ихтилофларнинг барвақт олдини олиш ва уларни профилактика қилиш бўйича фаолиятни ташкил этиш асоси сифатида жойларда миллатлараро муносабатлар ҳолатини мониторинг қилиш тизими ва механизмларини йўлга қўйиш;

миллатлараро муомала маданиятини тарбиялаш, Ўзбекистон халқининг тарихи ва анъаналарини ўрганиш бўйича таълим, ахборот ва маданий-маърифий чора-тадбирлар комплексини амалга ошириш;

миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқаларини янада ривожлантириш соҳасида давлат органлари мутахассисларини, шунингдек, бошқа ташкилотлар ходимларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш борасидаги ишларни такомиллаштириш.

Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқаларини янада ривожлантириш соҳасида давлат сиёсатини изчил амалга ошириш ва янада такомиллаштириш мақсадида, шунингдек, 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон

Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ:

1. Қуйидагилар миллатлараро муносабатлар соҳасида Ўзбекистон Республикаси давлат сиёсатининг асосий йўналишлари этиб белгилансин:

миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқаларини янада ривожлантириш соҳасида Ўзбекистон Республикасининг давлат сиёсатини амалга ошириш жараёнида давлат органлари ва ташкилотларининг, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг фуқаролик жамияти институтлари билан, шу жумладан оммавий ахборот воситалари билан ўзаро ҳамкорлиги механизмларини такомиллаштириш;

миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқаларини янада ривожлантириш, республикамизда яшаб турган турли миллат ва элат вакилларининг тили, маданияти, анъаналари ва урф-одатларини сақлаш ва ривожлантириш соҳасида Ўзбекистон Республикасининг давлат сиёсатини самарали амалга ошириш учун кўшимча ижтимоий-иқтисодий шарт-шароитлар яратиш;

жамиятда кўп миллатли катта оила ҳис-туйғусини, республикамизда яшаётган турли миллат ва элат вакиллари ўртасида дўстлик ва тотувликни янада мустаҳкамлаш, ёш авлодни Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялаш, фуқароларнинг тенг ҳуқуқлилигини таъминлаш, уларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлари камситилишига йўл қўймаслик;

миллатлараро муносабатларни мустаҳкамлаш, мамлакат ҳудудида ва ундан ташқарида фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида халқаро ҳамкорликни ва чет мамлакатлар билан дўстона алоқаларни ривожлантириш, ватандошларни қўллаб-қувватлаш ва хориждаги ўзбек диаспоралари билан яқин ҳамкорлик қилиш, Ўзбекистоннинг жаҳон майдонидаги обрў-эътибори ва имижини ошириш;

Ўзбекистон Республикасининг давлат ва жамиятни ривожлантиришдаги устувор мақсадларни, илғор хорижий тажрибани эътиборга олган ҳолда миллатлараро муносабатларнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш.

2. Қуйидагилар:

Миллатлараро муносабатлар соҳасида Ўзбекистон Республикаси давлат сиёсати концепцияси (кейинги ўринларда — Концепция) 1-иловага мувофиқ;

2019 — 2021 йилларда Миллатлараро муносабатлар соҳасида Ўзбекистон Республикаси давлат сиёсати концепциясини амалга ошириш бўйича «Йўл харитаси» (кейинги ўринларда — «Йўл харитаси») 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Белгилансинки, Концепция ва «Йўл харитаси»ни сифатли ва ўз вақтида бажарилишини мувофиқлаштириш ҳамда мониторинг қилиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари қўмитаси (кейинги ўринларда — Қўмита) томонидан амалга оширилади.

3. Қўмитанинг унинг тузилмасида илмий-амалий тадқиқотлар, методика ва экспертиза бўлими ўрнига юридик шахс тузмасдан, штатдаги ходимлар сони 4 нафардан иборат Миллатлараро муносабатлар бўйича илмий-амалий тадқиқотлар марказини ташкил этиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

Қуйидагилар ташкил этилаётган Марказнинг асосий вазибалари этиб белгилансин:

миллатлараро муносабатлар соҳасида тизимли асосда илмий, шу жумладан ижтимоий тадқиқотлар, шунингдек, мазкур йўналишдаги жараёнлар ривожининг мониторингини олиб бориш;

миллатлараро муносабатлар соҳасида илмий мақолалар, китоблар, илмий-тадқиқот материаллари, ахборот-таҳлилий шарҳлар тайёрлаш ва эълон қилиш;

етакчи маҳаллий ва хорижий олимлар, экспертлар ва мутахассислар иштирокида миллатлараро муносабатлар соҳасида илмий-назарий ва илмий-амалий конференциялар, анжуманлар, семинарлар, давра суҳбатлари, маърузалар ва бошқа тадбирларни ташкил этиш ва ўтказиш;

миллатлараро муносабатлар соҳасидаги муаммоларни ўрганиш ва уларни ҳал этишда хорижий тажрибани таҳлил қилиш ҳамда Ўзбекистон шароитида ана шу тажрибадан фойдаланиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

миллатлараро тотувликни мустаҳкамлаш, жамиятда миллатчилик оқибатида юзага келиши мумкин бўлган можароли вазиятлар ва ихтилофларнинг барвақт олдини олиш ва уларни профилактика қилиш, шунингдек, мазкур соҳадаги хавфсизликка

тахдид ва хавф-хатарларга қарши курашиш бўйича таклифлар ва тавсиялар тайёрлаш.

4. Қўмита бир ой муддатда:

бошқарув ходимларининг Қўмита зиммасига юкланган вазифаларни профессионал даражада амалга оширишга қодир бўлган, зарур назарий билимлар ва амалий кўникмаларга эга малакали кадрлар билан тўлдирилишини;

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан биргаликда давлат органлари ходимларининг, шунингдек, миллатлараро муносабатлар соҳасида фаолият юритаётган нодавлат нотижорат ташкилотлари вакилларининг (улар розилиги билан) малакасини ошириш бўйича махсус курслар ташкил этилишини таъминласин.

5. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг жамоат ва диний ташкилотлар билан алоқалар бўйича ўринбосарлари зиммасига:

миллий маданий марказларни ривожлантиришга, улар билан ҳамкорликни мустаҳкамлашга, жамиятда миллатлараро тотувликни таъминлашда уларнинг салоҳиятини тўла-тўқис амалга оширишга қаратилган таклифларни тайёрлаш;

миллатлараро тотувликнинг ҳолати ва уни ривожлантириш тенденциялари тўғрисида тегишли ахборот, ахборот-таҳлилий ҳужжатлар, ҳисоботлар тайёрлаш ва уларни кейинчалик Қўмитага киритиш вазифалари юклансин.

6. Миллатлараро муносабатлар соҳасида Ўзбекистон Республикаси давлат сиёсати концепциясини амалга оширишни таъминлаш бўйича Комиссия (кейинги ўринларда — Комиссия) тузилсин ва унинг таркиби 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Қуйидагилар Комиссиянинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

жамиятда фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини, уларнинг жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқодлари, шахсий ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар қонун олдидаги тенглигини таъминлашга қаратилган миллатлараро муносабатларни такомиллаштириш ва тартибга солиш;

миллатлараро муносабатлар соҳасида ишлар ҳолатини жойларга чиқиб тизимли ўрганилишини ташкиллаштириш, Концепция ва «Йўл ҳаритаси»ни амалга оширишда Қўмита, шунингдек, вазирлик ва идоралар фаолиятини самарали мувофиқлаштириш, қилинган ишлар тўғрисида уларнинг раҳбарлари ҳисоботларини доимий равишда эшитиш.

7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

2020 йил 1 январга қадар миллатлараро муносабатлар соҳасида кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш бўйича тизимли ишларни ташкил этишни назарда тутувчи чора-тадбирлар комплексини;

2020 йил 1 февралга қадар миллатлараро муносабатлар соҳасида юзага келиши мумкин бўлган можароли вазиятлар ва ихтилофларнинг барвақт олдини олиш ва уларни профилактика қилиш мақсадида мазкур соҳа ҳолатини мониторинг қилиш тизимини ташкил этиш бўйича амалий чора-тадбирлар режасини тасдиқласин.

8. Қўмита манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда:

хорижий мамлакатлар билан дўстона алоқаларни ўрнатиш ва ривожлантириш мақсадида дўстлик жамиятлари фаолияти такомиллаштирилишини назарда тутувчи чора-тадбирлар комплексини;

миллий маданий марказларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштиришга ҳамда миллатлараро муносабатлар соҳасидаги сиёсатни амалга оширишда уларнинг ролини кучайтиришга қаратилган амалий чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқсин ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

9. Қўмита:

Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 7 октябрдаги 336-сон қарори билан тасдиқланган Раҳбарлари ходимларни Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий прописка қилиш тўғрисида илтимоснома киритиши мумкин бўлган давлат ҳокимияти органлари, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, республика аҳамиятига молик бошқа давлат ташкилотлари рўйхатига;

вазирлик ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари (бир нусхада) мажбурий тарқатиладиган ташкилотлар рўйхатига;

Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг ҳамда бошқа вазирлик ва идораларнинг статистика ахбороти мажбурий тарқатиладиган реестрга киритилсин.

10. Қўйидагиларга:

вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг раҳбарларига — Концепция ва «Йўл ҳаритаси»да белгиланган тадбирларнинг сифатли ва ўз вақтида бажарилиши ҳамда уларнинг амалга оширилиши тўғрисида Қўмитага ҳар чоракда ахборот тақдим этилиши юзасидан;

давлат органлари ва ташкилотларининг раҳбарлари — дўстлик жамиятлари раисларига — раҳбарлик қилаётган органлар ва ташкилотларнинг маъмурий биноларида хизмат хоналари дўстлик жамиятларига беғараз берилиши, шунингдек, белгилаб қўйилган вазифаларнинг самарали бажарилиши учун барча зарур шароитлар яратилиши юзасидан;

Қўмита раиси Р.Д. Қурбоновга — Концепция ва «Йўл ҳаритаси» амалга оширилиши тўғрисидаги йиғма ахборот мазкур йўналишдаги ишлар самарадорлигини ошириш бўйича аниқ таклифлар билан бирга Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ҳар чоракда тақдим этилиши юзасидан шахсан жавобгар эканликлари кўрсатиб ўтилсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси ушбу Фармоннинг мақсад ва вазифалари оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилишини ташкил қилсин.

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 23 майдаги «Ўзбекистон Республикаси Вазир*лар Маҳкамаси ҳузуридаги Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари қўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги ПҚ-2993-сон қарорига 4-иловага мувофиқ ўзгартиришлар ва қўшимча киритилсин.

13. Қўмита манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

14. Ушбу Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов ва Ўзбекистон

Республикаси Президентининг
зиммасига юклансин.

маслаҳатчиси Р.С.Қосимов

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,
2019 йил 15 ноябрь,
ПФ-5876-сон

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 15
ноябрдаги ПФ-5876-сон Фармониغا
1-ИЛОВА**

**МИЛЛАТЛАРАРО МУНОСАБАТЛАР СОҲАСИДА
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СИЁСАТИ
КОНЦЕПЦИЯСИ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Миллатлараро муносабатлар соҳасида Ўзбекистон Республикаси давлат сиёсатининг концепцияси (кейинги ўринларда — Концепция) миллатлараро муносабатлар соҳасида Ўзбекистон Республикаси давлат сиёсатининг мақсадлари, принциплари ва асосий йўналишларини белгилаб берувчи нуқтаи назарлар ягона тизимидан иборатдир.

2. Ушбу Концепцияда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

миллатлараро муносабатларни уйғунлаштириш — миллатлар ва элатларнинг вакиллари ўртасида конструктив ва ўзаро ҳурматга асосланган муносабатларни шакллантириш;

миллатлараро муносабатлар соҳасидаги давлат сиёсати — жамиятда миллатлараро муносабатларни такомиллаштириш ва тартибга солиш соҳасида давлатнинг тизимли фаолиятдан иборат бўлиб, фуқароларнинг Конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини, уларнинг жинси, ирки, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар қонун олдида тенглигини таъминлашга қаратилган;

миллатлараро бағрикенглик — фуқаролик жамиятининг ижтимоий нормаси бўлиб, бошқа миллат ва элатлар вакилларининг умуминсоний кадриятларга зид бўлмаган нуқтаи назарларига, динлари, урф-одатлари, анъаналари ва маданиятига нисбатан муросаи мадорада намоён бўлади;

миллатлараро муносабатлар — мамлакат ҳудудида истиқомат қиладиган миллатлар ва элатлар ўртасидаги, жамият ҳаётининг барча соҳаларини қамраб олган муносабатлардир.

3. Мазкур Концепция Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва

фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорларига, Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига, шунингдек, кўп миллатли Ўзбекистон халқининг тарихий тажрибаси ва анъаналарига асосланади.

4. Концепция инсон ва фуқаронинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлашга, Ўзбекистоннинг бирлиги ва яхлитлигини мустаҳкамлашга, унинг ҳудудида яшовчи миллат ва элатларнинг этник-маданий ўзига хослигини сақлашга, жамиятда миллатлараро бағрикенглик, тотувлик ва тинчликни сақлаб туришга йўналтирилган.

2-боб. Миллатлараро муносабатлар соҳасида Ўзбекистон Республикаси давлат сиёсатининг асосий мақсадлари ва принциплари

5. Миллатлараро муносабатлар соҳасида Ўзбекистон Республикаси давлат сиёсатининг асосий мақсадлари қуйидагилардан иборат:

жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар фуқароларнинг тенг ҳуқуқлари ва эркинликларини, уларнинг қонун олдида тенглигини таъминлаш;

кўп миллатли Ўзбекистон халқининг бирлигини, миллат ва элатларнинг тилига, ҳуқуқий майдон доирасидаги урф-одатлари ва анъаналарига иззат-ҳурмат муносабатини мустаҳкамлаш, уларнинг тўла ҳуқуқли ривожланиши учун шарт-шароитлар яратиш;

миллатлараро муносабатларни уйғунлаштириш, жамиятда дўстлик, ўзаро ҳамжиҳатлик, жипслик, инсонпарварлик ва бағрикенглик маданиятини мустаҳкамлаш;

республиканинг барча миллат ва элатлари саъй-ҳаракатларини олижаноб ғоя — мамлакат суверенитетини мустаҳкамлаш ва барқарор ривожлантириш, давлатнинг ҳудудий яхлитлигини мустаҳкамлаш мақсадларига эришиш ғояси атрофида бирлаштириш, кучли ва адолатли фуқаролик жамиятини ва демократик ҳуқуқий давлатни шакллантириш жараёнларида уларнинг фаол иштирокини таъминлаш;

миллатчилик ва шовинизм намоён бўлиши эҳтимолига қарши курашиш, фуқароларнинг миллатига қараб камситилишига ҳамда Конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлари бузилишига йўл қўймаслик.

6. Миллатлараро муносабатлар соҳасида Ўзбекистон Республикаси давлат сиёсатининг асосий принциплари қуйидагилардан иборат:

фуқароларнинг тенг ҳуқуқлилиги;

ижтимоий адолат;

қонун устуворлиги;

миллат ва элатларнинг маданий, тил ва диний қадриятлари, анъана ва урф-одатларини ўзаро ҳурмат қилиш;

Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг, шу жумладан чет элларда яшовчи фуқароларининг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш;

Ўзбекистон Республикаси давлат суверенитети ва худудий яхлитлиги.

3-боб. Миллатлараро муносабатлар соҳасида Ўзбекистон Республикаси давлат сиёсатининг асосий йўналишлари

7. Миллатлараро муносабатлар соҳасида Ўзбекистон Республикаси давлат сиёсатининг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат:

чет мамлакатлар билан дўстона алоқаларни янада ривожлантириш ва миллатлараро муносабатлар соҳасида Ўзбекистон Республикасининг давлат сиёсатини амалга ошириш жараёнида давлат органлари ва ташкилотларининг, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг фуқаролик жамияти институтлари билан, шу жумладан оммавий ахборот воситалари билан ўзаро ҳамкорлиги механизмларини такомиллаштириш;

миллатлараро муносабатлар ва чет мамлакатлар билан дўстона алоқаларни янада ривожлантириш, республикамизда яшаб турган турли миллат ва элат вакилларининг тили, маданияти, анъаналари ва урф-одатларини сақлаш ва ривожлантириш соҳасида Ўзбекистон Республикасининг давлат сиёсатини самарали амалга ошириш учун қўшимча ижтимоий-иқтисодий шарт-шароитлар яратиш;

жамиятда кўп миллатли катта оила ҳис-туйғусини, республикамизда яшаётган турли миллат ва элат вакиллари ўртасида дўстлик ва тотувликни янада мустаҳкамлаш, ёш авлодни Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялаш, фуқароларнинг тенг ҳуқуқлилигини таъминлаш, уларнинг Конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлари камситилишига йўл қўймаслик;

миллатлараро муносабатларни мустаҳкамлаш, мамлакат ҳудудида ва ундан ташқарида фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида халқаро ҳамкорликни ва чет мамлакатлар билан дўстона алоқаларни ривожлантириш, ватандошларни қўллаб-қувватлаш ва хориждаги ўзбек диаспоралари билан яқин ҳамкорлик қилиш, Ўзбекистоннинг жаҳон майдонидаги обрў-эътибори ва имижини ошириш;

Ўзбекистон Республикасининг давлат ва жамиятни ривожлантиришдаги устувор мақсадларини, илғор хорижий тажрибани эътиборга олган ҳолда миллатлараро муносабатларнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш.

4-боб. Миллатлараро муносабатлар соҳасида Ўзбекистон Республикасининг давлат сиёсатини амалга ошириш механизмлари

8. Миллатлараро муносабатлар соҳасида Ўзбекистон Республикасининг давлат сиёсатини рўёбга чиқариш таҳлил, режалаштириш, прогнозлаштириш принциплари асосида амалга оширилади ва уларда қуйидагилар назарда тутилади:

а) чет мамлакатлар билан дўстона алоқаларни янада ривожлантириш ва миллатлараро муносабатлар соҳасида Ўзбекистон Республикасининг давлат сиёсатини амалга ошириш жараёнида давлат органлари ва ташкилотларининг, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг фуқаролик жамияти институтлари, шу жумладан оммавий ахборот воситалари билан ўзаро ҳамкорлиги механизмларини такомиллаштириш соҳасида:

миллатлараро муносабатлар соҳасида ҳудудий дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

миллатлараро муносабатлар масалалари билан шуғулланувчи давлат органлари ва фуқаролик жамиятининг институтлари ўртасида ўзаро ҳамкорлик ва ижтимоий шерикликни мустаҳкамлаш;

фуқароларнинг этномаданий талабларини ўрганиш, аниқлаш ва қаноатлантиришга, миллатлараро муносабатларни мустаҳкамлашга, миллий сабабларга кўра эҳтимол тутилган можароларнинг олдини олишга кўмаклашувчи Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари қўмитаси қошидаги Жамоатчилик кенгаши ролини кучайтириш;

миллатлараро муносабатлар соҳасида Ўзбекистон Республикасининг давлат сиёсатини амалга ошириш учун масъул бўлган давлат органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини кучайтириш;

миллатлараро муносабатлар соҳасида давлат сиёсатини амалга ошириш масалаларини ёритувчи оммавий ахборот воситаларини рағбатлантириш;

турли миллатлар ва элатларнинг тилларида нашр этиладиган оммавий ахборот воситалари ривожини қўллаб-қувватлаш, уларда ватанпарварлик, миллатлараро бағрикенглик мавзуларидаги, оилавий қадриятларни, миллат ва элатларнинг Ўзбекистонда яшаб ўтган ва истиқомат қилаётган, жаҳон цивилизациясини ривожлантиришга бебаҳо ҳисса қўшган атоқли намояндалари маънавий-маданий ва илмий меросини тарғиб қилувчи материалларни ёритиш амалиётини кенгайтириш;

миллатлараро муносабатларни янада ривожлантириш ва уйғунлаштиришга бағишланган илмий тадқиқотларни амалга ошириш, ушбу соҳадаги ютуқларни кенг жамоатчиликка етказишни ташкиллаштириш;

миллатлараро муносабатлар соҳасидаги давлат органлари мутахассисларини, шунингдек, фуқаролик жамияти институтлари ходимларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини ташкил этиш;

б) миллатлараро муносабатлар ва чет мамлакатлар билан дўстона алоқаларни янада ривожлантириш, республикамизда яшаб турган турли миллат ва элат вакилларининг тили, маданияти, анъаналари ва урф-одатларини сақлаш ва ривожлантириш соҳасида Ўзбекистон Республикасининг давлат сиёсатини самарали амалга ошириш учун қўшимча ижтимоий-иқтисодий шарт-шароитлар яратиш соҳасида:

фуқароларнинг миллий мансублиги ва она тилидан қатъи назар уларнинг барчаси учун мамлакатнинг ижтимоий, сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳаётида тенг ҳуқуқли иштирок этишлари учун тенг шароитларни таъминлаш принципини амалга оширишга кўмаклашиш;

фуқароларнинг миллий мансублигидан қатъи назар уларнинг барчаси учун меҳнат қилиш, касбни ва иш жойини эркин танлашда тенг ҳуқуқларни таъминлаш чораларини амалга ошириш;

вилоятлар, туманлар ва шаҳарларнинг комплекс ва мутаносиб равишда ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлаш, ижтимоий адолат ва фуқароларнинг тенг ҳуқуқлилиги принципларини амалга ошириш бўйича зарур шарт-шароитларни таъминлаш учун уларнинг салоҳиятидан оқилона ва самарали фойдаланиш;

жойларда қулай ишбилармонлик ва инвестиция муҳитини шакллантириш, айниқса, қишлоқ жойларда ва бориш қийин бўлган олис туманларда, турли миллат ва элат вакиллари зич яшайдиган жойларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, касаначилик ва ҳунармандчилик ривожини қўллаб-қувватлаш;

Ўзбекистоннинг ягона иқтисодий, ахборот ва маданий-таълим маконини ривожлантириш мақсадида давлат коммуникация ва ахборот тизимларини янада такомиллаштириш;

фуқаролар учун она тилида таълим олиш, шунингдек, ижтимоий хизматларнинг бошқа турларидан фойдаланиш имкониятини таъминлаш;

в) жамиятда кўп миллатли катта оила ҳис-туйғусини, республикамизда яшаётган турли миллат ва элат вакиллари ўртасида дўстлик ва тотувликни янада мустаҳкамлаш, ёш авлодни Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялаш, фуқароларнинг тенг ҳуқуқлилигини таъминлаш, уларнинг Конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлари камситилишига йўл қўймаслик соҳасида:

республикамизда яшовчи миллат ва элатларнинг тарихий меросини, миллий маданий қадриятларига иззат-ҳурмат муҳитини сақлаш, миллатлараро тотувликни янада мустаҳкамлаш;

ишга қабул қилишда, кадрлар захирасини шакллантиришда фуқароларнинг тенг ҳуқуқлилиги принципи амалга оширилишини таъминлаш;

жамиятда миллатлараро муомала маданиятини, бағрикенгликни, фуқароларнинг шаъни ва миллий кадр-қимматини ҳурмат қилишни шакллантириш мақсадида педагог кадрлар таълими, уларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш, ўқув адабиётлари ва таълим дастурларини такомиллаштириш;

аҳоли, айниқса ёшларни фуқаролик масъулиятини ҳис этиш, ватанпарварлик ва она-Ватанга меҳр-муҳаббат, кўп миллатли Ўзбекистон халқининг тарихий ўтмиши ва анъаналарига ҳурмат руҳида тарбиялаш;

Ўзбекистондаги миллат ва элатларнинг тилларини сақлаш ва ривожлантириш, давлат тили сифатида ўзбек тилини ўрганиш учун шарт-шароитлар яратиш;

миллатлараро муносабатлар соҳасидаги салбий тенденциялар, таҳдидлар, зиддиятлар ва можароларнинг барвақт олдини олиш, профилактика қилиш ва бартараф этиш, уларнинг сиёсий тус олишига йўл қўймаслик юзасидан давлат даражасида чора-тадбирлар ишлаб чиқиш;

миллатлараро муносабатлар маданиятини ошириш, жамиятда экстремизм ва турмушдаги миллатчиликнинг ҳар қандай шакл ва кўринишига нисбатан тоқатсиз муносабатни шакллантириш, бошқа этник гуруҳларнинг миллий қадриятларига беписандлик билан муносабатда бўлиш ҳолатларига барҳам бериш;

мамлакатда ҳукм сураётган миллатлараро тотувликни бузишга ва миллатлараро адоватни авж олдиришга қаратилган ташқи бузғунчи ахборот-мафкуравий таъсирга самарали қарши курашиш соҳасида давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтлари билан доимий асосда ўзаро ҳамкорлик қилиш;

миллатлараро тоқатсизлик ёки болалар ва ёшлар орасида душманлик кўринишлари профилактикаси бўйича тадбирларни ўтказишга фуқаролик жамияти институтларини, шу жумладан болалар ва ёшлар жамоат ташкилотларини жалб этиш;

Ўзбекистонда яшовчи миллат ва элатларнинг тили, маданияти ва анъаналарини сақлаб қолиш ҳамда ривожлантириш бўйича фаолият жараёнларига ёш авлод вакилларининг жалб этилишини кенгайтириш чораларини кўриш;

оммавий ахборот воситаларида миллатлараро нафрат ёки душманликни авж олдиришга қаратилган материаллар ёритилишига йўл қўймаслик, шунингдек, миллатлараро муносабатларни ёритиш масалаларида умуминсоний ва профессионал этика нормаларига риоя этиш мақсадида жамоатчилик назоратини амалга ошириш;

г) миллатлараро муносабатларни мустаҳкамлаш, мамлакат ҳудудида ва ундан ташқарида фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида халқаро ҳамкорликни ва чет мамлакатлар билан дўстона алоқаларни ривожлантириш, ватандошларни қўллаб-қувватлаш ва хориждаги ўзбек диаспоралари билан яқин ҳамкорлик қилиш,

Ўзбекистоннинг жаҳон майдонидаги обрў-эътибори ва имижини ошириш соҳасида:

«халқ дипломатияси» механизмларидан фойдаланиш орқали хорижий мамлакатларнинг фуқаролик жамиятлари билан ҳамкорликни ривожлантириш ва дўстликни мустаҳкамлаш;

бузғунчи миллатчиликдан келиб чиқаётган таҳдид ва хавф-хатарларни борасида умумий тушунчаларни ишлаб чиқиш, унинг кўринишларига қарши курашиш йўллариини излаш ва биргаликдаги чора-тадбирларни амалга ошириш, миллат ва элатларнинг миллий-маданий эҳтиёжларини қондириш, миллатлараро тотувлик ва миллатлараро бағрикенгликни мустаҳкамлаш мақсадида халқаро ташкилотлар билан муносабатларни йўлга қўйиш ва мустаҳкамлаш;

хорижий мамлакатларнинг мамлакатимизда фаолият юритаётган ташкилотлари ва дипломатик ваколатхоналари билан «халқ дипломатияси» асосида алоқа ўрнатиш ва уни изчил ривожлантириш;

фуқароларнинг мақбул этномаданий талаб-эҳтиёжлари қондирилишини кафолатлайдиган демократик давлат сифатида Ўзбекистон Республикасининг хориждаги обрў-эътибори ва имижини ошириш ҳамда мустаҳкамлашга қаратилган аниқ чора-тадбирларни кўриш;

чет элларда ўзбек тили ва адабиётини ўрганишга кўмаклашиш;

Ўзбекистондаги миллат ва элатларнинг маданий ва тарихий мероси, ҳозирги замон цивилизацияси учун унинг роли ва аҳамияти оммалаштирилишини таъминлаш;

мониторинг, таҳлил ва прогнозлаштириш воситасида Ўзбекистондаги миллатлараро муносабатлар ҳолатига таъсир ўтказиши мумкин бўлган халқаро муносабатлардаги салбий тенденцияларни аниқлаш;

Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари асосида Ўзбекистон фуқаролари ва хорижда яшовчи ватандошларимизнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш;

чет эллардаги ўзбек диаспораси билан яқин ҳамкорликни амалга ошириш;

минтақаларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, этномаданий алоқаларни йўлга қўйиш ва қўшни мамлакатларда истиқомат қилувчи оилалар ва қариндошларнинг эркин борди-

келдиси учун шарт-шароит яратиш мақсадида чегараолди ҳамкорлиги механизмларини қўллаш;

д) Ўзбекистон Республикасининг давлат ва жамиятни ривожлантиришдаги устувор мақсадларини, илғор хорижий тажрибани эътиборга олган ҳолда миллатлараро муносабатларнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш соҳасида:

мамлакат фуқароларининг ирқий, миллий ва диний мансублигидан қатъи назар уларнинг тенг ҳуқуқлилигини таъминлаш, инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, миллатлараро муносабатларда тоқатсизликнинг ҳар қандай шакл ва кўринишларининг олдини олиш ва уларга чек қўйиш мақсадида миллатлараро муносабатлар соҳасидаги қонунчиликни такомиллаштириш;

давлат бошқаруви тизимида, давлат аҳамиятига мойил норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилишда Ўзбекистондаги миллат ва элатларнинг манфаатлари ва миллий-маданий талаб-эҳтиёжлари ҳисобга олинishiга кўмаклашувчи ҳуқуқий шартларни таъминлаш;

давлат ва жамиятнинг яхлитлиги ва бирлигини мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ўзлигини англаши, Ўзбекистондаги миллат ва элатларни этник-маданий ривожлантириш, миллатлараро муносабатларни уйғунлаштириш, миллатлараро мулоқотни яхшилаш ва можароларнинг олдини олиш учун шарт-шароитлар яратиш билан боғлиқ қонунлар ҳамда бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни муҳокама қилиш, ишлаб чиқиш ва қабул қилишда иштирок этиш, халқаро шартномаларни тузиш;

миллатлараро зиддият ва можароларнинг олдини олиш ва уларга барҳам бериш соҳасида турли даражалардаги давлат органлари раҳбарлари ҳамда бошқа мансабдор шахсларининг ваколатлари ва жавобгарлигини аниқ белгилаш ва чегаралаш;

миллатлараро адоват, нафрат ёки душманликни авж олдириш йўли билан давлат хавфсизлигини издан чиқаришни мақсад қилиб олган бузғунчилик фаолияти профилактикаси ва унинг олдини олиш бўйича ҳуқуқий ва ахборот тусидаги чора-тадбирларни амалга ошириш.

5-боб. Миллий маданий марказларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш чора-тадбирлари

9. Ўзбекистонни ривожлантиришга ўз ҳиссасини қўшишга, унинг маданий, илмий, маънавий мероси ва замонавий ютуқларини

сақлаш ва оммалаштиришга кўмаклашишга интилаётган миллий маданий марказлар ўз фаолиятини амалга оширишида Ўзбекистон ҳар томонлама ёрдам кўрсатади.

Миллатлараро муносабатларни янада уйғунлаштиришни таъминлаш, мамлакатда миллатлараро тинчлик ва тотувликни қўллаб-қувватлаш, Ўзбекистонда яшаётган миллат ва элатларнинг маданияти, тили ва анъаналарини сақлаш бўйича чора-тадбирларга алоҳида эътибор қаратилади.

Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигига мувофиқ, ҳамкорлик кўламлари ва шаклларига қараб миллий маданий марказларга давлат томонидан қуйидаги қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш чоралари кўрсатилиши мумкин:

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида истиқомат қилаётган миллат ва элатларнинг тили, маданияти, урф-одатлари ва анъаналарини ўрганиш, шу жумладан бадиий, театр жамоалари ва клублари учун зарур ташкилий шарт-шароитларни яратиш;

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фондининг маблағлари ҳисобидан давлат грантлари ва ижтимоий буюртмалар тақдим этиш;

миллий маданий марказлар негизида ёшлар бўлинмаларини ташкил этишга кўмаклашиш;

Ўзбекистоннинг ривожига салмоқли ҳисса қўшган миллий маданий марказлар фаолларини давлат мукофотлари билан тақдирлаш ва уларга фахрий унвонлар бериш;

давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришнинг бошқа чоралари.

6-боб. Яқунловчи қоидалар

10. Қонунчиликка мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг миллатлараро муносабатлар соҳасидаги давлат сиёсатини амалга ошириш ва унинг натижалари, миллий мансублигидан қатъи назар фуқароларнинг тенг ҳуқуқчилиги кафолатларини, шунингдек, миллатлараро адоватни авж олдириш билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларга қарши курашиш ишларини олиб боришни таъминлаш юзасидан жавобгар бўлган асосий субъектлар этиб қуйидаги давлат органлари белгиланган:

а) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар

билан дўстлик алоқалари кўмитаси, мазкур кўмита давлат бошқаруви органи бўлиб, Ўзбекистон Республикасининг миллатлараро муносабатларни ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқаларини мустаҳкамлашга қаратилган ягона давлат сиёсати юритилишини таъминлайди, унинг зиммасига:

мамлакат ва жамиятда миллатлараро тотувлик ҳамда бағрикенгликни таъминлаш соҳасида Ўзбекистон Республикаси давлат сиёсатини изчил амалга ошириш;

миллатлараро муносабатлар мониторингининг давлат тизимини яратиш, дўстлик муҳитини ва ягона кўп миллатли катта оила туйғусини мустаҳкамлаш, ёшларни миллий ва умуминсоний кадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш;

давлат органларининг республика ҳудудида жойлашган миллий маданий марказлар ва дўстлик жамиятлари билан баҳамжиҳат ҳаракати ва ҳамкорлиги мувофиқлаштирилишини таъминлаш;

республикада истиқомат қилаётган турли миллат ва элатлар вакилларининг ўзига хос миллий анъаналари, урф-одатлари ва маросимларини сақлаб қолиш ва ривожлантиришга кўмаклашиш;

миллатлараро муносабатларни ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқаларини янада ривожлантириш ва уйғунлаштиришга қаратилган илмий-тадқиқот ишларини ташкил этишга кўмаклашиш ва уларни ўтказишда бевосита иштирок этиш вазибалари юкланган;

б) хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқаларини ўрнатиш ва ривожлантиришда дўстлик жамиятларига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари кўмитасига кўмаклашувчи Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги;

в) миллий маданий марказларни ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик жамиятларини давлат рўйхатидан ўтказувчи Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги;

г) тегишли ҳудудларда миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари соҳасидаги ишларни мувофиқлаштирувчи Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари;

д) миллатлараро адоватни авж олдириш билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва уларга қарши курашишни амалга оширувчи ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари.

11. Ўзбекистон Республикасининг миллатлараро муносабатлар соҳасидаги давлат сиёсатини самарали амалга ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотлар билан халқаро шартномалар ва бошқа халқаро ҳужжатларни тузади, Ўзбекистоннинг давлат органлари ва нодавлат ноижорат ташкилотлари билан хорижий мамлакатларнинг турдош ташкилотлари ва фуқаролик жамиятлари институтлари ўртасидаги кўп томонлама алоқалар ва алмашинувлар ривожланишини рағбатлантиради ва қўллаб-қувватлайди.

12. Концепцияни самарали амалга ошириш жамиятда дўстлик, ҳамжиҳатлик ва жипслик муҳитини янги даражага кўтариш имконини беради ва қуйидагиларга кўмаклашади:

мамлакатимизда яшаб турган барча миллат ва элатларнинг маданий ва миллий ўзига хосликларини сақлаб қолиш асосида кўп миллатли Ўзбекистон Республикаси халқининг бирлиги ҳис-туйғусини мустаҳкамлаш;

жамиятда вужудга келиши мумкин бўлган миллатлараро келишмовчилик ва можароларнинг барвақт олдини олиш ва уларни профилактика қилиш учун миллатлараро муносабатлар соҳасида таъсирчан мониторинг механизмларини шакллантириш, миллатчиликнинг ҳар қандай кўринишларига йўл қўймаслик;

миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари соҳасида ҳудудий дастурларни амалга ошириш;

Ўзбекистонда яшаб турган барча миллат ва элатларнинг миллий-маданий ўзига хослигини сақлаб қолиш ва ҳозирги шароитда эркин ривожланиши учун шарт-шароитларни такомиллаштириш.

МУНДАРИЖА

| | |
|---|-----|
| Муқаддима..... | 3 |
| Миллат ва унинг жамият этник таркибидаги ўрни..... | 5 |
| Янги Ўзбекистон шароитида миллий онг ва миллий ўзликни англашнинг янада ривожланиши..... | 13 |
| Миллий маданиятнинг тикланиши ва миллатлараро муносабатлар тараққиётидаги ўрни..... | 25 |
| Миллий манфаатлар ва миллий муносабатлар такомиллашувининг диалектикаси..... | 39 |
| Миллатлараро муносабатлар мустаҳкамлашда миллий ғоянинг роли..... | 52 |
| Янги Ўзбекистон ёшларини тарбиялашда миллий кадриятларнинг ўрни..... | 76 |
| Янги Ўзбекистонда миллатлараро муносабатларни мустаҳкамлашда фуқаролик жамияти институтларининг роли..... | 98 |
| Миллатлараро муносабатлар соҳасидаги зиддиятлар ва уларни бартараф этиш йўллари..... | 115 |
| Миллатлараро ҳамдўстлик, диний бағрикенглик ва тотувликни таъминлашнинг миллатлараро муносабатларни уйғунлаштиришдаги аҳамияти..... | 128 |
| Хотима..... | 158 |
| Иловалар..... | 161 |

Масъул муҳаррир

М.Раззоқова

Муҳаррир:

Н.Тешаева

Техник муҳаррир:

С.Шодмонов

Теришга 01.08.2022 йилда топширилди.

Босишга 10.08.2022 йилда рухсат этилди.

Бичими 60x84 1/16. Офсет босма. TimesNewRoman

гарнитураси. Шартли 16,0 б.т. Нашр 15,2 б.т.

Адади 100 нусха. Буюртма № 70.

MUHR PRESS" МЧЖ босмахонасида босилди.

Манзил: Тошкент шаҳри, Янги Ҳаёт тумани,

Дўстлик-1, 3 дом 20 кв.

Тел: 90-950-65-58